

**Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий**

# Шамоиلى муҳаммадия

(Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг ташқи кўринишлари, гўзал хулқлари,  
юксак фазилатлари ҳақида)

1

Таржима ва шарҳ муаллифи: **Зиёвуддин Раҳим**

## **БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ! ТАРЖИМА ВА ШАРҲ МУАЛЛИФИ МУҚАДДИМАСИ**

Инсонни энг гўзал суратда яратган, уни имон неъматини билан сийлаган, гўзал хулқлар билан шарафлаган Аллоҳ таолога беҳисоб ҳамду санолар айтамыз!

Муборак ҳаётининг ҳар лаҳзаси башарият учун ўрнак, хулқи Қуръон, оламларга раҳмат этиб юборилган Пайғамбар Муҳаммад Мустафога, у зот оила аъзоларига, саҳобаи киромларига салаватлар, саломлар йўллаймиз!

Маълумки, Аллоҳ таоло Ҳазрат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳақ дин билан мўминларга раҳнамо этиб юборди, у зотни чиройли хулқлар, олий фазилатлар билан зийнатлади. Дунё ва охираат саодатига бошлайдиган энг тўғри йўл Расули акрам йўллариدير. Энг чиройли одоб у зот алайҳиссалом одоблариدير. Шунинг учун Аллоҳ таоло Расулуллоҳга эргашишни, у зотни ҳурматлашни мўминлар зиммасига юклаган. Аллоҳ розилигига эришмоқчи бўлган киши Расулуллоҳ йўлларида юради. Жаннатга кириш учун ҳам у зот суннатларига амал қилинади. Суннати мутахҳарага эргашиш учун сийратни, жумладан, Саййидул башар шамоилларини ўрганиш лозим. Бу илмнинг фазилати улуғ, аҳамияти катта. Шунинг учун ўтмишда шамоил бобида жуда кўп китоблар ёзилган. Ҳозир ҳам турли услубларда янгидан-янги китоблар ёзилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим: Буюк муҳаддис Абу Исо Термизий раҳматуллоҳи алайҳнинг “Шамоили муҳаммадия” китоби ўз бобида тенгсиз манбади. Бу муборак китоб 56 боб, 415 ҳадисдан иборат. Унда башариятнинг энг афзал вакили, анбиёлар саййиди Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг улуғ хислатлари, юксак хулқлари, гўзал муомалалари ҳақидаги ривоятлар жамланган. Боблар ўта нозик дид билан тартибланган, ҳадислар кетма-кетлиги ҳам таҳсинга сазовор. Муаллиф баён қилишда ўрта йўлни танлаган: китоб одамни зериктириб юборадиган даражада жуда узун ҳам, маъно англашилмай қоладиган даражада ўта қисқа ҳам эмас.

Ўрни келганида имом Термизийнинг “Шамоил”ига шарҳ ёзилишига нима туртки бўлгани ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтсам. Камина ходимингиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг гўзал хулқ-атворлари ҳақида бир китоб ёзишни бошлаган эди. Манбалар тўпланиб, боблар тартибга солиниб, ишнинг маълум қисми бажарилгач, аввал бу мавзудаги бирон китобни шарҳлаш нияти туғилди. Чунки, ёзилажак китобнинг кўлами катта, қамрови кенг эди. Уни кўнгилдагидек ёзиб тугаллашга кўп вақт, бу мавзудаги чуқур илм, етарли малака талаб этиларди. Шунинг учун шамоил ҳақида ёзилган энг сара китоблардан бири, ватандошимиз Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг “Шамоили муҳаммадия” китоби танланди. Зеро, унинг ҳажми нисбатан кичик бўлса-да, ўзида кўп фойдаларни жамлаган. Мўмин банда Расули акрам алайҳиссалом ташқи кўринишлари, олий фазилатлари ҳақида билиши керак маълумотлар мана шу китобда бор. Уни қунт билан ўқиган инсон Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга хос гўзал сифатларни ўрганади. Бу билан унинг имони мустаҳкамланади, Расулуллоҳга ҳурмат-эътибори, муҳаббати ортади.

Имом Термизийнинг “Шамоили муҳаммадия” китоби ўзининг ажойиб услуби билан кенг китобхонлар эътиборига тушган, мағрибу машриқда катта шуҳрат қозонган. Шунинг учун бўлса керак, “Шамоил”га жуда кўп шарҳлар битилган, шарҳларга ҳошиялар ёзилган. Баъзилар китобни мухтасар ҳолга келтирган. Бу борада жуда кўп уламолар, жумладан, Мулла Али Қори, Аҳмад ибн Муҳаммад Ҳайтабий, Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий, Абдурауф ибн Али Муновий раҳматуллоҳи алайҳим меҳнати сингган.

“Шамоили муҳаммадия” китобининг ўқувчиларга тақдим этилиши ҳақида тўхталадиган бўлсак, мазкур китоб аввал туркий тилга, кейинроқ замонавий ўзбек тилига ўгирилган<sup>1</sup>. Лекин китоб мазмунини кенгроқ тушуниш учун унга изоҳ кераклиги маълум. Ўқувчилар талаб ва таклифларини ҳисобга олиб,

---

<sup>1</sup> Имом Термизийнинг “Шамоили муҳаммадия” китоби ўқувчиларга асосан Саййид Маҳмуд Тарозий – Олтинхон Тўра раҳматуллоҳи алайҳнинг туркий таржимаси орқали танилган, десак муболаға бўлмайди. У кишининг таржимаси ўтган асрнинг 90-йилларида Масъудали Ҳакимжон томонидан таъдил қилинган (яъни, араб алифбосидан крил ҳарфига ўгирилган). Кейинроқ, Мирзо Кенжабек томонидан айнан Олтинхон Тўра таржимаси асосида китоб ўзига хос услубда нашр этилган. Ундан ташқари, Термизийнинг “Шамоил” китоби Убайдулла Уватов томонидан ҳам ўзбек тилига ўгирилган. Эътибор берилса, мазкур таржимада ҳам Олтинхон Тўра услуби яққол сезилиб туради. Аллоҳ таоло исмлари зикр этилган инсонларни хизматларига яраша ажр-мукофотлар билан тақдирласин!

Буюк Аллоҳнинг Ўзидан мадад сўраган ҳолда улуғ Пайғамбарнинг ташқи кўринишлари, феъл-атворлари ҳақидаги беназир китобга ожизона шарҳ битишга киришилди.

Аллоҳ таоло қодир қилганича, имконим етганича ҳадислар маъносини очиб беришга ҳаракат қилдим. У Зот хато-камчиликларимни кенг раҳмати билан кечириб, солиҳ амаллар қаторида ҳусни қабул этсин, манфаатини қиёматгача бардавом айласин, ҳосил бўлган ажр-савоблардан, аввало, китоб муаллифи имом Термизийни, қолаверса, мухтарам устозларимни, меҳрибон ота-онамни, барча яқинларимни баҳраманд қилсин!

## ШАМОИЛНИ ЎРГАНИШ АҲАМИЯТИ

“Шамойл” арабча “шамила” сўзининг кўплиги бўлиб, “фазилат”, “табиат”, “хулқ-атвор” маъноларини англатади.

Шамойл икки хил хусусиятни ўз ичига олади: 1. Ташқи сурат. 2. Ички сурат.

Ташқи суратга тана ранги, бўйнинг баланд-пастлиги, соч ҳолати, юриш-туриш, аъзолар катта-кичиклиги ва шу кабилар киради.

Ички сурат эса феъл-атвор: мулойимлик, сабр-тоқат, авф, ҳаё, меҳрибонлик ва ҳоказолардир.

Шамойлнинг аҳамияти шундаки, киши унда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сифатларини кўради, у зотнинг Аллоҳ билан муносабатлари, оила аъзолари, саҳобалари билан муомалалари қандай бўлганини билади, махфий ва ошқора ҳолатларидан, фаровон ва қийин дамлардаги аҳволларидан воқиф бўлади.

Шамойлни ўқиган киши Набий алайҳиссалом уйқудан қандай турганларини, кулги ва йиғиларини, юришларини, кундузги ва тунги ибодатларини, қандай таом еб, ичимлик ичишларини билади. Суннатга амал қилиш, Ислоом динининг туб моҳиятини англаш истагидаги ҳар бир мўмин банда шамойлни ўрганиши зарур. Чунки Расули ақрам Ислоом дини йўл-йўриқларини муборак ҳаётларида мукамал кўрсатиб, ўрнатганлар. Комил мўмин, етук раҳнамо, масъулиятли ва меҳрибон оила бошлиғи қандай бўлишини ўргатганлар.

Бугун кўпчилик, айниқса, ёш йигит-қизлар ўзга миллатларга кўр-кўрона тақлид қилишмоқда. Тақлид қилинаётган кимсалар эътиқоди, маслағи, турмуш тарзи бизга етти ёт бегона. Уларга эргашиш бизни саодат йўлига бошламайди, аксинча боши берк кўчага олиб киради. Одоб-ахлоқдаги таназзул, мезонлар бузилиши сабаби шунда бўлса ажаб эмас. Аслида ҳақиқий бахтга суннатга амал қилиш билан эришилади. Бизнинг ўз юлдузларимиз, ўрнатган олса арзийдиган раҳнамоларимиз бор. Ўзга миллатларга тақлид қилишга ҳожат йўқ. Ота-бобларимизнинг одоб-ахлоқда, инсонийликда эришган ютуқлари замирида суннати мутаҳҳара туради.

Суфён ибн Уяйна раҳматуллоҳи алайҳ шундай деган: “Ҳақиқатан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам энг катта мезондирлар. Ҳамма нарса у зотнинг хулқларига, сийратларига, йўлларига қиёсланади. Агар (бирон иш, ҳолат ёки фикр у зот суннатларига) мувофиқ бўлса, ҳақдир. Борди-ю, зид келса, ботилдир<sup>2</sup>”.

Яъни, ҳар бир сўз, ҳар бир амал ва хулқ учун суннат ўлчов ҳисобланади. Уларнинг тўғри ёки нотўғрилиги суннат тарозисида тортилади. Кимнинг сўзи, хатти-ҳаракати, ўзини тутиши суннатга мувофиқ бўлса, у ҳақ йўлдадир. Кимники хилоф бўлса, унинг йўли нотўғри.

Маълумки, ҳар бир банда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг ҳақ пайғамбари эканига шак-шубҳасиз имон келтириши вожиб. Расулуллоҳни таниганимиз сари у зотга имонимиз мустаҳкамланади, муҳаббатимиз, ҳурматимиз ортади. Чунки банда маҳбубини кўп эсласа, кўз ўнгидан унинг тимсоли гавдаланади, гўзал сиймосини, мақталган хислатларини кўргандек бўлади. Натижада маҳбубига шавқи ошади. Ҳақиқатан, шамойл китобларини ўқиш қалбда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга муҳаббат уйғотади.

Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот ва салом айтишни мўминларга буюрган. Расули ақрамни яхши таниган инсоннинг салавоти у зотни танимайдиган одам салавотидан кескин фарқ қилади. Нега десангиз, Пайғамбаримиз алайҳиссаломни таниган киши у зотга тил учидан эмас, шавқу завқ билан салавот айтади, саломлар йўллайди.

<sup>2</sup> Хатиб Бағдодий. “Ал-Жомеъ ли-ахлоқир ровий ва одобис сомеъ” китоби муқаддимаси, (1/9).

Хуллас, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам муборак ҳаётларини, хулқ-атворлари, ташқи кўринишлари қандай бўлганини ўрганиш ҳар бир мўмин банда учун муҳимдир.

## **БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ! КИТОБ МУАЛЛИФИ МУҚАДДИМАСИ**

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ، الْحَمْدُ لِلّٰهِ وَسَلَامٌ عَلٰی عِبَادِهِ الَّذِیْنَ اصْطَفٰی. قَالَ الشَّيْخُ الْحَافِظُ أَبُو عِیْسَى مُحَمَّدُ بْنُ عِیْسَى بْنِ سَوْرَةَ التِّرْمِذِیُّ:

**“Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. У Зот танлаб олган бандаларига салом бўлсин! Шайх, ҳофиз Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра Термизий айтди...”**

**Шарҳ.** Муаллиф китобни бисмиллоҳ билан, Аллоҳга ҳамд айтиб, пайғамбарларга салом йўллаб бошлаган.

**“Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм”** Мехрибон, Раҳмли, яратган мавжудотларига турфа неъматлар берувчи Аллоҳ таолодан ёрдам сўраган ҳолда ушбу китобни ёзишни бошлайман, деган маънони билдиради.

Бисмиллоҳ билан бошланган солиҳ амал баракали, давомли бўлади. Бисмиллоҳ айtilган жойдан шайтонлар узоқлашади. Ким бирон эзгу ишга киришишдан олдин Аллоҳ номини тилга олса, У Зотдан мадад сўраса, Қодир Аллоҳ уни кўмаксиз қолдирмайди. Хусусан, муҳим вазифани бисмиллоҳ деб, яхши дуолар қилиб бошланса, Аллоҳ ўша иш натижасини хайрли, баракали қилади. Аллоҳдан ёрдам сўраб, пок ният-ла ишга киришган инсон кўзлаган мақсадига етади. Шунинг учун ўтмишда ўтган солиҳ аждодларимиз ҳар бир яхши амални, ҳатто ейиш-ичиш, кийиниш, уловга миниш каби кундалик ишларни бисмиллоҳ билан бошлаган. Уларнинг бахт-саодати, турли соҳаларда қўлга киритган улкан ютуқлари сабаби мусаффо эътиқодда, холис ниятда, десак, хато бўлмайди.

**“Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир”.**

Мақтовларнинг ҳамма тури Аллоҳга айтилади. У Зот бандалари тилидан мақталади. Ҳамду саного фақат У Зотнинг Ўзи муносибдир. Аллоҳ ҳомидлар ҳамд айтмасидан аввал ҳам мақталган. У азалдан абадгача мақтовга энг лойиқ Зотдир.

Муаллиф китобни бисмиллоҳ ва ҳамд билан бошлаган. Чунки, ҳадиси шарифда айтилишича, агар бирон муҳим иш бисмиллоҳ, ҳамду саносиз бошланса, унинг орти кесикдир. Яъни, ундай иш узоққа бормайди, баракаси бўлмайди.

**“У Зот танлаб олган бандаларига салом бўлсин!”**

“Танлаб олган бандалари”дан мурод пайғамбарлар алайҳимуссаломдир<sup>3</sup>.

Одатда, мухтарам Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам номлари тилга олинса, салавот ва салом айтилади. Бироқ, барча анбиёлар умумий тарзда зикр этилса, ёлғиз салом билан чекланиш мумкин. Қолаверса, бу ерда Қуръон лафзига таклидан фақат салом йўлланган.

**“Шайх, ҳофиз Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра Термизий айтди...”**

Имом Термизий ўзи ҳақида “шайх, ҳофиз” дейишидан мақсад мақтаниш эмас, одамларда ўзига нисбатан ишонч уйғотишдир<sup>4</sup>. Зеро, муаллифнинг ҳадис илмидаги мақоми, салоҳияти китоб нақадар мўътамад (– ишончли) эканини кўрсатади. Ўқувчи ҳадис нақл қилаётган муҳаддиснинг илмда, динда тутган ўрнини билса, китобдаги масалаларга эътиборлироқ бўлади, айtilган гапдан кўнгли тўлади, уни рози бўлиб қабул қилади.

Шайх мақоми – гарчи ёш бўлса-да – илми етук, тажрибаси кўп муҳаддисга нисбатан ишлатилади. Аслида “шайх” сўзи “кекса”, “қари” маъносини англатади. Бироқ, илмда маълум даражага кўтарилган, бир қанча шогирдлари бор инсон ҳам “шайх” дейилади.

Бу ерда “ҳофиз” деганда ҳадис ёдловчи кўзда тутилган.

<sup>3</sup> Қаранг: “Намл” сураси, 59-оят.

<sup>4</sup> “Бу иш имом Термизий шогирдлари томонидан қилинган бўлиши ҳам мумкин”, дейилган. Зеро, муҳаддис басмаладан кейин ўз исмини, кунясини, қайси юртдан эканини ёзиб қўйган. Кейин шайхидан эшитган ҳадисни келтирган.

Муҳаддислар истилоҳида 100.000 та ҳадисни матни ва санади билан тўлиқ ёдлаган киши “хофиз” дейилади. Масалан, имом Бухорий 100.000 саҳих, 200.000 ғайри саҳих ҳадисни ёд билган.

Ибн Шихоб Зухрий раҳматуллоҳи алайҳ айтади: “Ҳофиз қирқ йилда бир туғилади” (Ибн Абу Ҳотим ривояти).

Бу гап ўтмишда: мусулмонлар диёри муҳаддислар билан тўлиб-тошган даврда айtilган. Бизнинг замонда ҳадис илмида “хофиз” даражасига чиққанларни топиш амримаҳол<sup>5</sup>.

“Абу Исо” имом Термизийнинг куняси, “Муҳаммад” исми, “Исо” отасининг, “Савра” эса бобосининг исмидир.

Термиз – Балх дарёсининг шарқий томонидаги қадимий шаҳар. Имом Термизийнинг бобоси марвлик бўлган. Кейинроқ Термизга кўчиб ўтган.

Аллоҳ таолонинг муборак номи тилга олиниб, У Зотга муносиб ҳамд айтилиб, анбиёларга салом йўллангач, китобнинг асосий қисмига ўтилади.

## 1-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ ТАШҚИ КЎРИНИШЛАРИ<sup>6</sup> ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 15 та ҳадис бор: 1-15)

**Шарҳ.** Бу бобда Жаноб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қиёфалари: бўйлари, ранглари, сочлари, юришлари билан боғлиқ ривоятлар келтирилган.

“Имом Термизий нега аввал Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам хулқлари эмас, ташқи кўринишлари ҳақидаги ривоятларни келтирган?” деб савол берилса, жавоб қуйидагича: “Чунки, бир қарашда одамнинг ташқи кўринишини билиб олса бўлади. Унинг камолот сифатларини, одоб-ахлоқини билиш учун маълум вақт керак. Қолаверса, киши қиёфаси унинг ички оламидан дарак беради”.

Аллоҳ таоло Расули ақрам алайҳиссаломни энг гўзал хулқлар билан сийлаган. Шунингдек, у зотни чиройли кўриниш, гўзал сиймо билан афзал қилган. Ҳабибимизнинг суратлари ҳам, сийратлари ҳам комил эди.

۱ – أَخْبَرَنَا أَبُو رَجَاءٍ قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ، عَنْ مَالِكِ بْنِ أَنَسٍ، عَنْ رَبِيعَةَ بْنِ أَبِي عَبْدِ الرَّحْمَنِ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ سَمِعَهُ يَقُولُ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيْسَ بِالطَّوِيلِ الْبَائِنِ وَلَا بِالْقَصِيرِ وَلَا بِالْأَبْيَضِ الْأَمْهَقِ وَلَا بِالْأَدَمِ وَلَا بِالْجُعْدِ الْقَطَطِ وَلَا بِالسَّبْطِ، بَعَثَهُ اللَّهُ تَعَالَى عَلَى رَأْسِ أَرْبَعِينَ سَنَةً فَأَقَامَ بِمَكَّةَ عَشْرَ سِنِينَ وَبِالْمَدِينَةِ عَشْرَ سِنِينَ وَتَوَفَّاهُ اللَّهُ تَعَالَى عَلَى رَأْسِ سِتِّينَ سَنَةً وَلَيْسَ فِي رَأْسِهِ وَحِيتِهِ عَشْرُونَ شَعْرَةً بَيْضَاءَ.

1 – Анас ибн Молик<sup>7</sup> розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жуда новча ҳам, пакана ҳам, ўта оппоқ ҳам, буғдойранг ҳам эмас эдилар. (Сочлари) жуда жингалак ҳам, ўта силлиқ ҳам эмасди. Қирқ ёшга етганларида Аллоҳ таоло у зотни пайғамбар қилиб юборди. Кейин Маккада ўн йил, Мадинада ўн йил турдилар. Аллоҳ таоло у зотни олтмиш ёшлари аввалида вафот эттирди. Ўшанда соч-соқолларида йигирмата ҳам оқ тола йўқ эди<sup>8</sup>”.

<sup>5</sup> Қаранг: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий Шофееий. Ал-Мавоҳибул ладуния алаш шамоилил муҳаммадия. – Мадина: Дорул юср, 2015. – Б.17.

<sup>6</sup> Таржимада “ташки кўриниш” деб ифодаланган бирикма арабча матнда “халқ” сўзи билан берилган. Мазкур сўз “яратиш”, “ижод этиш”, “одамлар”, “халқ”, “жонивор”, “гавда”, “бўй-баст”, “қадду комат” каби маъноларни англатади.

Халқ инсоннинг зоҳирий, хулқ эса ботиний суратидир. Кишининг ташқи қиёфаси кўз билан кўрилади. Хулқи эса басират (– қалб) кўзи билан идрок этилади.

<sup>7</sup> Абу Исо Термизий “Шамоили муҳаммадия” китобида ровийлар силсиласини тўлиқ келтирган. Яъни, ўзидан то Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрган саҳобийгача бўлган ровийлар номини бирма-бир зикр қилган. Бу – муҳаддислар услуби. Биз мухтарам ўқувчиларга қулай бўлиши учун таржимада фақат сўнги ровийни (одатда, саҳоба ёки тобеин бўлади) келтиришни лозим топдик.

<sup>8</sup> 1 – санади саҳих.

**Шарҳ.** Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўрта бўйли эдилар. Бироқ бўйлари ўртачадан сал узунроқ эди. Кўрган одам у зотни новча деб таърифламайдиган даражада узунликда, мўътадил ҳолатда бўлган.

У зот алайҳиссалом ўта оқ ҳам, жуда буғдойранг ҳам бўлмаганлар. Балки қизил аралашган оқ рангли (нурли, чароғон юзли) инсон эдилар<sup>9</sup>.

Сочлари ўртача эди: африкаликларникидек жуда қўнғироқ, бир-бирининг ичига кирган ҳам, европаликларникига ўхшаб ўта силлиқ, текис ҳам эмасди.

Қирқ ёшга тўлганларида Аллоҳ таоло у зотга илк ваҳийни нозил қилди. Набий бўлганларидан кейин Маккада ўн уч йил турдилар. Эллик уч ёшларида Мадинага ҳижрат қилдилар.

Имом Термизийнинг “Шамоилю муҳаммадия” китобида “Маккада ўн йил турдилар”, дейилган. Бунинг боиси нима?

Бунга икки хил жавоб берилади:

1. Бу ерда ошкора даъват қилина бошланган давр кўзда тутилган. Зеро, пайғамбарликнинг аввалги уч йилида одамларни Исломга яширин тарзда чақирилган.

2. Ровий фақат ўнликни зикр қилган, каср сонни ташлаб кетган<sup>10</sup> (Яъни, “ўн уч” демасдан “ўн” деган. “Аллоҳ таоло у зотни олтмиш ёшлари аввалида вафот эттирди”, деганда ҳам каср сон ташлаб кетилган, деб қаралади).

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам илк ваҳийни қабул қилиб олгач, Макка шаҳрида ўн уч йил, Мадинада ўн йил яшадилар. Олтмиш уч ёшларида вафот этдилар. Ўшанда соч-соқолларида оқ тола жуда кам: йигирматага ҳам бормасди, тахминан ўн етти-ўн саккиз дона эди<sup>11</sup>. Яъни, у зотда кексалик аломати кўп ҳам зоҳир бўлмаган.

۲ — حَدَّثَنَا حُمَيْدُ بْنُ مَسْعَدَةَ الْبَصْرِيُّ، قَالَ: حَدَّثَنَا عَبْدُ الْوَهَّابِ الثَّقَفِيُّ، عَنْ حُمَيْدٍ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رُبْعَةً: لَيْسَ بِالطَّوِيلِ وَلَا بِالْقَصِيرِ، حَسَنَ الْجِسْمِ وَكَانَ شَعْرُهُ لَيْسَ بِجَعْدٍ وَلَا سَبْطٍ، أَسْمَرَ اللَّوْنِ، إِذَا مَشَى يَتَكَفَأُ.

2 – Яна Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мўътадил қоматли эдилар: (бўйлари) узун ҳам, калта ҳам эмасди. Таналари чиройли эди. Сочлари жингалак ҳам, силлиқ ҳам бўлмаган. У зот буғдойранг эдилар. Олдинга сал мойил бўлиб юрардилар<sup>12</sup>”.

**Шарҳ.** Юқоридаги ривоятдан билдик, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бўйлари ўртача, сочлари ўта жингалак ҳам, силлиқ ҳам эмас эди.

Аллоҳ таоло у зотга мўътадил қомат берганди. Муборак таналари кўркам, гавдалари келишган, аъзолари бир-бирига мутаносиб, ранглари чиройли эди.

Бу ерда Ҳабибимиз ранглари буғдойранг бўлгани айтилган. Аввалги ривоятда “ўта оппоқ ҳам, буғдойранг ҳам эмасди”, дейилганди. Буни қандай тушунамиз?

---

Бу ривоятни Бухорий (3547, 3548, 5900) ва Муслим (2347) “Саҳихайн”да, мусанниф (яъни, Термизий) “Сунан”да (3623), Аҳмад “Муснад”да (3/240), Молик “Муваত্তоъ”да (2/701), Ибн Ҳиббон “Саҳих”да (6387), Байҳақий “Ас-Сунанул кубро” (1/201, 229) ва “Далоилун нубувва”да (7/236) келтирган.

Эслатма: “Шамоилю муҳаммадия” китобидаги арабча матнларга Муҳаммад Аввома назорати остида чиққан Иброҳим ибн Муҳаммад Божурийнинг “Ал-Мавоҳибул ладунья” китоби асос қилиб олинди. Ривоятлар санади ҳақидаги маълумотлар Ибн Ҳажар Ҳайтабийнинг “Ашрафул васоил ила фаҳмиш шамоил”, Мулла Али Қорининг “Жамъул васоил фи шарҳиш шамоил”, Абдураззоқ Абдулмуҳсиннинг “Шарҳу шамоилин набий” ва бошқа манбаларга асосланган ҳолда берилди. Ривоятларнинг саҳиҳ ёки заифлигини аниқлашда фақат бир муҳаддис хулосасига суянилмади, балки бошқа уламолар қавллари ҳисобга олинди.

<sup>9</sup> Тана ранги оқ-қизил бўлиши бадан ва томирларда қоннинг равон айланишидан келиб чиқади.

<sup>10</sup> Қаранг: Абдураззоқ Абдулмуҳсин. Шарҳу шамоилин набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам. – Риёз, 1435 ҳ. – Б.21.

<sup>11</sup> Мулла Али Қори. Жамъул васоил фи шарҳиш шамоил /Муҳаммад ибн Риёз Аҳмад таҳқиқи остида. – Байрут.: Дорул кутубил илмия, 2017. – Ж.1. – Б.20.

<sup>12</sup> 2 – санади саҳиҳ.

Бу ривоятни Бухорий (3547) ва Муслим (2338) “Саҳихайн”да, Термизий “Сунан”да (1754, санади ва матни бу ердаги ривоятники билан бир хил), Аҳмад “Муснад”да (3/240), Байҳақий “Далоилун нубувва”да (7/204) келтирган.

Баъзи аҳли илмлар бу лафз собит (– мустаҳкам, ишончли) эмаслигини айтишган. Уларга кўра, “буғдойранг” ўрнига “ранги тиник/нур сочиб турувчи” бўлади.

Бошқа уламолар айтишича, ривоятдаги “буғдойранг”дан мурод бир оз қизил аралашган оқ рангдир. Чунки, араблар оқ-қизғиш танани “буғдойранг” (асмар) дейишади<sup>13</sup>.

Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам юришлари ҳам ўзига хос эди: худди қияликдан тушиб келаётгандек олдинга мойилроқ бўлиб, салобат билан юрардилар, катта-катта қадам ташлардилар. Бундай юриш бадан қувватидан дарак беради.

۳ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ قَالَ: حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ قَالَ: حَدَّثَنَا شُعْبَةُ، عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ قَالَ: سَمِعْتُ الْبَرَاءَ بْنَ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَقُولُ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلًا مَرْتُوعًا بَعِيدًا مَا بَيْنَ الْمَنَكِبَيْنِ، عَظِيمِ الْجُمَّةِ إِلَى شَحْمَةِ أُذُنَيْهِ، عَلَيْهِ حُلَّةٌ حَمْرَاءُ، مَا رَأَيْتُ شَيْئًا قَطُّ أَحْسَنَ مِنْهُ.

3 – Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бўйлари ўртача киши эдилар. Икки елкалари ораси кенг, сочлари кўп бўлиб, икки кулоқлари юмшоқ жойигача (етганди). Устларида қизил либос бор эди. Мен у зотдан гўзалроқ нарсани ҳечам кўрмаганман<sup>14</sup>”.

**Шарҳ.** Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бўйлари ўртача: калта ҳам, ҳаддан зиёд узун ҳам эмасди. Бу кўз билан чамалаб қилинган васфдир. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозим: у зот ўртачадан бир оз узунроқ бўлганлари ҳақида ривоятлар бор.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ўнг ва чап елкалари ораси кенг эди. Бундан чикди, кўкраклари ҳам кенг бўлган. Бу аслзодалик, куч-қувват, улуғлик аломатидир.

Ривоятда айтилишича, сочлари – икки кулоқлари юмшоқ ерига тушиб турадиган даражада – қалин ва кўп эди. У зотнинг сочлари турлича васф қилинган. Жумладан, кулоқларигача, кулоқлари ярмигача, кулоқлари юмшоқ жойигача, елкаларигача тушиб туриши ҳақида хабар берилган. Қози Иёз хулосасига кўра, саҳобалар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сочларини қачон, қандай ҳолатда кўрган бўлишса, шундайлигича васф қилишган. У зот сочларини ўстирган пайтларида елкаларигача тушиб турган. Қисқартирганларида кулоқларигача, кулоқлари ўртасигача ёки юмшоқ жойигача етган<sup>15</sup>.

“Баро ибн Озиб” номли машҳур саҳоба Расули ақрам соллаллоҳу алайҳи ва салламни қизил кийим-бош (– изор ва ридо) кийиб олганларида кўрган экан. Шу жойда: “Ҳадиси шарифларда қизил кийимдан қайтарилган бўлса-да, у зотнинг ўзлари қизил либос кийган эканлар. Бундан қандай тушунамиз?” деган савол туғилиши табиий. Бунга баъзи аҳли илмлар қуйидагича жавоб беришган: “Бу борадаги қайтариқ тўқ қизил либосга тегишли. Агар қип-қизил бўлмаса, унга оқ, қора ва шунга ўхшаш ранглар аралашган бўлса, ундай либосни кийимдан қайтарилмайди. Чунки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қизил кийим-бош кийганлар<sup>16</sup>”.

Айримлар қизил либосни “қизил чизиклари бор либос”, деб изоҳлашган. “У зот қизил кийимни бу ишдан қайтарилмасидан аввал кийган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас”, деганлар ҳам бор<sup>17</sup>.

Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳу: “Мен у зотдан гўзалроқ инсонни эмас, нарсани ҳечам кўрмаганман” дедикда. Бу билан умри мобайнида кўрган барча нарсалари ичида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан чиройлироғи йўқлигини ифодаланмоқда. Зеро, у зот яратилган барча нарсалардан, жумладан, ойдан ҳам, куёшдан ҳам гўзалроқ бўлганлар. Аллоҳ таоло Расули ақрам алайҳиссаломни комил қилиб яратган. У зотнинг ташқи кўринишлари кўркам, нурли, файзли бўлган.

<sup>13</sup> Абдураззоқ Абдулмуҳсин. Шарҳуш шамоил. – Б.22.

<sup>14</sup> 3 – санади саҳиҳ.

Бу ривоятни Бухорий (3551) ва Муслим (2337) “Саҳиҳайн”да, Абу Довуд (4072), Насоий (8/183), мусанниф (2811) ва Ибн Можа (3599) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (4/481) келтирган.

<sup>15</sup> Қаранг: Мулла Али Қори. Жамъул васоил. – Б.25.

<sup>16</sup> Қаранг: Абдураззоқ Абдулмуҳсин. Шарҳуш шамоил. – Б.24.

<sup>17</sup> Қаранг: Мулла Али Қори. Жамъул васоил. – Б.26.

٤ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ قَالَ: حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ قَالَ: حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ، عَنِ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: مَا رَأَيْتُ مِنْ ذِي لِمَّةٍ فِي حُلَّةٍ حَمْرَاءَ أَحْسَنَ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ، لَهُ شَعْرٌ يَضْرِبُ مَنْكَبَيْهِ، بَعِيدٌ مَا بَيْنَ الْمَنْكَبَيْنِ، لَمْ يَكُنْ بِالْقَصِيرِ وَلَا بِالطَّوِيلِ.

4 – Яна Баро ибн Озиб розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Мен Расулulloх соллалллоху алайҳи ва салламдан кўра чиройлироқ сочи қулоғининг юмшоқ жойидан (пастга) тушиб турадиган, қизил либосдаги одамни кўрмаганман. У зотнинг сочлари елкаларига етарди. Икки елкалари ораси кенг эди. (Бўйлари) калта ҳам, (жуда) узун ҳам эмасди<sup>18</sup>”.

**Шарҳ.** Бундан чиқди, Баро ибн Озиб розияллоху анху сочи кўплигидан қулоғининг юмшоқ жойидан пастга тушиб турадиган – елкасигача етадиган, қизил либос кийган кишилар ичида Расулulloх соллалллоху алайҳи ва салламдан кўркамоғини кўрмаган экан. У зотнинг икки елкалари кенг, бўйлари ўртачадан бир оз узунроқ эди.

٥ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ إِسْمَاعِيلَ، حَدَّثَنَا أَبُو نُعَيْمٍ، حَدَّثَنَا الْمَسْعُودِيُّ، عَنْ عُثْمَانَ بْنِ مُسْلِمٍ بْنِ هُرْمُزٍ، عَنْ نَافِعِ بْنِ جُبَيْرِ بْنِ مُطْعِمٍ، عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: لَمْ يَكُنِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالطَّوِيلِ وَلَا بِالْقَصِيرِ، شَشْنُ الْكَفَّيْنِ وَالْقَدَمَيْنِ، ضَخْمُ الرَّأْسِ، ضَخْمُ الْكَرَادَيْسِ، طَوِيلُ الْمَسْرُوبَةِ، إِذَا مَشَى تَكَفُّاً تَكَفُّوا كَأَنَّمَا يَنْحَطُّ مِنْ صَبَبٍ، لَمْ أَرْ قَبْلَهُ وَلَا بَعْدَهُ مِثْلَهُ. صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.

5 – Али ибн Абу Толиб розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Расулulloх соллалллоху алайҳи ва саллам новча ҳам, пакана ҳам эмасдилар. Икки кафтлари, икки қадамлари йўғон эди. Бошлари катта, аъзолари бўғими йирик эди. Кўкракларидан киндикларигача узун мўйлар бор эди. Юрганда худди баландликдан тушиб келаётгандек олдинга мойил бўлардилар. Мен Расулulloх соллалллоху алайҳи ва салламдан аввал ҳам, кейин ҳам у зотга ўхшашини кўрмадим<sup>19</sup>”.

**Шарҳ.** Ҳамма саҳобалар Расулulloх соллалллоху алайҳи ва саллам бўйлари бир хил васф қилишган. Яъни, ўта узун ҳам, калта ҳам эмас, ўртача эдилар, деб таърифлашган.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг қўл ва оёқ панжалари йўғон, гўштли эди. Бу, қўл-оёқлари дағал бўлганини билдирмайди. Чунки Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Расули акрамнинг кафтлари ипакдан ҳам майин эди. Демак, бир вақтнинг ўзида ҳам йўғон, бақувват, ҳам майин, юмшоқ бўлган.

Муборак бошлари ҳажми катта, икки суяклари қўшилган ери, яъни бўғимлари йирик эди<sup>20</sup> (Тананинг бундай тузилиши эркаклар учун мақтовга лойиқдир). Бундан у зотнинг қадду қоматлари нақадар кучли, пишиқ бўлганини билиб оламиз. Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллалллоху алайҳи ва салламга келишган, бақувват тана ато этганди.

Икки кўкраклари орасидан киндикларигача узун, ингичка туклар ўсганди.

Пиёда юрганда худди тепаликдан тушиб келаётгандек ёки денгизда сузиб кетаётган кемага ўхшаб олдинга сал мойил бўлиб, викор билан юрардилар.

Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг “Мен Расулulloх соллалллоху алайҳи ва салламдан аввал ҳам, кейин ҳам у зотга ўхшашини кўрмадим” деган гапи Хотамул анбиё алайҳиссаломнинг шакл-шамоиллари комиллиги, кўринишлари гўзаллиги, қиёфалари кўркамлигини англатади.

<sup>18</sup> 4 – санади саҳиҳ.

Бу ривоятни Муслим “Саҳиҳ”да (2337), Абу Довуд (4183), Насой (8/183) ва мусанниф (1724, санади ва матни бир хил) “Сунан”да келтиришган.

<sup>19</sup> 5 – санади ҳасан, матни саҳиҳ.

Бу ривоятни мусанниф – Абу Исо Термизий “Сунан”да (3637) келтирган.

<sup>20</sup> Бошнинг катталиги мия қуввати комиллигидандир. Шунингдек, бу аслзодалик (– насли тозалик) белгиси саналади.

Икки суяк қўшилган жойнинг катталиги ботиний қувват етуклигини кўрсатади (Манба: Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуния. – Б.40.).



٦ - حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ وَكَيْعٍ، حَدَّثَنَا أَبِي، عَنِ الْمَسْعُودِيِّ، بِهَذَا الْإِسْنَادِ نَحْوَهُ بِمَعْنَاهُ.

6 – *Бизга Суфён ибн Вакиъ ҳадис айтди. Бизга отам Масъудийдан мана шу санад билан ўша маънода ҳадис айтди*<sup>21</sup>.

**Шарҳ.** Бу ердаги “санад”дан мурод ровийлар силсаласининг давомидир. Яъни, бундан аввалги ҳадис санадида Масъудий зикр қилинганди. Бу ривоятда ҳам Масъудийдан кейинги ровийлар силсиласи бир хил (Масъудий – Усмон ибн Муслим ибн Хурмуз – Нофеъ ибн Жубайр ибн Мутъим – Али ибн Абу Толиб).

6-ривоят маъноси аввалгисига яқин бўлгани учун мусанниф Абу Исо Термизий раҳматуллоҳи алайҳ бу ҳақида мухтасар маълумот берган, ҳадиснинг ўзини келтирмаган.

٧ - حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ الضَّبِّيُّ البَصْرِيُّ وَعَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ وَأَبُو جَعْفَرٍ مُحَمَّدُ بْنُ الْحُسَيْنِ - وَهُوَ ابْنُ أَبِي حَلِيمَةَ وَالْمَعْنَى وَاحِدٌ، قَالُوا: حَدَّثَنَا عَيْسَى بْنُ يُونُسَ، عَنْ عُمَرَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ مَوْلَى عُفْرَةَ قَالَ: حَدَّثَنِي إِبْرَاهِيمُ بْنُ مُحَمَّدٍ - مِنْ وَلَدِ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ - قَالَ: كَانَ عَلِيُّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ إِذَا وَصَفَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَمْ يَكُنْ رَسُولَ اللَّهِ بِالطَّوِيلِ الْمُمَغِطِ وَلَا بِالْقَصِيرِ الْمُتَرَدِّدِ وَكَانَ رُبْعَةً مِنَ الْقَوْمِ وَلَمْ يَكُنْ بِالْجُعْدِ الْقَطِطِ وَلَا بِالسَّبِطِ، كَانَ جَعْدًا رَجُلًا وَلَمْ يَكُنْ بِالْمُطَهَّمِ وَلَا بِالْمُكَلَّثِمِ وَكَانَ فِي وَجْهِهِ تَدْوِيرٌ، أَبْيَضُ مُشْرَبٌ، أَدْعَجُ الْعَيْنَيْنِ، أَهْدَبُ الْأَشْفَارِ، جَلِيلُ الْمُشَاشِ وَالْكَتْدِ، أَجْرَدُ، ذُو مَسْرُوبَةٍ، شَتْنُ الْكَفَّيْنِ وَالْقَدَمَيْنِ، إِذَا مَشَى تَقَلَّعَ كَأَنَّمَا يَنْحَطُّ فِي صَبَبٍ وَإِذَا التَّفَتَ التَّفَتَ مَعًا، بَيْنَ كَتِفَيْهِ خَاتَمُ النَّبُوءَةِ وَهُوَ خَاتَمُ النَّبِيِّينَ، أَجُودُ النَّاسِ صَدْرًا وَأَصْدَقُ النَّاسِ لَهْجَةً وَأَلْيَنُهُمْ عَرِيكَةً وَأَكْرَمُهُمْ عَشْرَةً، مَنْ رَأَاهُ بِدَيْهَةٍ هَابَهُ وَمَنْ خَالَطَهُ مَعْرِفَةً أَحَبَّهُ، يَقُولُ نَاعِثُهُ: لَمْ أَرْ قَبْلَهُ وَلَا بَعْدَهُ مِثْلَهُ.

قال أبو عيسى: سمعت أبا جعفر محمد بن الحسين يقول: سمعت الأصبغ يقول في تفسير صفة النبي صلى الله عليه وسلم: الممغط: الداهب طولاً وقال: سمعت أعرابياً يقول في كلامه: تمغط في نشأته أي مدّها مدّاً شديداً والمتردّد: الداحل بعضه في بعض قصراً وأما القطط: فالشديد الجعودة والرجل الذي في شعره حجومته أي: تشن قليل وأما المتهتم فالبادن الكثير اللحم والمكثّم: المدور الوجه والمشرب: الذي في بياضه حمرة والأدعج: الشديد سواد العين والأهدب: الطويل الأشفار والكتد: مجتمع الكفتين وهو الكاهل والمسروب: هو الشعر الدقيق الذي كأنه قضيب من الصدر إلى السرة والشتن: الغليظ الأصابع من الكفتين والقدمين والتقلع: أن يمشي بقوة والصبب الحدور، يقال: انحدرنا في صبوب وصبب وقوله: جليل المشاش يريد رؤوس المناكب والعشرة: الصحبة والعشير: الصاحب. والبديهة: المفاجأة، يقال: بدتهته بأمر أي فجأته به.

7 – *Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу фарзандларидан бўлган Иброҳим ибн Муҳаммад*<sup>22</sup> *айтади: “Али розияллоҳу анҳу қачон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни васф қилса, шундай дерди: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бўйлари жуда узун ҳам, ўта қалта ҳам эмасди. Қавм ичида ўрта (бўйли) эдилар. Сочлари жуда жингалак ҳам, силлиқ ҳам эмасди, бир оз буралганди. У зот тўлачадан келган эмасдилар. Юзлари дум-думалоқ бўлмаган, балки бир оз*

<sup>21</sup> 6 – ривоят санади заиф, бироқ матни саҳих. Чунки, Суфён ибн Вакиъ заиф ровийдир. Шундай бўлса-да, унинг мутобаатлари бор.

<sup>22</sup> Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Ҳанафия Али розияллоҳу анҳунинг “Ҳанафия” номли чўрисидан туғилган фарзанди, аниқроғи, набирасидир. Ҳанафиянинг исми Хавла, отасиники Жаъфар, бобосиники эса Қайсдир. Айтилишича, у Бани Ҳанифа чўриларидан бўлган (Манба: Божурий. Ал-Мавоҳиб. – Б.44.).

юмалоқлик бор эди. (Ранглари қизил) аралашган оқ эди. Икки кўзлари тим қора, киприклари узун, бўғимлари катта, елкалари ораси кенг эди. Баданларида туклари кўп эмасди. Кўкракларидан киндикларигача туклар ўсганди. (У зотнинг) кафтлари ва қадамлари йўғон эди. Юрганда гўё баландликдан тушиб келаётгандек шахдам қадам ташлардилар. Агар (бирон тарафга) қарасалар, бутун (баданлари) билан қарардилар. Икки кураклари орасида нубувват мухри бор эди. У зот анбиёлар сўнггисидирлар. (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одамлар ичида энг бағрикенги, энг ростгўйи, табиати энг юмшоғи, муомаласи энг гўзали бўлганлар. Илк бор кўрган (одам) у зотдан хайиқарди. У зотга аралашиб, таниган (киши) яхши кўриб қоларди. У зотни васф қилувчи: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан аввал ҳам, кейин ҳам у зотга ўхшашини кўрмадим”, деб айтарди<sup>23</sup>...”.

**Шарҳ.** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак жисмлари семиз, ёғли, дармонсиз, сўлғин эмасди.

Юзлари дум-думалоқ бўлмаган, балки сал юмалоқ эди.

Ранглар ўта оппоқ эмас, қизил аралашган оқ эди. Юзлари нурли, чароғон бўлган.

Икки кўзлари қоп-қора – қорачиғлари тим қора, оқи эса оппоқ эди. Киприклари узун бўлган.

Таналарида тук кўп эмасди (яъни, кўп қисмини мўй қопламаган). Кўкракларидан киндикларигача узун, ингичка чизиқ тортилгандек туклар ўсган. Соқоллари қалин бўлган.

Юрганда забардаст инсонлардек шахдам қадам босиб юрардилар. Мадорсиз қадам ташламасдилар, балки оёқларини ердан куч билан узиб олардилар.

Агар орқага қарасалар, фақат бошларининг ўзини бурмасдан, бутун баданлари билан бурилиб қарардилар. Таналари олдинга қараб, бошлари орқага бўлиб қолмасди. Бу Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг улуғликларига, маҳобатларига мос эди. Лекин, ўнгга ёки чапга енгил қарашлари бошқача бўлган. Унда жисмлари билан тўлиқ бурилмаганлар.

Икки кураклари орасида нубувват мухри бор эди. У кабутар тухумидек келадиган бир бўлак гўшт бўлган. “Нубувват мухри” дейилишига сабаб ана шу мухр Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг пайғамбарликларидан дарак берувчи белги эди. Бу ҳақида келаси бобда сўз юритилади, иншааллоҳ!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хотамул анбиё – пайғамбарларнинг охириги вакили эдилар. У зотдан кейин бошқа пайғамбар келмаган ва келмайди. Саййидул мурсалин юборилишлари билан пайғамбарлик биносининг сўнгги ғишти ўрнига қўйилди, қурилиш якунига етди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларнинг энг очикқўнгили, меҳрибони, сахийси эдилар. Турфа табиатли одамлар билан ана шу кенг феъллари ила гўзал муносабатда бўлардилар.

У зот энг ростгўй инсон бўлганлар. Пайғамбарликдан олдин ҳам “содиқ”, “амин” (тўғрисўз, ишончли, омонатдор) сифатлари билан танилганлар. Ҳеч қачон ёлғон гапирмаганлар, омонатга хиёнат қилмаганлар, ваъдага хилоф иш тутмаганлар.

Табиатлари ўта мулойим, феъллари кенг эди. Ҳеч кимга кўполлик қилмасдилар, дағал муомалада бўлмасдилар, балки ҳилм ва хушфеълликнинг олий намунасини кўрсатардилар. Сўхбатлашиш, муомала, олди-берди борасида ҳам тенгсиз эдилар. Доим ҳаққа бўйсунардилар, Аллоҳ белгилаган чегаралар бузилишидан бошқа ўринларда хато қилганларни кечирар, бағрикенгликда ҳаммага ўрнатилган бўлардилар.

Бирон киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кутилмаганда ёки илк бор кўрса, илоҳий ҳайбатларидан, раббоний буюкликларидан кўрқувга тушарди. Зеро, Аллоҳ таоло инсонлар қалбида у зотдан кўрқув ҳисини пайдо қилган. Пайғамбаримиз алайҳиссалом билан бирга юрган, ўтириб ҳамсўхбат бўлган одам кўп ўтмай у зотни яхши кўриб қоларди. Чунки гўзал одоблари, чиройли муомалалари одамлар қалбида у зотга нисбатан илиқлик пайдо қиларди. Ширин муомала, мулойим феъл сабаб дилларда муҳаббат ниҳоллари униб чиқарди.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам сифатларини айтадиган, шаънларига мактов йўллайдиган одам тўқис васфдан ожизлиги учун: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан олдин ҳам, кейин ҳам

---

<sup>23</sup> 7 – санади заиф. Чунки у муттасил эмас, узилиб қолган. Иброҳим ибн Муҳаммад бобоси Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ҳадис эшитмаган. Мусанниф “Сунан”да ушбу ҳадисни келтиргач, “Санади муттасил эмас”, деб айтган.

Бу ривоятни Ибн Саъд “Табақот”да (1/315), Байҳақий “Далоилун нубувва”да (1/229, 270) нақл қилган.

у зотга ўхшаган сурати ва сийрати гўзал – чиройли қадду қоматли, келишган, хушхулқ, карамли инсонни ҳеч кўрмаганман”, деб айтарди<sup>24</sup>.

۸ – حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ وَكَيْعٍ قَالَ: حَدَّثَنَا جُمَيْعُ بْنُ عُمَيْرِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْعِجْلِيُّ إِمْلَاءً عَلَيْنَا مِنْ كِتَابِهِ قَالَ: حَدَّثَنِي رَجُلٌ مِنْ بَنِي تَمِيمٍ مِنْ وَلَدِ أَبِي هَالَةَ زَوْجِ خَدِيجَةَ يُكْنَى أَبَا عَبْدِ اللَّهِ، عَنِ ابْنِ أَبِي هَالَةَ، عَنِ الْحَسَنِ بْنِ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: سَأَلْتُ خَالِي هِنْدَ بْنَ أَبِي هَالَةَ - وَكَانَ وَصَافًا - عَنْ حَلِيَّةِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَنَا أَشْتَهِي أَنْ يَصِفَ لِي مِنْهَا شَيْئًا أَتَعَلَّقُ بِهِ فَقَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَخْمًا مُفْخَمًا، يَتَأَلَّأُ وَجْهَهُ تَأَلُّوُ الْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ، أَطْوَلَ مِنَ الْمَرْبُوعِ وَأَقْصَرَ مِنَ الْمُشَدَّبِ، عَظِيمِ الْهَامَةِ، رَجُلٍ الشَّعْرِ، إِنْ انْفَرَقَتْ عَقِيمَتُهُ فَرَقَهَا وَإِلَّا فَلَا، يُجَاوِزُ شَعْرَهُ شَحْمَةً أُذُنَيْهِ إِذَا هُوَ وَفَرُهُ، أَزْهَرَ اللَّوْنِ، وَاسِعَ الْجَبِينِ، أَرْجَحَ الْحَوَاجِبِ، سَوَابِعَ فِي غَيْرِ قَرْنٍ، بَيْنَهُمَا عِرْقٌ يُدْرُهُ الْغَضَبُ، أَقْنَى الْعَرْنَيْنِ، لَهُ نُورٌ يَعْلُوهُ، يَحْسَبُهُ مَنْ لَمْ يَتَأَمَّلْهُ أَشَمَّ، كَثَّ اللَّحْيَةِ، سَهَّلَ الْخُدَيْنِ، ضَلِيعَ الْفَمِ، مُفْلَجَ الْأَسْنَانِ، دَقِيقَ الْمَسْرُوتَةِ، كَانَ عُنُقَهُ جِيدٌ دُمِيَّةٌ فِي صَفَاءِ الْفِضَّةِ، مُعْتَدِلَ الْحَلْقِ، بَادِنٌ، مُتَمَاسِكٌ، سَوَاءُ الْبَطْنِ وَالصَّدْرِ، عَرِيضُ الصَّدْرِ، بَعِيدُ مَا بَيْنَ الْمَنْكِبَيْنِ، ضَخْمُ الْكَرَادَيْسِ، أَنْوَرُ الْمُتَحَرِّدِ، مَوْصُولٌ مَا بَيْنَ اللَّبَّةِ وَالسُّرَّةِ بِشَعْرٍ يَجْرِي كَالْحُطِّطِ، عَارِي الثَّدْيَيْنِ وَالْبَطْنِ مِمَّا سِوَى ذَلِكَ، أَشَعْرُ الدَّرَاعَيْنِ وَالْمَنْكِبَيْنِ وَأَعَالِي الصَّدْرِ، طَوِيلُ الرَّئْدَيْنِ، رَحْبُ الرَّاحَةِ، شَثُّ الْكَفَّيْنِ وَالْقَدَمَيْنِ، سَائِلُ الْأَطْرَافِ - أَوْ قَالَ: سَائِلُ الْأَطْرَافِ - مُخْصَانُ الْأَخْمَصَيْنِ، مَسِيحُ الْقَدَمَيْنِ، يَنْبُو عَنْهُمَا الْمَاءُ، إِذَا زَالَ زَالَ قَلْعًا، يَخْطُو تَكْفِيًا وَيَمْشِي هَوْنًا، ذَرِيْعُ الْمَشِيَّةِ، إِذَا مَشَى كَأَنَّهَا يَنْحَطُّ مِنْ صَبَبٍ وَإِذَا التَّفَتَ التَّفَتَ جَمِيعًا، خَافِضُ الطَّرْفِ، نَظْرُهُ إِلَى الْأَرْضِ أَطْوَلُ مِنْ نَظْرِهِ إِلَى السَّمَاءِ، جُلُّ نَظْرِهِ الْمَلاَحَظَةُ، يَسُوقُ أَصْحَابَهُ وَيَبْدُرُ مَنْ لَقِيَ بِالسَّلَامِ.

8 – *Ҳасан ибн Али розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Мен тоғам Хинд ибн Абу Ҳоладан – у вассоф эди – Набий соллаллоху алайҳи ва саллам безаклари (яъни, сифатлари) ҳақида сўрадим. У киши менга (бобомнинг кўринишларини) бир оз сифатлаб берса-ю, мен уни яхшилаб билиб олсам, дердим. (Тоғам Расулуллоҳни васф қилиб) “Набий соллаллоху алайҳи ва саллам ниҳоятда улуг ва улуг деб тан олинган эдилар. Юзлари ўн тўрт кунли ойдек порлаб турарди. Ўрта бўйли кишидан сал узунроқ, жуда новча одамдан қисқароқ эдилар. Бошлари катта, сочлари бир оз буралган эди. Агар сочлари (осонлик билан) очилса, фарқ очардилар. Акс ҳолда очмасдилар. Сочларини ўстирган пайтларида икки қулоқлари юмшоқ жойидан ҳам ўтарди. Ранглари қизилга мойил оқ, пешоналари кенг, қошлари ингичка, узун, ўсган, ораси туташмаган эди. (Икки қошлари) орасида бир томир бўлиб, ғазабланганларида бўртиб чиқарди. Бурунлари узун эди. Унда бир нур порлаб турарди. Яхшилаб разм солмаган одам у зотни дўнгбурун деб ўйларди. У зотнинг соқоллари қалин, ёноқлари текис, оғизлари катта, тишлари ораси очиқ бўлган. Кўкракларидан киндикларигача ингичка туклар ўсганди. Бўйинлари кумушдек тиниқ бўлиб, худди хайкалнинг бўйнига ўхшарди. У зотнинг жуссалари мўътадил, ўртача семизликда, гўштлари осилиб турмас эди. Қоринлари билан кўкраклари барабар бўлган. Кўксилари кенг, икки елкалари ораси узоқ, бўғимлари суяги катта, аъзолари тукдан холи ва нурли эди. Кўкраклари ўртаси билан киндиклари чизикдек тортилган мўй ила уланганди. Бундан ташқари икки сийналари ва қоринлари тукдан холи бўлган. Лекин, билаклари, елкалари ва кўкраклари юқори қисмида тук бор эди. Икки билаклари суяги узун, кафтлари кенг, қўл-оёқлари панжалари йўғон-гўштли эди. Қўл-оёқлари бармоғи мўътадил узунликда бўлган. Оёқ кафтларининг ерга тегмайдиган қисми очиқ-бўш эди. Икки қадамлари*

<sup>24</sup> Эслатма: Юқоридаги ривоятдан сўнг Абу Исо Термизий машхур тилшунос олим Асмаъийдан айрим нотаниш сўзлар маъносини нақл қилган. Биз бу ўринда уни келтиришни лозим топмадик. Чунки, арабча матнда берилиши кифоя қилади. Омма ўқувчилар эътиборини хос жиҳатларга қаратмаган маъқул.

силлиқ бўлганидан унда сув турмасди. Юрганда (оёқларини ердан) зарб билан узиб олардилар. Олдинга сал ташлаб қадам босар, охиста юрар, қадамни катта-катта ташлардилар. Гўё тепаликдан тушиб келаётгандек (салобат билан) юрардилар. Агар (бирон тарафга) қарасалар, бутун (таналари) билан бурилиб қарардилар. Кўзлари пастга қарарди. Осмондан кўра кўпроқ ерга боқардилар. Кўпинча кўз кири билан назар ташлардилар. Саҳобалари ортида юрар, бирон киши билан учрашиб қолсалар, биринчи бўлиб салом берардилар”, деди<sup>25</sup>”.

**Шарҳ.** Ҳинд ибн Абу Ҳола розияллоху анху Набий соллаллоху алайҳи ва саллам тарбияларида ўсганди. Онаси Хадижа бинти Хувайлид розияллоху анҳо Пайғамбаримиз алайҳиссалом завжалари бўлган<sup>26</sup>. Ҳинд Фотима розияллоху анҳонинг она бир акаларидир. Ҳасан ибн Али розияллоху анху уни “тоғам” дейишининг сабаби шунда.

Вассоф – бирон киши ёки нарсанинг сифатини беш қўлдай биладиган одам. Бу ерда Ҳинд ибн Абу Ҳола вассоф дейилишига сабаб шуки, у Расули акрамга хос хусусиятларни яхши билган.

Бу ривоятда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга хос сифатлар нима учун “безак” дейилапти?

Чунки, у зот алайҳиссаломнинг ташқи кўринишлари жуда кўркам, чиройли бўлган.

Ҳасан ибн Али тоғаси Ҳинд ибн Абу Ҳола розияллоху анҳумодан бобосига хос сифатларни сўраб-ўрганиб олишни истаган. Чунки ўзи Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламни кўрган бўлса-да, жуда кичик бўлган (Пайғамбаримиз вафот этганларида етти яшар бола эди). Бундан чикди, Набий соллаллоху алайҳи ва салламга хос сифатларни билиш эътиборга молик, шарафли илм ҳисобланади.

Ҳинд ибн Абу Ҳола розияллоху анху айтишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам жуда буюк эдилар. Одамлар кўзига ҳам улуғвор бўлиб кўринардилар. Жумладан, саҳобалар қалбида ўта буюк эдилар. Асҳоби киром дилида у зотга нисбатан чексиз ҳурмат-эҳтиром бор эди.

Муборак чеҳралари худди тўлин ойдек ёришиб турарди. Бу ерда одамлар зехнига яқинлаштириш учун Ҳабибимиз алайҳиссалом гўзалликда ойга ўхшатишмоқдалар. Аслида у зот ойдан ҳам, қуёшдан ҳам чиройли бўлганлар.

Ҳинд ибн Абу Ҳола нега биринчи юзни васф қилган?

Чунки, юз инсоннинг энг мукаррам аъзосидир. Қолаверса, бирон инсонга назар солинса, биринчи бўлиб юзига қаралади. Юз кишининг кимлигини кўрсатиб туради, ички оламидан – қисман бўлса ҳам – дарак беради.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бўйлари жуда баланд эмас, ўртачадан бир оз узунроқ, ҳаддан зиёд новчаликдан калтароқ эди.

Бошлари катта, сочлари бир оз қайрилганди. Агар фарқ очиб юриш имкони бўлса, ўнг ва чап томонга фарқ очардилар. Агар фарқ очиб бўлмаса, ўз холича қолдирардилар.

Мўмин-мусулмон киши фарқ очиши ёки сочини тушириб юриши мумкин. Лекин, фарқ очиш афзал. Чунки Набий соллаллоху алайҳи ва саллам сочни тушириб юришдан фарқ очишга қайтганлар. Нега десангиз, мушриклар бошларидан фарқ очишар, аҳли китоблар сочларини тушириб юришарди. Ўзларига амр қилинмаган ишда аҳли китобларга мувофиқ иш тутганлари боис Пайғамбаримиз алайҳиссалом сочларини тушириб юрардилар. Кейинчалик фарқ очганлар. Маълумот ўрнида шуни ҳам айтиб ўтамиз: Одатда, у зот ҳаж ибодати чоғида соч олдирган ёки қисқартирганлар.

---

<sup>25</sup> 8 – санади жуда заиф.

Ушбу ривоятни Ибн Саъд “Табақотда” (1/316), Бағавий “Шарҳус сунна”да (13/270), Байҳақий “Далоилун нубувва”да (1/286), Ибн Адий “Комил”да (7/134) келтирган.

<sup>26</sup> Хадижа бинти Хувайлид билан Абу Ҳола (Наббош) ибн Зурора Тамимий жоҳилият даврида оила қуришган эди. Улардан икки ўғил: Ҳола ва Ҳинд туғилган. Иккаласи ҳам мусулмон бўлган. Абу Ҳоладан сўнг Атиқ ибн Холид Махзумий Хадижани никоҳига олган. Улардан “Абдуллоҳ” исмли бир ўғил, “Ҳинд” исмли бир қиз дунёга келган. Хадижа онамиз мелодий 595-йилда, хижратдан йигирма саккиз йил аввал куз фаслида Муҳаммад Амин соллаллоху алайҳи ва саллам билан турмуш қурганлар. Расулуллоҳнинг барча фарзандлари (Қосим, Зайнаб, Руқайя, Умму Кулсум, Фотима ва Абдуллоҳ) Хадижа розияллоху анҳодан туғилган эди. Фақат “Иброҳим” исмли ўғиллари Мория бинти Шамбун Қибтиядан туғилган.

Хадижа бинти Хувайлид розияллоху анҳо жоҳилият даврида “тоҳира” (яъни, пок, ифбатли) дея номланганлар. У зот Пайғамбаримиз алайҳиссаломга биринчи имон келтирган, моли ва жони билан Исломи дини ривожига учун улкан хизматлар қилган, қийин дамларда Пайғамбаримиз алайҳиссалом кўнгиллари кўтариб, далда бўлиб, қўллаб-қувватлаб турган (Манба: Божурий. Ал-Мавоҳибул ладунья. – Б.54-55.; Абдул Азим Зиёуддин. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ва аҳли байт. – Б.53-54.).

У зотнинг пешоналари бўйига ҳам, энига ҳам кенг эди.

Қошлари узун, ингичка, ўсган, бироқ икки қошлари ораси бир-бирига уланмаган, ораси ажралганди<sup>27</sup>. Қошлари ўртасида тук бўлмагани учун ҳам ғазабланганларида ундаги томир бўртиб чиққани кўринарди. У зотнинг ҳуда-бехудага жаҳллари чиқмаган, фақат шариатга хилоф ишни кўрганда ғазабланганлар.

Бурунлари узун, уч қисми ингичка эди. Унда бир нур порлаб турарди. Бир кўрган одам юзлари ва бурунларидаги ёруғлик сабаб у зотнинг бурунларини бўртиб чиққан деб ўйларди. Аслида ундай эмасди. Бурунлари ўртачадан узунроқ ва нозик бўлган.

Икки ёноклари текис эди, бўртиб чиқмаганди.

Оғизлари кенг, катта бўлган. Араблар наздида катта оғиз мақтовга сазовор эди. У фасохатга<sup>28</sup> ҳам далолат қилади.

Олд тишлари ораси очиқ бўлган. Бу ҳолат кишига ҳусн бағишлайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг табиий тузилишлари шундай эди. Аслида у зот чирой учун тишлар орасини очдиришдан қайтарганлар. Чунки бу иш Аллоҳ яратган нарсаларни ўзгартириш сирасига киради.

Муборак бўйинлари худди фил суягидан ясалган ҳайкал бўйнидек чиройли, тўғри, текис, кумушдек тиниқ эди.

Қоматлари мўътадил, аъзолари бир-бирига мутаносиб бўлган.

Таналари ўртача эди: ўта озғин, заиф ҳам, жуда семиз, ёғли ҳам бўлмаган. Семизликдан гўштлири ёки ёғлари осилиб турадиган даражада эмасди, балки пишиқ, бақувват бўлган.

Қоринлари билан кўкраклари баравар эди. Яъни, улардан бири ташқарига бўртиб чиқмаган. Кўкракларидан қоринлари ёки қоринларидан кўкраклари ўтиб кетмаган.

Муборак аъзолари нурли, тукдан холи эди. Кўкраклари ўртасидан то киндикларигача туклардан нозик чизик тортилганди. Кўксилари ва қоринларида мўй ўсмаганди. Лекин билакларида, елкаларида, кўкраклари тепа қисмида туклар кўп эди.

Билаклари суяги узун, қафтларининг ички тарафи кенг эди. Баъзилар қафт кенглигини сахийликдан далолатдир, деб изоҳлашган. Ҳақиқатан, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қафтлари кенг, йўғон бўлган. Шу билан бирга очиққўл, карамли инсон эдилар. Кимдир бирон нарса сўраб келса, зинҳор “Йўк”, демаганлар, умид билан келган одамни куруқ қўл билан қайтармаганлар.

Қўл-оёқлари бармоғи мўътадил узунликда эди. Бири узун, бошқаси калта эмасди. Бу қолган аъзолари ҳам ўртача ҳолатда, чиройли бўлганидан дарак беради.

Оёқ қафтларининг ерга тегмайдиган қисми очиқ эди. Яъни, қадам босганда оёқ қафти тагида очиқ қоладиган жойи ўртача катталикда бўлган: жуда баланд-кенг ҳам, ҳаммаси тўлиқ ерга тегадиган (–маймоқ) ҳолатда ҳам эмасди.

Икки оёқлари панжаси силлиқ эди. Унда ичкарига кирган, ташқарига чиққан жой бўлмаганидан сув қуйилса, пастга оқиб тушарди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам юрганда худди ердан бир нарсани тортиб олаётгандек оёқларини куч билан кўтарардилар. Бақувват, паҳлавон кишилардек дадил қадам босардилар. Олдинга сал мойил бўлиб оҳиста юрардилар. Бундан чикди, оёқларини ердан зарб билан узиб олар, секин, аммо худди ер у зот томон ўралиб келаётгандек катта-катта қадам ташлардилар. Шу билан бирга тавозеъ билан юрардилар, оёқларини ерга қаттиқ урмасдилар. Бу ҳаракатларнинг ҳеч бирида сохталик йўқ эди, ҳаммаси табиий қилинарди. Зеро, Расули акрам алайҳиссалом такаллуфдан йироқ бўлганлар.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам орқа томонга қарамокчи бўлсалар фақат бошларини бурмасдан бутун таналари билан айланардилар.

Кўзларини пастга қаратардилар, осмонга эмас, кўпроқ ерга қарардилар. Раббининг зикри билан машғул, охират ишлари ҳақида ўй сурувчи, хушуъли, камтар инсон шундай бўлади.

“Кўпинча кўз қири билан назар ташлардилар” жумласи турлича изоҳланган:

1. Ҳар бир нарсага ҳирс эмас, мулоҳаза, тафаккур назари билан қарардилар.
2. Бирон нарсага кўз қири билан қарардилар.

<sup>27</sup> Эътибор бермаган одамга икки қошлари ораси улангандек кўринарди. Бироқ диққат билан разм солган киши қошлари орасида нозик ажралган жой борлигини сезарди.

<sup>28</sup> “Фасохат” сўзи луғатда “очиқлик”, “равшанлик” маъносини билдиради. Истилоҳда эса нутқ ёки жумланинг чиройли, равон, бехато бўлиши фасохатдир.

3. Дунё ва унинг зийнатларига кўп ҳам эътибор бермасдилар<sup>29</sup>.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалар билан бирга юрганда – назорат қилиш, ҳолидан хабардор бўлиб туриш учун – уларни олдинга ўтказиб, ўзлари орқада кетардилар. Кимдир танбехга лойиқ бўлса, танбех берар, йўл-йўриққа ёки тарбияга муҳтож одамга тўғри йўл кўрсатардилар, заифларга ёрдам берардилар.

Йўлда кимни кўриб колсалар, ёши кичик бўлса ҳам, биринчи бўлиб салом берардилар. У зот мусулмонлар бошлиғи бўлсалар-да, жуда камтар инсон эдилар. Бундан чиқди, учрашганда “У биринчи бўлиб салом берсин”, деб кутиб ўтирмасдан, кибр қилмасдан аввал салом берилса, суннатга амал қилинган бўлади.

۹ – حَدَّثَنَا أَبُو مُوسَى مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ، حَدَّثَنَا شُعْبَةُ، عَنْ سِمَاكِ بْنِ حَرْبٍ قَالَ: سَمِعْتُ جَابِرَ بْنَ سَمُرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَقُولُ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ضَلِيعَ الْفَمِ، أَشْكَلَ الْعَيْنِ، مَنْهُوسَ الْعَقِبِ. قَالَ شُعْبَةُ: قُلْتُ لِسِمَاكِ: مَا ضَلِيعُ الْفَمِ؟ قَالَ: عَظِيمُ الْفَمِ، قُلْتُ: مَا أَشْكَلُ الْعَيْنِ؟ قَالَ: طَوِيلُ شَقِّ الْعَيْنِ، قُلْتُ: مَا مَنْهُوسُ الْعَقِبِ؟ قَالَ: قَلِيلُ لَحْمِ الْعَقِبِ.

9 – *Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оғизлари кенг, кўзлари оқида бир оз қизиллик бор, оёқ кафтлари орқасида гўшт кам эди<sup>30</sup>...”*

**Шарҳ.** Аввалги ривоятларда айтилганидек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак оғизлари кичик эмас, бир оз каттароқ бўлган.

Қорачиғлари коп-қора, кўзлари оқи оппоқ, лекин оқида бир оз қизиллик бор эди. Бундай сифатга эга кўз мақталади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом кўзлари ҳам мақтовга сазовор бўлган.

Ҳофиз Ироқийга кўра, кўз оқидаги қизиллик нубувват (– пайғамбарлик) аломатларидан биридир<sup>31</sup>.

У зотнинг оёқлари панжаси орти сергўшт эмасди.

۱۰ – حَدَّثَنَا هَنَادُ بْنُ السَّرِيِّ، حَدَّثَنَا عَبْتَرُ بْنُ الْقَاسِمِ، عَنْ أَشْعَثَ – يَعْنِي: ابْنَ سَوَّارٍ – عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ، عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي لَيْلَةٍ إِضْحِيَانٍ وَعَلَيْهِ حُلَّةٌ حَمْرَاءُ فَجَعَلْتُ أَنْظُرُ إِلَيْهِ وَإِلَى الْقَمَرِ فَلَهُوَ عِنْدِي أَحْسَنُ مِنَ الْقَمَرِ.

10 – *Яна Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ойдин кечада кўрдим. Устларида қизил либос бор эди. Шунда бир у зотга, бир ойга қарай бошладим. Назаримда, у зот ойдан ҳам чиройли эдилар<sup>32</sup>”.*

**Шарҳ.** Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳамма ёқ ой нури билан ёришган тунда кўрган экан. Ой ўн тўрт кунлик бўлганида кўп ёғду таратади. Ой тўлган вақтдаги кечалар ёп-ёруғ бўлади. Ҳижрий-қамарий ойнинг 13-, 14-, 15-кечалари “айёмул бийз” (яъни, “ёруғ кечалар”) дейилади.

Самура Пайғамбаримиз алайҳиссаломни кўрганида устларида қизил кийим-бош бўлган экан. Ўшанда Самура бир Расулуллоҳ юзларига, бир ойга қараб, иккаласининг жамолини қиёслаган. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ойдан ҳам гўзалроқ эканларига амин бўлган.

<sup>29</sup> Манба: Мулла Али Қори. Жамъул васоил. – Б.59; Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуния. – Б.67.

<sup>30</sup> 9 – санади саҳиҳ.

Бу ривоятни Муслим “Саҳиҳ”да (2339), мусанниф “Сунан”да (3647), Аҳмад “Муснад”да (5/86, 87, 103), Ҳоким “Мустадрок”да (4/186), Табароний “Ал-Мўъжамул кабир”да (2/1842) келтирган.

<sup>31</sup> Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуния. – Б.70.

<sup>32</sup> 10 – санади заиф. Чунки Ашъас ибн Саввор Киндий заиф ровий.

Бу ривоятни мусанниф “Сунан”да (2811), Ҳоким “Мустадрок”да (4/186), Табароний “Ал-Мўъжамул кабир”да (1842) келтирган.

Бундан бошқа ривоятларда Ҳабибимиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам юзлари ойга ўхшатиш, балки ойдан ҳам чиройли экани айтилган. Бу – кўз билан чамалаб қилинган ўхшатиш. Зеро, Аллоҳ таоло Хотамул анбиёнинг муборақ жисмларини ойникидан ҳам гўзалроқ либос билан зийнатлаганди.

۱۱ – حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ وَكَيْعٍ، حَدَّثَنَا حُمَيْدُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الرَّوَّاسِيُّ، عَنْ زُهَيْرٍ، عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ قَالَ: سَأَلَ رَجُلٌ الْبَرَاءَ بْنَ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَكَانَ وَجْهُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِثْلَ السِّيفِ؟ قَالَ: لَا، بَلْ مِثْلَ الْقَمَرِ.

11 – *Абу Исҳоқдан ривоят қилинишича, бир киши Баро ибн Озиб розияллоҳу анхудан: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам юзлари қиличга ўхшармиди?” деб сўради. Шунда у: “Йўқ, балки мисоли ой эди”, деб жавоб берди<sup>33</sup>.*

**Шарҳ.** Ривоятда айтилишича, бир киши Баро ибн Озиб розияллоҳу анхудан: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам юзлари қиличдек ялтироқ ёки чўзинчоқмиди?” деб сўради. Шунда унга: “Йўқ, балки нур сочишда ёки думалоқликда худди ой каби эди”, деб жавоб берилди.

۱۲ – حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ الْمَصَّاحِفِيُّ سُلَيْمَانُ بْنُ سَلَمٍ، حَدَّثَنَا النَّضْرُ بْنُ شُمَيْلٍ، عَنْ صَالِحِ بْنِ أَبِي الْأَخْضَرِ، عَنْ ابْنِ شَهَابٍ، عَنْ أَبِي سَلَمَةَ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَبْيَضَ كَأَنَّما صِيعٌ مِنْ فِضَّةٍ، رَجُلٍ الشَّعْرِ.

12 – *Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оппоқ, гўё кумушдан қуйилгандек эдилар. Соchlари бир оз буралганди<sup>34</sup>.*

**Шарҳ.** Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ранглари ўта оппоқ эмас, қизилга мойил оқ бўлгани юкорида айтилди.

Кумуш ярқираб туриши маълум. Пайғамбаримиз алайҳиссалом юзларида нур, жило бор эди. Баданлари ранги мусаффо бўлганидан худди кумушдан қуйилгандек кўринардилар. Аллоҳ таоло у зотга ниҳоятда чиройли хилқат (– қиёфа) ато этган. Ранглари ўта тиник, аъзолари бир-бирига жуда мутаносиб бўлган.

۱۳ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ قَالَ: أَخْبَرَنِي اللَّيْثُ بْنُ سَعْدٍ، عَنْ أَبِي الزُّبَيْرِ، عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: عُرِضَ عَلَيَّ الْأَنْبِيَاءُ فَإِذَا مُوسَى عَلَيْهِ السَّلَامُ ضَرَبْتُ مِنَ الرَّجَالِ، كَأَنَّهُ مِنْ رِجَالِ شَنْوَةَ وَرَأَيْتُ عِيسَى ابْنَ مَرْيَمَ عَلَيْهِ السَّلَامُ فَإِذَا أَقْرَبُ مَنْ رَأَيْتُ بِهِ شَبَهًا عُرُوهُ بْنُ مَسْعُودٍ وَرَأَيْتُ إِبْرَاهِيمَ عَلَيْهِ السَّلَامُ فَإِذَا أَقْرَبُ مَنْ رَأَيْتُ بِهِ شَبَهًا صَاحِبُكُمْ، يَعْنِي نَفْسَهُ، وَرَأَيْتُ جِبْرِيلَ عَلَيْهِ السَّلَامُ فَإِذَا أَقْرَبُ مَنْ رَأَيْتُ بِهِ شَبَهًا دَحِيَّةً.

13 – *Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анхудан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Менга пайғамбарлар кўрсатилди. Қарасам, Мусо алайҳиссалом кишиларнинг ўртачаси, худди шануалик эркакларга ўхшар экан. Исо алайҳиссаломни кўрдим. У зотга мен кўрганлардан энг ўхшаши Урва ибн Масъуддир. Иброҳим алайҳиссаломни ҳам кўрдим. Мен кўрган одамлар ичида унга энг ўхшаши соҳибингиздир (яъни, ўзлари). Яна Жаброил алайҳиссаломни ҳам кўрдим. Мен кўрганлар ичида Дихя унга энг кўп ўхшайдигани экан<sup>35</sup>.*

<sup>33</sup> 11 – санади заиф, бироқ ҳадис (матни) саҳих. Суфён ибн Вакийъ заиф ровий, лекин бу ҳадис уникдан бошқа йўллар орқали ривоят қилинган.

Бу ривоятни мусанниф “Сунан”да (3636) худди шу матн ва санад билан келтирган, “Бу ҳасан-саҳих ҳадис”, деган. Шунингдек, уни Бухорий (4/228), Аҳмад (4/281), Доримий (65), Ибн Ҳиббон (6287) ҳам накл қилган.

<sup>34</sup> 12 – бу ҳадис ҳасан, бироқ санади заиф. Чунки, Солих ибн Абул Ахзар заиф ровий. Бу ҳадисни қувватлайдиган шавоҳидлари бор. Жумладан, куйидаги ривоятлар: Абу Довуд “Сунан” (1996), Аҳмад “Муснад” (3/426), Насоий “Ас-Сунанул кубро” (2864).

<sup>35</sup> 13 – санади саҳих.

**Шарҳ.** Ўтган пайғамбарлар Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга тушда ёки исро кечаси кўрсатилган бўлиши мумкин.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом васфларига кўра, Мусо алайҳиссалом<sup>36</sup> худди шануалик кишиларга ўхшаб ўрта бўйли, қадду қомати мўътадил инсон экан. Шануа Ямандаги қабила номидир<sup>37</sup>. Мазкур қабила эркаклари куч-қуввати, чиройли, мўътадил қомати билан танилган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мусо алайҳиссалом ташки кўринишини саҳобаларга тушунтириш учун ташбеҳдан фойдаланганлар.

Исо алайҳиссаломни<sup>38</sup> кўрганларида уни машҳур саҳобий Урва ибн Масъуд Сақафий розияллоҳу анҳуга ўхшатганлар. Яъни, “Ичингизда Исо ибн Марямга энг ўхшаши Урва ибн Масъуддир”, деганлар.

Анбиёлар бобоси Иброҳим Халилуллоҳ алайҳиссаломга<sup>39</sup> энг ўхшаши ўзлари эканини айтганлар. Ривоятда “Иброҳимга энг ўхшайдигани менман”, демасдан “соҳибингиздир”, демокдалар. Жобир розияллоҳу анҳу буни “яъни, ўзлари”, деб изоҳламоқда.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга анбиёлар билан бирга ваҳий фариштаси Жаброил алайҳиссалом<sup>40</sup> ҳам кўрсатилган. У “Дихя” исмли саҳобага ўхшар экан. Дихятул Калбий розияллоҳу анҳу саҳобалар ичида энг келишган, чиройли, фасоҳатли киши эди. Жаброил алайҳиссалом Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хузурларига кўпинча Дихятул Калбий қиёфасида келарди.

۱۴ – حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ وَكَيْعٍ وَمُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، الْمَعْنَى وَاحِدٌ، قَالَ: أَخْبَرَنَا يَزِيدُ بْنُ هَارُونَ، عَنْ سَعِيدِ الْجُرَيْرِيِّ قَالَ: سَمِعْتُ أَبَا الطُّفَيْلِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَقُولُ: رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَمَا بَقِيَ عَلَى وَجْهِ الْأَرْضِ أَحَدٌ رَأَاهُ غَيْرِي. قُلْتُ: صِفْهُ لِي، قَالَ: كَانَ أَبْيَضَ مَلِيحًا مُقْصَدًا.

14 – Саид Журайрийдан ривоят қилинади: “Абу Туфайл розияллоҳу анҳу: “Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрганман. Ер юзида у зотни кўрган мендан бошқа одам қолмади”, деди. Шунда: “У зотни менга васф қилиб бер”, дедим. Абу Туфайл: “(Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оқ рангли, ёқимли, жисмлари мўътадил (инсон) эдилар”, деди<sup>41</sup>”.

**Шарҳ.** Абу Туфайл (Омир ибн Восила) розияллоҳу анҳу саҳобалар ичида дунёни энг охири тарк этган кишидир. Маълумотларга кўра, у ҳижрий 1-санада (Ухуд йилида) туғилган, 100-йилда, баъзи манбаларда айтилишича, ундан кейин (110-йилда) вафот этган. Шунинг учун “Ер юзида у зотни кўрган мендан бошқа одам қолмади”, демокда. Мана шу гапни айтганида дунёда Абу Туфайлдан бошқа саҳоба йўқ эди. Буни англаган Саид Журайрий у кишидан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни васф қилишни сўраган. Абу Туфайл розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз алайҳиссалом хос уч хил сифатни айтган:

Бу ривоятни Муслим “Саҳих”да (167), мусанниф “Сунан”да (3649), Аҳмад “Муснад”да (3/334), Бағавий “Шарҳус сунна”да (3651) келтирган.

<sup>36</sup> “Мусо” исми “Мушо”нинг арабча шаклидир. Осие бинти Музоҳим уни сандикқа солинган ҳолда сув ва дарахтлар орасидан топгани учун шундай ном берган. Зеро, “му” қибтийлар тилида “сув”, “шо” эса “дарахт” маъносини англатади (Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуня. – Б.75.).

<sup>37</sup> “Шанаон” сўзи “нафратланиш”, “жирканиш”, “норозилик хиси” маъноларини билдиради. Айтилишича, улар орасида ўзаро нафрат, ҳасад бўлгани учун қабила номи шундай аталган (Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра Термизий. Аш-Шамоилун набавия вал хасоилул мустафавия /Муҳаққиқ: Саййид ибн Аббос Жалимий. – Макка: Ал-Мактабатут тижория, 1993. – Б.40.).

<sup>38</sup> Исо – Марям бинти Имроннинг ўғли. Исо алайҳиссаломнинг онаси Сулаймон алайҳиссалом зурриётидандир. Иккиси орасида 24 нафар ота бор. Исо алайҳиссалом осмонга кўтарилганида онаси Марям эллик уч ёшда бўлган. Ўғлидан сўнг беш йил яшаган (Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуня. – Б.75.).

<sup>39</sup> “Иброҳим” исми сурёний тилида бўлиб, “Абун роҳийм” (яъни, меҳрибон ота) маъносини билдиради. Мазкур исмнинг беш хил, балки ундан ҳам кўп шакли бор: 1. Иброҳи(й)м. 2. Иброҳом (Мана шу иккиси энг машҳури). 3. Иброҳум. 4. Иброҳим. 5. Иброҳам (Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуня. – Б.76.).

<sup>40</sup> “Жаброил” сурёнийча исмдир. У “Абдуллоҳ”, “Абдурахмон” ёки “Абдулазиз” (яъни, Аллоҳнинг бандаси) маъносини англатади (Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуня. – Б.76.).

<sup>41</sup> 14 – саҳих ҳадис.

Бу ривоятни Муслим “Саҳих”да (2340), Абу Довуд “Сунан”да (4864), Аҳмад “Муснад”да (5/454), Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да (790) келтирган.



1. Ранглари (қизил аралаш) ок;
2. Ташқи кўринишлари гўзал, келишган;
3. Таналари ҳар жиҳатдан мўътадил эди.

١٥ – حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، أَخْبَرَنَا إِبْرَاهِيمُ بْنُ الْمُنْذِرِ الْحَرَامِيُّ، أَخْبَرَنِي عَبْدُ الْعَزِيزِ بْنُ أَبِي ثَابِتٍ الزُّهْرِيُّ، حَدَّثَنِي إِسْمَاعِيلُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ ابْنِ أَخِي مُوسَى بْنِ عُقْبَةَ، عَنْ مُوسَى بْنِ عُقْبَةَ، عَنْ كُرَيْبٍ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَفْلَحَ النَّبِيِّينَ، إِذَا تَكَلَّمَ رُئِيَ كَالنُّورِ يَخْرُجُ مِنْ بَيْنِ نَيْيَاهُ.

15 – *Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам олд тишлари ораси очик эди. Гапирганларида тишлари орасидан чиқаётган нурдек кўринарди<sup>42</sup>”.*

**Шарҳ.** “Олд тиш” деганда юкоридан иккита, пастдан иккита олд тиш кўзда тутилади.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам олд тишлари ораси бир оз очик эди. Бу араблар наздида хусн белгисидир. У зот алайҳиссалом гапирганларида тишлари орасидан нур чиқаётгандек кўринарди.

## 2-БОБ. НУБУВВАТ МУҲРИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 8 та ҳадис бор: 16-23)

**Шарҳ.** Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг икки кураклари орасида нубувват муҳри бор эди. Бу муҳр араб тилида “хотам” дейилади. Мазкур сўз “муҳр” ва “узук” маъноларини англатади. Иккинчи бобда айнан нубувват муҳри билан боғлиқ ривоятлар келтирилган.

Нубувват муҳри Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳақиқий пайғамбарликлари аломатидир. Бунга уламолар иттифоқ қилишган. Лекин “У зот муҳри нубувват билан туғилганмилар ёки у кейинроқ пайдо бўлганми?” деган масалада ихтилоф қилишган. Саҳиҳ қавлга кўра, муҳр “Шакки садр” (яъни, кўкрак ёриш) ҳодисасида икки курак орасига босилган<sup>43</sup>. Ўшанда Жаброил алайҳиссалом келиб, Муҳаммад алайҳиссалом кўкраklarини ёрган, юракларидан қуюқ қонни олиб ташлаган. Кейин уни олтин тоғорадаги замзам суви билан ювиб, жойига солиб қўйган.

Ваҳб ибн Мунаббих раҳматуллоҳи алайҳдан ривоят қилинади: “Аллоҳ бирон пайғамбар юборса, албатта унинг ўнг қўлида нубувват аломати бўлган. Магар Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам белгилари икки кураклари орасида эди<sup>44</sup>”.

Нубувват муҳри бадандан ўсиб чиққан бир парча этдир. У икки курак орасида, дейилса ҳам, муҳаққиқ уламолар чап куракка (яъни, қалбга) яқинроқ бўлганини айтишади. Унинг ҳажми кабутар тухумидек, ранги тана рангига ўхшаш эди.

Нубувват муҳри аввалги самовий китобларда Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам сифатлари қаторида зикр этилган. Аҳли китоблар орасида илмли кишилар буни яхши билишган. Улар ичида баъзилар мана шу белгини кўриб, мусулмон бўлишган.

Келинг, нубувват муҳри ҳақидаги ривоятларни бир бошидан кўриб чиқиб, бу борадаги илмимизни оширамиз, билганларимизни мустаҳкамлаймиз.

١٦ – حَدَّثَنَا أَبُو رَجَاءٍ قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ، حَدَّثَنَا حَاتِمُ بْنُ إِسْمَاعِيلَ، عَنِ الْجَعْدِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ قَالَ: سَمِعْتُ السَّائِبَ بْنَ يَزِيدَ يَقُولُ: ذَهَبَتْ بِي خَالَتِي إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ ابْنَ أُخْتِي وَجِعَ فَمَسَحَ صَلَّى اللَّهُ

<sup>42</sup> 15 – санади жуда заиф. Чунки Абдулазиз ибн Абу Собит Зухрий матрук. Бироқ мазкур ровий Доримий санадида (58) ҳам зикр қилинган.

Бу ривоятни Табароний “Кабир” (12181) ва “Авсат”да (771), Байҳақий “Далоил”да (1/215) келтирган.

<sup>43</sup> Қаранг: Божурий. Ал-Мавоҳибул ладунья. – Б.83; Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Қосим Жассус. Ал-Фавоидул жалия ал-баҳия шарҳуш шамоилил муҳаммадия. – Ж.1. – Б.85.

<sup>44</sup> Қаранг: Ҳоким. Мустадрак (2/631).

عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ رَأْسِي وَدَعَا لِي بِالْبَرَكَةِ وَتَوَضَّأَ فَشَرِبْتُ مِنْ وَضُوئِهِ وَقُمْتُ خَلْفَ ظَهْرِهِ فَتَنَظَّرْتُ إِلَى الْحَائِمِ بَيْنَ كَتِفَيْهِ فَإِذَا هُوَ مِثْلُ زُرِّ الْحَجَلَةِ.

16 – Соиб ибн Язид розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Холам мени Набий соллаллоху алайҳи ва саллам хузурларига олиб бориб, “Эй Расулulloх, жияним бетоб”, дедилар. Шунда у зот соллаллоху алайҳи ва саллам бошимни силадилар, ҳақимга барака тилаб дуо қилдилар. Кейин таҳорат олдилар. Мен таҳоратларидан қолган сувни ичиб, орқаларига ўтиб турдим. Шу пайт икки кураклари ўртасидаги муҳрга кўзим тушди. Қарасам, у каклик тухумидек экан<sup>45</sup>”.

**Шарҳ.** Холаси<sup>46</sup> Соибни олиб Набий соллаллоху алайҳи ва саллам хузурларига борди. Манзилга етгач, у зотга ҳолини арз қилди, “Жияним касал” деди. Шунда Расули акрам алайҳиссалом болага илтифот кўрсатиб, муборак қўллари билан унинг бошини силадилар, илоҳий хайр-барака (– узоқ умр ва саломатлик) тилаб дуо қилдилар<sup>47</sup>. Пайғамбаримиз дуолари мустажоб бўлди. Ривоят қилинишича, Соиб ибн Язид розияллоху анху тўксон тўрт ёшида ҳам қадди расо, танаси пишиқ-бақувват эди. Белида ҳеч қандай букурлик бўлмаган. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам дуолари шарофатидан шундай неъматлар билан тақдирланган.

Соиб ибн Язид саҳобалар ичида Мадина шаҳрида энг охири вафот этган кишидир. У ҳижрий 91-йилда тўксон олти ёшида охиратга рихлат қилган.

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам Соибнинг бошини силаб, ҳақиқа дуо қилганларидан кейин таҳорат олганлар. Муборак таналаридан оқиб тушган сувни<sup>48</sup> Соиб ичган. Бу Пайғамбаримиз алайҳиссаломга тегишли нарсаларни табаррук тутишдир. У зотнинг сочлари, таҳоратдан қолган сувлари, терилари, ҳатто сўлаклари саҳобалар томонидан табаррук билинган. Бу фақат Расули акрамгагина хос хислатдир.

Соиб розияллоху анху таҳорат сувини ичиб бўлгач, Пайғамбаримиз орқаларида турган. Уламолар бунинг сабабини икки хил изоҳлашган:

1. Соиб муҳри нубувват ҳақида эшитган, аммо ҳали кўрмаган бўлиши мумкин. Шунинг учун уни кўриш истагида у зот орқаларига ўтган.

2. Унинг бу туриши иттифоқо бўлиб, муҳрни кўришни ният қилмаган, беихтиёр кўзи тушиб қолган.

Нима бўлганда ҳам Соиб ибн Язид розияллоху анху Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам икки кураклари орасидаги каклик тухумидек келадиган муҳри нубувватни кўрган.

۱۷ – حَدَّثَنَا سَعِيدُ بْنُ يَعْقُوبَ الطَّالِقَانِيُّ، أَخْبَرَنَا أَيُّوبُ بْنُ جَابِرٍ، عَنْ سِمَاكِ بْنِ حَرْبٍ، عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ قَالَ: رَأَيْتُ الْحَائِمَ بَيْنَ كَتِفَيْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ غُدَّةَ حَمْرَاءَ مِثْلَ بَيْضَةِ الْحَمَامَةِ.

17 – Жобир ибн Самура розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам икки кураклари орасидаги кабутар тухумидек (келадиган) муҳрни – қизил ғуддани кўрдим<sup>49</sup>”.

<sup>45</sup> 16 – санади саҳиҳ.

Бу ривоятни Бухорий (190, 3540, 3541, 5670, 6352) ва Муслим “Саҳиҳайн”да (2345), мусанниф “Сунан”да (3643) келтирган.

<sup>46</sup> Онасининг исми Улайя бинти Шурайх бўлган, лекин холасиники аниқ эмас. Ибн Ҳажар Асқалоний: “Унинг исмини учратмадим”, деган (Фатҳул борий. 6/562; Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуния. – Б.82.).

<sup>47</sup> Байҳақий ва бошқалар ривоят қилишича, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам Соибнинг бошини силаган ўрин вақт ўтса ҳам қора бўлиб тураверган, бошнинг қўл тегмаган жойларидаги соч толалари оқарган.

<sup>48</sup> “Таҳоратдан қолган сув”ни уламолар икки хил тушунтиришган:

1. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам таҳорат олаётиб аъзоларидан оқиб тушган сув.

2. У зот таҳоратларидан ортиб қолган сув.

Биринчиси ҳадис сиёкига мосрок.

<sup>49</sup> 17 – санади заиф. Чунки унда Айюб ибн Жобир ибн Сайёр бор.

Бу ривоятни мусанниф “Жомеъ”да худди шу санад ва матн билан (3644), Насоий “Сунан”да (8/150), Аҳмад “Муснад”да (5/90, 95, 102, 107), Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да (6297), Бағавий “Шархус сунна”да (6633) келтирган.

**Шарҳ.** Ғудда тери билан гўшт орасидаги тугун бўлиб, қўл билан ушлаб кўрилса, кимирлайди. Буни “без” ҳам дейишади. Демак, нубувват муҳри кабутар ёки каклик тухумидек, ғуддасимон бир парча эт бўлган. Баъзилар уни “қора ёки яшил хол” дейишган. Лекин нубувват муҳри тана ранги билан бир хил бўлгани ҳақида саҳиҳ ривоятлар кўп<sup>50</sup>.

۱۸ – حَدَّثَنَا أَبُو مُصْعَبٍ الْمَدِينِيُّ قَالَ: حَدَّثَنَا يُوسُفُ بْنُ الْمَاجِشُونَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَاصِمِ بْنِ عُمَرَ بْنِ قَتَادَةَ، عَنْ جَدِّهِ زُمَيْتَةَ قَالَتْ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ – وَلَوْ أَشَاءُ أَنْ أَقْبَلَ الْحَاتِمَ الَّذِي بَيْنَ كَتِفَيْهِ مِنْ قُرْبِهِ لَفَعَلْتُ – يَقُولُ لِسَعْدِ بْنِ مُعَاذٍ يَوْمَ مَاتَ: اهْتَرَّ لَهُ عَرْشُ الرَّحْمَنِ.

18 – Осим ибн Умар ибн Қатода бувиси Румайса розияллоху анҳодан ривоят қилади: “Мен Расулulloҳ соллалллоху алайҳи ва саллам – у зотга шу қадар яқин турганимдан, агар икки кураклари ўртасидаги муҳрни ўпишни истасам, шундай қилардим – Саъд ибн Муоз вафот этган куни: “Унинг учун Раҳмон Арши ларзага келди”, деб айтганларини эшитганман<sup>51</sup>”.

**Шарҳ.** Румайса розияллоху анҳо кичик саҳобиялардандир. Ундан бизгача иккита ҳадис етиб келган. Биринчиси мана шу ҳадис. Иккинчиси Оиша розияллоху анҳодан зуҳо намози ҳақида қилинган ривоятдир. Румайса розияллоху анҳо ҳадисларини имом Насоий нақл қилган.

Румайса розияллоху анҳо ҳадисни аниқ эшитганини, икки кураклари орасидаги муҳрни кўрганини таъкидлаш учун: “У зотга шу қадар яқин турганимдан, агар икки кураклари ўртасидаги муҳрни ўпишни истасам, шундай қилардим”, демоқда.

Румайса розияллоху анҳо хабар беришича, Набий соллалллоху алайҳи ва саллам машҳур саҳоба Саъд ибн Муоз розияллоху анҳу вафот этганида: “Унинг (ўлими) учун Раҳмон Арши кимирлади”, деганлар. Бу Саъд ибн Муоз учун Аллоҳ даргоҳидаги улуғ мартаба, улкан фазилатдир.

Мазкур саҳоба Хандақ куни яраланган, бир ой ўтиб вафот этган, Бақийъ қабристонига дафн этилган. Саъд розияллоху анҳу жанозасида 70.000 фаришта қатнашган<sup>52</sup>.

۱۹ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ الضَّبِّيُّ وَعَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ وَعَبْدُ وَاحِدٍ قَالُوا: أَنْبَأَنَا عَيْسَى بْنُ يُونُسَ، عَنْ عُمَرَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ مَوْلَى عُفْرَةَ قَالَ: حَدَّثَنِي إِبرَاهِيمُ بْنُ مُحَمَّدٍ مِنْ وَلَدِ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ قَالَ: كَانَ عَلِيٌّ إِذَا وَصَفَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ فَذَكَرَ الْحَدِيثَ بِطَوْلِهِ وَقَالَ: بَيْنَ كَتِفَيْهِ خَاتَمُ النُّبُوَّةِ وَهُوَ خَاتَمُ النَّبِيِّينَ.

19 – Али ибн Абу Толиб розияллоху анҳу фарзандларидан бўлган Иброҳим ибн Муҳаммад айтади: “Али розияллоху анҳу Расулulloҳ соллалллоху алайҳи ва салламни васф қилганида – ҳадисни тўлиқ зикр қилиб – “Икки кураклари орасида нубувват муҳри бор эди. У зот анбиёлар сўнггисидирлар”, деб айтган<sup>53</sup>”.

**Шарҳ.** Али ибн Абу Толиб розияллоху анҳу ҳадиси худди шу санад билан матни тўлиқ ҳолда юқорида келтирилганди. “Икки кураклари орасида нубувват муҳри бор эди” жумласи эътиборидан мусанниф уни бу ерда ҳам такрор зикр қилмоқда.

<sup>50</sup> Яна бир қавлга кўра, муҳри нубувват турли пайтда анвойи рангда: баъзида қизил, баъзида яшил, баъзан тана ранги билан бир хил бўлган. Ривоятлар хилма-хиллиги сабаби шунда (Манба: Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуния. – Б.84.).

<sup>51</sup> 18 – санади ҳасан.

Бу ривоятни имом Аҳмад ибн Ҳанбал “Муснад”да (6/329) келтирган.

<sup>52</sup> Қаранг: Божурий. Ал-Мавоҳиб. – Б.87.

<sup>53</sup> 19 – санади заиф. Чунки – аввал айтилганидек – у муттасил эмас, узилиб қолган. Иброҳим ибн Муҳаммад бобоси Али ибн Абу Толиб розияллоху анҳудан ҳадис эшитмаган. Имом Термизий “Сунан”да ушбу ҳадисни келтиргач, “Санади муттасил эмас”, деб айтган.

۲۰ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا أَبُو عَاصِمٍ، حَدَّثَنَا عَزْرَةُ بْنُ ثَابِتٍ، حَدَّثَنِي عَلْبَاءُ بْنُ أَحْمَرَ الْيَشْكُرِيُّ قَالَ: حَدَّثَنِي أَبُو زَيْدٍ عَمْرُو بْنُ أَخْطَبِ الْأَنْصَارِيِّ قَالَ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَا أَبَا زَيْدٍ، اذْنُ مِنِّي فَاَمْسَحْ ظَهْرِي فَمَسَحْتُ ظَهْرَهُ فَوَقَعَتْ أَصَابِعِي عَلَى الْحَاتِمِ. قُلْتُ: وَمَا الْحَاتِمُ؟ قَالَ: شَعْرَاتٌ مُجْتَمِعَاتٌ.

20 – Илбоъ ибн Аҳмар Яшкурый саҳоба Абу Зайд Амр ибн Ахтаб Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: “Эй Абу Зайд, менга яқинроқ келиб, орқамни сила”, дедилар. Шунда мен у зот орқаларини силадим. Бармоқларим (бехосдан) муҳрга тегди”. (Илбоъ айтади:) “Муҳр нима?” деб сўрадим. У: “Тўпланган туклардир”, деб жавоб берди<sup>54</sup>”.

**Шарҳ.** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам лутф кўрсатиш, чиройли муомала қилиш учун саҳобаларни куняси билан чақирардилар. Бу ривоятда ҳам Амр ибн Ахтабга “Эй Абу Зайд”, деб муурожаат қилмоқдалар.

Набий алайҳиссалом Абу Зайдга яқинроқ келиб, орқаларини силаб ёки уқалаб кўйишни сўрадилар<sup>55</sup>. Абу Зайд айтилган ишни қилди. Орқаларини силар экан қўли нубувват муҳрига беихтиёр тегди. Ривоятнинг шу ерига келганда ҳадисни Амр ибн Ахтаб розияллоҳу анҳудан эшитган ровий Илбоъ ибн Аҳмар: “Муҳр нима?” деб сўради. Абу Зайд муҳр жамланган бир нечта туклар эканини айтди. Бундан чиқди, муҳр қуш тухумидек келадиган, танадан бўртиб чиққан бир бўлак гўшт бўлиб, атрофида туклар ўсган эди. Абу Зайд фақат муҳрни эмас, атрофидаги тукларни ҳам ушлаб кўрган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал<sup>56</sup> раҳматуллоҳи алайҳ Абу Зайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: “Бери кел!” деб айтганлар. Кейин муборак қўллари билан унинг бошини, соқолини силаб, “Эй Аллоҳ! Уни чиройли қил, жамолини давомли эт!” деб дуо қилганлар. Мана шу дуо шарофатидан Абу Зайд – Амр ибн Ахтаб розияллоҳу анҳу юз ёшдан ошса ҳам соч-соқолида оқ туклар жуда кам бўлган. Унинг чехраси очик, юзида ажинлар йўқ эди. Вафотига қадар юзи ўз кўркини йўқотмаган.

Бундай шарофатга фақат саҳобалар эмас, кейинги авлод вакиллари ҳам эришиши мумкин. Зеро, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Менинг сўзимни эшитиб, ўзига сингдириб, уни худди эшитганидек адо этган киши (юзи)ни Аллоҳ ёруғ-чиройли қилсин!” деб дуо қилганлар<sup>57</sup>.

Суфён ибн Уяйна раҳматуллоҳи алайҳ: “Кимда-ким ҳадис талаб қилса, албатта, унинг юзида бир ёркинлик-тароват бўлади”, деб айтган<sup>58</sup>.

Демак, ким бирон ҳадисни яхшилаб ўқиб-ўрганиб, уни бошқаларга етказса, ўзи ҳам амал қилса, Аллоҳ таоло ўша банда юзини чароғон этади. Ким мана шу дуога ноил бўлишни истаса, суннатга эътиборини оширади, ҳадис мутолаасига, тарғиботига, суннатга мувофиқ иш тутишга бел боғлайди.

۲۱ – حَدَّثَنَا أَبُو عَمَّارٍ الْحُسَيْنِيُّ بْنُ حُرَيْثِ الْحِزْرَاعِيِّ، حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُسَيْنِ بْنِ وَاقِدٍ، حَدَّثَنِي أَبِي، حَدَّثَنِي عَبْدُ اللَّهِ بْنُ بُرَيْدَةَ قَالَ: سَمِعْتُ أَبِي: بُرَيْدَةَ يَقُولُ: جَاءَ سَلْمَانَ الْفَارِسِيُّ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حِينَ قَدِمَ الْمَدِينَةَ بِمَائِدَةٍ

<sup>54</sup> 20 – санади саҳих.

Бу ривоятни Аҳмад “Муснад”да (5/77, 341), Ҳоким “Мустадрок”да (2/606), Ибн Ҳиббон “Саҳих”да (2096), Ибн Саъд “Табакот”да (1/2/131) келтирган.

<sup>55</sup> Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Зайд розияллоҳу анҳудан орқаларини нима учун силашни сўраганлари ҳақида икки хил қавл айтилган:

1. Эҳтимол, у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам нубувват нури билан Абу Зайд муҳрни кўриш истагидалигини сезгандирлар.

2. Балки, кийимлари остида азиат берадиган бирон нарса бор, деб ўйлагандирлар (Манба: Божурий. Ал-Мавоҳибул ладунья. – Б.90-91.).

<sup>56</sup> Қаранг: Аҳмад. Муснад (20733). Ҳадис санади имом Муслим шартига кўра саҳих.

<sup>57</sup> Бу ривоятни Термизий “Жомеъ”да (2658), Ибн Можа “Сунан”да (230) Жубайр ибн Мутъим розияллоҳу анҳудан нақл қилган.

<sup>58</sup> Хатиб Бағдодий. Шарафу асхобил ҳадис (22).

عَلَيْهَا رُطِبٌ فَوَضِعَتْ بَيْنَ يَدَيْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَا سَلْمَانُ، مَا هَذَا؟ فَقَالَ: صَدَقَةٌ عَلَيْكَ وَعَلَى أَصْحَابِكَ فَقَالَ: ازْفَعَهَا فَإِنَّا لَا نَأْكُلُ الصَّدَقَةَ. قَالَ: فَرَفَعَهَا فَجَاءَ الْعَدَّ بِمِثْلِهِ فَوَضَعَهُ بَيْنَ يَدَيْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: مَا هَذَا، يَا سَلْمَانُ؟ فَقَالَ: هَدِيَّةٌ لَكَ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِأَصْحَابِهِ: ابْسُطُوا. ثُمَّ نَظَرَ إِلَى الْحَاتِمِ عَلَى ظَهْرِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَمَرَ بِهِ.

وَكَانَ لِلْيَهُودِ فَاشْتَرَاهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِكَذَا كَذَا دِرْهَمًا عَلَى أَنْ يَغْرِسَ لَهُمْ نَخْلًا فَيَعْمَلُ سَلْمَانُ فِيهِ حَتَّى تُطْعِمَ فَعَرَسَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ النَّخِيلَ إِلَّا نَخْلَةً وَاحِدَةً، غَرَسَهَا عُمَرُ فَحَمَلَتِ النَّخْلُ مِنْ عَامِهَا وَمَ تَحْمِلُ النَّخْلَةُ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَا شَأْنُ هَذِهِ النَّخْلَةِ؟ فَقَالَ عُمَرُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَنَا غَرَسْتُهَا فَنَزَعَهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَعَرَسَهَا فَحَمَلَتْ مِنْ عَامِهَا.

21 – Бурайда (ибн Хусайб) розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам Мадинага ташир буюрганларида Салмон Форисий у зот хузурларига бир дастурхон олиб келди. Унда янги пишган хурмо мевалари бор эди. (Дастурхондаги мевалар) Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам олдиларига қўйилди. Шунда у зот: “Эй Салмон, бу нима?” деб сўрадилар. (Салмон): “Бу сизга ва саҳобаларингизга садақа”, деди. “Уни кўтар. Чунки биз садақа емаймиз” дедилар у зот. Салмон (дастурхонни) йиғиштирди. Эртасига яна шунча (хурмо) олиб келиб, Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам олдиларига қўйди. У зот: “Бу нима, эй Салмон?” деб сўрадилар. “Сизга ҳадя”, деб жавоб берди Салмон. Шунда Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам асҳобларига: “(Кўл) узатинглар”, дедилар. Кейин (Салмон) орқаларидаги мухрга назар солди ва ўша заҳоти у зотга имон келтирди.

(Салмон) яхудийларга тегишли эди. Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам уни – (яхудий хўжайинлари) учун хурмо дарахти экиб, мева туггунича (ўша боғда) ишлаб бериш шарти билан – шунча-шунча дирҳамга сотиб олдилар. Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам биттадан бошқа (ҳамма) хурмо кўчатларини (ўз қўллари билан) ўтказдилар. Биттадан бўлак барча хурмо дарахти ўша йили ҳосил берди. Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам: “Бу хурмо дарахтига нима бўлди?” деб сўрадилар. Шунда Умар (розияллоху анху): “Эй Расулulloх, уни мен эккандим”, деди. Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам ҳалиги кўчатни суғуриб ташлаб, (ўрнига бошқа кўчат) ўтказдилар ва у ўша йили ҳосил берди<sup>59</sup>”.

**Шарҳ.** Қуддусдаги айрим роҳиблар Салмон Форисийга Ҳижоз тарафдан бир пайғамбар чиқиш вақти келганини, ўша пайғамбарга хос айрим аломатларни айтишганди. Унга кўра, бўлғуси набий ҳадяни қабул қилади, садақа олмайди. Унинг икки кураги орасида муҳр бўлади. Салмон ана шу пайғамбарни қидириб топиш, у билан учрашиш учун анча ҳаракат қилди. Унинг Мадинага келишидан мақсади ҳам шу эди.

Салмон Форисий Мадина шаҳрига келиб, Расули акрам хузурларига ошиқди. У зот қабулларига киргач, янги узилган хурмо мевалари бор дастурхонни олдиларига қўйди. Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам: “Эй Салмон, бу нима?” деб сўрадилар. Салмон у зот хурмо ҳақида сўрамаётганларини, мурудлари нима эканини яхши биларди. Шунинг учун “Бу сизга ва саҳобаларингизга садақа”, деди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом садақани қабул қилмасликларини айтдилар. Бу пайғамбарликнинг биринчи аломати эди. У ўз тасдиғини топди.

Салмон хурмо солинган дастурхонни кўтариб, олиб чиқиб кетди. Бошқа сафар яна шунча хурмо билан Набий соллаллоху алайхи ва саллам хузурларига келиб, дастурхонни олдиларига қўйди. Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам бу гал ҳам: “Эй Салмон, бу нима: садақами ёки ҳадями?” деб сўрадилар. Салмон: “Сизга ҳадя”, деб жавоб берди<sup>60</sup>. Шунда Расулulloх саҳобаларига қарата: “Хурмодан

<sup>59</sup> 21 – санади ҳасан.

Бу ривоятни имом Аҳмад “Муснад”да (5/354) келтирган. У ҳасан ҳадисдир.

<sup>60</sup> Садақада бировга раҳм-шафқат қилиш, меҳр кўрсатиш, ҳадяда эса иззат-икром қилиш маъноси бор.

олинглар”, дедилар, уни инкор этмадилар, саҳобалари билан Салмон олиб келган нарсдан едилар. Бу иккинчи аломат эди.

Кейин Салмон розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам орқаларидаги муҳрга қаради. Бу Салмон билган нубувватнинг учинчи аломати эди. Шунинг учун муҳрни кўриши билан Набий алайҳиссалом Аллоҳнинг ҳақ пайғамбари эканлигига иқдор бўлди, мусулмонлар сафига қўшилди.

Салмон Форисий Бани Қурайза яҳудийларига тегишли кул эди. Бир гуруҳ араблар уни яҳудийларга сотиб юборишганди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Салмонни – яҳудийлар учун хурмо экиб бериши шарт билан бир неча кумуш пулга – сотиб олдилар<sup>61</sup>. Набий алайҳиссалом хурмо кўчатларини экишда Салмонга ёрдам бердилар, балки биттадан бошқа ҳамма кўчатларни ўзлари экидилар. Битта кўчатни Умар экиди. Буни қарангки, ўтказилган хурмо кўчатларининг ҳаммаси ўша йили мева тугди, фақат битта дарахт ҳосил бермади. Шунда Пайғамбаримиз: “Бу хурмо дарахти нега бошқаларига ўхшаб ҳосил бермади?” деб сўрадилар. Ўша дарахтни Умар розияллоху анху эккани маълум бўлди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам уни суғуриб ташлаб, ўрнига бошқа кўчат экидилар ва у ўша йили мева берди. Бу набавий мўъжизалардан биридир.

۲۲ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا بِشْرُ بْنُ الْوَضَّاحِ، أَنْبَأَنَا أَبُو عَقِيلٍ الدَّوْرَقِيُّ، عَنْ أَبِي نَضْرَةَ الْعَوْقَبِيِّ قَالَ: سَأَلْتُ أَبَا سَعِيدٍ الْخُدْرِيَّ عَنْ خَاتَمِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَعْنِي: خَاتَمَ النَّبُوَّةِ فَقَالَ: كَانَ فِي ظَهْرِهِ بَضْعَةٌ نَاشِزَةٌ.

22 – *Абу Назра Авақийдан ривоят қилинади: “Мен Абу Саид Худрийдан Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам муҳрлари ҳақида сўрадим. У: “(Нубувват муҳри) у зот орқаларида бўртиб чиққан бир парча гўшт эди”, деб жавоб берди<sup>62</sup>”.*

**Шарҳ.** Нубувват муҳри ўрни ҳақида гап кетганида умумий қилиб “Орқаларида эди”, дейилади. Аниқроқ қилиб айтганда, икки кураклари орасида, янаям аниқроғи, чап куракларига яқинроқ жойда эди. Ровийлар уни турлича тавсифлашган.

Бу ривоятда ҳам муҳри нубувват Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам орқаларида жойлашгани, танадан бўртиб чиққан бир бўлак эт экани айтилмоқда.

۲۳ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ الْمُقَدَّامِ أَبُو الْأَشْعَثِ الْعَجَلِيُّ الْبَصْرِيُّ، حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ، عَنْ عَاصِمِ الْأَحْوَلِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ سَرْجِسَ قَالَ: أَتَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ فِي أَنْاسٍ مِنْ أَصْحَابِهِ، فَذُرْتُ هَكَذَا مِنْ خَلْفِهِ، فَعَرَفَ الَّذِي أُرِيدُ، فَأَلْفَمِي الرَّدَاءَ عَنْ ظَهْرِهِ، فَرَأَيْتُ مَوْضِعَ الْخَاتَمِ عَلَى كَتِفَيْهِ مِثْلَ الْجَمْعِ حَوْلَهَا خِيَلَانٌ كَأَنَّهَا تَأَلِيلٌ، فَرَجَعْتُ حَتَّى اسْتَقْبَلْتُهُ، فَقُلْتُ: عَفَرَ اللَّهُ لَكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ، فَقَالَ: وَلَكَ، فَقَالَ الْقَوْمُ: اسْتَعْفَرَ لَكَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ؟ فَقَالَ: نَعَمْ، وَلَكُمْ، ثُمَّ تَلَا هَذِهِ الْآيَةَ ﴿وَاسْتَغْفِرْ لِدُنْيَاكَ وَاللْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ﴾.

23 – *Абдуллоҳ ибн Саржис розияллоху анхундан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳузурларига келдим. У зот бир гуруҳ саҳобалар ичида эканлар. Мен мана бундай қилиб<sup>63</sup> орқаларидан айландим. У зот ниятимни билиб, кўйлақларини орқаларидан туширдилар. Шунда икки кураклари орасидаги – муштга ўхшаш, атрофида нўхот доналаридек холлар бор – муҳр ўрнини кўрдим. Кейин жанобнинг рўпараларига ўтиб, “Аллоҳ сизни мағфират қилсин, эй Расулуллоҳ”, дедим. У зот: “Сени ҳам (мағфират қилсин)”, дедилар. Шунда одамлар: “Расулуллоҳ*

<sup>61</sup> Баъзи ривоятларга кўра, 40 укияга сотиб олганлар (Қаранг: Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуня. – Б.97-98.).

<sup>62</sup> 22 – санади ҳасан.

Бу ривоятни имом Аҳмад “Муснад”да (3/69) келтирган.

<sup>63</sup> Эҳтимол, Абдуллоҳ ибн Саржис розияллоху анху бу ҳадисни Масжиди набавийда, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам у билан учрашганда ўтирган жойларида ривоят қилган, “Мана бундай”, деб қандай айланиб орқаларига ўтганини кўли билан ишора қилиб кўрсатган бўлиши мумкин (Қаранг: Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуня. – Б.101-102.).

соллаллоху алайҳи ва саллам сен учун истиғфор айтдиларми?” деб сўрашди. У: “Ҳа, сизлар учун ҳам (айтганлар)”, деб кейин “Ўз гуноҳингиз учун, мўмин ва мўминалар (гуноҳлари) учун ҳам истиғфор айтнинг<sup>64</sup>” оятини тиловат қилди<sup>65</sup>”.

**Шарҳ.** Абдуллоҳ ибн Саржис розияллоху анху Набий соллаллоху алайҳи ва саллам олдиларига келганида у зот бир гуруҳ саҳобалар билан бирга эдилар. Абдуллоҳ келиб, у зот орқаларига ўтди. Мақсади муҳри нубувватни кўриш эди. Бу ҳақида аввал эшитганди. Расули акрам унинг ниятини билиб, кўйлақларини бир оз пастга туширдилар. Ибн Саржис у зотнинг икки кураклари орасидаги, Жаброил алайҳиссалом шаққи садр<sup>66</sup> вақтида босган муҳр ўрнини кўрди. Унинг тавсифига кўра, муҳр ўрни муштдек бўлиб, атрофида нўхот донасига ўхшаш холлар ёки доғлар бор эди.

Абдуллоҳ ибн Саржис муҳри нубувватни кўриб бўлгач, миннатдорчилик билдириш мақсадида у зотга юзланиб: “Эй Расулуллоҳ, Аллоҳ сизни мағфират қилсин!” деди. Пайғамбаримиз: “Ҳақимга истиғфор айтганинг учун Аллоҳ сенинг ҳам гуноҳларингни кечирсин!” деб дуо қилдилар. Бу буюк дуо эди. Шунинг учун Абдуллоҳдан бу гапни эшитганлар: “Аллоҳнинг Элчиси сен учун истиғфор айтдиларми?! Шундай бахтга муяссар бўлдингми?!” деб хайратланиб сўрашди. Бу саволга жавобан Абдуллоҳ ибн Саржис: “Сизлар учун ҳам истиғфор айтганлар”, деди. Сўзининг исботи ўлароқ “Ўз гуноҳингиз учун, мўмин ва мўминалар (гуноҳлари) учун ҳам истиғфор айтнинг” оятини тиловат қилди.

Ҳа, Пайғамбаримиз алайҳиссалом Аллоҳ таоло буюрган ишни бекаму кўст бажарганлар, ўзлари учун ҳам, барча мўмин-мўминалар учун ҳам истиғфор айтганлар. Эй Аллоҳ! Умматга мушфиқ, меҳрибон зот, шафоатчимиз Муҳаммад Мустафога беадад салаватларимизни, саломларимизни етказ!

### 3-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ СОЧЛАРИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 8 та ҳадис бор: 24-31)

**Шарҳ.** Бу бобда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам сочлари узунлиги, қалинлиги, уни қандай парвариш қилганлари ҳақидаги ривоятлар келтирилган.

۲۴ — حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، أُنْبَأَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ، عَنْ مُحَمَّدٍ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: كَانَ شَعْرُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى نِصْفِ أُذُنَيْهِ.

24 – Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам сочлари икки қулоқлари ярмигача (етар) эди<sup>67</sup>”.

**Шарҳ.** Саҳобалар Пайғамбаримиз алайҳиссалом сочларини турлича васф қилишган. Айримлар қулоқлари ярмигача, деса, бошқалар қулоқлари юмшоқ жойигача, деган. Елкаларигача тушиб турарди, деган маънодаги ривоятлар ҳам бор. Бунинг сабаби оддий. Зеро, соч ҳолатга қараб ҳар хил: узун, калта, гоҳида ўртгача узунликда бўлади. Бир саҳоба у зот алайҳиссалом сочлари ўсганида, бошқаси соч қисқартирганларида кўрган. Ҳар ким ўзи билган нарсани ривоят қилган. Шубҳасиз, барча саҳобалар ростгўй бўлишган.

۲۵ — حَدَّثَنَا هَنَادُ بْنُ السَّرِيِّ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ أَبِي الزِّنَادِ، عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ: كُنْتُ أَعْتَسِلُ أَنَا وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ إِنَاءٍ وَاحِدٍ، وَكَانَ لَهُ شَعْرٌ فَوْقَ الْجُمَّةِ وَدُونَ الْوُفْرَةِ.

<sup>64</sup> “Муҳаммад” сураси, 19-оят.

<sup>65</sup> 23 – санади саҳиҳ.

Бу ривоятни Муслим “Саҳиҳ”да (7/86), Аҳмад “Муснад”да (5/82), Ибн Саъд “Табакот”да (1/2/132) келтирган.

<sup>66</sup> “Шаққи садр” деганда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг муборак кўкраклари ёрилиши кўзда тутилади.

<sup>67</sup> 24 – санади саҳиҳ.

Бу ривоятни Муслим “Саҳиҳ”да (7/83), Абу Довуд (4186) ва Насоий “Сунан”да (8/183), Аҳмад “Муснад”да (3/113, 142), Ибн Саъд “Табакот”да (1/427) келтирган.

25 – *Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам билан бир идишдан ғул қилардим. У зотнинг сочлари елкаларига етмаган, қулоқлари юмшоқ еридан ўтган эди<sup>68</sup>”.*

**Шарҳ.** Бу ривоятга кўра, эр-хотин бир идишдан сув олиб ғул қилиши мумкин. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам билан Оиша розияллоху анҳо онамизга келсак, уларнинг ҳаёси етук даражада бўлган. Ҳатто бир-бирларининг авратига қарашмаган. Бу исломий одобнинг ёрқин намунаси.

Соч тўғрисида айтилган гапга тўхталадиган бўлсак, Оиша розияллоху анҳо онамиз Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам сочларини қайси ҳолатда кўрган бўлсалар, ўшани ривоят қилганлар.

۲۶ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا أَبُو قَطَنٍ، حَدَّثَنَا شُعْبَةُ، عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ، عَنِ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرْبُوعًا، بَعِيدَ مَا بَيْنَ الْمَنْكَبَيْنِ، وَكَانَتْ جُمَّتُهُ تَضْرِبُ شَحْمَةَ أُذُنَيْهِ.

26 – *Баро ибн Озиб розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ўрта бўйли эдилар. Икки елкалари ораси кенг, қалин сочлари қулоқлари юмшоқ ерига тегиб турар эди<sup>69</sup>”.*

**Шарҳ.** Пайғамбаримиз алайҳиссалом бўйлари ўта узун ҳам, жуда пакана ҳам эмасди, балки ўртачадан келган, елкалари кенг бўлган. Сочлари кўплигидан қулоқларининг юмшоқ жойига тегиб турарди. Қуйидаги ривоятда ҳам айнан шу маъно таъкидланган.

۲۷ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا وَهْبُ بْنُ جَرِيرٍ بْنِ حَازِمٍ قَالَ: حَدَّثَنِي أَبِي، عَنْ قَتَادَةَ قَالَ: قُلْتُ لِأَنْسٍ: كَيْفَ كَانَ شَعْرُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ؟ قَالَ: لَمْ يَكُنْ بِالْجَعْدِ وَلَا بِالسَّبْطِ، كَانَ يَبْلُغُ شَعْرُهُ شَحْمَةَ أُذُنَيْهِ.

27 – *Қатодадан ривоят қилинади: “Мен Анадан: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам сочлари қандай эди?” деб сўрадим. У: “Ўта жингалак ҳам, жуда силлиқ ҳам эмасди. Сочлари икки қулоқлари юмшоқ жойига етарди”, деб жавоб берди<sup>70</sup>”.*

**Шарҳ.** Бу ривоятдан тобеинлар саҳобаларга шамоил ҳақида савол бериб, бу ҳақидаги илмни мустаҳкам ўзлаштирганларини билиб оламиз.

Соч олдириш ва қисқартириш ҳақида бир маълумот: “Шархул масобех”да айтилишича, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам Ҳудайбия йилида, қазо умрасида, ҳажжатул вадодо сочларини таги билан олдирганлар, фақат бир марта қисқартирганлар<sup>71</sup>. Бундан чиқди, ҳаждан бошқа вақтларда сочларини таги билан олдирмаганлар, ҳатто қисқартирмаганлар. Лекин бу ҳаждан бошқа пайтда соч олдириш ёки қисқартириш мумкин эмаслигини билдирмайди. Жумҳур уламолар айтишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам қавмлари урф-одатига кўра соч олдиришни тарк этганлар<sup>72</sup>.

۲۸ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ يَحْيَى بْنِ أَبِي عُمَرَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنِ ابْنِ أَبِي بَجِيحٍ، عَنْ مُجَاهِدٍ، عَنْ أُمِّ هَانِيَةَ بِنْتِ أَبِي طَالِبٍ قَالَتْ: قَدِمَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَكَّةَ قَدَمَةً وَلَهُ أَرْبَعُ غَدَائِرٍ.

<sup>68</sup> 25 – санади ҳасан-саҳиҳ.

Бу ривоятни Абу Довуд (4187), мусанниф (1855) ва Ибн Можа (3635) “Сунан”ларида келтиришган.

<sup>69</sup> 26 – санади саҳиҳ.

<sup>70</sup> 27 – санади саҳиҳ.

Бу ривоятни Бухорий (7/208) ва Муслим “Саҳиҳайн”да (7/83), Насоий ва (8/131) Ибн Можа “Сунан”да (3634), Аҳмад “Муснад”да (3/135, 203) келтирган.

<sup>71</sup> Қаранг: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуня. – Б.104.

<sup>72</sup> Қаранг: Муҳаммад ибн Қосим Жассус. Ал-Фавоидул жалия. – Ж.1. – Б.114.



28 – Умму Хонеъ бинти Абу Толиб розияллоху анҳодан ривоят қилинади: “Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам бир сафар Маккага келдилар. Ўшанда у зот сочлари тўрт кокил (зулф) эди<sup>73</sup>”.

**Шарҳ.** Умму Хонеъ – Али ибн Абу Толиб розияллоху анхумонинг туғишган опаси. Иси: Фохита ёки Отика ёки Ҳинд. Макка фатҳ этилган куни мусулмон бўлган. Муовия халифалиги даврида вафот этган. Расулulloх соллalloху алайҳи ва салламдан 46 та ҳадис ривоят қилган.

Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам Макка фатҳ этилган куни<sup>74</sup> Маккага келганларида сочларини тўрт ўрим қилиб олган эканлар. Ўшанда у зот ғул қилиб, зуҳо намозини Умму Хонеънинг уйида ўқиганлар.

Ибн Қаййим раҳматуллоҳи алайҳга кўра, Набий соллalloху алайҳи ва саллам аввалда сочларини тушириб юрганлар. Кейин фарқ очганлар. Сочни иккига ажратиш фарқ очиш, дейилади. Ҳар бир бўлак кокилдир. Сочни орқага ташлаб, икки бўлак қилмаслик тушириб юриш ҳисобланади<sup>75</sup>.

۲۹ – حَدَّثَنَا سُؤَيْدُ بْنُ نَصْرٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْمُبَارَكِ، عَنْ مَعْمَرٍ، عَنْ ثَابِتِ بْنِ أَبِي أَنَسٍ أَنَّ شَعْرَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِلَى أَنْصَافِ أُذُنَيْهِ.

29 – Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинишича, Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам сочлари кулоқлари ўрталаригача эди<sup>76</sup>.

**Шарҳ.** Бу ривоят шарҳини юқорида кўриб ўтдик.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг соч парваришдаги икки хил ҳолатлари ҳақида куйида маълумот берилади.

۳۰ – حَدَّثَنَا سُؤَيْدُ بْنُ نَصْرٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْمُبَارَكِ، عَنْ يُونُسَ بْنِ يَرِيدٍ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُتْبَةَ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَسْدِلُ شَعْرَهُ، وَكَانَ الْمُشْرِكُونَ يَفْرُقُونَ رُءُوسَهُمْ، وَكَانَ أَهْلُ الْكِتَابِ يَسْدِلُونَ رُءُوسَهُمْ، وَكَانَ يُحِبُّ مُوَافَقَةَ أَهْلِ الْكِتَابِ فِيمَا لَمْ يُؤْمَرْ فِيهِ بِشَيْءٍ، ثُمَّ فَرَّقَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَأْسَهُ.

30 – Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинишича, Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам сочларини ёзиб юрардилар. Мушриклар бошларидан фарқ очардилар. Аҳли китоблар эса сочларини ёзиб-тушириб юришарди. (Набий алайҳиссалом) ўзларига буюрилмаган ишда Аҳли китобларга мувофиқ бўлишни яхши кўрардилар. Кейин Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам бошларидан фарқ очдилар<sup>77</sup>.

**Шарҳ.** Набий соллalloху алайҳи ва саллам олдин сочларини бошлари атрофидан тушириб юрардилар. Мушриклар бўлса сочларидан фарқ очишарди – сочни бош ўртасидан иккига ажратишарди. Бири ўн тарафга, иккинчиси чап тарафга ташланарди. Аҳли китоблар – яҳудий ва насронийлар сочларини тушириб юришарди. Агар бирон масалада Аллоҳдан буйруқ келмаган бўлса, Пайғамбаримиз алайҳиссалом Аҳли китобларга мувофиқ иш тутардилар. Чунки улар самовий динга эътикод қилишарди,

<sup>73</sup> 28 – санади заиф. Чунки узилиб қолган. Мужоҳид ибн Жабр раҳматуллоҳи алайҳ Умму Хонеъ розияллоху анҳодан ривоят эшитгани маълум эмас.

Бу ривоятни Абу Довуд “Сунан”да (4191), мусанниф “Жомеъ”да (1781), Аҳмад “Муснад”да (6/341, 425) келтирган.

<sup>74</sup> Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам Мадинага ҳижрат қилганларидан кейин Макка шаҳрига тўрт марта ташриф буюрганлар: 1. Қазо умрасига келиш. 2. Маккани фатҳ этиш учун келиш. 3. Жийрона умрасига келиш. 4. Ҳажжатул вадоеъ (яъни, видолашув ҳажини қилиш) учун келиш (Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуния. – Б.109.).

<sup>75</sup> Манба: Зодул маод (1/175).

<sup>76</sup> 29 – санади саҳиҳ.

Бу ривоятни Абу Довуд (4185) ва Насой (5061) “Сунан”да келтиришган.

<sup>77</sup> 30 – санади саҳиҳ.

Бу ривоятни Бухорий (3558, 3944) ва Муслим (2336) “Саҳихайн”да, Абу Довуд (4188), Насой (8/184) ва Ибн Можа (3632) “Сунан”да келтирган.

пайғамбарлар шариатини ушлашганди. Мушрикларнинг китоби йўқ, динлари одамлар фикридан келиб чиққан, ота-боболаридан қолган уйдирмалардан иборат эди. Шунинг учун бут-санамларга топинадиганлардан кўра нубувват аҳли амалини афзал билганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кейинчалик сочларидан фарқ очганлар – сочни бошларининг икки тарафига туширганлар. Аслида иккала иш ҳам жоиз. Бу борада кенглик бор. Лекин фарқ очиш афзал. Чунки Пайғамбаримиз алайҳиссалом қилган икки ишнинг охири фарқ очиш бўлган.

۳۱ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ، عَنْ إِبْرَاهِيمَ بْنِ نَافِعِ الْمَكِّيِّ، عَنْ ابْنِ أَبِي بَجِيحٍ، عَنْ مُجَاهِدٍ، عَنْ أُمِّ هَانِيٍّ قَالَتْ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَا ضَفَائِرَ أَرْبَعٍ.

31 – Умму Хонеъ розияллоху анҳодан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрганимда сочлари тўрт ўрим эди<sup>78</sup>”.

**Шарҳ.** 28-ривоят шарҳида бу ҳақида тўхталиб ўтилганди.

Шу ўринда мусулмон киши соч парваришlashда ғайридинларга ва аёлларга ўхшаб қолмаслиги кераклигини эслатиб ўтамыз.

#### 4-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМНИНГ СОЧ ПАРВАРИШЛАРИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 5 та ҳадис бор: 32-36)

**Шарҳ.** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сочларини парваришлаганлар, тараб, чиройли қилиб юрганлар. Бошқаларни ҳам шунга тарғиб этганлар. Бу бобда шу ҳақидаги ҳадислар келтирилган.

۳۲ – حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مُوسَى الْأَنْصَارِيُّ، حَدَّثَنَا مَعْنُ بْنُ عِيسَى، حَدَّثَنَا مَالِكُ بْنُ أَنَسٍ، عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ: كُنْتُ أُرَجِّلُ رَأْسَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَنَا حَائِضٌ.

32 – Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: “Мен ҳайзли ҳолимда ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сочларини тараб кўярдим<sup>79</sup>”.

**Шарҳ.** Оиша розияллоху анҳо онамиз ҳайз кўраётган вақтларида ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам сочларини тараб, чиройли қилиб кўяр эканлар. Бундан чиқди, ҳайзли аёл эрини ушлаши, эри ҳам уни ушлаши жоиз. Қолаверса, ҳайзли хотин танаси, жумладан, қўли нопок саналмайди. Зеро, аёл ҳар қандай ҳолатда эрининг хизматида бўлади.

۳۳ – حَدَّثَنَا يُونُسُ بْنُ عِيسَى، حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ، حَدَّثَنَا الرَّبِيعُ بْنُ صَبِيحٍ، عَنْ يَزِيدَ بْنِ أَبِيَانَ هُوَ الرَّقَاشِيُّ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُكْتَرُ دَهْنُ رَأْسِهِ وَتَسْرِيحَ لِحْيَتِهِ، وَيُكْتَرُ الْقِنَاعَ، حَتَّى كَأَنَّ ثَوْبَهُ ثَوْبُ زَيَّاتٍ.

33 – Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сочларини тез-тез ёғлар, соқолларини дам-бадам тарар эдилар. Кўпинча (муборак бошларига бир парча) латта қўйиб олардилар. Ҳатто ўша латта ёғчининг<sup>80</sup> кийимига ўхшаб қоларди<sup>81</sup>”.

<sup>78</sup> 31 – санади заиф. Бу ҳақида 28-ривоят шарҳида сўз юритилди.

<sup>79</sup> 32 – санади саҳиҳ.

Бу ривоятни Бухорий (295, 2028, 5925) ва Муслим (297) “Саҳихайн”да, Абу Довуд “Сунан”да (2469), Ибн Хузайма (2232) ва Ибн Ҳиббон (3670) “Саҳиҳ”да келтирган.

<sup>80</sup> “Ёғчи”дан мурод ёғ сотувчи ёки ёғ ишлаб чиқарувчидир.

<sup>81</sup> 33 – санади заиф. Чунки Рабийъ ибн Сабиҳ ва Язид ибн Абон Рақоший заиф ровий.

**Шарҳ.** Бу ривоятга кўра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам соч парваришларда кўп ёғ ишлатардилар, соқолларини тез-тез тарардилар (Доимий эмас, вақти-вақти билан). Саллага ёғ ўтиб кетмаслиги учун бошларига латта қўйиб олардилар. Ёғни кўп ишлатганларидан ҳалиги мато (ёки у зотнинг кийимлари доғ бўлиб,) ёғ сотадиган кишининг либосига ўхшаб қоларди<sup>82</sup>. Лекин Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳ айтишича, бу ҳадисда ғаробат (– ғалатилик) ва накорат (– номаълумлик, ноаниқлик) бор. Чунки, Абу Довуд “Сунан”да Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилишича, бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалар олдига келдилар. Сочлари тўзиб ётган бир кишини кўриб, “Бу (одам) сочини тартибга келтирадиган нарса топа олмайдими?!” дедилар. Кейин кийимлари кир бошқа кишини кўриб, “Бу (одам) либосини ювадиган нарса топа олмайдими?!” деб айтдилар<sup>83</sup>.

۳۴ – حَدَّثَنَا هَنَّادُ بْنُ السَّرِيِّ، حَدَّثَنَا أَبُو الْأَحْوَصِ، عَنِ اشْعَثِ بْنِ أَبِي الشَّعَثَاءِ، عَنِ أَبِيهِ، عَنِ مَسْرُوقٍ، عَنِ عَائِشَةَ قَالَتْ: إِنْ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِيُحِبُّ التَّيْمَنَ فِي طُهُورِهِ إِذَا تَطَهَّرَ، وَفِي تَرْجُلِهِ إِذَا تَرَجَّلَ، وَفِي انْتِعَالِهِ إِذَا انْتَعَلَ.

34 – *Оиша розияллоҳу анҳо ривоят қилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам поклянишда*<sup>84</sup>, *соч парваришларда, пойабзал кийишда ўнг томондан бошлашни яхши кўрардилар*<sup>85</sup>.

**Шарҳ.** Пайғамбаримиз алайҳиссалом барча хайрли ишларни ўнг томондан бошлашни хуш кўрардилар. Жумладан, таҳорат қилаётиб, аввал ўнг қўлларини, кейин чап қўлларини, шунингдек, чап оёқдан олдин ўнг оёқларини ювардилар.

Соч-соқол тараётганда аввал бош ёки соқолнинг ўнг тарафини, кейин чап тарафини тарардилар. Мой суртишни ҳам аввал ўнг томондан бошлаб, кейин чап томонга ўтардилар.

Пойабзални аввал ўнг оёқларига, кейин чап оёқларига киярдилар.

Аҳамиятли ҳар бир ишни, жумладан, масжидга кириш, ейиш, ичиш, қўл бериб кўришиш, бирон нарсани бериш ёки олиш ва ҳоказоларни ўнг тарафдан бошлаш у зотнинг одатлари эди.

Шу ерда савол туғилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам нима учун хайрли ишларни ўнг тарафдан бошлашни хуш кўрардилар?

Жавоб: Чунки, у зот яхши фолни: воқеа-ҳодисаларни эзгуликка йўйишни, яхши гумон қилишни хуш кўрганлар. Зеро, ўнг томон эгалари жаннат аҳллари дир. Уларнинг номаи аъмоллари ўнг томондан берилади.

Савол: Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳамма ишда фақат ўнг қўлларини ишлатганмилар?

Жавоб: Бу саволга қуйидаги ривоятдан жавоб оламиз.

Оиша розияллоҳу анҳо ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўнг қўллари пок нарсалар ва таом учун, чап қўллари эса истинжо (– ҳожатхонада сув билан покляниш) ва азият берувчи нарсалар(ни кетказиш) учун (ишлатилар) эди<sup>86</sup>”.

Демак, ўнг қўл покиза нарсалар учун ишлатилади, нажосатни покляшда чап қўлдан фойдаланилади. Шунингдек, масжиддан чиқишда, ҳожатхонага киришда ҳам чап оёқ аввал босилади.

---

Бу ривоятни Бағавий “Шарҳус сунна”да (3164), Ибн Саъд “Табакот”да (1/2/154), Абу Шайх “Ахлоқун набий”да (173-саҳифада) келтирган.

<sup>82</sup> Муҳаддис шайх (Суютий эмас, бошқа) Жалолиддин айтишича, бу ердаги “либос”дан мурод у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўйлақлари, ридолари ёки саллалари эмас, ўша бир бўлак матодир (Манба: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуния. – Б.115.).

<sup>83</sup> Ривоят санади саҳиҳ.

Бу ривоятни Насоий “Сунан”да (5236), Ҳоким “Мустадрок”да (7380), Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да (5483) келтирган.

<sup>84</sup> “Покляниш” деганда таҳорат, ғусл, таяммум кўзда тутилади.

<sup>85</sup> 34 – санади саҳиҳ.

Бу ривоятни Бухорий (168, 426, 5380, 5854, 5926) ва Муслим (268) “Саҳиҳайн”да, Абу Довуд (4140), Термизий (608) ва Ибн Можа (401) “Сунан”да келтирган.

<sup>86</sup> Абу Довуд, Аҳмад, Байҳақий ривояти. Ривоят санади саҳиҳ.

۳۵ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ، عَنْ هِشَامِ بْنِ حَسَّانٍ، عَنِ الْحَسَنِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُعَقَّلٍ قَالَ: نَهَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ التَّرَجُّلِ إِلَّا غَبًّا.

35 – Абдуллоҳ ибн Муғаффал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам соч тарашдан қайтарганлар. Магар гоҳ-гоҳида<sup>87</sup> (тарашга рухсат берганлар)”.  
**Шарх.** Бу борада ҳам ўртача йўл тутган маъқул. Сочига бепарво бўлиб, уни тўзғитиб, кишилар кўзига хунук кўриниш ҳам, соч парваришига ҳаддан ташқари кўп вақт ва пул кетказиш ҳам дуруст эмас.

Эҳтиёж бўлса-бўлмаса, соатлаб ойна олдида ўтирадиган, соч турмаклашга, тараш ёки пардозлашга ортиқча вақт, кўп маблағ сарфлайдиганлар бу ривоятдан тегишли хулоса чиқарсалар ажаб эмас.

۳۶ – حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ عَرَفَةَ، حَدَّثَنَا عَبْدُ السَّلَامِ بْنُ حَرْبٍ، عَنْ يَزِيدَ بْنِ أَبِي خَالِدٍ، عَنْ أَبِي الْعَلَاءِ الْأُوْدِيِّ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، عَنْ رَجُلٍ مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَتَرَجَّلُ غَبًّا.

36 – Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларидан бўлган бир киши<sup>88</sup> айтади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам сочларини ахён-ахёнда тарардилар<sup>89</sup>”.

**Шарх.** Демак, Пайғамбаримиз алайҳиссалом сочни доимий парваришламас, бироқ бутунлай ташлаб ҳам қўймас эдилар. Мусулмон киши қачон сочни тарашга, ювишга зарурат бўлса, ўшанда сочини парваришлайди. Унча лозим бўлмаганда вақтини, пулини беҳуда совурмайди.

## 5-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ (СОЧ-СОҶОЛЛАРИГА) ОҚ ТУШИШИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 8 та ҳадис бор: 37-44)

**Шарх.** Бу аввалги бобнинг узвий давомидир. Олдинги бобда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам сочларини қандай парваришлаганлари ҳақида сўз юритилган бўлса, бу ерда соч-соқолларига оқ тушиши ҳақидаги ривоятлар келтирилади, “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам соч-соқолларида оқ туклар бормиди? Уларнинг сони қанча эди? Сочларига оқ тушишига нима сабаб бўлган?” каби саволларга жавоб берилади.

۳۷ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ، حَدَّثَنَا هَمَّامٌ، عَنْ قَتَادَةَ قَالَ: قُلْتُ لِأَنَسِ بْنِ مَالِكٍ: هَلْ خَضَبَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ؟ قَالَ: لَمْ يَبْلُغْ ذَلِكَ، إِنَّمَا كَانَ شَيْئًا فِي صُدْغِيهِ وَلَكِنَّ أَبُو بَكْرٍ خَضَبَ بِالْحِنَاءِ وَالْكَتْمِ.

37 – Қатодадан ривоят қилинади: “Мен Анас ибн Моликдан: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (соч-соқолларини) бўяганмилар?” деб сўрадим. Шунда у: “(Соч-соқол бўяшга) етмагандилар. Фақат икки чаккаларида озроқ (оқ туклар) бор эди”, деб жавоб берди. Лекин Абу Бакр ҳина ва катам билан бўярди<sup>90</sup>”.

**Шарх.** Анас ибн Молик розияллоҳу анҳуга кўра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам соч-соқолларида оқ туклар камлигидан бўяшгача бормаган. У зотнинг икки чаккаларида озгина оқ толалар

<sup>87</sup> 35 – санади заиф. Лекин саҳиҳ, деганлар ҳам бор. Жумладан, имом Термизий мазкур ривоятни “Сунан”да (1756) келтиргач, санадини “ҳасан-саҳиҳ”, деган. Зеро, ҳадиснинг шавоҳидлари бор. Шу билан саҳиҳ бўлади.

Бу ривоятни Абу Довуд (4159) ва Насоий (5055, 5056, 5057) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (4/86), Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да (5484), Табароний “Авсат”да (2457) келтирган.

<sup>88</sup> Саҳоба исми номаълумлиги зарар қилмайди. Чунки барча саҳобалар адолатлидирлар. Ривоятда номи айтилмаган саҳоба кимлиги ҳақида ихтилоф қилинган. Бу борада уч хил қавл бор: 1. Ҳакам ибн Амр. 2. Абдуллоҳ ибн Саржис. 3. Абдуллоҳ ибн Муғаффал (Манба: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуня. – Б.120.).

<sup>89</sup> 36 – санади заиф. Чунки Язид ибн Абу Холид заиф ровий.

Бу ривоятни имом Термизийнинг ёлғиз ўзи нақл қилган.

<sup>90</sup> 37 – санади саҳиҳ.

Бу ривоятни Бухорий “Саҳиҳ”да (3550), Насоий “Сунан”да (5086), Аҳмад “Муснад”да (3/192), Ибн Саъд “Табакот”да (3/190), Бағавий “Шарҳус сунна”да (3652) келтирган.

бор эди. Бошқа ривоятларда айтилишича, Расули акрам алайҳиссаломнинг учта жойларида: пастки лаблари билан ияклари ўртасида ўсадиган майда тукларида, икки чаккаларида ва бошларида озроқ оқ туклари бўлган<sup>91</sup>.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг энг яқин дўстлари, содиқ саҳобалари Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу соч-соқолини ҳина ва катам билан бўяр эди.

Ҳина билан катам – соч-соқол бўяшда ишлатиладиган ўсимлик. Ҳина оқ тукни қизилга, катам эса қорага ўзгартиради<sup>92</sup>. Агар иккаласи қўшиб бўялса, мўй қора-қизғиш рангга киради. Шунда тўқ қизил ҳам, тим қора ҳам бўлиб қолмайди.

Бу ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам соч-соқолларини бўямаганларини айтмоқда. Мазкур саҳоба ўзи билган нарсани ривоят қилган. Бошқа саҳобалар томонидан бунинг акси бўлган ривоятлар нақл қилинган. Уларни келаси бобда ўрганамиз, иншааллоҳ!

Савол: Ривоятда нега айнан Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг соч-соқол бўяши зикр этилган?

Жавоб: Чунки у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан қалин дўст бўлган, ёши ҳам Пайғамбаримиз ёшларига яқинроқ эди<sup>93</sup>.

۳۸ – حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مَنْصُورٍ وَيَحْيَى بْنُ مُوسَى قَالَا: حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، عَنْ مَعْمَرٍ، عَنْ ثَابِتٍ، عَنْ أَنَسٍ قَالَ: مَا عَدَدْتُ فِي رَأْسِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَحِلْيَتِهِ إِلَّا أَرْبَعَ عَشْرَةَ شَعْرَةً بَيْضَاءَ.

38 – Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам соч-соқолларида ўн тўрт донагина оқ тук санаганман<sup>94</sup>”.

**Шарҳ.** Бу ривоятда Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг муборак бошларида бор-йўғи ўн тўрт дона оқ тук бўлгани айтилмоқда. Бошқа ривоятга кўра, йигирматага ҳам етмасди. Бундан чиқди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам соч-соқолларида оқ туклар жуда кам бўлган.

Саҳобалар Пайғамбаримиз алайҳиссалом оқ тукларини турли ададда санашган. Кимдир 14 та, кимдир 17-18 та, яна кимдир 20 тага яқин, деган. Чунки ҳар ким ҳар хил вақтда санаган. Қолаверса, соч-соқолда оқ туклар сони бир хил чиқиши амримаҳол.

۳۹ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى، حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ، أَنبَأَنَا شُعْبَةُ، عَنْ سِمَاكِ بْنِ حَرْبٍ قَالَ: سَمِعْتُ جَابِرَ بْنَ سَمُرَةَ، وَقَدْ سُئِلَ عَنْ شَيْبِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ: كَانَ إِذَا دَهَنَ رَأْسَهُ لَمْ يُرْ مِنْهُ شَيْبٌ، وَإِذَا لَمْ يَدَهُهُ نُ رُئِيَ مِنْهُ.

39 – Симок ибн Ҳарб раҳматуллоҳи алайҳдан ривоят қилинишича, **Жобир ибн Самура** розияллоҳу анҳудан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оқ туклари ҳақида сўралганида, “Агар у зот сочларини ёғласалар, биронта ҳам оқ тук кўринмасди. Агар ёғламасалар, (айримлари) кўринарди”, деб жавоб берган<sup>95</sup>.

**Шарҳ.** Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам сочларини ёғлаганларида оқ толалар билинмай қоларди. Агар ёғ суртмасалар, баъзилари кўринарди. Чунки у зот алайҳиссалом соч-соқолларида оқ туклар кўп эмасди.

۴۰ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عُمَرَ بْنِ الْوَلِيدِ الْكِنْدِيُّ الْكُوفِيُّ، أَنبَأَنَا يَحْيَى بْنُ آدَمَ، عَنْ شَرِيكِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ، عَنْ نَافِعٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ قَالَ: إِذَا كَانَ شَيْبُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَحْوًا مِنْ عِشْرِينَ شَعْرَةً بَيْضَاءَ.

<sup>91</sup> Бу ҳақидаги ривоятни Муслим “Саҳиҳ”да (2341) Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан нақл қилган.

<sup>92</sup> Айрим шарҳларда айтилишича, катам оқ толани сарикқа ўзгартиради.

<sup>93</sup> Манба: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуния. – Б.122.

<sup>94</sup> 38 – санади саҳиҳ.

Бу ривоятни Аҳмад “Муснад”да (3/165), Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да (6293), Бағавий “Шарҳус сунна”да (3653) келтирган.

<sup>95</sup> 39 – санади ҳасан.

Бу ривоятни Муслим “Саҳиҳ”да (2344), Насоий “Сунан”да (5114), Аҳмад “Муснад”да (5/86, 88, 90) келтирган.

40 – Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг оқ туклари йигирматага яқин эди<sup>96</sup>”.

**Шарҳ.** Бу ҳадис Анас ибн Молик ва Жобир ибн Самура розияллоху анхумо ҳадисига мувофиқдир. Яъни, Саййидул мурсалин соч-соқолларида йигирматача оқ тук бўлган<sup>97</sup>.

٤١ – حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ مُحَمَّدُ بْنُ الْعَلَاءِ، حَدَّثَنَا مُعَاوِيَةُ بْنُ هِشَامٍ، عَنْ شَيْبَانَ عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ، عَنْ عِكْرِمَةَ، عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: قَالَ أَبُو بَكْرٍ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَدْ شَبْتِ؟ قَالَ: شَيْبَتَنِي هُوْدٌ، وَالْوَأَقِعَةُ، وَالْمُرْسَلَاتُ، وَعَمَّ يَتَسَاءَلُونَ، وَإِذَا الشَّمْسُ كُوِّرَتْ.

41 – Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади: “Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху: “Эй Расулуллоҳ, сочингизга оқ оралабдими?!” деб сўради. Шунда у зот: “Менинг сочимни “Худ”, “Вокеа”, “Мурсалот”, “Набаъ”, “Таквир” (суралари) оқартирди”, дедилар<sup>98</sup>”.

**Шарҳ.** Ривоятда зикр этилган сураларда қиёмат даҳшатлари, ўша куни одамлар бошига тушадиган машаққатлар васф қилинган.

Расули акрам соллаллоху алайҳи ва саллам муборак сочларидаги озгина оқ туклар дунё ғам-ташвишидан, ўткинчи манфаатни қўлдан чиқарганликдан ёки дунё матоҳларига ўчликдан эмас, охират ғамидан тушган. Кўп одамларни кўрамиз, уларнинг асосий ташвиши дунё бўлиб қолган. Ўй-хаёли, орзу-умиди, ғам-андухи беш кунлик ҳаёт икир-чикирларидан иборат. Уларнинг белидан мадор, кўзидан нур фақат дунё ғамида кетади. Мушфиқ Пайғамбаримиз алайҳиссаломда эса ундай бўлмаган. У зот биз ҳақимизда ўйлаб ғамга ботганлар, эртага умматим ҳоли не кечади, деб кўп ташвиш чекканлар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху: “Эй Расулуллоҳ, сочингизга оқ тушибдими?” дея бунинг сабабини билмоқчи эди. Шунинг учун Пайғамбаримиз: “Сочимга “Худ”, “Вокеа”, “Мурсалот”, “Набаъ”, “Таквир” суралари сабаб оқ оралади”, деб жавоб қайтардилар. Охират ҳақида қайғуриш оқибатида у зотда кексалик аломати кўринган.

Бу ерда Қуръонни тадаббур (– чуқур тафаккур) қилишнинг катта фойдаси борлигига ишора қилинмоқда. Зеро, Аллоҳнинг Каломини ўқиган, ўрганган, қалбига сингдирган, оятлар ҳақида фикр юритган инсоннинг охиратга рағбати ошади, Аллоҳ билан муносабати мустаҳкамланади.

Қуръонни тадаббур қилган банда дунё юмушлари билан банд бўлса-да, диққат-эътибори охират ишларига қаратилади. Ҳақиқий мўмин киши дунё икир-чикирлари атрофида ўралашиб қолмайди, энг катта ғамни дунё ғами деб билмайди. Шу маънода Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Ё Аллоҳ, дунёни энг катта ташвишимиз қилиб қўйма!” деб дуо қилганлар<sup>99</sup>. Бундан чиқди, мусулмон банда дунё ҳақида қайғуриши, оиласини боқиш учун елиб-югуриши, шуни ўйлаб ташвишланиши ёмон эмас. Фақат асосий мақсадни: дунёга Аллоҳнинг айтганларини қилиш, қайтарганларидан қайтиш учун келганини, охиратга тайёргарлик кўриш зарурлигини унутиб қўймаса бўлгани.

٤٢ – حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ وَكَيْعٍ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشْرٍ، عَنْ عَلِيِّ بْنِ صَالِحٍ، عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ، عَنْ أَبِي جُحَيْفَةَ قَالَ: قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، نَرَاكَ قَدْ شَبْتِ، قَالَ: قَدْ شَيْبَتَنِي هُوْدٌ وَأَخَوَاتُهَا.

<sup>96</sup> 40 – санади заиф. Чунки Шарик ибн Абдуллоҳ Куфийнинг хотираси ёмон. У ёлғиз ўзи бўлганида (тафарруда) заифдир.

Бу ривоятни Ибн Можа “Сунан”да (3630), Аҳмад “Муснад”да (2/90), Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да (6294, 6295), Бағавий “Шархус сунна”да (3656) келтирган.

<sup>97</sup> 14 та ҳам, 17-18 та ҳам 20 тача ҳисобланади.

<sup>98</sup> 41 – санади заиф. Мусанниф “Жомеъ”да (3297) бу ривоятни матни ва санади билан келтиргач, “ҳасан-ғариб”, деган. Бироқ, у турли йўллари ва гувоҳлари (шавоҳиди) билан саҳиҳ (лиғайрих) бўлади.

Мазкур ҳадисни Ҳоким “Мустадрок”да (2/343, 476), Ибн Саъд “Табакот”да (1/435), Ибн Абу Шайба “Мусаннаф”да (10/553) келтирган.

<sup>99</sup> Термизий “Сунан”да (3502) Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан.

42 – *Абу Жухайфа розияллоху анхудан ривоят қилинади:* “(Одамлар): “Эй Расулulloх (соллаллоху алайхи ва саллам), сочингизга оқ тушганини кўряпмиз?!” дейишди. Шунда у зот: “Сочимни “Худ” ва унга ўхшаш (суралар) оқартирди”, дедилар<sup>100</sup>”.

**Шарҳ.** “Худ” ва унга ўхшаш суралар”, деганда киёмат кўрқинчлари, қийинчиликлари васф этилган суралар, жумладан, “Қамар”, “Воқеа”, “Ҳоққа”, “Маориж”, “Мурсалот”, “Набав”, “Таквир”, “Ғошия”, “Қория” суралари кўзда тутилади.

Набий соллаллоху алайхи ва саллам мазкур суралар орқали ўтган қавмлар бошига тушган мусибатлардан воқиф бўлиб, ўз умматлари ҳақида қаттиқ қайғурганлар. Натижада у зотда қарилик белгиси намоён бўлган.

Бошқа ривоятга кўра, Расулulloх алайҳиссалом: “Худ ва унга ўхшаш суралар, аввалги умматлар бошига тушган кўргиликлар сочимни оқартирди”, деганлар<sup>101</sup>.

Абу Али Шаббувийдан ривоят қилинади. Мен Набий соллаллоху алайхи ва салламдан:

– Ё Расулulloх, айтишларича, сиз: “Сочимни Худ сураси оқартирди”, дебсиз. Бунга сабаб нима: ундаги пайғамбарлар қиссаси, умматлар ҳалокатими? – деб сўрадим. Шунда у зот:

– Йўқ, балки “Ўзингизга буюрилганидек тўғри йўлда бўлинг!” оятидир<sup>102</sup>, – дедилар<sup>103</sup>.

Савол: Нима учун Пайғамбаримиз алайҳиссалом сочларига оқ тушишига сабаб дея биринчи навбатда “Худ” сураси тилга олинган?

Жавоб: Чунки мазкур сурада ҳақ йўлда собитқадам бўлишга буюрилган. Агар Аллох тавфик бермаса, бандалар бунинг уддасидан чиқа олишмайди.

Савол: “Шўро” сурасида ҳам собитқадамликка амр қилинган-ку. Нега “Шўро” эмас, айнан “Худ” сураси соч-соқолга оқ тушишига сабаб дея айтилмоқда?

Жавоб: Биринчидан, Расули акрам Аллохнинг собитқадамлик ҳақидаги буйруғини биринчи марта “Худ” сурасида эшитганлар. Қолаверса, “Шўро” сурасида фақат у зотнинг ўзлари динда бардавом бўлишга буюрилганлар. “Худ” сурасида эса Пайғамбаримиз алайҳиссалом ва у зотга эргашган мўминлар ҳақ йўлда собитқадам бўлишган амр этилган. Умматлари бундай фармойишни бажаришга қодир эмасликларини билгач, уларни ўйлаб ғам чекканлар, мўминлар оқибати ҳақида мулоҳаза қилганлар<sup>104</sup>.

٤٣ – حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، حَدَّثَنَا شُعَيْبُ بْنُ صَفْوَانَ، عَنْ عَبْدِ الْمَلِكِ بْنِ عُمَيْرٍ، عَنْ إِبَادِ بْنِ لَقِيطِ الْعِجْلِيِّ، عَنْ أَبِي رَمَثَةَ التَّيْمِيِّ، تَيْمِ الرِّبَابِ قَالَ: أَتَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَمَعِيَ ابْنُ لِي، قَالَ: فَأَرَيْتَهُ، فَقُلْتُ لِمَا رَأَيْتَهُ: هَذَا نَبِيُّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَعَلَيْهِ ثَوْبَانِ أَحْضَرَانِ، وَلَهُ شَعْرٌ قَدْ عَلَاهُ الشَّيْبُ، وَشَيْبُهُ أَحْمَرٌ.

43 – *Абу Римса Таймий<sup>105</sup> розияллоху анхудан ривоят қилинади:* “Мен ўғлим билан Набий соллаллоху алайхи ва саллам хузурларига келдим. У зотни ўғлимга кўрсатдим<sup>106</sup>. Расулulloхни кўришим билан: “Бу Аллохнинг Пайғамбари соллаллоху алайхи ва саллам. Эгниларига икки яшил либос кийиб олганлар. У зотнинг бир оз оқ оралаган сочлари бор. Оқ туклари қизил рангда”, дедим<sup>107</sup>”.

<sup>100</sup> 42 – санади заиф. Бу ривоятни Термизийнинг ёлғиз ўзи келтирган, лекин гувоҳлари билан саҳиҳ (лиғайрих) даражасига чиқади.

<sup>101</sup> Ибн Асокир ривоят қилган.

<sup>102</sup> “Худ” сураси, 112-оят.

<sup>103</sup> Байҳақий “Шуабул имон”да ривоят қилган.

<sup>104</sup> Манба: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуния. – Б.127.

<sup>105</sup> Абу Римса Таймий розияллоху анху исмида ихтилоф қилинган. Айтилишича, унинг исми Рифоа ёки Ҳайён ёки Жундуб ёки Хашшошдир. Абу Римса Мисрда яшаган, Африкада вафот этган. Абу Довуд, Термизий, Насойи ундан ҳадис ривоят қилишган.

<sup>106</sup> Баъзи ривоятларда “У зотни менга кўрсатишди, яъни, менга таништиришди” (Фаурийтуху) шаклида ҳам келтирилган. Шундай келиб чиқиб, “Бу Абу Римса Таймий розияллоху анхунинг Набий соллаллоху алайхи ва саллам хузурларига биринчи келиши эди. У Расулulloхни танимасди”, деб ҳам айтилган (Қаранг: Абдураззоқ Абдулмуҳсин. Шарҳу шамоилин набий соллаллоху алайхи ва саллам. – Б.80.).

Лекин “Мен у зотни ўғлимга кўрсатдим” деган шакли ҳадис сиёкига мосроқ (Қаранг: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуния. – Б.130.).

<sup>107</sup> 43 – санади ҳасан.

**Шарх.** Абу Римса розияллоху анху ўғлини Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳузурларига олиб келиб, у зотни кўрсатди. Расули акрамни кўриши билан: “Бу Аллохнинг Пайғамбари соллаллоху алайҳи ва салламдирлар. У зот устиларида яшилга бўялган икки кийим – изор ва ридо бор. Сочларига озроқ оқ тушган. Оқ толалари қизил рангда”, деган.

Шу ерда савол туғилади: Пайғамбаримиз алайҳиссалом сочларидаги қизиллик бўяш сабабиданми ёки ёғ суртганлари учун шундай кўринганми?

Жавоб: Юқоридаги ривоятларнинг бирида айтилганидек, агар у зот сочларига ёғ суртсалар, оқ толалар кўринмай қоларди. Агар суртмасалар, айримлари кўринарди. Соқолларини ҳина билан бўяганлари учун кизғиш тусда кўринган, деб ҳам айтилади<sup>108</sup>.

Имом Божурий шарҳида: “Эҳтимол, у зот оқ сочлари атрофида қизил толалар бўлгандир. Одатда, соч оқаришидан аввал кизғиш ранга киради. Кейин оқаради”, дейилган<sup>109</sup>.

٤٤ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا سُرَيْجُ بْنُ التَّعْمَانِ، حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ سَلَمَةَ، عَنْ سِمَاكِ بْنِ حَرْبٍ قَالَ: قِيلَ لِحَايِرِ بْنِ سَمُرَةَ: أَكَانَ فِي رَأْسِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَيْبٌ؟ قَالَ: لَمْ يَكُنْ فِي رَأْسِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَيْبٌ إِلَّا شَعْرَاتٌ فِي مَفْرِقِهِ، إِذَا ادَّهَنَ وَارَاهُنَ الدُّهْنَ.

44 – Симок ибн Ҳарб раҳматуллоҳи алайҳдан ривоят қилинади: “Жобир ибн Самура розияллоху анхундан: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бошларида оқ тук бормиди?” деб сўралди. Шунда у: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бошларида – фарқ очадиган жойларидаги бир неча соч толаларидан бўлак – оқ туклар йўқ эди. Агар ёғласалар, ёғ уларни беркитиб кўярди”, деб жавоб берди<sup>110</sup>”.

**Шарх.** Бу ҳадис маъносини 39-ҳадис шарҳида ўрганган эдик. Фарқли жиҳати шуки, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам сочларидаги оқ толалар фарқ очадиган жойда – бошларининг ўртасида эди. Ёғ ёки хушбўйлик суртганларида ўша оқ туклар кўринмай қоларди.

## 6-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ СОЧ БЎЯШЛАРИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 4 та ҳадис бор: 45-48)

**Шарх.** Саҳобалар розияллоху анхум Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам соч бўяганлари ҳақида турли қавллар айтишган. Жумладан, Анас ибн Молик розияллоху анху: “Бўямаганлар”, Абу Ҳурайра розияллоху анху эса: “Бўяганлар”, деган. Яна бир гуруҳ уламолар: “Хушбўйликни кўп ишлатганларидан сочлари кизғиш тус олган. Кўрган одам у зот соч бўяганлар, деб ўйлаган. Аслида бўямаганлар”, деб ҳам айтишган<sup>111</sup>.

6-бобда мана шу мавзудаги ривоятлар келтирилган. Қуйида уларнинг шарҳини ўрганиб, кейин умумий хулоса чиқарамиз.

٤٥ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا هُشَيْمٌ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْمَلِكِ بْنُ عُمَيْرٍ، عَنْ إِيَادِ بْنِ لَقِيْطٍ قَالَ: أَخْبَرَنِي أَبُو رِمَّةَ قَالَ: أَتَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَعَ ابْنِ لِيٍّ، فَقَالَ: ابْنُكَ هَذَا؟ فَقُلْتُ: نَعَمْ، أَشْهَدُ بِهِ. قَالَ: لَا يَخْنِي عَلَيْكَ، وَلَا يَخْنِي عَلَيْهِ، قَالَ: وَرَأَيْتُ الشَّيْبَ أَحْمَرَ.

Бу ривоятни Абу Довуд (4206, 4208), Насоий (5083, 5084) ва Доримий (2393) “Сунан”да келтиришган.

<sup>108</sup> Қаранг: Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра Термизий. Аш-Шамоилун набавия вал хасоилул мустафавия /Муҳаққик: Саййид ибн Аббос Жалимий. – Б.59; Абдураззоқ Абдулмуҳсин. Шарҳу шамоилин набий соллаллоху алайҳи ва саллам. – Б.81.

<sup>109</sup> Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуния. – Б.130.

<sup>110</sup> 44 – санади ҳасан. Бу ҳақида 39-ҳадис шарҳида маълумот берилган.

<sup>111</sup> Манба: Ибн Қаййим. Зодул маод (1/176).



قَالَ أَبُو عِيسَى: هَذَا أَحْسَنُ شَيْءٍ رُوي فِي هَذَا الْبَابِ وَأَفْسَرُ، لِأَنَّ الرِّوَايَاتِ الصَّحِيحَةَ أَنَّهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمْ يَبْلُغِ الشَّيْبَ. وَأَبُو رِمَّةَ: اسْمُهُ رِفَاعَةُ بْنُ يَثْرِبِيٍّ التَّمِيمِيُّ.

45 – Абу Римса розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Мен ўғлим билан Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам ҳузурларига келдим. Шунда у зот: “Бу ўғлингми?” деб сўрадилар. Мен: “Ҳа. Бунга гувоҳлик бераман”, дедим. У зот: “У сенинг зиёнингга жиноят қилмайди. Сен ҳам унинг зиёнига жиноят қилмайсан”, дедилар”. (Абу Римса) айтди: “Мен (у зотнинг) оқарган сочларини қизил ҳолида кўрдим<sup>112</sup>”.

Абу Исо айтди: “Бу (ҳадис) мана шу бобда ривоят қилинган энг яхши, (ҳолатни) яхшироқ изоҳловчи (ривоят)дир. Чунки саҳиҳ ривоятларга кўра, у зот соллаллоху алайҳи ва саллам (соч-соқоллари) оқаришигача етмаганлар. Абу Римсанинг исми Рифоа ибн Ясрибий Таймийдир”.

**Шарҳ.** Ривоятда айтилишича, Абу Римса Таймий розияллоху анху ўғли билан Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам ҳузурларига борган. Бу ерда эътибор берадиган жиҳати шундаки, фарзандини аҳли илмлар олдига олиб бориш, илмий мажлисларда қатнаштириш болада илмга, олимларга муҳаббат уйғотади, унинг жажжи қалбида маърифатга интилиш пайдо бўлади. Салоҳиятли фарзандлар тарбиялашда аҳли илмлар билан яхши муносабат ўрнатиш, уларнинг илмидан унумли фойдалиш муҳим.

Абу Римса ўғли билан Пайғамбаримиз алайҳиссалом олдиларига киргач, у зот: “Бу ўғлингми?” деб сўрадилар. Абу Римса: “Ҳа. Бу ўғлим эканига гувоҳлик бераман”, деб таъкидлади. Шунда Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам: “У сенинг зиёнингга жиноят қилмайди. Сен ҳам унинг зиёнига жиноят қилмайсан”, дедилар. Яъни, агар у бирон айб иш қилса, бунинг зарари ўзига. Қилган ишига ўзи жавоб беради. Агар сен бирон гуноҳга қўл урсанг, қилмишинг зарари ўзингга. Ҳеч бир жон бошқа бир киши гуноҳини зиммасига олмайди.

Жоҳилият даврида бир бузук одат бор эди. Агар ўғил бирон қабиладан бўлган кишини ўлдирса, ўша қабила вакиллари қотилнинг отаси, ака-укаси ёки оила аъзоларидан бирини ўлдиришарди. Соддароқ қилиб айтганда, Алининг ўчини Валидан олишарди. Ўша замонларда киши емаган сомсасига пул тўлашга мажбур бўларди. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам “У сенинг зиёнингга жиноят қилмайди. Сен ҳам унинг зиёнига жиноят қилмайсан”, дея ҳар ким қилмишига ўзи жавоб беришини айтдилар. Бу билан жоҳилий одатлардан бирини амалдан қолдирдилар, жамият ҳаёти низомини тўғриладилар.

“(Абу Римса) айтди: “Мен (у зотнинг) оқарган сочларини қизил ҳолида кўрдим”.

Демак, Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам муборак бошларида оқ толалар жуда кам бўлган. Ўша оқ туклар қизғиш рангда эди. “Бунинг сабаби нима?” деган саволга икки хил жавоб берилган:

1. Баъзи аҳли илмларга кўра, ҳина билан бўялгани учун соч қизил рангда кўринган<sup>113</sup>.

2. Кўп ёғ суртилгани учун сочдаги оқ толалар қизғиш тусга кирган<sup>114</sup>.

Абу Исо айтди: “Бу (ҳадис) мана шу бобда ривоят қилинган энг яхши, (ҳолатни) яхшироқ изоҳловчи (ривоят)дир. Чунки саҳиҳ ривоятларга кўра, у зот соллаллоху алайҳи ва саллам (соч-соқоллари) оқаришигача етмаганлар. Абу Римсанинг исми Рифоа ибн Ясрибий Таймийдир”.

Мусанниф – имом Абу Исо Термизий раҳматуллоҳи алайҳига кўра, юқорида келтирилган ривоят соч-соқол бўяш бобидаги энг салмоқли, маъноси равшан, ҳолатни очиқ баён қилувчидир.

Бундан келиб чиқиб, имом Термизий “Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам соч бўямаганлар” деган қавлга мойил бўлган, дейиш мумкин. Яна Аллох билади<sup>115</sup>.

٤٦ — حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ وَكَيْعٍ، حَدَّثَنَا أَبِي، عَنْ شَرِيكِ، عَنْ عُثْمَانَ بْنِ مَوْهَبٍ قَالَ: سُئِلَ أَبُو هُرَيْرَةَ: هَلْ خَضَبَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ؟ قَالَ: نَعَمْ.

<sup>112</sup> 45 – санади саҳиҳ.

Буни Абдуллох ибн имом Аҳмад “Муснад”га зиёдаларида (7113) ривоят қилган.

<sup>113</sup> Ҳоким ривоятида “Оқ толалари ҳина билан бўялганди”, деб келган (Қаранг: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуня. – Б.133.).

<sup>114</sup> Манба: Абдураззоқ Абдулмуҳсин. Шарҳу шамоилин набий соллаллоху алайҳи ва саллам. – Б.85.

<sup>115</sup> Қаранг: Абдураззоқ Абдулмуҳсин. Шарҳу шамоилин набий соллаллоху алайҳи ва саллам. – Б.85.

قَالَ أَبُو عِيسَى: وَرَوَى أَبُو عَوَانَةَ هَذَا الْحَدِيثَ عَنْ عُثْمَانَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَوْهَبٍ، فَقَالَ: عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ.

46 – Усмон ибн Мавҳабдан ривоят қилинишича, Абу Ҳурайра розияллоху анхудан: “Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам (соч-соқолларини) бўяганмилар?” деб сўралди. Шунда у: “Ҳа”, деб жавоб берди<sup>116</sup>.

Абу Исо айтди: “Бу ҳадисни Абу Авона Усмон ибн Абдуллох ибн Мавҳабдан, у Умму Саламадан ривоят қилган<sup>117</sup>”.

Шарҳ. “Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам сочлари рангини ҳина ва шунга ўхшаш нарсалар билан ўзгартирганмилар?” деб сўралганида Абу Ҳурайра розияллоху анху “Ҳа”, деб жавоб берган.

Ҳадисда савол эгасининг исми айтилмаган. Чунки бу ерда мақсад савол берувчи номини зикр қилиш эмас, балки Пайғамбаримиз алайҳиссалом сочларини бўяган-бўямаганларига ойдинлик киритишдир.

٤٧ – حَدَّثَنَا إِبْرَاهِيمُ بْنُ هَارُونَ، حَدَّثَنَا النَّضْرُ بْنُ زُرَّارَةَ، عَنْ أَبِي جَبَابٍ، عَنْ إِيَادِ بْنِ لَقَيْطٍ، عَنِ الْجُهْدَمَةِ، امْرَأَةً بَشِيرِ ابْنِ الْخُصَّاصِيَةِ قَالَتْ: أَنَا رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْرُجُ مِنْ بَيْتِهِ، يَنْفُضُ رَأْسَهُ، وَقَدْ اغْتَسَلَ، وَبِرَأْسِهِ رَدْعٌ مِنْ حِنَاءٍ، أَوْ قَالَ: رَدْعٌ، شَكَ فِي هَذَا الشَّيْخِ.

47 – Башир ибн Хасосиянинг аёли Жаҳзама розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Мен Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам уйларидан бошларини (қўллари билан) сидирган холда чиқаётганларини кўрганман. У зот ғусл қилган эканлар. Бошларида ҳина изи<sup>118</sup> бор эди<sup>119</sup>...”

Шарҳ. Жаҳзама розияллоху анху Бани Шайбон қабиласидан эди. Айтилишича, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам унинг исмини “Лайло”га ўзгартирганлар. Жаҳзама розияллоху анху ривоятини ёлғиз имом Термизий “Шамоил” китобида келтирган.

Жаҳзама розияллоху анху айтишича, у Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам бошларида ҳина асарини кўрган экан. Айрим шорихлар (ривоят маъносини шарҳловчилар) айтишича, бу ҳолат у зот алайҳиссалом сочларини бўяганларини билдирмайди. Балки, муолажа, салқинланиш ва шу каби мақсадларда ҳина қўйган бўлишлари мумкин<sup>120</sup>.

٤٨ – حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، أَنبَأَنَا عَمْرُو بْنُ عَاصِمٍ، حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ سَلَمَةَ، أَنبَأَنَا حُمَيْدٌ، عَنْ أَنَسٍ قَالَ: رَأَيْتُ شَعَرَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَخْضُوبًا. قَالَ حَمَّادٌ: وَأَخْبَرَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مُحَمَّدِ بْنِ عَقِيلٍ قَالَ: رَأَيْتُ شَعَرَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عِنْدَ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ مَخْضُوبًا.

48 – Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Мен Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам сочларини бўялган холида кўрганман<sup>121</sup>...”

<sup>116</sup> 46 – санади заиф. Уни Термизийнинг ёлғиз ўзи ривоят қилган. Бу ҳадис санадида Шарик Қози бор. Аҳли илмлар зикр қилишича, унинг ҳифзи ёмон. Ишончли ровийлар Шарикка хилоф қилишган, бу ҳадисни Умму Салама розияллоху анху муснадидан санаган. Мана шуниси тўғри (Абдураззоқ Абдулмуҳсин. Шарҳу шамоилин набий соллаллоху алайҳи ва саллам. – Б.86.).

<sup>117</sup> Усмон ибн Мавҳабдан ривоят қилинади: “Мен Умму Салама олдида кирдим. Шунда у Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳина ва катам билан бўялган сочларини олиб чиқди” (Бу ҳадисни Бухорий “Саҳих”да (5897), Ибн Можа “Сунан”да (3623), Аҳмад “Муснад”да (6/296, 319, 322) ривоят қилган).

<sup>118</sup> Ривоятда “радъ” (“айн” билан) ёки “радғ” (“ғайн” билан) деб келтирилган. Бу шубҳа Термизийнинг шайхи Иброҳим ибн Ҳорун томонидан қилинган. Муҳаққиқ уламоларга кўра, “радъ” тўғри саналади. Бу ўринда “радғ” дейиш хато.

<sup>119</sup> 47 – санади заиф. Чунки Назр ибн Зурора ва Абу Жаноб Калбий: Яхё ибн Абу Ҳайя заиф ровийлардир.

Буни ҳам Термизийнинг ёлғиз ўзи ривоят қилган.

<sup>120</sup> Манба: Абдураззоқ Абдулмуҳсин. Шарҳу шамоилин набий соллаллоху алайҳи ва саллам. – Б.87.

<sup>121</sup> 48 – санади заиф. Чунки Амр ибн Осим заиф ровий.

Буни ҳам Термизийнинг ёлғиз ўзи ривоят қилган.

**Шарҳ.** Эътибор берсак, “Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам сочларини бўяганмилар”, деган масалада икки хил ривоят собит бўляпти. Биринчисида “бўямаганлар”, дейилса, бошқасида “бўяганлар” деб айтилмоқда. Буни қандай тушуниш керак?

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сочларидаги оқ толалар сони жуда кам эди, йигирматага ҳам бормасди. Шунинг учун сочни бўяшга ҳожат қолмаган. Оқ толанинг қизғиш рангда кўринишига келсак, бу сочга суртилган ёғ ёки мушки анбар изи бўлиши мумкин.

Бу борада имом Нававий раҳматуллоҳи алайҳ шундай деган: “Мухтор (танланган қавл) шуки, у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзан соч-соқолларини бўяганлар. Ибн Умарнинг “Саҳихайн”даги ривояти шунга далолат қилади. Кўпинча бўямасдилар. Ҳар ким ўзи кўрганини ривоят қилган ва у ростгўйдир. Валлоҳу аълам<sup>122</sup>”.

Бу бобга хулоса ўрнида куйидагиларни айтамыз:

1. Соч-соқолдаги оқ тола қиёмат куни нур бўлади<sup>123</sup>.
2. Оқ толани юлиб ташлаш макруҳ.
3. Оқ толани қорадан бошқа рангларга (жумладан, қизилга, сариққа) бўяш жоиз<sup>124</sup>.

## 7-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМНИНГ СУРМА ҚЎЙИШЛАРИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 5 та ҳадис бор: 49-53)

**Шарҳ.** Имом Термизий раҳматуллоҳи алайҳ соч бўяш ҳақидаги бобдан кейин сурма ҳақидаги ривоятларни келтирган. Чунки сурма ҳам зийнатнинг бир туридир. Сурма шифо талабида кўзга қўйилади.

Бизнинг юртларда сурмани асосан аёллар қўйишади. Урф-одатимизга кўра, сурма қўйиш аёлларгагина хос иш, деб қаралади. Бироқ динимизда бу иш эркагу аёлларга бирдек тавсия этилган. Жумладан, кўзга сурма қўйиш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қавлий ва феълий (сўз билан айтиб, амал билан кўрсатиб берган) суннатларидандир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам сурма қўйишга тарғиб қилганлар, ўзлари ҳам сурма қўйганлар. Бу бобда кўзга сурма қўйиш фойдалари, қандай қўйилиши ҳақидаги ривоятлар жамланган.

٤٩ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ حُمَيْدٍ الرَّازِيُّ، حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ الطَّيَالِسِيُّ، عَنْ عَبَّادِ بْنِ مَنْصُورٍ، عَنْ عِكْرِمَةَ، عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: اكْتَحِلُوا بِالْإِثْمِدِ، فَإِنَّهُ يَجْلُو الْبَصَرَ، وَيُنْبِثُ الشَّعْرَ.

وَزَعَمَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَتْ لَهُ مَكْحَلَةٌ يَكْتَحِلُ مِنْهَا كُلَّ لَيْلَةٍ، ثَلَاثَةً فِي هَذِهِ، وَثَلَاثَةً فِي هَذِهِ.

49 – *Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сизлар “исмид” (номли) сурма қўйинглар. Зеро, у кўзни равшан қилади, киприкни ўстиради”, деганлар.*

*Унинг айтишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир сурмадонлари бор эди. Ундан ҳар кеча кўзларига сурма қўярдилар. Бунисига уч марта, унисига уч марта<sup>125</sup> (қўярдилар).*

<sup>122</sup> Манба: Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра Термизий. Аш-Шамоилун набавия вал хасоилул мустафавия /Муҳаққиқ: Саййид ибн Аббос Жалимий. – Б.62.).

<sup>123</sup> Бу ҳақида бир қанча ривоятлар нақл қилинган. Жумладан, Амр ибн Шуайб отасидан, отаси бобосидан ривоят қилишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Оқ толани юлиб ташламанглар. Чунки у мусулмоннинг нуридир. Кимнинг бир дона туки Ислом (йўли)да оқарса, Аллоҳ (ўша битта оқ тола сабабидан) унга битта ҳасана ёзади, унинг битта гуноҳини ўчиради, мартабасини бир поғона юқори кўтаради” (Аҳмад “Муснад”да (6962) ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ лиғайрих).

Абу Нажиҳ Сулабий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимнинг Аллоҳ йўлида бир дона туки оқарса, қиёмат куни унинг учун нур бўлади”, деб айтганларини эшитганман” (Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да (2984) ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

<sup>124</sup> Қаранг: Мулла Али Қори. Жамъул васоил. – Б.139-142.

<sup>125</sup> 49 – санади заиф.

**Шарҳ.** Исмид кўз учун сурма олинадиган минерал тошдир. Унинг ранги қора, айримлари қизғиш бўлади. Исмид тез парчаланиш хусусиятига эга. Сурма турлари кўп, бироқ ушбу ҳадисда исмид сурмасини қўйиш тавсия этилган. Ибн Қаййим “Зодул маод” китобида ёзишича, исмид сурмаси кўз саломатлигини сақлайди, нуруни кўпайтиради, унга жило беради. Агар сурма уйқуга ётишдан олдин қўйилса, фойдаси кўпроқ бўлади<sup>126</sup>.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом бу ҳадисда исмид сурмасини кўзга қўйишни маслаҳат бериб, унинг иккита фойдасини эслатяптилар:

1. Кўзни тиниқ қилади, кўриш сифатини оширади, кўзга нур бағишлайди. Агар озроқ мушк қўшилса, фойдаси янада ортади.

2. Киприкни ўстиради. Маълумки, кўз атрофида киприклар ўсади. Уларнинг яхши ўсиши, узун бўлиши кўзни турли азиятлардан, чанг-ғуборлардан асрайди, кишига чирой бағишлайди. Киприк ва қошлар кўз учун ҳимоя вазифасини бажаради. Бу ҳам Аллоҳнинг неъматларидандир.

**“Унинг айтишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир сурмадонлари бор эди. Ундан ҳар кеча кўзларига сурма қўярдилар. Бунисига уч марта, унисига уч марта (қўярдилар)”**.

Яъни, Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сурма сақланадиган идишлари бўларди. Ундан сурма олиб, олдин ўнг кўзларига уч марта, сўнг чап кўзларига уч марта сурма қўярдилар.

• ۵ – حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الصَّبَّاحِ الْهَاشِمِيُّ الْبَصْرِيُّ، أَخْبَرَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مُوسَى، أَخْبَرَنَا إِسْرَائِيلُ بْنُ يُونُسَ، عَنْ

عَبَادِ بْنِ مَنْصُورٍ.

ح، وَحَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ هَارُونَ، حَدَّثَنَا عَبَادُ بْنُ مَنْصُورٍ، عَنْ عِكْرِمَةَ، عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَكْتَحِلُ قَبْلَ أَنْ يَنَامَ بِالْإِثْمِدِ ثَلَاثًا فِي كُلِّ عَيْنٍ.

وَقَالَ يَزِيدُ بْنُ هَارُونَ فِي حَدِيثِهِ: إِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَتْ لَهُ مُكْحَلَةٌ يَكْتَحِلُ مِنْهَا عِنْدَ النَّوْمِ ثَلَاثًا فِي

كُلِّ عَيْنٍ.

50 – *Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйқуга ётишдан олдин ҳар бир кўзларига исмид билан уч мартадан сурма қўярдилар”*.

*Язид ибн Ҳорун ўз ҳадисидида айтишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир сурмадонлари бўлиб, уйқудан олдин ҳар бир кўзларига уч мартадан сурма қўярдилар*<sup>127</sup>.

**Шарҳ.** Бу ҳадисда сурмани уйқудан олдин қўйиш алоҳида таъкидланмоқда. Шунингдек, сурмани тоқ қўйишга чақирилмоқда.

Маълумки, Исломда хайрли ишларни ўнг томондан бошлашга, шунингдек, тоқ қилишга буюрилган. Буни сурма қўйиш мисолида ҳам кўриш мумкин.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Агар биронтангиз сурма қўядиган бўлса, тоқ қўйсин”<sup>128</sup>.

Уламолар сурмани тоқ қўйиш борасида икки хил усулни зикр қилишган:

1. Аввал ўнг кўзга, кейин чап кўзга уч мартадан сурма қўйиш. Шунда ҳар бир кўзга тоқ сонда сурма қўйилган бўлади.

2. Аввал ўнг кўзга бир марта, сўнг чап кўзга бир марта, ундан кейин ўнг кўзга яна бир марта, сўнг чап кўзга бир марта. Охирида ўнг кўзга яна бир марта – жами беш марта сурма қўйилади. Шунда умумий

Бу ҳадисни мусанниф “Жомеъ”да (1757), Ибн Можа “Сунан”да (3499), Аҳмад “Муснад”да (1/354), Ҳоким “Мустадрок”да (4/408), Ибн Саъд “Табақот”да (1/484) ривоят қилган.

<sup>126</sup> Қаранг: Ибн Қаййим. Зодул маод (4/281).

<sup>127</sup> 50 – санади заиф.

<sup>128</sup> Имом Аҳмад “Муснад”да (8612) ривоят қилган. Бу – ҳасан ҳадис.

ҳисоб тоқ бўлади. Бу усулда ўнг томон уч жиҳатдан афзал кўрилади: биринчи бошлаш, охириги тугатиш ва битта ортиқ қилиш<sup>129</sup>.

٥١ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ يَزِيدَ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْحَاقَ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ الْمُنْكَدِرِ، عَنْ جَابِرِ هُوَ ابْنُ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: عَلَيْكُمْ بِالِإِثْمِدِ عِنْدَ النَّوْمِ، فَإِنَّهُ يَجْلُو الْبَصَرَ، وَيُنْبِتُ الشَّعْرَ.

51 – Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Сизлар уйқудан аввал исмид (сурмасидан) кўйинглар. Чунки у кўзни ўткир қилади, киприкни ўстиради<sup>130</sup>”.

**Шарҳ.** Демак, исмид сурмасини айнан уйқудан олдин кўйиш фойдаси кўпроқ экан. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳар бир тавсияларида уммат учун улкан манфаатлар бор.

Муҳим эслатма: Сурма кўйиш ҳақидаги тавсиялар кўзи соғлом кишиларга тегишли. Кўзида бирон муаммо бор беморлар шифокорга мурожаат қилишлари керак. Зеро, исмид ва шу каби сурмалар кўзи хаста инсонлар учун зарар келтиради.

٥٢ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا بِشْرُ بْنُ الْمُفَضَّلِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُثْمَانَ بْنِ خُثَيْمٍ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ جُبَيْرٍ، عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ خَيْرَ أَكْحَالِكُمُ الْإِثْمِدُ، يَجْلُو الْبَصَرَ، وَيُنْبِتُ الشَّعْرَ.

52 – Ибн Аббос розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Албатта, энг яхши сурмангиз кўзни равшан қиладиган, киприкни ўстирадиган исмиддир<sup>131</sup>”.

**Шарҳ.** Нега айнан “исмид” номли сурма кўйишга чақирилгани сабаби мана шу ҳадисда айtilган. Кўзга кўйиладиган сурмалар кўп. Бироқ исмид сурмалар ичида энг афзали, сифатлиси, фойдалисидир. Жумладан, исмид кўзни тиниқлаштиради, киприкни ўстиради. Албатта, бу соғлом одамга – кўз сихҳатини сақлаш учун – берилган тавсиядир.

٥٣ – حَدَّثَنَا إِبْرَاهِيمُ بْنُ الْمُسْتَمِرِّ الْبَصْرِيُّ، حَدَّثَنَا أَبُو عَاصِمٍ، عَنْ عُثْمَانَ بْنِ عَبْدِ الْمَلِكِ، عَنْ سَالِمٍ، عَنْ ابْنِ عُمَرَ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: عَلَيْكُمْ بِالِإِثْمِدِ، فَإِنَّهُ يَجْلُو الْبَصَرَ، وَيُنْبِتُ الشَّعْرَ.

53 – Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сизлар исмидни ўзингизга лозим тутинг. Зеро, у кўзни тиниқлаштиради, киприкни ўстиради<sup>132</sup>”, деб айтганлар.

**Шарҳ.** Бу ҳадис шарҳини юқорида кўриб чиқдик. Фақат ровийда фарқ бор. Маъноси бир хил. Мусанниф айtilган хабарни қувватлаш мақсадида мазмунан бир-бирига яқин ривоятларни кетма-кет келтирган бўлса ажаб эмас.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш лозим: сурма, жумладан, исмид сурмаси сотиб олаётганда эътиборлироқ бўлиш керак. Чунки бошқа моддаларни янчиб, унга кўшиб юборилиши мумкин. Ундай ҳолатда сифатсиз исмид кўзга зиён етказди. Шунинг учун исмидни, умуман сурмани ишончли, омонатдор кишилардан олиш тавсия этилади.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни айтамыз:

1. Кўзга сурма кўйиш мустаҳабдир.

<sup>129</sup> Қаранг: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуния. – Б.142; Абдураззоқ Абдулмуҳсин. Шархуш шамоил. – Б.92-93.

<sup>130</sup> 51 – саҳиҳ ҳадис.

Бу ҳадисни Ибн Можа “Сунан”да (3496), Абу Яъло “Муснад”да (2058) ривоят қилган.

<sup>131</sup> 52 – санади ҳасан.

Бу ҳадисни Термизий (994), Абу Довуд (3878), Насоий (8/149) ва Ибн Можа (1472) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (1/231, 247, 355) ривоят қилган.

<sup>132</sup> 53 – санади заиф. Чунки Усмон ибн Абдулмалик лаййинул ҳадисдир. Унга мутобаат қилинмаган.

Бу ҳадисни Ибн Можа “Сунан”да (3495), Ҳоким “Мустадрок”да (4/207) ривоят қилган.

2. Сурмадан икки хил манфаат кўзланади: зийнат ва шифо. Зийнат учун қўлланганида ҳожатга қараб сурма қўйилади. Шифо учун эса шариат соҳиби тарафидан ҳар кеча қўйиш тавсия этилган.

3. Сурма қўйганда фақат зийнатланиш ёки шифо топиш эмас, биринчи навбатда суннатга амал қилиш нияти бўлиши керак. Шунда савоб ҳам олинади, дунёвий манфаатга ҳам эришилади.

4. Иложи бўлса, исмид сурмасидан фойдаланган маъқул. Агар топилмаса, бошқа сурма қўйилса ҳам суннатга амал қилиш савоби қозонилади.

## 8-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ ЛИБОСЛАРИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 17 та ҳадис бор: 54-70)

**Шарҳ.** Бу бобда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам кийган либослари сифати, тури, ранги ва ҳоказолар ҳақида маълумот берилади. Ривоятларни эътибор билан ўқисак, Расули ақрам алайҳиссалом кийган кийимлар, уларнинг хили, ҳолати, қандай либосларни хушлаганлари ҳақида маълумотга эга бўлаемиз.

Либос билан боғлиқ беш хил ҳукм бор. Яъни, кийиниш ҳукми ҳолатга қараб турлича бўлади:

1. Вожиб. Авратни бегоналар кўзидан яшириш учун кийиниш вожиб.
2. Мандуб. Ийдул Фитр ва Ийдул Азҳо учун чиройли кийимлар, жума учун оқ либос кийиш.
3. Ҳаром. Эркакларнинг ипак либос кийишлари.
4. Макруҳ. Бой-бадавлат кишилар доим эски-туски, йиртиқ либослар кийиб юриши.
5. Мубоҳ. (Шариат қайтармаган) бундан бошқа ҳолатлар<sup>133</sup>.

٥٤ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ حُمَيْدٍ الرَّازِيُّ، حَدَّثَنَا الْفَضْلُ بْنُ مُوسَى وَأَبُو ثَمِيْلَةَ وَزَيْدُ بْنُ حُبَابٍ، عَنْ عَبْدِ الْمُؤْمِنِ بْنِ

خَالِدٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُرَيْدَةَ، عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ قَالَتْ: كَانَ أَحَبُّ الثِّيَابِ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْقَمِيصَ.

54 – Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун энг севимли либос кўйлак эди<sup>134</sup>”.

**Шарҳ.** Кўйлак (араб тилида “қамис” дейилади) енгли, ёқали либосдир. У баданни тўлиқ ёпиб туради. Кўйлак, одатда, пахта ёки зиғирпоядан тикилади. Агар жундан тикилса, танага озор беради, одамни терлатади. Тер хиди бошқалар кўнглини беҳузур қилади.

Савол: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам нима учун кўйлакни яхши кўрганлар?

Жавоб: Чунки, кўйлакни кийиб-ечиш осон, унда ҳаракатланиш қулай. Айрим кийимларда ҳаракатланиш учун кўпроқ куч сарфлашга тўғри келади, ҳам ноқулай бўлиши мумкин. Кўйлакда эса инсон енгли ҳаракатланади. Қолаверса, ридо ва изордан фарқли равишда камисда (узун кўйлакда) аврат жойлари, яшириш лозим ўринлар комил суратда беркитилади.

٥٥ — حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، حَدَّثَنَا الْفَضْلُ بْنُ مُوسَى، عَنْ عَبْدِ الْمُؤْمِنِ بْنِ خَالِدٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُرَيْدَةَ، عَنْ

أُمِّ سَلَمَةَ قَالَتْ: كَانَ أَحَبُّ الثِّيَابِ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْقَمِيصَ.

55 – Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун энг маҳбуб кийим кўйлак эди<sup>135</sup>”.

**Шарҳ.** Бу ривоятда ҳам юқоридаги маъно такрорланган. Яъни, ривоят матни бир хил. Фақат санаддаги Абдулмуъмин ибн Халиддан кейинги ровийлар силсиласи олдингисидан бир оз фарқ қилади.

Ривоятни такрор келтиришдан мақсад маънони таъкидлаш, ҳадис ишончли эканини билдиришдир.

<sup>133</sup> Манба: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуния. – Б.147.

<sup>134</sup> 54 – санади ҳасан.

Бу ҳадисни мусанниф “Жомеъ”да (1762), Абу Довуд “Сунан”да (4025), Абд ибн Хумайд “Муснад”да (1540) ривоят қилган.

<sup>135</sup> 55 – санади ҳасан.

٥٦ - حَدَّثَنَا زِيَادُ بْنُ أَبِي أَيُّوبَ الْبَعْدَايِيُّ، حَدَّثَنَا أَبُو ثُمَيْلَةَ، عَنْ عَبْدِ الْمُؤْمِنِ بْنِ خَالِدٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُرَيْدَةَ، عَنْ أُمِّهِ، عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ قَالَتْ: كَانَ أَحَبُّ الثِّيَابِ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَلْبَسُهُ الْقَمِيصَ. قَالَ: هَكَذَا قَالَ زِيَادُ بْنُ أَبِي أَيُّوبَ فِي حَدِيثِهِ: عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُرَيْدَةَ، عَنْ أُمِّهِ، عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ، وَهَكَذَا رَوَى غَيْرُ وَاحِدٍ عَنْ أَبِي ثُمَيْلَةَ مِثْلَ رِوَايَةِ زِيَادِ بْنِ أَبِي أَيُّوبَ، وَأَبُو ثُمَيْلَةَ يَزِيدُ فِي هَذَا الْحَدِيثِ عَنْ أُمِّهِ وَهُوَ أَصْحَحُ.

56 – Умму Салама розияллоху анҳо шундай деган: “Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам учун либосларнинг энг севимлиси кийиб юрадиган кўйлаклари эди<sup>136</sup>”.

**Шарҳ.** Имом Термизий бу маънода айтилган ҳадисни уч хил санад билан келтирган. Айнан мана шу ҳадис бошқа ривоятлар ичида саҳиҳроғи экан.

٥٧ - حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مُحَمَّدِ بْنِ الْحَجَّاجِ، حَدَّثَنَا مُعَاذُ بْنُ هِشَامٍ، حَدَّثَنِي أَبِي، عَنْ بُدَيْلٍ - يَعْنِي: ابْنَ مَيْسَرَةَ الْعُقَيْلِيَّ، عَنْ شَهْرِ بْنِ حَوْشَبٍ، عَنْ أَسْمَاءَ بِنْتِ يَزِيدَ قَالَتْ: كَانَ كُمٌ قَمِيصِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى الرُّسْغِ.

57 – Асмо бинти Язид розияллоху анҳодан ривоят қилинади: “Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам кўйлаклари энги билаклари бўғинигача эди<sup>137</sup>”.

**Шарҳ.** Маълумки, таҳоратни бошлашдан олдин икки кафтимизни билагимиз бўғинигача<sup>138</sup> ювамиз. Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам кўйлаклари энги ана ўша ергача эди. Ундан ошмасди. Бундан чиқди, кўйлакнинг энги узун бўлгани афзал.

Савол: Кўйлак энги нега билак бўғинигача бўлгани яхши?

Жавоб: Чунки чегарадан ўтиб кетса, тез ҳаракатланишга, бирон нарсани ушлашга тўсқинлик қилади. Агар қиска бўлса, билак иссиқдан ёки совуқдан зарар кўриши мумкин.

٥٨ - حَدَّثَنَا أَبُو عَمَّارٍ الْحُسَيْنِيُّ بْنُ حُرَيْثٍ، حَدَّثَنَا أَبُو نُعَيْمٍ، حَدَّثَنَا زُهَيْرٌ، عَنْ عُرْوَةَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ قُشَيْرٍ، عَنْ مُعَاوِيَةَ بْنِ قُرَّةَ، عَنْ أَبِيهِ قَالَ: أَتَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي رَهْطٍ مِنْ مُزَيْنَةَ لِنَبَايَعِهِ، وَإِنَّ قَمِيصَهُ لَمُطْلَقٌ - أَوْ قَالَ: زُرُّ قَمِيصِهِ مُطْلَقٌ - قَالَ: فَأَدْخَلْتُ يَدِي فِي جَيْبِ قَمِيصِهِ، فَمَسَسْتُ الْحَتَامَ.

58 – Муовия ибн Курра отасидан ривоят қилади: “Мен Музайна (қабиласи)дан бўлган бир гуруҳ билан Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам ҳузурларига байъат бериш учун келдим. У зотнинг кўйлаклари очик – ёки кўйлаклари тугмаси тақилмаган<sup>139</sup> – эди. Мен у зот кўйлаклари ёқасидан кўлимни тикиб, муҳр(и нубувват)ни ушладим<sup>140</sup>”.

**Шарҳ.** Курра ибн Йёс розияллоху анҳу айтишича, у музайналиклар билан Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам ҳузурларига Исломга кириш ҳақида байъат бериш учун келган. Ўшанда Пайғамбаримиз алайҳиссалом кўйлаклари тугмаси қадалмаганди. Курра розияллоху анҳу у зот кўйлаклари ёқасидан кўлини тикиб, нубувват муҳрини ушлаб кўрган. Нима учун одамлар муҳри нубувватни кўришга, уни

<sup>136</sup> 56 – санади ҳасан.

<sup>137</sup> 57 – санади заиф. Чунки Шаҳр ибн Ҳавшаб тафарруда (ёлғиз ўзи бўлганида) заифдир.

Бу ҳадисни мусанниф “Жомеъ”да (1765), Абу Довуд “Сунан”да (4027), Насоий “Ас-Сунанул кубро”да (9666) ривоят қилган.

<sup>138</sup> Бу араб тилида “русғ” (ҳам “син”, ҳам “сод” билан ёзилиши мумкин) дейилади. У кафт билан билакни ажратувчи бўғиндир. Болдир билан кадамни (оёқ кафтини) ажратувчи бўғин ҳам “русғ” дейилади.

<sup>139</sup> Қасталлоний айтади: “Бу шак Термизийнинг шайхидан, яъни, Абу Аммордан, Муовиядан эмас”. Айрим шориҳларга кўра, шак Муовиядан, ундан кейингилардан эмас (Манба: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуня. – Б.154).

<sup>140</sup> 58 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Абу Довуд (4082) ва Ибн Можа (3578) “Сунан”да, Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да (5452), Ибн Абу Шайба “Мусаннаф”да (8/385), Табароний “Ал-Кабир”да (19/41, 49, 50, 64) ривоят қилган.

ушлашга ташна бўлганлари ҳақида юқорида тўхталиб ўтган эдик. Лекин, ривоят сиёқидан Қурра ибн Иёс мухрни табаррукан ушлашни ният қилгани билинади.

Қуррага қўлни ёқага тикиб, мухрни ушлашга имкон беришлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қанчалик камтар инсон бўлганларини кўрсатади.

Одатда, кўйлак тугмалари тақилган бўлади. Қачон зарурат туғилса, масалан, ҳаво иссиқ бўлса, кўкракка бир оз шамол тегиши учун олд тугмаларини ечиб қўйса бўлади. Буни ҳар ким ҳолатга қараб қилади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозим, ушбу ривоят кўйлак тугмаларини ечиб қўйиш, яъни, қадамаслик суннат эканини билдирмайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам зарурат юзасидан шундай қилган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас. Бирон иш суннат бўлиши учун очиқ далил керак. Хужжатсиз ҳеч бир иш суннат саналмайди.

۵۹ – حَدَّثَنَا عَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْفَضْلِ، حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ سَلَمَةَ، عَنْ حَبِيبِ بْنِ الشَّهِيدِ، عَنِ الْحَسَنِ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ وَهُوَ يَتَكَبَّرُ عَلَى أُسَامَةَ بْنِ زَيْدٍ، عَلَيْهِ ثَوْبٌ قَطْرِيٌّ، قَدْ تَوَشَّحَ بِهِ، فَصَلَّى بِهِمْ.

وَقَالَ عَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ: قَالَ مُحَمَّدُ بْنُ الْفَضْلِ: سَأَلَنِي يَحْيَى بْنُ مَعِينٍ عَنْ هَذَا الْحَدِيثِ أَوَّلَ مَا جَلَسَ إِلَيَّ، فَقُلْتُ: حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ سَلَمَةَ، فَقَالَ: لَوْ كَانَ مِنْ كِتَابِكَ! فَقُمْتُ لِأُخْرِجَ كِتَابِي، فَقَبِضَ عَلَيَّ ثَوْبِي، ثُمَّ قَالَ: أَمَلِهِ عَلَيَّ فَإِنِّي أَخَافُ أَنْ لَا أَلْقَاكَ، قَالَ: فَأَمَلَيْتُهُ عَلَيْهِ، ثُمَّ أَخْرَجْتُ كِتَابِي فَقَرَأْتُ عَلَيْهِ.

59 – Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилинишича, **Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Усома ибн Зайдга суянган ҳолда чиқдилар.** Эгниларида қитрий либос бор эди. Уни тавашшуҳ қилиб олгандилар. У зот (саҳобалар) билан намоз ўқидилар<sup>141</sup>.

Абд ибн Ҳумайд деди: “Муҳаммад ибн Фазл: “Яҳё ибн Майин ёнимга ўтирганида мендан биринчи бўлиб ушбу ҳадис ҳақида сўради. Мен: “Уни бизга Ҳаммод ибн Салама айтиб берди”, дедим. У: “Китобингда бўлса, (кўрсат)”, деди. Мен китобимни олиб чиқиш учун турдим. Шунда у либосимдан ушлаб қолди. Сўнг: “Уни менга айтиб ёздир қол. Чунки сен билан бошқа учраша олмайман, деб қўрқаман”, деди. Мен унга (ўша ҳадисни) айтиб ёздирдим. Кейин китобимни олиб чиқиб, унга ўқиб бердим”, деди”.

**Шарҳ.** “Қитрий либос” деганда йўл-йўл чизиклари бор, яманий бурда (чопон, тўн) кўзда тутилади. Тавашшуҳ либосни елкадан ошириб кийиш ёки елкага ташлаб олишдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам касал бўлганлари учун уйдан масжидга Усома ибн Зайд розияллоҳу анхуга суяниб чиқдилар. Яманий чопонни елкаларига ташлаб олгандилар. Ўша ҳолатда қавмга имом бўлиб, улар билан бирга намоз ўқидилар.

Ватандошимиз, улуғ муҳаддис Абд ибн Ҳумайд Кеший<sup>142</sup> айтишича, Яҳё ибн Майин<sup>143</sup> Муҳаммад ибн Фазл<sup>144</sup> олдига ўтириб, унга юқоридаги ҳадис ҳақида савол берди. Муҳаммад ибн Фазл бу ҳадисни

<sup>141</sup> 59 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Аҳмад “Муснад”да (3/262), Таҳовий “Шарҳул маоний”да (1/381), Абу Яъло “Муснад”да (2785) ривоят қилган.

<sup>142</sup> Абд ибн Ҳумайд ибн Наср Абу Муҳаммад Кеший (Киссий/Кашший) имом, хофиз, хужжа, ишончли ҳадис ровийси, бир қанча китоблар муаллифи. Айтилишича, исми “Абдулҳамид”дир. Табаа тобеинлардан, жумладан, Али ибн Осим Воситий, Муҳаммад ибн Бишр Абдий, Ибн Абу Фудайк, Язид ибн Ҳорун, Абдураззоқ, Абу Довуд Таёлисий ва бошқа жуда кўп ровийлардан ҳадис ривоят қилган. Имом Бухорий (таълиқ ҳолда), имом Муслим, имом Термизий ундан ҳадис ривоят қилган. Абд ибн Ҳумайд ҳижрий 170-йилдан кейин туғилиб, 249-йилда вафот этган (Манба: Шамсиддин Заҳабий. Сияру аъломин нубало. – Ж.12. – Б.235-238).

<sup>143</sup> Яҳё ибн Майин ибн Авн Абу Закариё Бағдодий ўз қўли билан бир миллионта (1000.000) ҳадис ёзган машхур хофиз, муҳаддислар имоми. Унинг фазилати жуда кўп. Яҳё ибн Майин табаа тобеинлардан, жумладан, Абдуллоҳ ибн Муборак, Исмоил ибн Айёш, Суфён ибн Уяйна, Фундар, Абдураззоқ, Вакийъ, Яҳё Қаттон ва бошқа жуда кўп ровийлардан ҳадис эшитган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ҳадис ривоят қилган. Ибн Майин ҳижрий 158-йилда туғилиб, 233-йилда Мадинаи мунавварада вафот этган (Манба: Шамсиддин Заҳабий. Сияру аъломин нубало. – Ж.11. – Б.71-96).



унга Ҳаммод ибн Салама<sup>145</sup> айтиб берганини билдирди. Муҳаммад ҳадисни ёддан айтиб бермоқчи эди, бироқ Яҳё китобга қараб айтишни сўради, “Агар бу ҳадисни ёзган бўлсанг, уни менга кўрсат”, деди. Ибн Фазл талабга биноан ҳадис ёзилган саҳифани уйдан олиб чиқиш учун ўрнидан турганида Яҳё унинг кийимидан ушлаб қолди. Илмга ўта ҳарислигидан, вақтни йўқотмаслик мақсадида ёки ҳадисни эшитишига бирон монъелик туғилишидан кўрққани учун: “Уни менга ёддан айтиб тура қол, ёзиб оламан. Чунки сени бошқа кўрмайман, деган хавотирдаман”, деди. Шунда Муҳаммад ибн Фазл ҳадисни ёддан айтиб турди, Яҳё ибн Маййн ёзиб олди. Шундан сўнг Муҳаммад ҳадис ёзилган саҳифани олиб чиқиб, Яҳёга яна бир марта ўқиб берди.

Бу ривоятда солиҳ салафлар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларига нақадар эътиборли бўлганларини, бу йўлда ҳар бир сонияни ғанимат билганларини кўриш мумкин.

٦٠ - حَدَّثَنَا سُؤَيْدُ بْنُ نَصْرٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْمُبَارَكِ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ إِيسَى الْجُرَيْرِيِّ، عَنْ أَبِي نَضْرَةَ، عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا اسْتَجَدَّ ثَوْبًا سَمَّاهُ بِاسْمِهِ ثُمَّ يَقُولُ: اللَّهُمَّ لَكَ الْحَمْدُ كَمَا كَسَوْتَنِيهِ، أَسْأَلُكَ خَيْرَهُ وَخَيْرَ مَا صُنِعَ لَهُ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّهِ وَشَرِّ مَا صُنِعَ لَهُ.

60 – *Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:* “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам янги либос киймоқчи бўлсалар, уни ўз номи билан номлардилар. Кейин: “Аллоҳумма лакал ҳамду камаа касавтанийҳ, асъялука хойроҳув ва хойро маа сунийа лаҳ, ва аузу бика мин шаррихий ва шарри маа сунийа лаҳ”, деб дуо қилардилар<sup>146</sup>”.

**Шарҳ.** Ривоятда келган дуо маъноси: “Эй Аллоҳ! (Бу либосни) кийдирганинг учун Сенга ҳамд айтаман. Сендан (ушбу либос) яхшилигини, нима учун қилинган бўлса, ундаги яхшилиқни сўрайман. Унинг ёмонлигидан, нима учун қилинган бўлса, ундаги ёмонликдан паноҳ беришингни тилайман”.

Кийимдаги яхшилиқ – аврат ёпилиши, у билан зийнатланиш, совуқдан сақланиш, ўша либосда тоат-ибодат қилиш ва ҳоказо.

Кийимдаги ёмонлик – либосни шон-шуҳрат учун кийиш, либос очик ёки торлиги сабаб аврат кўриниб қолиши, унда шарият ман қилган суратлар, ёзувлар бўлиши ва ҳоказо.

Демак, либоснинг яхшилиги ҳам, ёмонлиги ҳам бўлиши мумкин. Мусулмон киши янги либос кийганида неъмат берувчи Аллоҳга ҳамду санолар айтиб, ҳар қандай ҳолатда, ҳатто либос кийишда ҳам У Зот раҳматига, иноятига муҳтожлигини изҳор қилади. Чунки Аллоҳ раҳм қилмаса, банда ҳоли танг бўлиб қолади. Аллоҳ сақламаса, инсон ёлғиз ўзи ёмонликлардан ҳимоялана олмайди.

Ривоятда айтилишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам янги либос кийсалар, уни салла ёки кўйлак ёки ридо деб ўз исми билан номлардилар. Яъни, “Эй Аллоҳ, менга бу саллани ёки кўйлакни ёки ридони кийдирганинг учун Сенга ҳамд айтаман”, дердилар.

Инсон либос кийиши, у билан авратини ёпиши, зийнатланиши Аллоҳ таолонинг улуғ неъматидир. Шунинг учун янги кийим кийганда Аллоҳга мақтов йўлланади. Кўпчилик янги кийим сотиб олса ёки тиктирса, одатда, “Қўли гул экан. Барака топсин. Яхши чиқибди”, деб тикувчини ёки тўкувчини мақтайди. Мақтовга энг муносиб Зот эса ёддан кўтарилади. Тўғри, либос тайёр ҳолга келишида тикувчи ва тўкувчилар меҳнати сингади. Бироқ ҳамдга энг лойиқ Зот Аллоҳ таоло эканини, кийимни аслида Аллоҳ беришини унутмасак, мақсадга мувофиқ бўлади.

<sup>144</sup> Муҳаммад ибн Фазл хофиз, ишончли ровий, жуда кўп ривоят соҳиби. Лекин охирида ихтилот бўлган (яъни, ёдлаган нарсалари бир-бирига аралашиб, чалкашиб кетган). Шунинг учун ундан ҳадис олган киши тарк этилган. Бир жамоа Ибн Фазлдан ҳадис ривоят қилган (Манба: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуния. – Б.154).

<sup>145</sup> Ҳаммод ибн Салама ибн Динор Абу Салама Басрий ишончли ҳадис ровийси, бироқ кексайганида хотираси ёмонлашган. Унинг фазилати, омонатдорлиги, илми ҳақида уламолар кўп маълумотлар келтиришган. Жумладан, Имом Заҳабий уни “Шайхул Ислому”, деган. У табаа тобеинлардан, жумладан, Ибн Абу Мулайка, Анас ибн Сийрин, Собит Буноний, Қатода ибн Диома, Симок ибн Ҳарб, Яъло ибн Ато, Йёс ибн Муовия ва бошқалардан ҳадис эшитган. Ҳаммод ибн Салама ҳижрий 167-йилда вафот этган. Бухорий (таълиқ ҳолда), Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий, Ибн Можа ундан ҳадис ривоят қилган (Манба: Шамсиддин Заҳабий. Сияру аълумин нубало. – Ж.7 – Б.444-466).

<sup>146</sup> 60 – саҳих ҳадис.

Бу ҳадисни мусанниф “Жомеъ”да (1767), Аҳмад “Муснад”да (3/30, 50), Абу Довуд “Сунан”да (4020), Ҳоким “Мустадрок”да (4/192), Ибн Ҳиббон “Саҳих”да (5420) ривоят қилган.

٦١ – حَدَّثَنَا هِشَامُ بْنُ يُوسُفَ الكُوَيْتِيُّ، حَدَّثَنَا الْقَاسِمُ بْنُ مَالِكِ المَرْزِيُّ، عَنِ الجُرَيْرِيِّ، عَنِ أَبِي نَضْرَةَ، عَنِ أَبِي سَعِيدِ الخُدْرِيِّ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَحْوَهُ.

61 – *Абу Саид Худрий розияллоху анху Набий соллаллоху алайхи ва салламдан шунга яқин (маънодаги ҳадис) ривоят қилган*<sup>147</sup>.

**Шарҳ.** Шунга яқин (арабча “наҳваху”), дейилса, маъноси юқоридаги ҳадисга яқин, лекин лафзи бошқачалиги тушунилади. Агар шунга ўхшаш (арабча “мислаҳу”), дейилса, маъноси ҳам, лафзи ҳам бир хил бўлади.

٦٢ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا مُعَاذُ بْنُ هِشَامٍ، حَدَّثَنِي أَبِي، عَنِ قَتَادَةَ، عَنِ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: كَانَ أَحَبُّ الثِّيَابِ إِلَى رَسُولِ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَلْبَسُهُ الحِبرَةَ.

62 – *Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоху алайхи ва саллам учун киядиган либослари ичида энг сеvimлиси ҳибара эди*<sup>148</sup>*”.*

**Шарҳ.** Ҳибара – пахтадан ёки зиғирпоядан тайёрланадиган йўл-йўл устки кийим. Чизиклари ранги, одатда, кизил, кўк ёки яшил бўлади.

Имом Куртубийга кўра, безатилгани учун бу либос “ҳибара” деб аталган<sup>149</sup>.

Довудий айтади: “Ҳибаранинг ранги яшил. Чунки у жаннат аҳли либосидир”.

Ҳибара яманликлар наздида энг шарафли либос саналган<sup>150</sup>.

Муновий шундай деган: “Юмшоқлиги, чиройли тўқилгани, пишиқ ишлангани, муборак таналарига мувофиқлиги сабаб ҳибара у зот учун энг сеvimли либос ҳисобланган. Чунки ҳибара ниҳоятда майин бўлган. Дағал (либос) у зотга азият етказган<sup>151</sup>”.

Савол: Боб аввалида келган ривоятда Расулulloҳ соллаллоху алайхи ва саллам учун энг сеvimли либос кўйлак экани айтилганди. Бу ерда эса у зот ҳибарани яхши кўрганлари зикр этилмокда. Буни қандай тушуниш керак?

Жавоб: Ушбу ҳадислар орасидаги зоҳирий қарама-қаршилик сабабини уламолар қуйидагича тушунтиришган:

1. Кўйлак тикилиш (сифат) жиҳатидан, ҳибара эса ранг жиҳатидан сеvimли бўлган.

2. Расулulloҳ соллаллоху алайхи ва саллам аёллари орасида бўлганларида кўйлак, саҳобалари орасида эса ҳибара у зот учун маҳбуб либос эди<sup>152</sup>.

٦٣ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غِيْلَانَ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنِ عَوْنِ بْنِ أَبِي جُحَيْفَةَ، عَنِ أَبِيهِ قَالَ: رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَعَلَيْهِ حُلَّةٌ حَمْرَاءُ، كَأَنِّي أَنْظُرُ إِلَى بَرِيقِ سَاقِيهِ. قَالَ سُفْيَانُ: أَرَاهَا حِبرَةً.

63 – *Авн ибн Абу Жуҳайфа отасидан ривоят қилади: “Мен Набий соллаллоху алайхи ва салламни кўрдим. Эгниларида кизил сарпо бор эди. Гўё мен у зотнинг икки болдирлари ялтираётганини кўриб тургандекман”. Суфён: “Уни ҳибара, деб ўйлайман”, деган*<sup>153</sup>*”.*

<sup>147</sup> 61 – аввалги ҳадис санади ҳақидаги маълумотга қаранг.

<sup>148</sup> 62 – санади саҳих.

Бу ҳадисни Бухорий (5813) ва Муслим (2079) “Саҳихайн”да, Термизий “Жомеъ”да (1787), Абу Довуд (4060) ва Насоий (8/203) “Сунан”да ривоят қилган.

<sup>149</sup> “Ҳаббаро-юҳаббиру” зийнатлаш, безаш маъносини билдиради.

<sup>150</sup> Манба: Ибн Ҳажар. Фатҳул борий. – Ж.10 – Б.277.

<sup>151</sup> Абдурауф Муновий. Файзул кодир. – Ж.5. – Б.83.

<sup>152</sup> Қаранг: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуния. – Б.161.; Мулла Али Қори. Жамъул васоил. – Б.162.

<sup>153</sup> 63 – санади саҳих.

Бу ҳадисни Бухорий (376, 495, 633, 5786, 5859) ва Муслим (503) “Саҳихайн”да, мусанниф “Жомеъ”да (197), Абу Довуд (520, 688) ва Насоий (1/87, 2/12, 73, 8/220) “Сунан”да ривоят қилган.

**Шарҳ.** Таржимада “сарпо” деб ифодаланган сўз арабча матнда “хулла” тарзида келган. Мазкур калима “янги кийим”, “бир хил матодан устма-уст кийилган кийим”, “кўйлак-иштон”, “чопон”, “кўйлак-иштон ва салладан иборат либос” маъноларини англатади.

Саҳоба Абу Жухайфа розияллоҳу анху Пайғамбаримиз алайҳиссаломни ҳажжатул вадоъда, Макка водийсида кўрганида устларида қора-қизғиш йўлли яманий бурда (чопон) бўлган экан. Уламолар айтишича, ўша кийимнинг ранги тўқ қизил бўлмаган, балки қора аралашган қизил чизиклари бўлгани учун “қизил сарпо” дейилган.

Болдирлари ялтираб туриши Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам таналари гўзал, нурли бўлганини билдиради. Колаверса, у зот кийган изорнинг этаги тўпикларидан юқори, муборак болдирлари ярмигача эди. Шунинг учун ҳам саҳоба у зот болдирларини аниқ-равшан кўрган.

Ҳадис ровийларидан бири Суфён Саврийга кўра, ўша либос ҳибарадир<sup>154</sup>. Ҳибара қандай либос эканини юқорида кўриб ўтдик.

Шу ерда бир нарсани эслатиб ўтиш лозим: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тўқ қизил рангли кийим киймаганлар, балки бу ишдан қайтарганлар. У зот қизил рангли либос кийганлари ҳақида ривоятлар “Тўқ қизил эмас ёки қизил чизиклари бор эди”, деб изоҳланади. “Қизилдан қайтариб, ўзлари қизил либос кийишлари ўша иш жоизлигини билдириш учун бўлган”, деб айтган уламолар ҳам бор<sup>155</sup>.

٦٤ – حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ خَشْرَمٍ، حَدَّثَنَا عَيْسَى بْنُ يُونُسَ، عَنِ إِسْرَائِيلَ، عَنِ أَبِي إِسْحَاقَ، عَنِ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ قَالَ: مَا رَأَيْتُ أَحَدًا مِنَ النَّاسِ أَحْسَنَ فِي حُلَّةٍ حُمْرَاءَ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، إِنْ كَانَتْ جَمَّتُهُ لَتَضْرِبُ قَرِيبًا مِنْ مَنْكِبَيْهِ.

64 – Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Мен одамлар ичида ҳеч кимни қизил либосда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кўра чиройли ҳолда кўрмаганман. У зотнинг сочлари деярли елкаларига тегиб турарди<sup>156</sup>”.

**Шарҳ.** Бу ерда ҳам “қизил либос” деганда “қизил чизикли яманий чопон” назарда тутилмоқда. Мазкур ривоят шарҳи билан 1-бобда танишган эдик.

٦٥ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، أَنْبَأَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ، حَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ إِيَادٍ، عَنِ أَبِيهِ، عَنِ أَبِي رَمَثَةَ قَالَ: رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَعَلَيْهِ بُرْدَانِ أَخْضَرَانِ.

65 – Абу Римса розияллоҳу анҳу айтади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдим. Эгниларида яшил рангдаги икки бурда бор эди<sup>157</sup>”.

**Шарҳ.** Бурда – йўл-йўл устки кийим, чопон, тўн.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам кийган бурда ранги тўқ яшил бўлмаган, балки либос яшил бўлиб, бошқа рангдаги чизиклари бор эди<sup>158</sup>. Агар тоза яшил бўлганида “бурда” дейилмасди. Зеро, бурдалар йўл-йўл чизикли бўлади.

<sup>154</sup> Чунки Суфён Саврийга кўра, тоза ( бошқа ранг аралашмаган) қизил либос кийиш ҳаромдир (Манба: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуния. – Б.162.).

<sup>155</sup> Батафсил маълумот учун қаранг: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуния. – Б.161-162.

<sup>156</sup> 64 – санади саҳиҳ.

<sup>157</sup> 65 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Абу Довуд (4065, 4206, 4207, 4208, 4495) ва Насой (3/185, 8/53, 140, 204) “Сунан”да, мусанниф “Жомеъ”да (2812), Аҳмад “Муснад”да (2/226, 4/163), Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да (5995) ривоят қилган.

<sup>158</sup> Айрим уламоларга кўра, ўша бурданинг чизиклари яшил рангда бўлган (Манба: Божурий. Ал-Мавоҳиб. – Б.163-164.).

٦٦ – حَدَّثَنَا عَبْدُ بْنُ مُحَمَّدٍ قَالَ: حَدَّثَنَا عَقَّانُ بْنُ مُسْلِمٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ حَسَّانَ الْعَنْبَرِيُّ، عَنْ جَدَّتَيْهِ دُحَيْبَةَ وَعُكَيْبَةَ، عَنْ قَيْلَةَ بِنْتِ مَخْرَمَةَ قَالَتْ: رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَعَلَيْهِ أَسْمَالُ مُلَيْتَيْنِ كَانَتَا بَزْعَفَرَانِ، وَقَدْ نَفَضْتُهُ. وَفِي الْحَدِيثِ قِصَّةٌ طَوِيلَةٌ.

66 – Қайла бинти Махрама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрдим. Устларида заъфаронга бўялган, унда изи қолмаган иккита эскиринган либос бор эди”. Бу ҳадис ҳақида узун қисса бор<sup>159</sup>.

**Шарҳ.** Қайла бинти Махрама розияллоҳу анҳо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрганида устларига заъфарон билан бўялган иккита эски либос кийиб олгандилар. Либос эскирганидан ундаги заъфарон изи деярли ўчиб кетган, жуда оз миқдорда қолган эди.

Савол: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эркакларни заъфарон теккан кийимдан қайтарганлари маълум. Бу ривоятда у зот ўзлари шундай либос кийганлари айтилмоқда. Бунни қандай тушунамиз?

Жавоб: Агар заъфарон либосда очик кўришиб турса, уни кийиш мумкин эмас. Агар либосдаги из билинар-билимас қолган бўлса, кийса бўлади. Бу ишдан қайтарилмайди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кийган икки либосда аввал заъфарон бўлган. Кейинчалик эскириб, ранги ўчиб кетган.

Юқоридаги ҳадис ҳақида узун қисса бор. Уни айрим муҳаддислар, жумладан, Табароний “Ал-Мўъжамул кабир” китобида батафсил келтирган<sup>160</sup>.

٦٧ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ، حَدَّثَنَا بِشْرُ بْنُ الْمُفَضَّلِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُثْمَانَ بْنِ خُثَيْمٍ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ جُبَيْرٍ، عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: عَلَيْكُمْ بِالْبَيَاضِ مِنَ الثِّيَابِ، لِيَلْبَسَهَا أَحْيَاؤُكُمْ، وَكَفُّنُوا فِيهَا مَوْتَاكُمْ، فَإِنَّهَا مِنْ خَيْرِ ثِيَابِكُمْ.

67 – Ибн Аббос розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Сизлар ўзингизга оқ либосни лозим тутинг. Уни тирикларингиз кийсин, у билан ўликларингизни кафанланг. Зеро, у энг яхши либосларингиздандир<sup>161</sup>”.

**Шарҳ.** Пайғамбаримиз алайҳиссалом бу ҳадисда умматларини оқ либос кийишга тарғиб этмоқдалар. Чунки оқ либос бошқа рангдаги кийимлардан афзал. Шунинг учун ҳам мусулмон одам тириклигида оқ либос кийиши мақтовга лойиқ иш саналади. Вафот этганида оқ кафанлик билан кафанланади. Зотан, оқ ранг яхшилик, эзгулик аломатидир.

Оқ либос кийиш суннат, бироқ жума куни, байрамларда, масжидга, зикр мажлисларига кетаётганда, фаришталар билан учрашилиши кутиладиган бошқа ўринларда оқ кийиш афзал<sup>162</sup>.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам “Зеро, у энг яхши либосларингиздандир” дейиш билан бизни оқ либос кийишга чақирмоқдалар. Бундан чиқди, ўзлари ҳам оқ кийимни яхши кўрганлар, оқ рангдаги либос кийганлар. “Саҳихайн”да<sup>163</sup> ривоят қилинишича, Абу Зар розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига борганида у зот эгниларида оқ либос бор эди. Шунинг учун ҳам мусанниф Абу Исо Термизий раҳматуллоҳи алайҳ ушбу ҳадисни Пайғамбаримиз алайҳиссалом кийинишлари ҳақидаги бобда келтирган. Зеро, ҳадис сиёқидан у зот оқ либос кийганлари англашилади.

Нима учун айнан оқ рангли кийим афзаллиги қуйидаги ривоятда айтилади.

<sup>159</sup> 66 – санади заиф.

Бу ҳадисни Абу Довуд “Сунан”да (3070), мусанниф “Жомеъ”да (2814), Ибн Саъд “Табақот”да (1/317-320) ривоят қилган.

<sup>160</sup> Қаранг: Табароний. Ал-Мўъжамул кабир (18/183), “Қайла бинти Махрама Анбария” боби.

<sup>161</sup> 67 – санади ҳасан.

Бу ҳадисни Абу Довуд (4061), Термизий (994) ва Ибн Можа (1472) “Сунан”да ривоят қилишган.

<sup>162</sup> Қаранг: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладунья. – Б.166.

<sup>163</sup> Ўша ҳадисни Бухорий “Оқ либослар” бобида (5827), Муслим “Имон” бобида (154) ривоят қилган.

٦٨ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنْ حَبِيبِ بْنِ أَبِي ثَابِتٍ، عَنْ مَيْمُونِ بْنِ أَبِي شَيْبٍ، عَنْ سَمُرَةَ بْنِ جُنْدُبٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ائْبَسُوا الْبَيَاضَ، فَإِنَّهَا أَطْهَرُ وَأَطْيَبُ، وَكَفَّنُوا فِيهَا مَوْتَانَاكُمْ.

68 – Самура ибн Жундуб розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам шундай деганлар: **“Оқ (либос) кийинг. Чунки у энг тоза ва энг покдир. У билан маййитларингизни кафанланг<sup>164</sup>”.**

**Шарҳ.** Демак, оқ либос энг тоза, энг яхши, ёқимли либос экан. Оппоқ кийим озгина кир бўлса ҳам билинади. Бошқа кийимларнинг кир бўлгани тезда билинмайди. Чунки, қора, кўк ва ҳоказо либослар кир рангига ўхшашлиги учун пайқаш қийин. Оқ рангдаги либос эса кирни яққол кўрсатади<sup>165</sup>. Шу ўринда шифокорлар нима учун оқ кийим кийишлари сабабини англагандек бўламиз. Зеро, улар озодаликка бошқалардан кўра кўпроқ эътибор беришлари лозим.

Ривоят давомида маййитларни оқ кафан билан кафанлашга чақирилмоқда. Шунинг учун аксар мусулмон диёрларда, жумладан, бизнинг юртда ўликни оқ кафанга ўралади. “Маййит нега айнан оқ мато билан кафанланади”, деган саволга “Чунки, у фаришталар билан юзма-юз келади”, деб жавоб берилган<sup>166</sup>.

٦٩ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ زَكَرِيَّا بْنُ أَبِي زَائِدَةَ، حَدَّثَنَا أَبِي، عَنْ مُصْعَبِ بْنِ شَيْبَةَ، عَنْ صَفِيَّةِ بِنْتِ شَيْبَةَ، عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ: خَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَاتَ غَدَاةٍ، وَعَلَيْهِ مِرْطٌ مِنْ شَعْرٍ أَسْوَدٌ.

69 – Оиша розияллоху анхудан ривоят қилинади: **“Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам бир куни эрталаб (уйларидан) чиқдилар. Эгниларида жундан тўкилган қора чопон (ёки қора<sup>167</sup> жундан тўкилган чопон) бор эди<sup>168</sup>”.**

**Шарҳ.** Ривоятда айтилишича, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам бир куни эрта тонгда устларига қора чопон кийган ҳолда уйларидан чиққанлар.

Биз “чопон” деб ифодалаган сўз арабча матнда “мирт” шаклида келган. Мирт узун, кенг либос бўлиб, устга ташлаб олинади, танани тўлиқ ёпиб туради. У ипак, жун ёки зигирпоядан тўкилади.

“Саҳиҳайн”да ривоят қилинишича, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг бир либослари бўларди. Уни киярдилар ва: “Мен бир қулман. Қул қандай кийинса, шундай кийинаман”, деб айтардилар.

٧٠ – حَدَّثَنَا يُوسُفُ بْنُ عِيسَى، حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ، حَدَّثَنَا يُونُسُ بْنُ أَبِي إِسْحَاقَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنِ الشَّعْبِيِّ، عَنْ عُرْوَةَ بْنِ الْمُغِيرَةَ بْنِ شُعْبَةَ، عَنْ أَبِيهِ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَبَسَ جُبَّةً رُومِيَّةً ضَيِّقَةً الْكُمَيْنِ.

70 – Урва ибн Муғййра ибн Шуъба отасидан ривоят қилинишича, **Набий соллаллоху алайҳи ва саллам энглари тор бир румий жубба кийганлар<sup>169</sup>”.**

<sup>164</sup> 68 – санади заиф. Чунки узилиб қолган. Маймун ибн Абу Шабиб ҳеч бир саҳобадан ҳадис эшитмаган. Бироқ бу ҳадис Абу Муҳаллаб ва Абу Қилоба Самура розияллоху анхудан қилган ривоят орқали саҳиҳдир.

Бу ҳадисни мусанниф “Жомеъ”да (2810), Ибн Можа “Сунан”да (3567), Аҳмад “Муснад”да (5/13, 17, 18, 19), Ҳоким “Мустадрок”да (1/354), Табароний “Кабир”да (6759, 6760, 6762) ривоят қилган.

<sup>165</sup> Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: “Эй Аллоҳ! Оқ кийим кирлардан покланганидек мени гуноҳлардан покла”, деб оқ рангдаги либос бошқаларидан тозароқ бўлишига ёки кир бўлгани тезда билинишига ишора қилганлар. Қаранг: Бухорий. Саҳиҳ (744), Муслим. Саҳиҳ (204), Насойй. Сунан (60).

<sup>166</sup> Қаранг: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуния. – Б.166.

<sup>167</sup> Агар “асвад” сўзининг ҳаракати замма бўлса, чопоннинг, касра бўлса, жуннинг сифати бўлади (Манба: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуния. – Б.168.).

<sup>168</sup> 69 – санади заиф. Чунки Мусъаб ибн Шайба заиф ровий.

Бу ҳадисни Абу Довуд “Сунан”да (4032), мусанниф “Жомеъ”да (2813), Аҳмад “Муснад”да (6/162), Ҳоким “Мустадрок”да (3/147), Табарий “Тафсир”да (12/6) ривоят қилган.

<sup>169</sup> 70 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Бухорий (182, 206, 5799) ва Муслим (274) “Саҳиҳайн”да, Абу Довуд (149, 151), Термизий (1768), Насойй (1/62, 63, 82) ва Ибн Можа (545) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (4/249, 251, 254, 255) ривоят қилган.

**Шарҳ.** Жубба – кўйлак устидан кийиладиган, енги узун ва кенг, олди очик кийим; чопон, тўн.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам кийган жубба румий (яъни, Шомда яшовчи румликлар ишлаган<sup>170</sup>), енглари тор бўлган экан. У зот румий жуббани сафарда киярдилар. Айтилишича, ривоятдаги ҳолат Табук ғазотида бўлган. Бундан чиқди, муқимликда эмас, айнан сафарда кийиладиган кийимлар енги тор бўлгани афзал<sup>171</sup>.

Бобга хулоса ўрнида қуйидагиларни айтиб ўтамиз:

1. Кийинишда танлаш имкони кўп. Либослар асли пок. Агар кийимда шариат қайтарган белгилар топилса, шундагина уни кийишдан қайтарилади.

2. Оқ ва яшил рангдаги либослар кийиш афзал.

3. Либос кийишда исрофдан, кибрдан сақланиш: кийим-кечакка ҳаддан зиёд кўп пул сарфлаб юборишдан, зарурат бўлмаса-да, либос турларини кўпайтиришдан, кийган кийими билан мақтанишдан тийилиш зарур.

4. Кийинишда эътиқоди, урф-одати ўзга миллатларга тақлид қилинмайди. Агар ғайридинлар ишлаб чиқарган кийимлар фақат уларнинг ўзигагина хос бўлмаса, мусулмон банда бундай либосларни кийиши мумкин.

5. Эркаклар учун ипакдан тикилган, аёлларга мўлжаллаб чиқарилган либосларни кийиш жоиз эмас. Зеро, либос эркакни аёлга, аёлни эркакка ўхшатиб қўймаслиги лозим.

## 9-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМНИНГ ОВҚАТЛАНИШЛАРИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 2 та ҳадис бор: 71-72)

**Шарҳ.** Бу бобда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам қай тарзда таомланганлари, жуда кам овқат еганлари, бошларидан кечирган қийинчиликлари ҳақидаги айрим ривоятлар келтирилган. Шунинг ҳам айтиб ўтиш лозим, Набий алайҳиссалом таомлари очликни қондиришга, жон сақлашга етарли миқдорда бўлган. Буни араб тилида “қут” дейилади. “Саҳихайн”да келтирилишича, у зот: “Эй Аллоҳ! Муҳаммад хонадони ризқини қут қилгин!” деб дуо қилганлар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом дунёга кўнгили қўймас, ортиқча матоҳлардан юз ўгирган эдилар. Ўзлари улуғ пайғамбарлар бўлсалар ҳам овқатланишлари ўта содда, шоҳона таомлардан холи эди. Агар у зот буюрсалар, бой-бадавлат саҳобалар кўнгиллари тусаган ҳамма нарсани муҳайё қилишарди, бироқ Саййидимиз соллalloҳу алайҳи ва саллам дунё зийнатини истамаганлар.

Қуйидаги икки ривоятни ўқисак, у муборак зотнинг таомланиш борасидаги ҳолатлари ҳақида тасаввурга эга бўламиз.

۷۱ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ، حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ زَيْدٍ، عَنْ أَيُّوبَ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ سِيرِينَ قَالَ: كُنَّا عِنْدَ أَبِي هُرَيْرَةَ وَعَلَيْهِ ثَوْبَانِ مُشَقَّانِ مِنْ كَتَّانٍ، فَتَمَخَّطُ فِي أَحَدِهِمَا فَقَالَ: بَخٍ بَخٍ يَتَمَخَّطُ أَبُو هُرَيْرَةَ فِي الْكَتَّانِ، لَقَدْ رَأَيْتُنِي وَإِنِّي لِأَخْرُ فِيمَا بَيْنَ مَنْبَرِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَحَجْرَةِ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا مَعْشِيًا عَلَيَّ، فَيَجِيءُ الْجَائِي فَيَضَعُ رِجْلَهُ عَلَيَّ عُنُقِي، يُرَى أَنَّ بِي جُنُونًا، وَمَا بِي جُنُونٌ، وَمَا هُوَ إِلَّا الْجُوعُ.

71 – *Муҳаммад ибн Сийрин раҳматуллоҳи алайҳдан ривоят қилинади: “Биз Абу Ҳурайра ҳузурда эдик. Унинг эгнида зигирпоядан тўқилган, қизил рангга бўялган икки либос бор эди. У кийимларининг бирига бурнини қоқди ва: “Офарин! Балли! Абу Ҳурайра зигирпоя(дан тўқилган либос)га бурун қоқади! Албатта, мен ўзимни Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам минбарлари билан Оиша хужраси орасида ҳушимдан кетган ҳолда кўрганман. Шунда биттаси келиб, оёғини*

<sup>170</sup> Баъзи ривоятларда “шомий” (Шомга тегишли) деб ҳам келтирилган. Иккиси ўртасида зиддият йўқ. Чунки ўша вақтларда Шом диёри Румга қарашли бўлган (Қаранг: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуния. – Б.169.).

<sup>171</sup> Манба: Божурий. Ал-Мавоҳиб. – Б.169-170.

бўйнимга босиб туради. Менда жиннилик бор, деб қаралади. Ваҳоланки, менда жиннилик йўқ, балки у очликдан ўзга нарса эмас”, деди<sup>172</sup>”.

**Шарҳ.** Бу ривоят машхур тобеин, фақиҳ, имом Ибн Сийрин раҳматуллоҳи алайҳдан нақл қилинган. Унинг айтишича, бир куни улар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу олдига боришган. Ўшанда у эғнига зиғирпоядан тўқилган, қизилга бўялган либос кийиб олганди. Абу Ҳурайра кийимларининг бирига бурнини қоқиб, “Офарин, балли! Абу Ҳурайра зиғирпоядан тўқилган кийимга бурнини қоқади!” деди. Кейин аввалги ҳолини эслади. Унга кўра, мазкур саҳоба қаттиқ очликка йўлиққан, ейишга ҳеч вако тополмаган. Очлик ва оғриқ зўридан Масжиди набавийда, минбар билан Оиша розияллоҳу анҳо онамиз уйлари орасида қадди букилиб қолган. Кейин ҳушидан кетган. Кўрган одам унинг ёнига келади-да, одатларига кўра, ўзига келгунича беҳуш ётган одам бўйнини оёғи билан босиб туради ва: “Унда жиннилик-тутқанок касалик бор шекил. Шунинг учун қадди букилиб қолди”, деб ўйлайди. Ваҳоланки, бу очлик шиддатидан келиб чиққанди.

Бу ривоятда Асри саодатнинг маълум даврида саҳобалар қаттиқ очлик билан синалганлари айтилмоқда. Ўша кезларда асҳоби киром қоринларига тош боғлаб юришар, очликдан ҳарна қутулиш учун дарахт баргларини чайнашар экан. Улар ана шундай оғир дамларни бошдан кечиришган.

Муаллиф юқоридаги ривоятни бу ерда бежиз келтирмаган. Чунки, бундай ҳолат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламда ҳам бўлган. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, бир куни у киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам очлик сабабидан букилиб қолганларини кўрган экан. Ўшанда у зот қорин тўйдириш учун сифати паст хурмо ҳам топа олмаган эканлар<sup>173</sup>.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом кўли очиқ, саҳий эканларини, бир нарса сўраб келган одамни курук қайтармаганларини инобатга олиб, у зот ҳам шундай аҳволга тушганлар, десак хато бўлмайди. Агар ўзларида бирон егулик бўлганида Абу Ҳурайра очликдан ҳушидан кетиш даражасига бормасди, унга нимадир берган бўлардилар.

Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламда сабрли камбағал ва шукрли бой мақомини жамлаган. У зот аввал сабрли камбағал, кейин шукрли бой бўлганлар. Расули акрам сабрли камбағаллар, шукрли бойлар саййиди эдилар. Сабр қилинадиган ўринларда энг собир, шукр қилинадиган вақтларда энг шоқир зот саналганлар. Чунончи, бу ривоятда камбағалликни бойликдан афзал деб биладиганлар учун ҳужжат йўқ<sup>174</sup>.

۷۲ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا جَعْفَرُ بْنُ سُلَيْمَانَ الصُّبُعِيُّ، عَنْ مَالِكِ بْنِ دِينَارٍ قَالَ: مَا شَبِعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ خُبْزٍ قَطُّ، وَلَا لَحْمٍ إِلَّا عَلَى صَفْفٍ.

قَالَ مَالِكٌ: سَأَلْتُ رَجُلًا مِنْ أَهْلِ الْبَادِيَةِ: مَا الصَّفْفُ؟ قَالَ: أَنْ يَتَنَاوَلَ مَعَ النَّاسِ.

72 – Молик ибн Динор раҳматуллоҳи алайҳдан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам нон ва гўштга зинҳор тўймаганлар. Магар танглик-тиқилинч ҳолда<sup>175</sup> (тўйганлар)”.

**Молик айтади:** “Мен сахролик бир кишидан (чунки, улар тилни яхшироқ билишади): “Танглик-тиқилинч ҳол нима (дегани)?” деб сўрадим. Шунда у: “Одамлар билан бирга таомланиш”, деб жавоб берди”.

**Шарҳ.** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам юмшоқ нонга, гўштга қоринлари тўймаган, у зот ва оила аъзоларининг асосий егулиги хурмо билан сув бўлган.

<sup>172</sup> 71 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Бухорий “Саҳиҳ”да (7324), Термизий “Жомеъ”да (2367) ривоят қилган.

<sup>173</sup> Қаранг: Муслим. Саҳиҳ, 4/2978. “Зухд ва рақоик” боби.

<sup>174</sup> Қаранг: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладунья. – Б.173.

<sup>175</sup> 72 – мурсал ҳасан (Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан тобеин орасида саҳобий йўқ). Молик ибн Динор кичик тобеинлардан саналади. Мийрак: “Балки, мўъзалдир”, деб айтган. Чунки, Молик ибн Дийнор тобеин бўлса-да, бу ҳадисни Ҳасан Басрийдан ривоят қилган. У ҳам тобеиндир (Манба: Божурий. Ал-Мавоҳиб. – Б.174.).

Куйируқда (376) бу ҳадис Анас розияллоҳу анҳудан саҳиҳ, муттасил санад билан келтирилади.

Ривоят қилинишича, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу бир қавм олдидан ўтди. Уларнинг дастурхонида қовурилган қўй бор эди. Қавм аъзолари Абу Ҳурайрани (таомга) таклиф қилишди. Абу Ҳурайра рад этди ва: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қоринлари арпа (унидан қилинган) нонга тўймаган ҳолда бу дунёдан ўтганлар”, деди (Бухорий ривояти).

Ҳа, ҳолат шундай эди. Магар бирон жойда зиёфат бўлса, меҳмонга чақирилсалар ёки ўзлари меҳмон кутсалар, кўпчилик билан тансиқ таомлардан ердилар. Кўпчилик дегани таомдан кўра унга узатилувчи қўллар кўплигидир. Ана шундай вазиятда гўшт ва бошқа неъматлардан тановул қилардилар.

Қуйидаги ривоятлар орқали Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам овқатланишлари ҳақида қўшимча маълумотга эга бўламиз:

1. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ривоят қилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир қўйнинг қўлини едилар. Кейин (ўрнларидан) туриб намоз ўқидилар, лекин (қайта) таҳорат олмадилар (Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Аҳмад ривояти).

2. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу ривоят қилади: “Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга нон ва гўшт тайёрладим. У зот таомни еб бўлгандан кейин таҳорат суви олиб келишимни буюрдилар ва таҳорат олиб пешин намозини ўқидилар. Шундан сўнг ортиб қолган таомни сўраб, ундан едилар. Кейин яна намозга турдилар. Аммо таҳорат қилмадилар” (Абу Довуд, Аҳмад, Ибн Ҳиббон ривояти. Ривоят санади саҳих).

3. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўйнинг қўлини еб, кейин мазмаза қилганлар, икки кафтларини ювиб намоз ўқиганлар (Ибн Можа ривояти. Ривоят санади саҳих).

4. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу ривоят қилади: “Бир ансория аёл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни қўй гўштига таклиф қилди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалари билан ўша гўшtdан едилар. Намоз вақти бўлганда у зот таҳорат қилдилар. Кейин таомнинг қолганини ейишди. Аср вақти кирганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат олмадилар” (Ибн Ҳиббон “Саҳих”да, Байҳақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган. Ривоят санади қавий-кучли).

Имом Аҳмад шундай деган: “Агар таомда тўрт (нараса) жамланса: (Овқатланишдан) аввал Аллоҳнинг исми зикр этилса, охирида Аллоҳга ҳамд айтилса, таомга узатиладиган қўллар кўп ва таом ҳалолдан бўлса, комил саналади<sup>176</sup>”.

## 10-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ МАҲСИЛАРИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 2 та ҳадис бор: 73-74)

**Шарҳ.** Маҳси кўпроқ қўй ёки эчки терисидан тайёрланадиган, узун қўнжли, пошнаси, тагчарми юмшоқ, одатда, қавуш ёки қалиш билан кийиладиган пойабзалдир. Маҳси оёқни тўпиқлари билан ёпиб туради. Шунинг учун унга таҳорат вақтида масҳ тортса бўлади.

Бу бобда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кийган маҳсилари ранги, шакли ҳақида маълумот берилади.

۷۳ – حَدَّثَنَا هَنَادُ بْنُ السَّرِيِّ، حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ، عَنْ دَهْمِ بْنِ صَالِحٍ، عَنْ حُجَيْرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ، عَنِ ابْنِ بُرَيْدَةَ، عَنْ

أَبِيهِ: أَنَّ النَّجَاشِيَّ أَهْدَى لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خُفَّيْنِ أَسْوَدَيْنِ سَادَجَيْنِ، فَلَبَسَهُمَا ثُمَّ تَوَضَّأَ وَمَسَحَ عَلَيْهِمَا.

73 – *Ибн Бурайда отасидан ривоят қилишича, Нажоший Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга иккита қора рангли, одми маҳси ҳадя қилганида у зот ҳалиги маҳсини ўша захоти кийганлар. Сўнг таҳорат қилганлар ва унга масҳ тортганлар*<sup>177</sup>.

<sup>176</sup> Манба: Ибн Қаййим Жавзия. Зодул маод, 4/213.

<sup>177</sup> 73 – санади заиф. Далхам ибн Солиҳ заиф, Ҳужайр ибн Абдуллоҳ эса мажхулдир.

Бу ҳадисни Абу Довуд (155), Термизий (2820) ва Ибн Можа (549) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (5/352) ривоят қилган.



**Шарҳ.** “Нажоший” Ҳабашистон подшоҳлари номи бўлиб, ривоятда кўзда тутилган Нажоший исми Асҳама ибн Баҳр Нажошийдир. Нажоший аввал насроний динида бўлган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида Исломни қабул қилган бўлса ҳам, у зот ҳузурларига келмаган. Нажоший Жаъфар ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу бошчилигида Ҳабашистонга ҳижрат қилиб борган бир гуруҳ мусулмонларга ёрдам кўрсатган: уларни қўллаб-қувватлаган, ҳимоясига олган, бошпана берган. Нажоший вафот этганида Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалар билан унга ғойибона жаноза намози ўқиганлар.

Ҳабашистон ҳукмдори Нажоший Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга бир жуфт оддий, қора рангли, устида туки, нақшлари, безаклари йўқ маҳси совға қилганида у зот мамнуният билан қабул қилиб, уни кийиб юрганлар, таҳорат қилаётганда унга масҳ тортганлар.

Шу ўринда бир масалани айтиб ўтамиз: Маҳсига масҳ тортиш ҳақидаги ҳадислар мутавотир даражасига етган. Чунки бу ҳақида саксон нафар саҳобадан ҳадис ривоят қилинган. Ҳанафий мазҳабининг айрим уламолари: “Маҳсига масҳ тортишни инкор этиш куфр бўлиб қолишидан кўрқаман”, деб айтган<sup>178</sup>.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадяни қабул қилиб олишлари билан кийганлари ундан хурсанд бўлганларини билдиради, шунингдек, совға берган одам қалбига сурур бағишлайди.

Ибн Арабий ва Зайниддин Ироқий таъкидлашича, Нажоший ўша маҳсини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга Ислом динига кирмасдан олдин тортиқ этган. Бундан чиқди, аҳли китоблардан совға олиш жоиз<sup>179</sup>.

٧٤ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ زَكَرِيَّا بْنُ أَبِي زَائِدَةَ، عَنِ الْحُسَيْنِ بْنِ عِيَّاشٍ، عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ، عَنِ الشَّعْبِيِّ قَالَ: قَالَ الْمُغِيرَةُ بْنُ شُعْبَةَ: أَهْدَى دِحْيَةَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خُفَّيْنِ، فَلَبَسَهُمَا – وَقَالَ إِسْرَائِيلُ: عَنْ جَابِرٍ، عَنْ عَامِرٍ: وَجَبَّةٌ فَلَبَسَهُمَا – حَتَّى تَخْرَقَا، لَا يَدْرِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَذَكِّيُّهُمَا أَمْ لَا. قَالَ أَبُو عِيْسَى: وَأَبُو إِسْحَاقَ هَذَا هُوَ أَبُو إِسْحَاقَ الشَّيْبَانِيُّ، وَاسْمُهُ سُلَيْمَانُ.

74 – *Муғийра ибн Шуъба розияллоҳу анҳу шундай деган:* “Дихя Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга бир жуфт маҳси совға қилганида у зот ҳалиги маҳсини – Исроил Жобирдан, у Омирдан ривоят қилиб айтади: “(Дихя розияллоҳу анҳу маҳсига кўшиб) битта жубба ҳам (ҳадя қилган.) У зот иккисини – йиртилгунича кийганлар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам (ўша маҳси) ҳалол сўйилган жонивор терисидан (тикилган)ми ёки бошқасиданми, билмасдилар<sup>180</sup>”.

**Абу Исо деди:** “Бу (ердаги) Абу Исҳоқ Абу Исҳоқ Шайбонийдир. Исми – Сулаймон”.

**Шарҳ.** Дихятул Калбий розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга иккита маҳси совға қилган. У зот уни йиртилгунича кийганлар. Бундан Пайғамбаримиз алайҳиссалом нақадар камтар бўлганлари англашилади. Мусулмон инсон кийимни эскиргунича қияди, бир-икки марта кийиб, ташлаб қўйиш, кийимни тез-тез бошқасига алмаштириш, янги русумдаги либосларга ўчлик имон заифлиги белгиси, айни вақтда исрофгарчиликдир. Бундай қилиш Аллоҳга хуш келмайди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Дихя розияллоҳу анҳу совға қилган маҳси ҳалол сўйилган ҳайвон терисидан тайёрланганми ёки ўлимтик терисиданми, билмасдилар. Бундан чиқди, асли номаълум нарсалар пок саналади<sup>181</sup>.

Муборакфурий шундай деган: “Бу ривоятга кўра, тери ошланса, гарчи ўлимтикники бўлса ҳам, покланади<sup>182</sup>”.

<sup>178</sup> Қаранг: Божурий. Ал-Мавоҳиб. – Б.177.

<sup>179</sup> Қаранг: Божурий. Ал-Мавоҳиб. – Б.176.

<sup>180</sup> 74 – санади ҳасан.

Бу ҳадисни мусанниф – имом Термизий “Жомеъ”да (1769) худди шу матн ва санад билан келтирган.

<sup>181</sup> Манба: Мулла Али Қори. Жамъул васоил. – Б.184.

<sup>182</sup> Қаранг: Абул Ало Муборакфурий. Тухфатул аҳвазий. 5/378.

## 11-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ ОЁҚ КИЙИМЛАРИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 11 та ҳадис бор: 75-86)

**Шарҳ.** Пойабзал оёқни ерга тегиб ифлос бўлишидан, иссиқ-совуқдан, турли азиятлардан сақлайди. Мусанниф раҳматуллоҳи алайҳ бу бобда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам оёқ кийимлари сифати, уни қандай кийганлари ҳақидаги ривоятларни жамлаган.

Худди либос каби пойабзал ҳам замонга, маконга, шароитга қараб турлича бўлади. Агар оёқ кийимда шариат қайтарган нарсалар бўлмаса, уни кийиш жоиз. Чунки замон ўтиб, кийимнинг турфа хиллари пайдо бўлади. Инсонларда уни кийиш ҳукми ҳақида савол туғилади. Шунинг учун либос ва пойабзал билан боғлиқ муҳим масалани қисқача бўлса-да эслатиб ўтишни лозим топдик.

٧٥ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ، حَدَّثَنَا هَمَّامٌ، عَنْ قَتَادَةَ قَالَ: قُلْتُ لِأَنَسِ بْنِ مَالِكٍ: كَيْفَ كَانَ نَعْلُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ؟ قَالَ: لَهُمَا قِبَالَانِ.

75 – Қатодадан ривоят қилинади: “Мен Анас ибн Моликдан: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оёқ кийимлари қандай эди?” деб сўрадим. Шунда у: “Уларнинг иккитадан тасма бор эди”, деб жавоб берди<sup>183</sup>”.

**Шарҳ.** Бу ерда “тасма” деганда пойабзал ипи боғланадиган тизгин назарда тутилмоқда. Пойабзал тасмаси оёқнинг устки қисмида бўлиб, боғични ушлаб туради. У бемалол юришга, пойабзал оёқда маҳкам туришига ёрдам беради.

Демак, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пойабзалларининг ҳар бирида иккитадан тасма бор эди. Жазарий шундай деган: “У зот бир тасмани оёқнинг бош бармоғи билан ундан кейингиси ўртасига, иккинчисини ўрта бармоқ билан ёнидагиси орасига қўярдилар. Икки тасма у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам оёқлари устидаги боғичда бирлашарди<sup>184</sup>”.

٧٦ — حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ مُحَمَّدُ بْنُ الْعَلَاءِ، حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنْ خَالِدِ الْحَدَّاءِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْحَارِثِ، عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: كَانَ لِنَعْلِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قِبَالَانِ مُثْنِيَّ شِرَاكُهُمَا.

76 – Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пойабзалларининг иккита тасмаси бўлиб, уларнинг ипи ҳам иккитадан эди<sup>185</sup>”.

**Шарҳ.** Яъни, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оёқ кийимларининг ҳар бир тасмасида иккитадан ип бор эди.

٧٧ — حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ وَيَعْقُوبُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ، حَدَّثَنَا أَبُو أَحْمَدَ الرَّبِيعِيُّ، حَدَّثَنَا عَيْسَى بْنُ طَهْمَانَ قَالَ: أَخْرَجَ إِلَيْنَا أَنَسُ بْنُ مَالِكٍ نَعْلَيْنِ جَرْدَاوَيْنِ لَهُمَا قِبَالَانِ.

قَالَ: فَحَدَّثَنِي ثَابِتٌ بَعْدَ عَنْ أَنَسٍ: أَنَّهُمَا كَانَتَا نَعْلَيِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.

77 – Исо ибн Таҳмондан ривоят қилинади: “Анас ибн Молик устида туки йўқ бир жуфт кавуш чиқариб, бизга (кўрсатди). Уларнинг иккитадан тасмаси бор эди”.

<sup>183</sup> 75 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Бухорий “Саҳиҳ”да (5857), Абу Довуд (4134), Термизий (1772), Насоий (5367) ва Ибн Можа (3615) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (3/122, 203, 245, 269) ривоят қилган.

<sup>184</sup> Қаранг: Мулла Али Қори. Миркотул мафотих. 7/2809; Иброҳим Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуня. – Б. 180.; Муборакфурий. Тухфатул ахвазий. 5/382.

<sup>185</sup> 76 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Ибн Можа “Сунан”да (3614) ривоят қилган.

У айтди: “Менга Собит кейин Анасдан ривоят қилиб айтдики, у иккиси Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам кавушлари экан<sup>186</sup>”.

**Шарҳ.** Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хизматкорлари Анас ибн Молик розияллоҳу анху Пайғамбаримизнинг бир жуфт кавушларини уйда сақларди. Бир куни уни олиб чиқиб, тобеинларга кўрсатган. Ҳалиги кавуш туксиз эди.

Ўша кавуш Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга тегишли эканини Ибн Таҳмонга Собит Буноний айтган. Собит уни Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан эшитган.

Бу ривоятда Пайғамбаримиздан қолган нарсалар (жумладан, соч толаси, либос, кавуш ва ҳоказолар) саҳобалар, тобеинлар томонидан табаррук билингани келиб чиқади.

٧٨ – حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مُوسَى الْأَنْصَارِيُّ، حَدَّثَنَا مَعْنٌ، حَدَّثَنَا مَالِكٌ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ أَبِي سَعِيدٍ الْمَقْبُرِيِّ، عَنْ عُبَيْدِ بْنِ جُرَيْجٍ أَنَّهُ قَالَ لِابْنِ عُمَرَ: رَأَيْتَكَ تَلْبَسُ النَّعَالَ السَّبْتِيَّةَ؟ قَالَ: إِنِّي رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَلْبَسُ النَّعَالَ الَّتِي لَيْسَ فِيهَا شَعْرٌ، وَيَتَوَضَّأُ فِيهَا، فَأَنَا أَحِبُّ أَنْ أَلْبَسَهَا.

78 – *Ривоят қилинишича, Убайд ибн Журайж Ибн Умар розияллоҳу анхудан: “Сиз туки йўқ кавуш кияётганингизни кўрдим?” деди. Шунда у: “Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам устида туки йўқ кавушлар кийганларини, унда таҳорат олганларини кўрганман. Шунинг учун мен ҳам (шундай пойабзал) кийишни яхши кўраман”, деб жавоб берди<sup>187</sup>.*

**Шарҳ.** Асри саодатда турли ҳайвонлар терисидан пойабзал тайёрланарди. Айрим терилар устида тўлик, айримларида бир оз туклар қоларди. Баъзида тери мукамал ошланиб, устидаги тук буткул кетказиларди. Мана шундай теридан қилинган пойабзал “устиди туки йўқ (сибтий) оёқ кийим” деб аталарди.

Ибн Журайж бу саволни беришидан мақсад Ибн Умар нега айнан туксиз кавуш кийганини билиш эди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам туксиз теридан қилинган пойабзал киярдилар, таҳорат қилганда – оёқ кийимни таҳоратли ҳолда кийганлари учун – уни ечиб ўтирмасдан маҳси устига масҳ тортардилар.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхумо суннатга эргашиш ниятида туксиз оёқ кийим киярди. Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам устида туки йўқ пойабзал кийганларини кўрганди.

Замони рисолатда мусулмонлар зийнатга, дабдабага аҳамият беришмасди. Кўп вақтларини дин ва охират ишларига сарфлашарди. Шунинг учун чарм ошлаганда туки кетдими-кетмадими, бундай нарсаларга машғул бўлишмасди. Шунинг учун Убайд ибн Журайжнинг кўзига Ибн Умар розияллоҳу анхунинг туки тамоман тозаланган чармдан кавуш кийгани ажиб кўринди. Жаноб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам туки йўқ чарм кавуш кийишлари эса бунинг жоизлигини билдириш учун бўлган<sup>188</sup>.

٧٩ – حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مَنْصُورٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، عَنْ مَعْمَرٍ، عَنْ ابْنِ أَبِي ذَنْبٍ، عَنْ صَالِحِ مَوْلَى التَّوَّامَةِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: كَانَ لِنَعْلِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قِبَالَانِ.

79 – *Абу Ҳурайра розияллоҳу анху ривоят қилади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оёқ кийимларининг икки тасмаси бор эди<sup>189</sup>”.*

<sup>186</sup> 77 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Бухорий “Саҳиҳ”да (3107, 5858), Молик “Муваддо”да (935) ривоят қилган.

<sup>187</sup> 78 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Бухорий (166, 5851) ва Муслим (1187) “Саҳиҳайн”да, Абу Довуд (1772), Насоий (1/80, 5/163, 232, 8/186) ва Ибн Можа (3626) “Сунан”да ривоят қилган.

<sup>188</sup> Манба: Абу Исо Муҳаммад Термизий. Шамоили муҳаммадийя /Ҳазрати Шайх Саййид Маҳмуд Тарозий Олтинхон тўра таржимаси асосида ҳозирги ўзбек тилига мувофиқлаштириб нашрга тайёрловчи Мирзо Кенжабек. – Тошкент: Шарқ, 2015. – Б.52-53.

<sup>189</sup> 79 – санади ҳасан.

Мазкур ҳадисни бу йўл билан ёлғиз мусанниф ривоят қилган.

**Шарҳ.** Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан қилинган ушбу ривоят юқорида Анас ибн Молик ва Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумо томонидан келтирилган ҳадис мазмуни билан бир хил.

۸۰ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا أَبُو أَحْمَدَ قَالَ: حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنِ السُّدِّيِّ قَالَ: حَدَّثَنِي مَنْ سَمِعَ عَمْرَو بْنَ حُرَيْثٍ يَقُولُ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي فِي نَعْلَيْنِ مَخْصُوفَتَيْنِ.

80 – *Амр ибн Хурайс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ямоқ солинган (ёки тикилган) икки кавушда намоз ўқиганларини кўрганман<sup>190</sup>”.*

**Шарҳ.** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам камтар инсон бўлганлар. Буни либос бобида ҳам кўриш мумкин. У зот ямоқ солинган кийим ва пойабзал киярдилар. Ямоқни ўзлари солардилар. Бундан чиқди, мўмин инсон ямоқ кийимда юриши унинг Аллоҳ даргоҳидаги мартабасига таъсир қилмайди. Банда обрўйи унинг либоси билан ўлчанмайди. Акс ҳолда саййидул мурсалин, хотамул анбиё энг сифатли, қимматбаҳо кийимлар киярдилар.

Бу ривоятда айтилишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ямоқ солинган кавушда намоз ўқирдилар. Бу Расулуллоҳнинг қавлий ва феълий суннатларида собит бўлган.

Оёқ кийимда ибодат қилиш учун намоз ўқиладиган жой тупрок, қумлоқ ёки тошлоқ бўлиши керак. Қолаверса, пойабзал ҳам тоза бўлиши шарт. Аввалги даврларда масжидларга ҳеч нарса солинмасди. Ҳозир эса қимматбаҳо гиламлар тўшаб қўйилади. Шунинг учун киши масжидни ифлос қилмаслиги, намозхонларга озор етказмаслиги учун оёқ кийимини ташқарида ечиб, масжидга киради.

۸۱ – حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مُوسَى الْأَنْصَارِيِّ، حَدَّثَنَا مَعْنٌ، حَدَّثَنَا مَالِكٌ، عَنِ أَبِي الزِّنَادِ، عَنِ الْأَعْرَجِ، عَنِ أَبِي هُرَيْرَةَ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَا يَمْشِيَنَّ أَحَدُكُمْ فِي نَعْلٍ وَاحِدَةٍ، لِيُنْعَ هُمَا جَمِيعًا أَوْ لِيُخْفِهَمَا جَمِيعًا.

81 – *Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сизлардан биронтангиз зинҳор бир пой кавушда юрмасин: иккисини бирга кийсин ёки ечиб олсин”, деганлар<sup>191</sup>.*

**Шарҳ.** Яъни, бир оёққа пойабзал кийиб, бошқа оёқ яланг ҳолда бўлмасин, дейилмоқда. Ёки иккала оёққа пойабзал кийилади ёки бўлмаса, иккаласи ечиб олинади. Бу қайтариқ ҳикмати нимада, деган саволга қуйидагича жавоб берилган:

1. Чунки, бундай ҳолда юрган одам шайтонга ўхшаб қолади. Юқоридаги ҳадиснинг айрим сийғаларида: “Зеро, шайтон бир пой оёқ кийимда юради<sup>192</sup>”, деган қўшимча бор.

2. Бир оёққа пойабзал кийиб, бошқасига кийилмаса, баданга зулм қилинган бўлади. Инсон ҳатто ўз баданига ҳам адолатли бўлишга буюрилган. Агар бир оёққа кийиб, бошқаси ечилган бўлса, ер кизиган ёки совиган пайтда яланг оёққа зулм қилинади<sup>193</sup>.

3. Бундай юриш киши салобатига путур етказди. Қолаверса, бир пой оёқ кийимда юриш ноқулай, қоқилиб кетишга сабаб бўлиши мумкин<sup>194</sup>.

Буни бошқа қайтариқлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, сочининг бир қисмини қириб олдириб, бошқа жойини ўсган ҳолда қолдириш. Шунингдек, тананинг бир қисмини сояда, бошқа тарафини офтобда қолдириш. Бу баданга зулmdir. Юқоридаги нахий ҳам худди шу маънони ифодалайди. Зеро, шарият адолатга буюради, зулмдан қайтаради.

<sup>190</sup> 80 – санади заиф. Чунки Суддийнинг шайхи мажхулдир.

Бу ҳадисни Аҳмад “Муснад”да (4/307), Насоий “Ас-Сунанул кубро”да (9803, 9804) ривоят қилган.

<sup>191</sup> 81 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Бухорий (5855) ва Муслим (2097) “Саҳиҳайн”да, Абу Довуд (4136) ва Термизий (1774) “Сунан”да, Таҳовий “Шарҳул мушкилил осор”да (1357, 1358), Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да (5459, 5460) ривоят қилган.

<sup>192</sup> Имом Таҳовий. Шарҳу мушкилил осор. – Ж.3 – Б.386. 1358-ҳадис.

<sup>193</sup> Манба: Абдураззоқ Абдулмуҳсин. Шарҳу шамоилин набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам. – Б.120-121.

<sup>194</sup> Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладунья. – Б.186.

Мазкур ҳадисни бу ерда келтиришдан мақсад Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир пой оёқ кийимда юрмаганликларини баён қилиш. Зеро, у зот бир ишдан қайтарсалар, айтган гапларига биринчи бўлиб ўзлари амал қилганлар.

۸۲ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، عَنْ مَالِكِ بْنِ أَنَسٍ، عَنْ أَبِي الزِّنَادِ، نَحْوَهُ.

82 – *Бизга Қутайба Молик ибн Анасдан, у Абу Зиноддан шунга яқин (маънодаги ёки санад билан) ҳадис ривоят қилган*<sup>195</sup>.

**Шарҳ.** Бу ерда “шунга яқин” деганда аввалги ҳадис санадига яқин санад билан ёки олдинги ҳадис мазмунига яқин ҳадис, деган маъно кўзда тутилган.

۸۳ — حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مُوسَى، حَدَّثَنَا مَعْنٌ، حَدَّثَنَا مَالِكٌ، عَنْ أَبِي الزُّبَيْرِ، عَنْ جَابِرٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ

وَسَلَّمَ نَهَى أَنْ يَأْكُلَ — يَعْنِي: الرَّجُلَ — بِشِمَالِهِ، أَوْ يَمْشِي فِي نَعْلٍ وَاحِدَةٍ.

83 – *Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам (киши) чап қўли билан (таом) ейишидан ёки бир пой оёқ кийимда юришидан қайтарганлар*<sup>196</sup>.

**Шарҳ.** Мусулмон банда – эркак бўлсин, аёл бўлсин – таомни чап қўлда емайди, ичимликни чап қўлда ичмайди. Овқатни ҳам, ичимликни ҳам ўнг қўлда истеъмол қилади. Шунингдек, мўмин киши бир оёғига пойабзал кийиб, иккинчисини яланг ҳолда қолдирмайди. Иккаласига оёқ кийим кияди ёки бутунлай ялангоёқ бўлиб олади.

۸۴ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، عَنْ مَالِكِ.

ح، وَحَدَّثَنَا إِسْحَاقُ، حَدَّثَنَا مَعْنٌ، حَدَّثَنَا مَالِكٌ، عَنْ أَبِي الزِّنَادِ، عَنِ الْأَعْرَجِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِذَا انْتَعَلَ أَحَدُكُمْ فَلْيَبْدَأْ بِالْيَمِينِ، وَإِذَا نَزَعَ فَلْيَبْدَأْ بِالشَّمَالِ، فَلْتَكُنِ الْيُمْنَى أَوْلَهُمَا تُنْعَلُ، وَأَخْرَهُمَا تُنْزَعُ.

84 – *Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Агар биронтангиз пойабзал кийса, ўнгдан бошласин. Агар ечса, чапдан бошласин. Ўнг томон аввал кийиладигани, охири ечиладигани бўлсин*<sup>197</sup>”.

**Шарҳ.** Ўнг томон чап томондан кавуш кийиб-ечишда ҳам афзал саналади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пойафзал кийишни ўнгдан бошлар, ечишда бунинг аксини қилардилар. Яъни, аввал чап оёқ, кейин ўнг оёқ ечилади. Поклик ва зийнат саналадиган ишларни ўнг томондан бошлаш махбубдир.

۸۵ — حَدَّثَنَا أَبُو مُوسَى مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ قَالَ: حَدَّثَنَا شُعْبَةُ قَالَ: حَدَّثَنَا أَشْعَثُ — هُوَ

ابْنُ أَبِي الشَّعَثَاءِ — عَنْ أَبِيهِ، عَنْ مَسْرُوقٍ، عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُحِبُّ التَّيْمُنَ مَا اسْتَطَاعَ فِي تَرْجُلِهِ وَتَنْعَلِهِ وَطُهُورِهِ.

85 – *Оиша розияллоҳу анҳо ривоят қилади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам пойабзал кийиш, соч тараш, таҳорат қилишни имкон қадар ўнг томондан бошлашни яхши кўрардилар*<sup>198</sup>”.

**Шарҳ.** “Имкон қадар” дейилишидан имкони топилмаса ёки зарурат юзасидан чап томондан бошлашнинг ҳечқиси йўқлиги билинади.

<sup>195</sup> 82 – санади саҳиҳ. Бундан олдинги ҳадисга қаранг.

<sup>196</sup> 83 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Муслим “Саҳиҳ”да (2099), Абу Довуд (4081, 4137, 4865), Термизий (2766, 2767) ва Насоий (8/210) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (3/222, 293, 297) ривоят қилган.

<sup>197</sup> 84 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Бухорий “Саҳиҳ”да (5856), Абу Довуд (4139) ва Термизий (1779) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (2/465), Табароний “Авсат”да (6321) ривоят қилган.

<sup>198</sup> 85 – санади саҳиҳ. Бу ҳадисни кимлар ривоят қилгани 34-ҳадис таҳрижиди айтилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам барча ишларни ўнг томондан бошлардилар. Ривоятда айтилганидек, таҳоратда ҳам аввал ўнг аъзоларини ювардилар. Бу динимизнинг умумий қоидаси. Барча пок амаллар ўнг томондан бошланади. Мисол учун либос кийиш, масжидга кириш, мисвок ишлатиш, сурма қўйиш, тирноқ олиш, мўйлаб қисқартириш, соч тараш, соч олдириш, намозда икки тарафга салом бериш, хожатхонадан чиқиш, ейиш-ичиш, саломлашиш каби амалларни ўнг томондан бошлаш мустаҳабдир.

۸۶ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ مَرْزُوقٍ، عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ قَيْسِ أَبِي مُعَاوِيَةَ، حَدَّثَنَا هِشَامٌ، عَنْ مُحَمَّدٍ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: كَانَ لِنَعْلِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَبَالَانِ، وَأَبِي بَكْرٍ وَعُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُمَا، وَأَوَّلُ مَنْ عَقَدَ عَقْدًا وَاحِدًا عُثْمَانُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ.

86 – *Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кавушларида икки тасма бўларди. Абу Бакр ва Умар розияллоху анхумоларда ҳам (шундай эди). Илк бор битта ип боғлаган зот Усмон розияллоху анхудир<sup>199</sup>”.*

**Шарҳ.** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оёқ кийимларининг ҳар бирида икки тасма бор эди. Абу Бакр Сиддиқ ва Умар ибн Хаттоб розияллоху анхумо пойабзали ҳам шундай бўлган. Усмон ибн Аффон розияллоху анху илк бор битта ип боғлаган. Бундан чиқди, пойабзалнинг ҳар бирига иккитадан тасма қилиш ибодат эмас, одат саналади. Акс ҳолда Усмон розияллоху анху бу ишда Пайғамбаримиз алайҳиссаломга хилоф қилмасди. Усмон ибн Аффон оёқ кийимига битта тасма қилиш макруҳ эмаслигини билдириш учун ҳам шундай йўл тутган, десак, хато бўлмайди. Валлоҳу аълам.

## 12-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ УЗУКЛАРИ ЗИКРИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 8 та ҳадис бор: 87-94)

**Шарҳ.** Бу бобда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам узуклари сифати, нақши, уни нима учун таққанлари ҳақидаги ривоятлар келтирилган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳижратдан сўнг, ҳижрий 6-йил охирларида узук ясагитганлар. Чунки подшоҳларга мактуб йўллаш керак эди. У зот Рум подшоҳига хат ёзмоқчи бўлганларида, “Улар фақат муҳр қўйилган мактубларни қабул қилишади”, дейилган. Шунда ўзлари учун узук ясагитганлар.

Шунинг учун айрим уламолар узук тақиш ҳукмида: “Агар зарурат туғилса, масалан, киши қози ёки масъул бўлиб, муҳр қўйишга тўғри келса, унинг узук ясагитириши суннатдир. Агар бу ишга хожат бўлмаса, у ҳолда мубоҳ саналади”, дейишган.

Эътибор берилса, муаллиф сарлавҳада “зикр” сўзини зиёда қилган. Чунки, арабча “хотам” калимаси “узук”, “муҳр”, “охири” маъноларини ифодалайди. Китоб аввалида “хотамун нубувват”, яъни, нубувват муҳри – Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки кураклари ўртасида бўртиб чиққан бир парча эт ҳақидаги ривоятлар келтирилганди. Бу ерда эса “хотамун набий”, яъни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам муҳр ўрнида ишлатган узуклари ҳақида сўз кетади. Орадаги фарқни билдириш учун “зикр” сўзи қўшимча қилинган.

۸۷ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ وَعَبْدُ وَاحِدٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ وَهَبٍ، عَنْ يُونُسَ، عَنِ ابْنِ شِهَابٍ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: كَانَ خَاتَمُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ وَرَقٍ، وَكَانَ فَصُّهُ حَبَشِيًّا.

<sup>199</sup> 86 – санади жуда заиф. Абдурахмон ибн Қайс матрукдир. Абу Зуръа ва бошқалар уни ёлғончи санаган.

Ибн Сийрин раҳматуллоҳи алайҳдан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам пойабзалларининг иккитадан тасмаси бўларди. Абу Бакр ва Умарнинг оёқ кийимида ҳам (шундай эди)” (Ибн Абу Шайба “Мусаннаф”да ривоят қилган (8/230-231). Ривоят санади саҳиҳ-мурсал).

87 – Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам узуклари кумушдан бўлиб, кўзи ҳабаший эди<sup>200</sup>”.

**Шарҳ.** Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таққан узуклари кумушдан эди. Бундан чиқди, мусулмон эркак кумушдан узук тақиши мумкин. Темир, мис каби моддалардан узук қилинмайди. Тилла узук мусулмон эркакларга жоиз эмас.

У зот узуклари кўзи – нақш солинадиган жойи ҳабаший эди. Яъни, унга Ҳабашистондан келтирилган тош қўйилган ёки ҳабаший услубда безатилган эди.

۸۸ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ، عَنْ أَبِي بَشِيرٍ، عَنْ نَافِعٍ، عَنْ ابْنِ عُمَرَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَخَذَ خَاتَمًا مِنْ فِضَّةٍ، فَكَانَ يَخْتِمُ بِهِ، وَلَا يَلْبَسُهُ.

قَالَ أَبُو عِيسَى: أَبُو بَشِيرٍ: اسْمُهُ جَعْفَرُ بْنُ أَبِي وَحْشِيٍّ.

88 – Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам кумушдан узук (ясаттириб) олгандилар. У билан муҳр босар, бироқ тақмас эдилар<sup>201</sup>.

**Абу Исо:** “Абу Бишрнинг исми: Жаъфар ибн Абу Ваҳшийдир”, деган.

**Шарҳ.** Бу ҳадис Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам узук таққанлари ҳақидаги бир қанча ривоятларга хилофдир. Айрим уламолар бу ҳадисни иллатли санашган. Яна айримлар: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг биттадан кўп узуклари бўлган. Бирини тақиб, бошқасини тақмаганлар. Тоза кумушданмаслиги, темир ва шу каби ножоиз моддалар аралашгани учун уни тақмаганлар”, деб айтишган.

Имом Аҳмаддан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг темирдан узуклари бор бўлиб, устига кумуш қопланганди. У зот уни ташлаб юборганлар.

Ҳофиз Ибн Ражаб “Аҳкомул хавотим” китобида: “Балки у зот муҳр қўйган, лекин тақмаган узуклари ана ўша узукдир”, деган.

۸۹ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عِيْلَانَ، أَخْبَرَنَا حَفْصُ بْنُ عُمَرَ بْنِ عَبْدِ - هُوَ الطَّنَافِيسِيُّ -، حَدَّثَنَا زُهَيْرٌ أَبُو خَيْمَةَ، عَنْ مُحَمَّدٍ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: كَانَ خَاتَمُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ فِضَّةٍ فَضُّهُ مِنْهُ.

89 – Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам узуклари кумушдан, кўзи ҳам ундан эди<sup>202</sup>”.

**Шарҳ.** Юқоридаги ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам узуклари кўзи ҳабаший эди, деб келтирилганди. Бу ерда эса кумушдан, дейилмоқда. Буни қандай тушунамиз?

Бунинг сабаби ҳақида икки хил қавл айтилган:

1. Ўша узук сифати, нақш солиниши ҳабаший услубда эди.

2. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир қанча узуклари бўлиб, бирининг кўзи ҳабаший, бошқасиники кумушдан бўлган.

Уламолар айтишича, узукнинг кўзи бошқа маъданлардан эмас, ўзидан, яъни кумушдан бўлгани маъқул.

<sup>200</sup> 87 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Муслим “Саҳиҳ”да (2094), Абу Довуд (4216), Термизий (1739), Насоий (8/172, 173, 192, 193) ва Ибн Можа (3641) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (3/209, 225), Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да (6394) ривоят қилган.

<sup>201</sup> 88 – санади саҳиҳ. Бунинг таҳрижи 104-ҳадисниқида келади.

<sup>202</sup> 89 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Бухорий “Саҳиҳ”да (5870), Абу Довуд (4217), Термизий (1740) ва Насоий (8/173, 174, 193) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (3/266) ривоят қилган.

۹۰ – حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مَنْصُورٍ، حَدَّثَنَا مُعَاذُ بْنُ هِشَامٍ قَالَ: أَخْبَرَنِي أَبِي، عَنْ قَتَادَةَ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: لَمَّا أَرَادَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يَكْتُبَ إِلَى الْعَجَمِ، قِيلَ لَهُ: إِنَّ الْعَجَمَ لَا يَقْبَلُونَ إِلَّا كِتَابًا عَلَيْهِ خَاتَمٌ، فَاصْطَنَعَ خَاتَمًا، فَكَأَنِّي أَنْظُرُ إِلَى بَيَاضِهِ فِي كَفِّهِ.

90 – Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Расулulloх соллalloху алайхи ва саллам ажамларга хат ёзмоқчи бўлганларида у зотга: “Ажамлар фақат мухри бор мактубларни қабул қилишади”, дейилди. Шунда бир узук ясаттирдилар. Мен ҳозир ўша узукнинг қафтларидаги оқини кўриб тургандекман<sup>203</sup>”.

**Шарҳ.** Бу ривоятда Пайғамбаримиз соллalloху алайхи ва саллам нима учун узук таққанлари сабаби келтирилмоқда.

Ҳижрий 6-йил охирларида Пайғамбаримиз алайҳиссалом Ҳудайбиядан қайтганлар. Турли давлатлар подшоҳларини Исломга чақириб мактуб ёзмоқчи бўлганларида у зотга: “Ажам (араб бўлмаган халқлар) подшоҳлари ва раҳбарлари фақат мухр қўйилган мактубларни қабул қилишади”, дейишди. Шунда Расули акрам алайҳиссалом узук ясаттирганлар.

Мактубга мухр босиш унда ёзилган нарса муҳимлигини, ишончли эканини, мактуб йўлловчи ва уни қабул қилувчи хурмат-эътиборга лойиқлигини билдиради. Агар мактуб сўнггида мухр бўлмаса, бу шубҳа-гумонга сабаб бўлади, мактубда тилга олинган масалага хурматсизлик билан ёндашилганини англатади.

Анас ибн Молик розияллоху анху: “Мен ҳозир ўша узукнинг қафтларидаги оқини кўриб тургандекман” дейишидан мазкур узук кумушдан бўлганини, у жуда мукамал қилиб ишланганини, ривоятни айтаётганида Анас ибн Молик кўз ўнгида саодат асри гавдаланганини билиб оламиз.

۹۱ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ يَحْيَى، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ الْأَنْصَارِيُّ، حَدَّثَنِي أَبِي، عَنْ ثُمَامَةَ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: كَانَ نَقَشُ خَاتَمِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مُحَمَّدٌ سَطْرٌ، وَرَسُولٌ سَطْرٌ، وَاللَّهُ سَطْرٌ.

91 – Анас ибн Молик розияллоху анху ривоят қилади: “Расулulloх соллalloху алайхи ва саллам узуклари нақши: “Муҳаммадун” бир қатор, “Расулу” бир қатор”, “Аллох” бир қатор эди<sup>204</sup>”.

**Шарҳ.** Набий соллalloху алайхи ва саллам узукларидаги ёзув уч сўздан иборат эди: “Муҳаммад”, “Расулу”, “Аллох”. Бу сўзлар бир эмас, уч қатор қилиб ёзилганди. “Муҳаммад” биринчи сатрда, “Расулу” иккинчи сатрда, “Аллох” учинчи сатрда бўлган. Чунки уччаласи бир қаторга сиғмайди.

Ҳадис зоҳирига кўра, “Муҳаммад” юқорида, сўнг “Расулу”, ундан кейин “Аллох” сўзи ёзилган. Пайғамбаримиз алайҳиссалом узуклари нақши мана шундай бўлган. Унда ёзувдан бўлак нарса йўқ эди.

Салафи солиҳлар узукларида ҳам шунга ўхшаш сўзлар ёзилганди. Масалан, Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг узугига “Кафаа бил-мавти вааизон” (“Ўлим насиҳатгўй сифатида етарли”), Али ибн Абу Толибниқига “Аллоҳул малик” (“Подшоҳ Аллоҳ”), Ҳузайфа ва Ибн Жарроҳниқига “Алҳамдулиллах” (“Барча мақтовлар Ёлғиз Аллоҳга хос”), Абу Жаъфар Боқирниқига “Ал-Иззату лиллаах” (“Буюклик Аллоҳга хос”), Масрукниқига “Бисмиллаах” (“Аллоҳ номи билан бошлайман”), деб ёзилганди.

Расулulloх соллalloху алайхи ва саллам шундай деганлар: “Одам (алайҳиссалом) узук тақди. Унга “Лаа илааҳа иллalloх, муҳаммадур росулulloх”, деб нақш солинганди”.

“Наводирул усул” китобида келтирилишича, Мусо алайҳиссалом узугига “Ликулли ажалин китааб” (“Ҳар бир вақт учун китоб-ҳукм бор”) деб ўйиб ёзилганди.

Табароний “Мўъжам”ида марфуъ тарзда ривоят қилинишича, Сулаймон ибн Довуд алайҳиссалом узуги кўзи самовий эди. Унга (ўша кўз) осмондан туширилган. У ҳалиги кўзни олиб, узугига

<sup>203</sup> 90 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Бухорий (65, 2938, 5875) ва Муслим (2092) “Саҳиҳайн”да, Абу Довуд (4214, 4215), Термизий (2718) ва Насоий (8/174, 193) “Сунан”да ривоят қилган.

<sup>204</sup> 91 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Бухорий “Саҳиҳ”да (3106, 5878), Термизий “Сунан”да (1747, 1748), Табароний “Авсаг”да (2459), Ибн Саъд “Табакот”да (1/474), Ибн Абу Шайба “Мусаннаф”да (8/463) ривоят қилган.



жойлаштирган. Унинг нақши “Аналлоҳу лаа илааҳа иллаа ана, муҳаммадун ʻабдий ва росулий” (“Мен Аллоҳман. Мендан ўзга илоҳ йўқ. Муҳаммад менинг бандам ва расулимдир”), деб ёзилганди<sup>205</sup>.

۹۲ – حَدَّثَنَا نَصْرُ بْنُ عَلِيٍّ الْجُهْضَمِيُّ أَبُو عَمْرٍو، حَدَّثَنَا نُوحُ بْنُ قَيْسٍ، عَنْ خَالِدِ بْنِ قَيْسٍ، عَنْ قَتَادَةَ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَتَبَ إِلَى كِسْرَى وَقَيْصَرَ وَالنَّجَاشِيَّ، فَقِيلَ لَهُ: إِنَّهُمْ لَا يَقْبَلُونَ كِتَابًا إِلَّا بِخَاتَمٍ، فَصَاعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَاتَمًا خَلَقْتُهُ فِصَّةً، وَنَقَشَ فِيهِ: مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ.

92 – Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, **Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам кисро, қайсар ва нажошийга мактуб йўлламоқчи бўлганларида у зотга: “Улар хатни фақат имзо билан қабул қилишади”, дейилди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир узук ясаптирдилар. Унинг ҳалқаси кумуш бўлиб, “Муҳаммадур расулуллоҳ” (жумласи) нақш қилиб ўйилганди<sup>206</sup>.**

**Шарҳ.** Узук ясалишига ривоятда келтирилган воқеа сабаб бўлган. У зот заргарга айтиб, узук ясаптирганлар. Муҳр вазифасини бажаргани учун узукка “Муҳаммадур расулуллоҳ” деб ёзилган.

Кисро Эрон, қайсар Рум, нажоший Ҳабашистон подшоҳи лақабидир. Шунингдек, фиръавн қибтийлар, азиз Миср, туббаъ Ҳимяр, хоқон турк подшоҳлари лақаби ҳисобланган<sup>207</sup>.

۹۳ – حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مَنْصُورٍ، حَدَّثَنَا سَعِيدُ بْنُ عَامِرٍ وَالْحَجَّاجُ بْنُ مِنْهَالٍ، عَنْ هَمَّامٍ، عَنْ ابْنِ جُرَيْجٍ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ أَنَسٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا دَخَلَ الْخَلَاءَ نَزَعَ خَاتَمَهُ.

93 – Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, **Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳожатхонага кирмоқчи бўлсалар, узукларини ечиб қўядилар<sup>208</sup>.**

**Шарҳ.** Ҳожатхонага киришдан аввал узукни ечишларига сабаб шуки, унда Аллоҳ номи ёзилганди. Бундан чиқди, нопок жойларга муқаддас битиклар – оят, ҳадис, Аллоҳ ва Расулининг исми ёзилган нарсалар билан кирилмайди.

۹۴ – حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مَنْصُورٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مُمَيَّرٍ، حَدَّثَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ عُمَرَ، عَنْ نَافِعٍ، عَنْ ابْنِ عُمَرَ قَالَ: اتَّخَذَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَاتَمًا مِنْ وَرَقٍ، فَكَانَ فِي يَدِهِ، ثُمَّ كَانَ فِي يَدِ أَبِي بَكْرٍ، وَيَدِ عُمَرَ، ثُمَّ كَانَ فِي يَدِ عُمْتَانَ، حَتَّى وَقَعَ فِي بَيْتِ أَرِيَسٍ، نَقَشُهُ: مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ. صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.

94 – Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кумушдан узук ясаптиргандилар. Ҳалиги узук у зот қўлларида бўларди. Кейин Абу Бакр ва Умар қўлида бўлди. Кейин – то Арис қудуғига тушиб кетгунича – Усмон қўлида бўлди. Ўша узук нақши: “Муҳаммадур расулуллоҳ” эди<sup>209</sup>”. Соллаллоҳу алайҳи ва саллам.**

**Шарҳ.** Маълумки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларида “Муҳаммадур расулуллоҳ” деб ёзилган кумуш узук бўларди. У зот вафотларидан кейин ҳалиги узук Абу Бакр Сиддиққа, кейин Умар ибн Хаттобга ўтган. Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳум) ҳам ўша узукни таққан. Лекин, унинг даврида узук Арис қудуғига тушиб кетган.

<sup>205</sup> Қаранг: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладунья. – Б.196.

<sup>206</sup> 92 – санади саҳих. 90-ҳадис таҳрижга қаранг.

<sup>207</sup> Божурий. Ал-Мавоҳиб. – Б.198.

<sup>208</sup> 93 – санади заиф.

Бу ҳадисни Абу Довуд (19), Термизий (1746), Насоий (8/178) ва Ибн Можа (303) “Сунан”да, Ҳоким “Мустадрок”да (1/187), Ибн Ҳиббон “Саҳих”да (1413) ривоят қилган.

<sup>209</sup> 94 – санади саҳих. Унинг таҳрижи ҳақидаги маълумот 104-ҳадиснида келтирилади.

Арис – Қубо масжиди яқинида жойлашган боғдаги қудук номи<sup>210</sup>. Усмон розияллоҳу анҳу Арис қудуғи бошида турганида узугини қимирлатган. Оқибатда узук қудукқа тушиб кетган. Усмон асҳоблари билан уч кун давомида қудук сувини чиқариб ташлаган, бироқ узук топилмаган.

Иброҳим ибн Муҳаммад Божурийнинг “Ал-Мавоҳибул ладуния” номли шарҳида айтилишича, бу воқеада халифалик узукка боғлиқ эканига ишора бор. Зеро, шундан кейин фитналар авж олди, мусулмон орасига ихтилоф тушди, уруш-жанжаллар кўпайди. Шунинг учун айримлар: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам узукларида Сулаймон алайҳиссалом узугидаги сир-асрорлар бор эди. Сулаймон узуги йўқолганида унинг мулки-подшоҳлиги ҳам завол топган. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам узуклари Усмондан кетганида ишлар орқага қараб кетди, унинг ўлимига сабаб бўлган фитналар бўй кўрсатди”, дейишган<sup>211</sup>.

### 13-БОБ. НАБИЙ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ УЗУКНИ ЎНГ ҚЎЛГА ТАҚҚАНЛАРИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 10 та ҳадис бор: 95-104)

**Шарҳ.** Боб номидан шуни билиш мумкин, мусанниф узукни ўнг қўлга тақиш суннат эканини баён этиш учун бир қанча ривоятларни келтирган.

Аслида бу борада ихтилоф бор. Узукни ўнг қўлга таққан афзалми ёки чап қўлга тақиш яхшими, деган масалада уламолар турли қавллар айтишган. Узукни чап қўлга тақса ҳам бўлади, лекин гап қайси бири афзал деган масалада кетмоқда. Шу ўринда, узукни ўнг қўлга тақиш афзаллигини айтиб ўтамиз. Чунки узук зийнатдир. Ўнг тараф зийнат ва ҳурмат учун чап тарафдан муносиброк, ҳақлироқдир.

Бу ҳақида айтилган ҳадисларни ўрганиб чиқсак, масала янада ойдинлашади.

۹۵ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ سَهْلٍ بْنُ عَسْكَرٍ الْبَغْدَادِيُّ وَعَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ قَالَ: حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ حَسَّانَ، حَدَّثَنَا سُلَيْمَانُ بْنُ بِلَالٍ، عَنْ شَرِيكَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي نَمْرٍ، عَنْ إِبْرَاهِيمَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ حُنَيْنٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَلْبَسُ خَاتَمَهُ فِي يَمِينِهِ.

95 – Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, **Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам узукларини ўнг қўлга тақардилар**<sup>212</sup>.

**Шарҳ.** Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг энг яқин саҳобалари, куёвлари Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу хабар беришича, Расули акрам узукни ўнг қўлга таққанлар.

Имом Муслим “Саҳиҳ”да Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам узукни чап қўллари жимжилоғига таққан эканлар. Буни қандай тушунамиз? – деб савол берилса, балки у зот иккала қўлларига таққан бўлишлари мумкин, деб жавоб берилади. Такрор айтамиз, гап бу ерда узукни чап қўлга тақса бўладими-йўқми, эмас, балки қайси қўлга тақиш афзал, деган масалада кетмоқда. Шуни эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

۹۶ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ يَحْيَى، حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ صَالِحٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ وَهْبٍ، عَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ بِلَالٍ، عَنْ شَرِيكَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي نَمْرٍ، نَحْوَهُ.

96 – Бизга Муҳаммад ибн Яҳё ҳадис айтди, бизга Аҳмад ибн Солиҳ ҳадис айтди, бизга Абдуллоҳ ибн Ваҳб Сулаймон ибн Билолдан ҳадис айтди. У Шарик ибн Абдуллоҳ ибн Абу Намирдан шу маънодаги ҳадис ривоят қилган<sup>213</sup>.

<sup>210</sup> Арис қудуғи яҳудийлардан бўлган “Арис” исмли бир кишига нисбат берилади. “Арис” сўзи Шом аҳли луғатида “деҳқон” маъносини ифодалайди (Манба: Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра Термизий. Аш-Шамоилун набавия вал хасоилул мустафавия /Муҳаққик: Саййид ибн Аббос Жалимий. – Макка.: Ал-Мактабатут тижория, 1993. – Б.91.).

<sup>211</sup> Қаранг: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуния. – Б.200-201.

<sup>212</sup> 95 – санади ҳасан.

Бу ҳадисни Абу Довуд (4226) ва Насоий (8/174) “Сунан”да ривоят қилган.

**Шарҳ.** Демак, имом Термизий Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам узукни ўнг қўлга таққанлари ҳақидаги ривоятни Али ибн Абу Толиб розияллоху анхудан икки хил йўл билан келтирган.

۹۷ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا يَزِيدُ بْنُ هَارُونَ، عَنْ حَمَّادِ بْنِ سَلَمَةَ قَالَ: رَأَيْتُ ابْنَ أَبِي رَافِعٍ يَتَخَتَّمُ فِي يَمِينِهِ، فَسَأَلْتُهُ عَنْ ذَلِكَ، فَقَالَ: رَأَيْتُ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ جَعْفَرٍ يَتَخَتَّمُ فِي يَمِينِهِ، وَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ جَعْفَرٍ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَخَتَّمُ فِي يَمِينِهِ.

97 – *Ҳаммод ибн Саламадан ривоят қилинади:* “Мен Ибн Абу Рофеъ узукни ўнг қўлига тақиб юрганини кўрганман. Ундан бу ҳақида сўраганимда: “Мен Абдуллох ибн Жаъфар узукни ўнг қўлига тақиб юрганини кўрганман”, деб жавоб берган. Абдуллох ибн Жаъфар: “Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам узукни ўнг қўлларига тақардилар”, деб айтган экан<sup>214</sup>”.

**Шарҳ.** Ҳаммод ибн Салама Ибн Абу Рофеъ узукни ўнг қўлига тақиб юрганини кўриб, нима учун ўнг қўлга тақиб сабабини сўраган. Шунда Ибн Абу Рофеъ Абдуллох ибн Жаъфар розияллоху анху узукни ўнг қўлига таққанини кўрганини айтган.

Абдуллох ибн Жаъфар Кураший Ҳошимий кичик саҳобий саналади. Унинг отаси Жаъфар ибн Абу Толиб, онаси Асмо бинти Умайс Хасъамия розияллоху анхумдир. Абдуллох Ҳабашистонда биринчи туғилган мусулмон чақолоқ ҳисобланади. Отаси Муъта ғазотида вафот этганидан сўнг Набий соллalloху алайҳи ва саллам уни қарамоғларига олганлар. Ибн Жаъфар ҳижрий 80-йилда Мадинада вафот этган. “Сиҳоҳи ситта” соҳиблари ундан ҳадис ривоят қилишган.

Бу ерда Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам узукни айнан қайси бармоққа таққанлари зикр қилинмаган. Бироқ “Саҳиҳайн”да жимжилоққа тақилиши аниқ айтилган.

۹۸ – حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُوسَى، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مُمَيَّرٍ، حَدَّثَنَا إِبْرَاهِيمُ بْنُ الْفَضْلِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُحَمَّدِ بْنِ عَقِيلٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ جَعْفَرٍ: أَنَّهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَتَخَتَّمُ فِي يَمِينِهِ.

98 – *Абдуллох ибн Жаъфар розияллоху анхудан ривоят қилинишича, у зот соллalloху алайҳи ва саллам узукни ўнг қўлларига тақардилар*<sup>215</sup>.

**Шарҳ.** Ўнг томон зийнатланишга чап томондан муносиброқлиги учун ҳам узукни ўнг қўлга тақиб афзал.

۹۹ – حَدَّثَنَا أَبُو الْخَطَّابِ زَيْدُ بْنُ يَحْيَى، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مَيْمُونٍ، عَنْ جَعْفَرِ بْنِ مُحَمَّدٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَتَخَتَّمُ فِي يَمِينِهِ.

99 – *Жобир ибн Абдуллох розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Набий соллalloху алайҳи ва саллам узукни ўнг қўлларига тақардилар*<sup>216</sup>.

**Шарҳ.** Бу ҳадис ҳам аввалги ҳадислар мазмунини таъкидламоқда. Фақат ровий бошқа.

<sup>213</sup> 96 – санади ҳасан. Бундан аввалги ҳадисга қаранг.

<sup>214</sup> 97 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Термизий (1744) ва Насойй (8/175) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (1/204, 205), Ибн Саъд “Табакот”да (1/477), Ибн Абу Шайба “Мусаннаф”да (8/473, 474) ривоят қилган.

<sup>215</sup> 98 – санади жуда заиф, бироқ ҳадис матни саҳиҳ. Аҳмад, Ибн Майин, Абу Зуръа ва Абу Ҳотимга кўра, Иброҳим ибн Фазл Махзумий заиф ровий. Бухорий ва Насойй уни мункарул ҳадис, дейишган. Доракутний эса Иброҳим ибн Фазлни матрук санаган.

Бу ҳадисни Ибн Можа “Сунан”да (3647) ривоят қилган.

<sup>216</sup> 99 – санади жуда заиф, лекин ҳадис матни саҳиҳ. Абдуллох ибн Маймун ибн Довуд мункарул ҳадис ҳисобланади.

۱۰۰ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ حُمَيْدٍ الرَّازِيُّ، حَدَّثَنَا جَرِيرٌ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْحَاقَ، عَنِ الصَّلْتِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ: كَانَ

ابْنُ عَبَّاسٍ يَتَخَتَّمُ فِي يَمِينِهِ وَلَا إِخَالَهُ إِلَّا قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَخَتَّمُ فِي يَمِينِهِ.

100 – Салт ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади: “Ибн Аббос узукни ўнг қўлига тақарди. Гумонимча, “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам узукларини ўнг қўлга тақардилар”, деб айтган эди<sup>217</sup>”.

**Шарҳ.** Салт ибн Абдуллоҳ машҳур саҳоба Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу узукни ўнг қўлга (айрим ривоятларга кўра, ўнг қўли жимжилоғига) таққанини кўрган экан. Ибн Аббос Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламда бу ишни кўрмаса, ундай қилмасди. Салт гумонича, Ибн Аббос Набий алайҳиссалом узукни ўнг қўлга тақишларини ҳам айтган экан. Демак, Салт ибн Абдуллоҳ учун узукни ўнг қўлга тақиш ҳам амал, ҳам қавл билан собит бўлган.

۱۰۱ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ أَبِي عُمَرَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنْ أَيُّوبَ بْنِ مُوسَى، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى

اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ اتَّخَذَ خَاتَمًا مِنْ فِضَّةٍ، وَجَعَلَ فَصَّهُ مِمَّا يَلِي كَفَّهُ، وَنَقَشَ فِيهِ "مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ"، وَنَهَى أَنْ يَنْقُشَ أَحَدٌ عَلَيْهِ وَهُوَ الَّذِي سَقَطَ مِنْ مُعَيْقِبٍ فِي بَيْتِ أَرِيْسٍ.

101 – Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллalloҳу алайҳи ва саллам кумушдан узук (ясаттириб) олгандилар. Унинг кўзини кафтларига қилиб олардилар. Ҳалиги узукка “Муҳаммадур расулulloҳ” деб ёзилганди. Бирон киши унга ўйиб ёзишидан қайтарганлар. Муайқиб<sup>218</sup> қўлидан Арис қудуғига тушиб кетган ўша узук эди<sup>219</sup>”.

**Шарҳ.** Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам узук кўзини кафтлари ичига қаратиб олардилар. Бундан чиқди, у зот узукни зийнат эмас, ҳожат (хусусан, мактубларга муҳр босиш) учун таққанлар.

Узук кўзини ичкарига ёки ташқарига қаратиб олиш жоиз. Лекин суннатга мувофиқ ичкарига қаратилса, яхши бўлади. Шунда узук кўзи талафотдан сақланади, ҳашаматдан, ўз нафсидан ажабланишдан йироқ бўлинади.

Набий соллalloҳу алайҳи ва саллам узукларига “Муҳаммадур расулulloҳ” деб ўйиб ёзилганди. Бу ҳолат фақат у зотнинг ўзларига хос. Шунинг учун бошқаларни бу ишдан қайтарганлар. Зеро, агар ўзгалар томонидан шундай узуклар ясаттирилса, имзо билан боғлиқ чигаллик, шубҳа-гумон, алдов келиб чиқиши мумкин эди.

Ибн Жамоа ва Зайниддин Ироқийга кўра, мазкур қайтариқ у зот тириклик вақтларигагина тегишлидир<sup>220</sup>.

**“Муайқиб қўлидан Арис қудуғига тушиб кетган ўша узук эди”.**

Савол: Узук Усмон ибн Аффоннинг қўлидан тушиб кетганми ёки Муайқибникиданми?

Жавоб: Эҳтимол, Усмон розияллоҳу анҳу имзо қўйиш ёки бошқа ҳожат учун узукни Муайқибга узатгандир. Муайқиб узукни Усмон ибн Аффонга қайтариб бераётганида у қудуққа тушиб кетгандир. Шунинг учун узук қудуққа тушиб кетиши билан боғлиқ воқеада иккови тилга олинади.

<sup>217</sup> 100 – санади заиф. Салт ибн Абдуллоҳ мутобаат қилинганида мақбул ровий, бироқ унга мутобаат қилинмаган. Аммо мазкур ҳадис матни маълум ва машҳурдир. Шунинг учун имом Термизий: “Бу – ҳасан ҳадис”, деб айтган. Валлоҳу аълам.

Бу ҳадисни Абу Довуд (4229) ва Термизий (1742) “Сунан”да ривоят қилган.

<sup>218</sup> Муайқиб ибн Абу Фотима Давсий машҳур саҳобий, собиқинал аввалинлардан. У Ҳабашистонга ҳижрат қилган. Бадр жангида қатнашган. Муайқиб Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам узукларига амин (масъул) саналган. Абу Бакр уни Файга омил (закот йиғувчи) қилиб тайинлаган. Умар ибн Хаттоб даврида байтул молга раҳбарлик қилган.

“Сихоҳи ситта” соҳиблари Муайқибдан ҳадис ривоят қилишган (Ундан икки дона ҳадис нақл қилинган). Муайқиб розияллоҳу анҳу Усмон ёки Али розияллоҳу анҳумо халифалиги даврида Мадинада вафот этган (Манба: Заҳабий. Сияру аъломин нубало. – Ж.2 – Б.491-493.).

<sup>219</sup> 101 – санади саҳих.

Бу ҳадисни Абу Довуд (4219), Насоий (5216) ва Ибн Можа (3639) “Сунан”да ривоят қилишган.

<sup>220</sup> Қаранг: Божурий. Ал-Мавоҳиб. – Б.207.

۱۰۲ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ، حَدَّثَنَا حَاتِمُ بْنُ إِسْمَاعِيلَ، عَنْ جَعْفَرِ بْنِ مُحَمَّدٍ، عَنْ أَبِيهِ قَالَ: كَانَ الْحَسَنُ

وَالْحُسَيْنُ يَتَخَتَّمَانِ فِي يَسَارِهِمَا.

102 – *Жаъфар ибн Муҳаммад отасидан ривоят қилади: “Ҳасан билан Ҳусайн узукларини чап қўлга тақишарди”<sup>221</sup>.*

**Шарҳ.** Киши истаса, узукни ўнг қўлига, истаса, чап қўлига тақиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан суннат ўлароқ собит бўлган.

Имом Термизий раҳматуллоҳи алайҳ узукни чап қўлга тақиш ҳақида фақат шу ривоятни нақл қилган. Мазкур ривоятнинг бошқа йўллари орқали келтирилишича, Абу Бакр, Умар ва Али розияллоҳу анҳум ҳам узукни чап қўлга тақишарди.

Муаллиф мазкур ривоятни бу ерда келтиришидан мақсад ундан ҳужжат олинмаслигини эслатишдир. Зеро, узукни ўнг қўлга тақиш ҳақидаги ривоятлар кўпроқ ва машхурроқдир<sup>222</sup>.

۱۰۳ – حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، أَنبَأَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَيْسَى – وَهُوَ ابْنُ الطَّبَّاعِ –، حَدَّثَنَا عَبَّادُ بْنُ الْعَوَّامِ، عَنْ

سَعِيدِ بْنِ أَبِي عَرُوبَةَ، عَنْ قَتَادَةَ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ: أَنَّهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَتَخَتَّمُ فِي يَمِينِهِ.

103 – *Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам узукларини ўнг қўлга тақардилар*<sup>223</sup>.

**Шарҳ.** Бу борада Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан икки хил ривоят келтирилган. Биринчиси мана шу (Қатода орқали ривоят қилинган). Бу ерда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам узукни ўнг қўлга таққанлар. Бу ривоят санади заиф.

Имом Муслим “Саҳиҳ”да (Собит орқали) Анас ибн Моликдан ривоят қилишича, у зот узукни чап қўл жимжилоғига таққанлар. Бу ҳадис эса саҳиҳдир.

Масалага холис ёндашиш, нотўғри хулоса чиқариб қўймаслик учун бу бобдаги барча ривоятларни ўрганиб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бир-иккита ҳадисни ушлаб олиб ҳукм чиқариш хатолигини мана шу ривоят мисолида кўриш мумкин.

۱۰۴ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ الْمُحَارِبِيِّ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ بْنُ أَبِي حَازِمٍ، عَنْ مُوسَى بْنِ عُقْبَةَ، عَنْ نَافِعٍ، عَنْ

ابْنِ عُمَرَ قَالَ: اتَّخَذَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَاتَمًا مِنْ ذَهَبٍ، فَكَانَ يَلْبَسُهُ فِي يَمِينِهِ، فَاتَّخَذَ النَّاسُ خَوَاتِيمَ مِنْ ذَهَبٍ، فَطَرَحَهُ وَقَالَ: لَا أَلْبَسُهُ أَبَدًا، فَطَرَحَ النَّاسُ خَوَاتِيمَهُمْ.

104 – *Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олтиндан узук (ясаттириб) олдилар. Уни ўнг қўлларига тақардилар. Шунда одамлар ҳам олтиндан узук (ясаттириб) олишди. У зот ўша заҳоти (узукни) ташладилар ва: “Уни ҳаргиз тақмайман!” дедилар. (Буни кўриб,) одамлар ҳам узукларини ташлашди”<sup>224</sup>.*

<sup>221</sup> 102 – санади заиф. Чунки узилиб қолган. Саҳиҳ қавлга кўра, Жаъфар Содик ибн Муҳаммаднинг отаси Муҳаммад ибн Али ибн Ҳусайн Ҳасан ва Ҳусайн розияллоҳу анҳумони кўрмаган.

Бу ҳадисни мусанниф “Жомеъ”да (1743), Абдураззоқ “Мусаннаф”да (1363), Таҳовий “Шарҳул маоний”да (4/266) ривоят қилган.

Имом Термизий ушбу ҳадис санадини саҳиҳ, деган. Балки матни саҳиҳ бўлгани учун уни саҳиҳ деб билгандир. Валлоҳу аълам.

<sup>222</sup> Қаранг: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладунья. – Б.207-208.

<sup>223</sup> 103 – санади заиф. Чунки, Аббод ибн Аввом ихтилотдан (ёдлаганлари бир-бирига аралашиб кетганидан) кейин Саиддан ҳадис эшитган.

Бу ҳадисни Насой “Сунан”да (5283) ривоят қилган.

<sup>224</sup> 104 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Бухорий (5865, 5866, 5873) ва Муслим (2091) “Саҳиҳайн”да, Абу Довуд (4618), Термизий (1741), Насой (8/178, 179, 194) ва Ибн Можа (3639, 3645) “Сунан”да ривоят қилган.

**Шарҳ.** Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам аввал тиллодан узук ясаптириб, ўнг қўлларига таққанлар. Кейин эркакларга тилло ҳаромлиги ҳақида ҳукм тушган. Шунда Пайғамбаримиз алайҳиссалом тилло узукни бармоқларидан чиқариб ташлаганлар, “Энди уни сира тақмайман”, деганлар. Буни кўрган одамлар Набий алайҳиссаломга эргашиб, бармоқларидаги тилло узукларини ечишган.

Хулоса қилиб айтганда, мусулмон киши кумушдан узук тақиши жоиз. Уни ўнг қўлнинг жимжилоғига таққан афзал. Муслима аёллар тилло узукни истаган бармоқларига тақишлари мумкин.

## 14-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ ҚИЛИЧЛАРИ СИФАТИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 5 та ҳадис бор: 105-109)

**Шарҳ.** Қуйидаги бобларда (14, 15, 16) уруш анжомлари – қилич, совут, дубулға ва ҳоказолар ҳақидаги ривоятлар келтирилган. Жумладан, 14-бобдаги бешта ҳадисни ўқиб-ўрганиш орқали Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қиличлари сифати, нимадан ясалгани, дастаси қандай бўлганини билиб оламиз.

Уламолар зикр қилишича, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг тўққизта қиличлари бўлган<sup>225</sup> Уларнинг номи: 1. Расуб. 2. Михзам. 3. Зулфиқор. 4. Қазиб. 5. Ҳатф. 6. Батгор. 7. Азб. 8. Қалабий. 9. Маъсурул фузор. У зот мазкур қиличларга бир вақтнинг ўзида эгалик қилган ёки турли пайтларда қўллаган бўлишлари мумкин.

۱۰۵ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا وَهْبُ بْنُ جَرِيرٍ، حَدَّثَنَا أَبِي، عَنْ قَتَادَةَ، عَنْ أَنَسٍ قَالَ: كَانَتْ قَبِيْعَةُ سَيْفِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ فَضَّةٍ.

105 – Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қиличлари дастасининг қалпоғи кумушдан эди<sup>226</sup>”.

**Шарҳ.** Кафт сирпаниб кетмаслиги учун қилич дастасига қалпоқ қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қиличлари қалпоғи кумушдан ясалган эди.

Иброҳим Божурийга кўра, ривоятдаги қилич номи “Зулфиқор”дир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни доим ўзлари билан олиб юрардилар. Фатҳ куни Маккага ҳам ўша қилич билан кирганлар<sup>227</sup>.

۱۰۶ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا مُعَاذُ بْنُ هِشَامٍ، حَدَّثَنَا أَبِي، عَنْ قَتَادَةَ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ أَبِي الْحَسَنِ الْبَصْرِيِّ قَالَ: كَانَتْ قَبِيْعَةُ سَيْفِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ فَضَّةٍ.

106 – Саид ибн Абул Ҳасан Басрийдан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қиличлари дастасининг қалпоғи кумушдан эди<sup>228</sup>”.

**Шарҳ.** Саид ибн Абул Ҳасан машҳур тобеин Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳининг туғишган биродаридир. Бу – мурсал ҳадис. Чунки Саид тобеин саналади. Шундай бўлса-да, аввалги ҳадис унинг фойдасига гувоҳлик беради. Муҳаддис Абу Довуд: “Бу ҳадислар ичида энг кучлиси Саид ибн Абул Ҳасанники. Қолганлари заифдир”, деган<sup>229</sup>.

<sup>225</sup> Ибн Қаййим “Зодул маод”да тўққизта қилични санаган. Айрим аҳли илмлар уларнинг номини бир байтда ифодалаган. Қаранг: Абдураззоқ Абдулмуҳсин. Шарҳу шамоилин набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам. – Б.141.

<sup>226</sup> 105 – санади заиф.

Бу ҳадисни Абу Довуд (2583), Термизий (1691) ва Доримий (2461) “Сунан”да, Ибн Саъд “Табақот”да (1/487), Таҳовий “Шарҳул мушkil”да (1398, 1399) ривоят қилган.

Бироқ, мазкур ҳадис Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан турли йўллар билан ривоят қилинганини, кўп шавоҳиди борлигини ҳисобга олиб, санадини саҳих, деганлар ҳам бор.

<sup>227</sup> Қаранг: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуня. – Б.211.

<sup>228</sup> 106 – санади заиф. У мурсалдир.

Бу ҳадисни Абу Довуд (2584) ва Насоий (8/219) “Сунан”да, Таҳовий “Шарҳул мушkil”да (1401) ривоят қилган.

<sup>229</sup> Манба: Абу Довуд. Сунан (3-жуз, 31-бет, 2585-ҳадис).

Бу ва аввалги ҳадисдан маълум бўлади, эркак киши уруш анжомини кумуш билан безатиши жоиз.

۱۰۷ – حَدَّثَنَا أَبُو جَعْفَرٍ مُحَمَّدُ بْنُ صُدْرَانَ الْبَصْرِيُّ، حَدَّثَنَا طَالِبُ بْنُ حُجَيْرٍ، عَنْ هُوْدٍ – وَهُوَ ابْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ سَعِيدٍ – عَنْ جَدِّهِ قَالَ: دَخَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَكَّةَ يَوْمَ الْفَتْحِ وَعَلَى سَيْفِهِ ذَهَبٌ وَفِضَّةٌ. قَالَ طَالِبٌ: فَسَأَلْتُهُ عَنِ الْفِضَّةِ فَقَالَ: كَانَتْ قَبِيْعَةُ السَّيْفِ فِضَّةً.

107 – Абдуллоҳ ибн Саид бобосидан ривоят қилади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фатҳ куни Маккага кирдилар. Ўшанда қиличларида тилла ва кумуш бор эди”.

Толиб (ибн Хужайр) айтади: “Мен ундан кумуш ҳақида сўраганим, “Қилич дастасининг қалпоғи кумуш эди”, деб жавоб берди<sup>230</sup>”.

**Шарҳ.** Ҳадисга кўра, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фатҳ куни Маккага кирганларида қиличларида тилла ва кумуш бўлган. Буни эшитган ҳадис ровийларидан бири Толиб ибн Хужайр қиличнинг қайси қисми кумушданлигини сўраган. Шунда унга қилич дастасининг қалпоғи кумушдан ясалгани айтилган.

Бу ҳадис заифлиги сабаб айрим уламолар: “Уни эркак киши қиличини тилло билан безатиши мумкинлигига далил қилиб бўлмайди”, дейишган. Толиб ибн Хужайр саволида нега тилло эмас, айнан кумуш ҳақида сўралганига ҳам эътибор бериш лозим<sup>231</sup>.

۱۰۸ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ شُجَاعٍ الْبَغْدَادِيُّ، حَدَّثَنَا أَبُو عُبَيْدَةَ الْحَدَّادُ، عَنْ عُثْمَانَ بْنِ سَعْدٍ، عَنِ ابْنِ سِيرِينَ قَالَ: صَنَعْتُ سَيْفِي عَلَى سَيْفِ سَمُرَةَ بْنِ جُنْدَبٍ، وَزَعَمَ سَمُرَةُ أَنَّهُ صَنَعَ سَيْفَهُ عَلَى سَيْفِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَكَانَ حَنْفِيًّا.

108 – Ибн Сийридан ривоят қилинади: “Мен қиличимни Самура ибн Жундуб қиличига ўхшатиб ясаганим. Самура айтишича, у қиличини Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қиличларига ўхшатиб ясаган экан. (Ҳалиги қилич) ханафий эди<sup>232</sup>”.

**Шарҳ.** Бу ерда “ханафий” деганда “Бани Ҳанифа қабиласига тегишли” деган маъно кўзда тутилган. Зеро, Бани Ҳанифа қабиласи қилични чиройли, мустаҳкам яшаш билан шуҳрат қозонганди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қиличларини мазкур қабила аъзоларидан бири ясаб берган ёки Бани Ҳанифа қабиласи усулида ясалган эди.

Демак, тобеин Муҳаммад ибн Сийрин раҳматуллоҳи алайҳ саҳоба Самура ибн Жундуб розияллоҳу анҳу қиличидан нусха олиб қилич ясагирган. Самура эса қиличини худди Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қиличларига ўхшатиб ясагирган. Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан саҳобага, саҳобадан тобеинга намуна ўларок ўтган қилич нусхаси жуда пишиқ ишланганди.

۱۰۹ – حَدَّثَنَا عُقْبَةُ بْنُ مُكْرَمٍ الْبَصْرِيُّ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَكْرٍ، عَنْ عُثْمَانَ بْنِ سَعْدٍ، بِهَذَا الْإِسْنَادِ مُحَمَّدٌ.

109 – Бизга Уқба ибн Муқрам Басрий ҳадис айтди, бизга Муҳаммад ибн Бакр Усмон ибн Саъддан мана шу санад билан шунга яқин маънодаги ҳадис айтди<sup>233</sup>.

**Шарҳ.** Яъни, аввалги ҳадис маъносига яқин ҳадис ривоят қилинган. Фақат санадда айрим фарқлар бор.

<sup>230</sup> 107 – санади заиф. Чунки Худ ибн Абдуллоҳ мажхулдир.

Бу ҳадисни мусанниф – имом Термизий “Жомеъ”да (1690) худди шу матн ва санад билан ривоят қилган, санадини ғариб, яъни, заиф, деган.

<sup>231</sup> Қаранг: Божурий. Ал-Мавоҳиб. – Б.212.

<sup>232</sup> 108 – санади заиф. Чунки, Усмон ибн Саъд заиф ровий.

Бу ҳадисни Термизий “Сунан”да (1683), Аҳмад “Муснад”да (5/20), Ибн Адий “Комил”да (5/1817) ривоят қилган.

<sup>233</sup> 109 – санади заиф. Унинг иллати ҳам аввалги ҳадисникидек.

## 15-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ СОВУТЛАРИ СИФАТИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 2 та ҳадис бор: 110-111)

**Шарҳ.** Совут (ёки зирх) ҳалқасимон темирдан ясалади. У жангчини – Аллоҳнинг изни билан – ўк, қилич ва шу каби нарсалар зарбидан сақлайди.

Имом Термизий бу бобда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам урушда совут кийганлари ҳақида икки ривоятни келтирган.

Ибн Қаййим Жавзия “Зодул маод” китобида ёзишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг еттига совутлари бўлган. Уларнинг номи: 1. Зотул фузул. 2. Зотул вишоҳ. 3. Зотул хавоший. 4. Физза. 5. Суғдия. 6. Батро. 7. Хирник<sup>234</sup>.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам битта, айрим вақтларда иккита совут кийганлар. Ваҳоланки, у зот Аллоҳга таваккул қилувчилар саййиди эдилар. Бундан чиқди, ҳимоя учун сабабларни юзага келтириш Аллоҳга таваккул қилишга зид эмас. Балки ҳақиқий таваккул қалбни Аллоҳга боғлаш, Унга суяниш, сабабларни юзага келтирган ҳолда ишлар оқибатини Аллоҳга ҳавола қилишдир. Фақат, қалб сабабга боғланиб қолмаса (яъни, “Мана шу совут мени душмандан сақлайди”, деб ишонилмаса) бўлгани.

۱۱۰ – حَدَّثَنَا أَبُو سَعِيدٍ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ سَعِيدٍ الْأَشْجِيُّ، حَدَّثَنَا يُوسُفُ بْنُ بُكَيْرٍ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْحَاقَ، عَنْ يَحْيَى بْنِ عَبَّادِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الزُّبَيْرِ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الزُّبَيْرِ، عَنِ الزُّبَيْرِ بْنِ الْعَوَّامِ قَالَ: كَانَ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمَ أُحُدٍ دِرْعَانِ، فَتَهَضَّ إِلَى الصَّخْرَةِ فَلَمْ يَسْتَطِعْ، فَأَقْعَدَ طَلْحَةَ تَحْتَهُ، وَصَعِدَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَتَّى اسْتَوَى عَلَى الصَّخْرَةِ، قَالَ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: أَوْجَبَ طَلْحَةُ.

110 – Зубайр ибн Аввом розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Уҳуд куни Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам эгниларида иккита совут бор эди. У зот бир харсангтош устига чиқмоқчи бўлдилар, лекин чиқа олмадилар. Шунда Талҳани пастга ўтқазиб, юқори кўтарилдилар, харсангтош устига чиқдилар. Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Талҳа вожиб қилди”, деб айтганларини эшитдим<sup>235</sup>”.

**Шарҳ.** Уҳуд жангида Расулуллоҳ алайҳиссалом икки қават совут кийиб олганлар<sup>236</sup>. Шундай қилинса, тана жароҳатлардан яхшироқ сақланади. Юқорида айтганимиздек, бу Аллоҳга таваккул қилишга зид эмас, балки таваккул ҳимояга сабаб бўладиган ишларни амалга ошириш билан камолига етади. Агар ҳимоя воситаларисиз жангга кирилганида Ислом дини моҳиятига зид иш саналарди.

Жанг мобайнида Пайғамбаримиз алайҳиссалом бир харсангтош устига чиқмоқчи бўлдилар. Тош баландлиги ёки икки қават совут оғирлигидан ё бўлмаса, жангда олган жароҳатлари сабабидан юқори кўтарила олмадилар. Шунда Талҳадан ўтиришни сўрадилар. Расули акрам унинг устига оёқларини қўйиб харсангтошга чиқдилар. У зот: “Талҳа вожиб қилди”, яъни, “Талҳа менинг харсангтош устига чиқишимга ёрдам бериб, жаннатга киришни ўзига вожиб қилди”, дея мужда бердилар. Талҳа ибн Убайдуллоҳ Қураший розияллоху анҳу жаннат башорати берилган ўн саҳобадан биридир.

Қолаверса, айнан Уҳуд ғазотида Талҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоху анҳу қаттиқ кураш олиб борган, саксондан ортиқ еридан жароҳат олган, ўзини Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам саломатликлари учун фидо қилган, душманлар хуружидан у зотни жон-жаҳди билан ҳимоя қилган.

Савол: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Уҳуд жангида нима учун харсангтош устига чиққанлар?

<sup>234</sup> Қаранг: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладунья. – Б.215.

<sup>235</sup> 110 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Термизий “Сунан”да (1692, 3738), Аҳмад “Муснад”да (1/165), Ҳоким “Мустадрок”да (3/373, 374), Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да (6979), Ибн Саъд “Табақот”да (3/218) ривоят қилган.

<sup>236</sup> Бир ривоятда: “Зотул фузул ва физза совутини (кийганлар)” деган қўшимча бор (Манба: Божурий. Ал-Мавоҳиб. – Б.216.).



Жавоб: Чунки узоқ-яқиндаги мусулмонлар у зотни кўриб, тирик ва соғ-саломат эканларига ишонч ҳосил қилишлари, бундан хурсанд бўлиб, рухлари кўтарилиши учун тош устига чикқан бўлишлари эҳтимолдан холи эмас. Қолаверса, у зотни кўрган мусулмонлар бир ерга жамланиб, куч-қувватлари намоён бўлиши, рухий ҳолатлари тикланиши ирода қилинган бўлиши ҳам мумкин.

۱۱۱ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ أَبِي عُمَرَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنْ يَزِيدَ بْنِ خُصَيْفَةَ، عَنِ السَّائِبِ بْنِ يَزِيدَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ عَلَيْهِ يَوْمَ أُحُدٍ دِرْعَانٍ، قَدْ ظَاهَرَ بَيْنَهُمَا.

111 – Соиб ибн Язид розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам устиларида Уҳуд куни иккита совут бор эди. Иккисини устма-уст кийиб олгандилар<sup>237</sup>.

**Шарҳ.** Ҳадис ровийси Соиб ибн Язид<sup>238</sup> ибн Саид ибн Сумома ибн Асвад Киндий розияллоху анху кичик саҳобалардан. У Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам билан ҳажжатул вадоъда ҳаж қилган. Ўшанда унинг ёши еттида эди. Соиб ибн Язид Мадина шаҳрида охирги вафот этган саҳоба саналади. У ҳижрий 91-йилда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари Соибдан ҳадис ривоят қилишган.

Бу ҳадисда ҳам Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам Уҳуд ғазотида икки совутни устма-уст кийганлари айтилмоқда. Шиддатли кечиши кутилган жангда у зот эҳтиёт чорасини кўрганлар.

## 16-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ ДУБУЛҒАЛАРИ СИФАТИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 2 та ҳадис бор: 112-113)

**Шарҳ.** Дубулға жангчи бошига киядиган темир қалпоқдир. У бошни ўқ ва қилич зарбидан ҳимоя қилади.

۱۱۲ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ، حَدَّثَنَا مَالِكُ بْنُ أَنَسٍ، عَنِ ابْنِ شَهَابٍ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَخَلَ مَكَّةَ وَعَلَيْهِ مَغْفَرٌ، فَقِيلَ لَهُ: هَذَا ابْنُ خَطَلٍ! مُتَعَلِّقٌ بِأَسْتَارِ الْكَعْبَةِ، فَقَالَ: اقْتُلُوهُ.

112 – Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам Маккага кирдилар. Бошларида дубулға бор эди. У зотга: “Бу Ибн Хатал! Каъбапўшга осилиб турибди” дейилди. Шунда Расулulloх: “Уни ўлдиришлар!” дедилар<sup>239</sup>.

**Шарҳ.** Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам фатҳ куни Маккага кирганларида бошларида дубулға бор эди. Бошқа ривоятларда айтилишича, ўшанда у зот салла ўрагандилар. Дубулға тагидан дўппи кийиш ёки устидан салла ўраш мумкин. Балки у зот Маккага дубулға кийиб кирган, сўнг уни ечиб қўйиб, салла ўраган бўлишлари мумкин.

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам Маккага дубулға кийиб кирганлари жангга ҳозир эканларига, салла кийиб кирганлари эҳром боғламаганларига ишорадир.

Расули ақрам алайҳиссалом Маккага кирганларида бир киши<sup>240</sup>: “Бу Ибн Хатал! Каъбапўшга осилиб турибди”, деб хабар берди. Расулulloх уни қатл қилишга буюрдилар. Бунинг сабаби нимада?

Жаноб Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам Маккага ғолибона кирган вақтларида Макка аҳли қочишга жой топа олмади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом раҳм-шафқатларидан: “Ҳар ким Байтуллоҳга кириб олса, унга омонлик берилади. Ҳар ким ўз уйига кириб олса, унга ҳам омонлик берилади. Ҳар ким

<sup>237</sup> 111 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Ибн Можа “Сунан”да (2806), Аҳмад “Муснад”да (3/449) ривоят қилган.

<sup>238</sup> Бу – саҳобалар мурсалларидан. Чунки Соиб Уҳуд жангида иштирок этмаган (Манба: Божурий. Ал-Мавоҳиб. – Б.217.).

<sup>239</sup> 112 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Бухорий (1846, 3044, 4286) ва Муслим (1357) “Саҳихайн”да, Абу Довуд (2685), Термизий (1693), Насойй (5/200, 201), Ибн Можа (2805) ва Доримий (1944, 2460) “Сунан”да ривоят қилган.

<sup>240</sup> Баъзи ривоятларда келишича, бу гапни Саид ибн Ҳурайс розияллоху анху айтган (Қаранг: Божурий. Ал-Мавоҳиб. – Б.218.).

куролини ташласа, унга ҳам омонлик бериледи”, деб эълон қилдирдилар. Лекин ўн бир эркак ва олти аёл бу омонликдан маҳрум этилиб, қони ҳадар<sup>241</sup> қилинди. Мазкурлардан етти киши ва икки хотин мусулмон бўлиб, озод этилди. Энди тўрт эркак, тўрт хотин қолди<sup>242</sup>. Улар ўлдиришга амр этилди.

Мана шу тўрт кишидан бири Ибн Хатал эди. Бу кимса аввал мусулмон бўлиш учун Мадинага кирди. Мусулмон бўлди. Унга “Абдуллох” деб исм қўйилди. Бир куни Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам закот олиб келиш учун Ибн Хатални бир қабилага юбордилар. У ўша қабилада турганида ўзининг мусулмон хизматкорини “Таомни тез ҳозирламабсан!” деб уриб, ўлдириб қўйди. Кейин қасосдан қўрқиб, Мадинага келмай, муртад бўлиб, Маккага қочиб кетди. Маккада туриб, Расулуллох соллаллоху алайҳи ва салламни ҳажв қила бошлади. Икки нафар ашулачи чўри қиз сотиб олиб, уларга ҳажвий шеърлар ёд олдириди. У чўрилар Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламга ёзилган ҳажвий шеърларни нағма қилиб ўқиб берар, Ибн Хатал бундан хурсанд бўлар эди. Шунинг учун Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам унинг ҳам хунини ҳадар қилгандилар. У Байтуллох ичида яширинган бўлса ҳам, ўлдирилди<sup>243</sup>.

Айтилишича, Ибн Хаталнинг қотили Абу Барза Асламий розияллоху анҳудир. У Ибн Хатални рукн ва мақом орасида ўлдирган.

Ибн Ҳажар Асқалоний “Фатҳул борий”да ёзишича, бу ҳадис фасод аҳли хабарини ишбошиларга етказиш жоизлигига далолат қилади. Бу ҳаром қилинган ғийбат ва чақимчилик саналмайди.

Савол: Ибн Хатал нима учун Каъбапўшга осилиб олган?

Жавоб: Чунки, жоҳилият даври одатига кўра, Каъба пардасига осилган кишининг ҳар қандай гуноҳидан ўтилар эди.

۱۱۳ – حَدَّثَنَا عَيْسَى بْنُ أَحْمَدَ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ وَهْبٍ، حَدَّثَنَا مَالِكُ بْنُ أَنَسٍ، عَنِ ابْنِ شَهَابٍ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَخَلَ مَكَّةَ عَامَ الْفَتْحِ، وَعَلَى رَأْسِهِ الْمِغْفَرُ، قَالَ: فَلَمَّا نَزَعَهُ، جَاءَهُ رَجُلٌ فَقَالَ لَهُ: ابْنُ حَطَلٍ مُتَعَلِّقٌ بِأَسْتَارِ الْكَعْبَةِ! فَقَالَ: افْتُلُوهُ.

قَالَ ابْنُ شَهَابٍ: وَبَلَغَنِي أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَمْ يَكُنْ يَوْمَئِذٍ مُحْرِمًا.

113 – Яна Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам фатҳ йили Маккага кирдилар. Бошларида дубулға бор эди. Уни ечганларида бир киши келиб, “Ибн Хатал Каъба пардасига осилиб турибди!” деди. Шунда у зот: “Уни ўлдиришлар!” деб буюрдилар.

Ибн Шихоб айтади: “Менга етиб келишича, Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам ўша куни эҳром боғламаган эдилар<sup>244</sup>.”

**Шарҳ.** Демак, Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам фатҳ куни Маккага эҳром боғламай кирганлар, балки бошларида салла бўлган. Бундан чиқди, Маккага бирон иш билан кирган одам эҳром боғлаши шарт эмас. Қачон ҳаж ёки умрани ният қилса, шундагина эҳром ўрайди. Лекин, ҳанафий мазҳаби уламоларига кўра, мийқотдан эҳромсиз ўтиш, Маккага эҳром боғламасдан кириш жоиз эмас. Бу ҳадис ҳақида уламоларимиз: “Ўша куни Маккага эҳромсиз кириш Расулуллох соллаллоху алайҳи ва салламга хос эди. Бошқаларни ул зотга қиёслаб бўлмайди”, дейишган<sup>245</sup>.

<sup>241</sup> Қонини ҳадар қилиш бирон кишини ўлдириш мубоҳлигини билдириш, уни ўлдирилганлик учун қасос олишни, хун тўлашни бекор қилишдир.

<sup>242</sup> Жумладан, Ибн Хатал, Абу Сарх ва икки қўшиқчи чўри (Манба: Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра Термизий. Аш-Шамоилун набавия вал хасоилул мустафавия /Муҳаққик: Саййид ибн Аббос Жалимий. – Б.103.).

<sup>243</sup> Манба: Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Шамоили муҳаммадийя /Ҳазрати Шайх Саййид Маҳмуд Тарозий Олтинхон тўра таржимаси асосида ҳозирги ўзбек тилига мувофиқлаштириб нашрга тайёрловчи Мирзо Кенжабек. – Б.71-72.

<sup>244</sup> 113 – санади саҳих.

Аввалги ҳадис таҳрижига қаранг.

<sup>245</sup> Манба: Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. Шамоили муҳаммадийя /Ҳазрати Шайх Саййид Маҳмуд Тарозий Олтинхон тўра таржимаси асосида ҳозирги ўзбек тилига мувофиқлаштириб нашрга тайёрловчи Мирзо Кенжабек. – Б.73.

## 17-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ САЛЛАЛАРИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 5 та ҳадис бор: 114-118)

**Шарҳ.** Салла бошга кийилади. Араблар уни “имома” дейишади. Чунки, салла бошни тўлиқ ёпиб туради. Араблар қадимдан салла ўраб келишган. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам, у кишининг саҳобалари ҳам мана шу одатга кўра салла ўрашган.

Салла ўраш, айникса, намоз учун ўраш суннатдир. Саллани бошнинг ўзига ёки дўппи устидан ўраса ҳам бўлади.

Имом Нававийдан нақл қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг иккита: битта қиска, битта узун саллалари бўлган. Қискаси олти зир<sup>246</sup> (газ), узуну ўн икки зир<sup>247</sup>.

Бу бобда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўраган салла сифати, ранги, у билан боғлиқ ҳукмлар баён этилади.

۱۱۴ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ، عَنْ حَمَّادِ بْنِ سَلَمَةَ.

(ح)، وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ حَمَّادِ بْنِ سَلَمَةَ، عَنْ أَبِي الزُّبَيْرِ، عَنْ جَابِرٍ قَالَ: دَخَلَ النَّبِيُّ

صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَكَّةَ يَوْمَ الْفَتْحِ، وَعَلَيْهِ عِمَامَةٌ سَوْدَاءٌ.

114 – *Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоху анҳу ривоят қилади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам фатҳ йили Маккага кирганларида бошларида қора салла бор эди<sup>248</sup>”.*

**Шарҳ.** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фатҳ куни Маккага бошларига дубулға кийиб кирганлари ҳақидаги ривоятни ўқиган эдик. Бу ерда ўша куни бошларида салла бўлгани айтилмоқда. Икки ривоят бир-бирига зид эмас. Эҳтимол у зот жангда ҳимоя воситаси сифатида дубулға кийган, устидан салла ўраган бўлишлари мумкин. Балки аввалига дубулға кийиб, вазият барқарорлашганидан кейин дубулғани ечиб, салла ўрагандирлар.

Аҳли илмлар зикр қилишича, Пайғамбаримиз алайҳиссалом қора саллани доим киймаганлар, балки қора салла билан бирга бошқа саллалари ҳам бўлган.

۱۱۵ – حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنْ مُسَاوِرِ الْوَرَّاقِ، عَنْ جَعْفَرِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ حُرَيْثٍ، عَنْ أَبِيهِ قَالَ:

رَأَيْتُ عَلَى رَأْسِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عِمَامَةً سَوْدَاءً.

115 – *Жаъфар ибн Амр ибн Ҳурайс отасидан ривоят қилади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошларида қора салла кўрганман<sup>249</sup>”.*

**Шарҳ.** Бу ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қора салла ўраганлари айтилмоқда. Имом Термизий уни икки йўл орқали нақл қилган.

۱۱۶ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ وَيُوسُفُ بْنُ عِيسَى قَالَا: حَدَّثَنَا وَكِيعٌ، عَنْ مُسَاوِرِ الْوَرَّاقِ، عَنْ جَعْفَرِ بْنِ عَمْرٍو

بْنِ حُرَيْثٍ، عَنْ أَبِيهِ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَطَبَ النَّاسَ وَعَلَيْهِ عِمَامَةٌ سَوْدَاءٌ.

<sup>246</sup> Шаръий 1 зир<sup>246</sup> 48 сантиметрга тенг.

<sup>247</sup> Қаранг: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуния. – Б.221.

<sup>248</sup> 114 – саҳиҳ ҳадис.

Бу ҳадисни Муслим “Саҳиҳ”да (1358), Абу Довуд (4076), Термизий (1735), Насойи (5/201, 8/211), Ибн Можа (2822, 3585) ва Доримий (1945) “Сунан”да ривоят қилган.

<sup>249</sup> 115 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Муслим “Саҳиҳ”да (1359), Абу Довуд (4077), Насойи (8/211) ва Ибн Можа (1104) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (4/307) ривоят қилган.

116 – Жаъфар ибн Амр ибн Хурайс отасидан ривоят қилишича, **Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга хутба қилганлар. Ўшанда у зот (бошларида) қора салла бор эди**<sup>250</sup>.

**Шарҳ.** Бу Амр ибн Хурайс розияллоҳу анхудан салла ҳақида ривоят қилинган иккинчи ҳадисдир.

Ибн Ҳажарга кўра, ўшанда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъба девори олдида одамларга ваъз-насихат қилганлар.

Демак, гарчи оқ афзал бўлса-да, хутба вақтида қора салла ўраш жоиз.

۱۱۷ – حَدَّثَنَا هَارُونُ بْنُ إِسْحَاقَ الْهَمْدَانِيُّ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُحَمَّدٍ الْمَدِينِيُّ، عَنْ عَبْدِ الْعَزِيزِ بْنِ مُحَمَّدٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ

اللَّهِ بْنِ عُمَرَ، عَنْ نَافِعٍ، عَنِ ابْنِ عُمَرَ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا اعْتَمَّ سَدَلَ عِمَامَتَهُ بَيْنَ كَتِفَيْهِ.

قَالَ نَافِعٌ: وَكَانَ ابْنُ عُمَرَ يَفْعَلُ ذَلِكَ. قَالَ عَبْدُ اللَّهِ: وَرَأَيْتُ الْقَاسِمَ بْنَ مُحَمَّدٍ وَسَالِمًا يَفْعَلَانِ ذَلِكَ.

117 – *Ибн Умар розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам салла ўрасалар, унинг бир тарафини икки елкалари орасига ташлаб олардилар*<sup>251</sup>*”.*

**Нофеъ айтади: “Ибн Умар шундай қиларди”. Убайдуллоҳ: “Қосим ибн Муҳаммад ва Солим ҳам шундай қилганини кўрганман”, деган.**

**Шарҳ.** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам баъзан саллалари пешини икки кураклари орасига тушириб олар, баъзида пеш қилмай салла ўрар эдилар.

Муборакфурий “Тухфатул аҳвазий”да айтади: “Бу ҳадис салла пешини икки елкага тушириб олиш мустаҳаблигига далолат қилади”.

Ибн Умар розияллоҳу анху Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам салла пешини икки елкалари орасига тушириб юришларини айтган. Ўзи ҳам шунга амал қилган. Буни шогирди Нофеъ раҳматуллоҳи алайҳ кўрган ва бизга ривоят қилиб қолдирган. Қосим ибн Муҳаммад ва Солим ҳам шундай қилган.

Мусанниф раҳматуллоҳи алайҳ салафлар салла ўраганини келтириш билан салла ўраш солиҳлар томонидан маҳкам ушланган суннат эканига ишора қилмоқда.

۱۱۸ – حَدَّثَنَا يُوسُفُ بْنُ عِيسَى، حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ، حَدَّثَنَا أَبُو سُلَيْمَانَ – وَهُوَ عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ الْعَسِيلِ – عَنْ

عِكْرَمَةَ، عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَطَبَ النَّاسَ وَعَلَيْهِ عِمَامَةٌ دَسْمَاءُ.

118 – *Ибн Аббос розияллоҳу анхудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга хутба қилганларида бошларида қора салла бор эди*<sup>252</sup>*”.*

**Шарҳ.** Бу ҳадис Жобир ибн Абдуллоҳ ва Амр ибн Хурайс розияллоҳу анхумо ҳадиси мазмунига мувофиқдир.

“Саҳиҳул бухорий”да келтирилишича, бу хутбани вафот этишларидан олдин, бетобликларида ўқиганлар. Шунда ансорлар ҳақида васият қилганлар. Шу охиргиси бўлган. Ундан кейин хутба қилиш учун минбарга кўтарилмаганлар<sup>253</sup>.

## 18-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ ИЗОРЛАРИ СИФАТИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 4 та ҳадис бор: 119-122)

<sup>250</sup> 116 – санади саҳиҳ.

Аввалги ҳадисга қаранг.

<sup>251</sup> 117 – санади заиф. Бироқ, унинг турли йўллари ва шавоҳиди бор. Шу билан қувватли бўлади.

Бу ҳадисни мусанниф “Жомеъ”да (1736), Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да (6397), Ибн Саъд “Табакот”да (1/456), “Уқайлий “Зуафо”да (3/21), Хатиб Бағдодий “Тарихи бағдод”да (11/293) ривоят қилган.

<sup>252</sup> 118 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Бухорий “Саҳиҳ”да (927, 3628, 3800), Аҳмад “Муснад”да (1/233, 289) ривоят қилган.

<sup>253</sup> Манба: Божурий. Ал-Мавоҳиб. – Б.226.

**Шарҳ.** Изор тананинг пастки, ридо эса юқори қисмини ёпиб туради. Бу икки либос Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида бўлган. Шунинг учун у зот изор ва ридо кийганлари ҳақида ривоятлар келтирилган. Лекин, изор ёки ридо кийиш фазилати ҳақида бирон ҳадис айтилгани маълум эмас. Шунинг учун изор ёки ридо кийиш суннатдир, дейилмайди. Балки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўша замон одатига кўра, мазкур кийимларни кийганлар.

۱۱۹ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ، حَدَّثَنَا أَيُّوبُ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ هِلَالٍ، عَنْ أَبِي بُرْدَةَ، عَنْ أَبِيهِ قَالَ: أَخْرَجَتْ إِلَيْنَا عَائِشَةُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا كِسَاءً مُلَبَّدًا، وَإِرَارًا غَلِيظًا، فَقَالَتْ: قُبِضَ رَوْحُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي هَذَيْنِ.

119 – *Абу Бурда отасидан ривоят қилади: “Оиша розияллоҳу анҳо бизга ямоқ солинган бир либос ва қалин изор олиб чиқиб, “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жонлари мана шу иккисида олинган”, деди<sup>254</sup>”.*

**Шарҳ.** Бир куни мўминлар онаси Оиша розияллоҳу анҳо ямалган кийим билан қалин изор олиб чиқиб, одамларга кўрсатган (У зот табаррукан иккисини ўз уйида сақларди). Кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фоний дунёни тарк этганларида мана шу икки либосда бўлганларини айтган.

Мусулмонлар раҳбари бўлишларига қарамай, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дунё зийнатларига, ўткинчи матоҳларга эътибор қаратмасдилар. Либослари жуда оддий, қалин, дағал матодан иборат эди. Истасалар, энг олди кийимлар кияр, шоҳона ҳаёт кечирган бўлар эдилар, бироқ у зот охираат диёрини афзал билганлар, дунёга кўнгил қўймаганлар.

Бу ҳадисдан яна бир фойда олинади: Инсон ҳаёти охираб қолганида зеб-зийнатни, ортикча даҳмазаларни тарк этиб, содда ҳаёт кечириши, асосий эътиборини ибодатга, зикр-дуоларга, тавбаю истиғфорга қаратиши яхшидир.

۱۲۰ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ، عَنْ شُعْبَةَ، عَنِ الْأَشْعَثِ بْنِ سُلَيْمٍ قَالَ: سَمِعْتُ عَمَّتِي تُحَدِّثُ عَنْ عَمِّهَا قَالَ: بَيْنَا أَنَا أَمْشِي بِالْمَدِينَةِ، إِذَا إِنْسَانٌ خَلْفِي يَقُولُ: ازْفَعْ إِزَارَكَ، فَإِنَّهُ أَتَقَى وَأَبْقَى، فَإِذَا هُوَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّمَا هِيَ بُرْدَةٌ مَلْحَاءٌ، قَالَ: أَمَا لَكَ فِي أَسْوَةٍ؟ فَنَظَرْتُ فَإِذَا إِزَارُهُ إِلَى نِصْفِ سَاقَيْهِ.

120 – *Убайд ибн Холид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Мен Мадинада кетаётсам, тўсатдан бир инсон орқамдан: “Изорингни кўтар! Зеро, бу таквога яқин ва (либосни кўпроқ муддат) қолдирувчидир” деди. Қарасам, у зот Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эканлар. Шунда мен: “Эй Расулulloҳ, бу оқ-қора бурда-ку”, дедим. У зот: “Сен учун менда ўрнак йўқми?” дедилар. Мен назар солдим. Қарасам, у зотнинг изорлари болдирлари ярмигача экан<sup>255</sup>”.*

**Шарҳ.** Кунларнинг бирида Убайд ибн Холид розияллоҳу анху Мадина кўчалари бўйлаб кетаётганида кутилмаганда бир одам: “Изорингни (ердан) кўтар. Зеро, бу таквога яқин ва (либосингни кўпроқ муддатга) қолдирувчидир”, яъни, бу Раббинг амрига итоат этишга, қайтариқларидан қайтишга, кибрдан, манманликдан йироқ бўлишга яқин. Агар изорингни кўтарсанг, кийиминг узокка боради, кўп киясан. Осилтириб юрсанг, тез эскиради, деди. Баъзи ривоятларда “покроқдир”, яъни, ерга тегиб, кир бўлишдан сақланади, деб келтирилган.

Бундан чиқди, либос кийган одам биринчи навбатда кибрдан, ўзини юқори қўйишдан сақланиши керак. Қолаверса, либосини авайлаб кияди, уни тез эскириб, яроқсиз бўлиб қолишидан, ерга тегиб, турли нажосатлар илашишидан сақлайди.

<sup>254</sup> 119 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Бухорий (3108, 5818) ва Муслим (2080) “Саҳиҳайн”да, Абу Довуд (4036), Термизий (1733) ва Ибн Можа (3551) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (6/32) ривоят қилган.

<sup>255</sup> 120 – санади заиф. Чунки Ашғас аммасининг холи мажхул.

Бу ҳадисни Насоий “Ас-Сунанул кубро”да (9682), Аҳмад “Муснад”да (5/364) ривоят қилган.

Савол: Изорни тўпикдан юқори кўтариш нима учун такво доирасига киритилган?

Жавоб: Чунки, иштонни кибр билан судраб юришдан қайтарилган. Кимда-ким шу қайтариққа амал қилса, Аллоҳдан кўрққан, Расулининг ҳадисига амал қилган бўлади. Оқибати ёмон бўлишидан кўркиб, изорни судраб юрмаслик, уни тўпикдан пастга тушириб юбормаслик такво ҳисобланади.

Убайд ибн Холид розияллоху анху гапирган одам ким экан, деб орқасига қараганида кўзи Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга тушди. Шунда у: “Эгнимдаги аъробийлар киядиган оқ-қора чопон. У одамни кибрга, ғурурга бошламайди. Балки камтар инсонлар либоси саналади”, деди. Бу гапни эшитган Расули акрам алайҳиссалом: “Сен учун менда ибрат йўқми?” деб савол бердилар. Шунда Убайд қараса, у зот изорлари болдирлари ярмигача кўтарилган экан.

Бир қанча ҳадисларда изорни кибр билан судраб юришдан қайтарилган. Жумладан:

1. Абу Хурайра розияллоху анху дан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Аллоҳ кибрланиб иштонини судраб юрган кимсага қиёмат куни (раҳмат) назари билан қарамайди”, деганлар (Бухорий ва Аҳмад ривояти).

2. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Аллоҳ фахр билан либосини судраб юрган кимсага назар солмайди” (Бухорий, Муслим, Термизий, Аҳмад ривояти).

3. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Ким мақтанчоқлик қилиб либосини судраб юрса, Аллоҳ қиёмат куни унга назар солмайди”, дедилар. Шунда Абу Бакр: “Либосимнинг бир тарафи (пастга) тушиб туради. Магар авайлаб юрсам, бундай бўлмайди”, деди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шунда: “Сен буни кибр учун қилмайсан”, дедилар” (Бухорий, Абу Довуд, Аҳмад, Молик ривояти).

Мана шу ҳадисни далил қилиб: “Иштонни кибр билан судраб юриш жоиз эмас. Агар кибр қилмаса, зарари йўқ”, дейилган.

Ҳанафий мазҳаби уламоларига кўра, бу рухсат фақат у кишининг ўзига хос. Шофеийлар наздида либосни судраб юриш ҳақидаги ҳадис мутақаббирларнинг ўзига хос. Агар кийимни кибр ила судраб юрса, таҳримий макруҳ, ундан бошқа сабаб билан судраб юрса, танзиҳий макруҳ бўлади (Манба: “Файзул борий ала саҳиҳил бухорий”).

4. Ибн Умар розияллоху анху дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Ким либосини кибрланиб судраб юрадиган бўлса, Аллоҳ қиёмат куни унга назар солмайди”, дедилар. Шунда Умму Салама: “Аёллар этакларини қандай қиладилар?” деб сўради. У зот: “Бир қарич тушириб оладилар”, дедилар. Умму Салама: “У ҳолда қадамлари очилиб қолади-ку?” деди. Шунда Расули акрам: “Ундай бўлса, бир зироъ тушириб оладилар, бундан зиёда қилмайдилар”, дедилар” (Термизий, Насоий, Абдураззоқ ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Демак, муслималар бу борада эҳтиёткорроқ бўладилар. Улар бир оз узунроқ либос киядилар. Акс ҳолда оёқлари, қадамлари очилиб қолиши мумкин.

5. Ибн Умар розияллоху анху Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қиладилар: “Бир киши изорини кибр билан судраб бораётганида, бирдан уни ер ютиб юборди. Энди у қиёмат кунигача ерга пастлаб бораверади” (Бухорий, Муслим, Термизий, Насоий, Аҳмад ривояти).

6. Абу Саид розияллоху анху дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Сизлардан олдин (яшаб ўтган) бир киши мақтанчоқлик қилиб икки яшил бурдада (яъни, либосда кўчага) чиқди. Шунда Аллоҳ ерга буюрди ва ер уни ютиб юборди. Энди у қиёмат кунигача овоз чиқариб ҳаракатланишда давом этади”, дедилар” (Аҳмад ва Баззор ривояти. Ривоят санади саҳиҳ лиғайрих).

۱۲۱ — حَدَّثَنَا سُؤَيْدُ بْنُ نَصْرٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الْمُبَارَكِ، عَنْ مُوسَى بْنِ عَبْدِ اللَّهِ، عَنْ إِيَّاسِ بْنِ سَلَمَةَ بْنِ الْأَكْوَعِ، عَنْ أَبِيهِ قَالَ: كَانَ عُثْمَانُ بْنُ عَفَّانَ يَأْتِرُّ إِلَى أَنْصَافِ سَاقَيْهِ، وَقَالَ: هَكَذَا كَانَتْ إِزْرُهُ صَاحِبِي. يَعْنِي: النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.

121 – Салама ибн Акваъ розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Усмон ибн Аффон болдири ярмигача келадиган изор киярди. У: Дўстим (яъни, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам) изор кийишлари мана шундай эди”, деб айтган<sup>256</sup>”.

**Шарҳ.** Саййидул мурсалин Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам иштонлари болдиргача бўлгани учун амирул мўминин Усмон ибн Аффон розияллоху анху ҳам изорини шунча миқдорда кўтарган эди. Бу ерда гап фақат кийиниш одати ҳақида кетмаяпти, балки кибр билан изорни судраб юришдан қайтариқ эътиборга олинапти.

۱۲۲ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا أَبُو الْأَحْوَصِ، عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ، عَنْ مُسْلِمِ بْنِ نَدِيرٍ، عَنْ حُذَيْفَةَ بْنِ الْيَمَانِ قَالَ: أَخَذَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعْضَ لَهْلَةٍ سَاقِي أَوْ سَاقِيهِ فَقَالَ: هَذَا مَوْضِعُ الْإِزَارِ، فَإِنْ أَبَيْتَ فَاسْقُلْ، فَإِنْ أَبَيْتَ فَلَا حَقَّ لِلْإِزَارِ فِي الْكَعْبَيْنِ.

122 – Хузайфа ибн Ямон розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам менинг ёки ўзларининг болдирлари мушагини ушлаб туриб, “Мана шу изорнинг ўрни. Агар буни инкор этсанг, ундан бир оз пастроқ (қил). Агар уни ҳам инкор этсанг, изорнинг икки тўпикқача тушишга ҳаққи йўқ”, дедилар<sup>257</sup>”.

**Шарҳ.** Демак, изор болдир мушагигача ёки ярмигача бўлади. Ҳатто тўпикқача тушиши мумкин. Лекин тўпикдан пастга ўтиши мумкин эмас.

Шу маънода бошқа ҳадислар ҳам бор. Жумладан, Абу Ҳурайра розияллоху анху Расулуллох соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Мўминнинг изори болдири мушагигача, кейин болдири ярмигача, кейин тўпикқачадир. Бундан паст бўлгани жаҳаннамдадир<sup>258</sup>”.

Абу Саид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Муслимнинг изори болдири ярмигачадир. У билан икки тўпик орасида бўлгани учун танглик ёки гуноҳ йўқ. Бундан паст бўлгани жаҳаннамдадир. Ким изорини манманлик қилиб судраб юрса, Аллох унга назар солмайди<sup>259</sup>”.

Шу ўринда бир гуруҳ уламолар: “Изорни кибр билан судраб юришдан қайтарилган. Агар кибр қилмаса, ҳечқиси йўқ”, деб айтишганини ҳам эслатиб ўтамыз.

## 19-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ ЮРИШЛАРИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 3 та ҳадис бор: 123-125)

**Шарҳ.** Бу бобда Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам қандай юрганлари ҳақидаги ривоятлар келтирилган. У зот юриш борасида ҳам энг мукамал ўрнатқан эдилар. Ўртача тезликда, худди баландликдан пастга тушиб келаётгандек виқор билан юрардилар. Саҳобалар Расулуллох алайҳиссалом юришларини ажойиб тарзда васф қилишган. Келинг, ўша ривоятлардан айримлари шарҳи билан танишамиз.

<sup>256</sup> 121 – санади заиф. Чунки Мусо ибн Убайда заиф ровий саналади.

Қаранг: “Тухфатул ашроф” (9808), “Ал-Муснадул жомеъ” (9713).

<sup>257</sup> 122 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Термизий (1783), Насоий (8/206) ва Ибн Можа (3572) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (5/382), Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да (5445) ривоят қилган.

<sup>258</sup> Манба: Аҳмад. Муснад. – Ж.13. – Б.247. – Ҳ.7857. Шуайб Арнаутга кўра, бу саҳиҳ ҳадисдир.

<sup>259</sup> Манба: Аҳмад. Муснад. – Ж.17. – Б.486. – Ҳ.11397. Бу ҳадис Муслим шартига кўра саҳиҳ.

۱۲۳ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ، حَدَّثَنَا ابْنُ هَيْعَةَ، عَنْ أَبِي يُوسُفَ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: مَا رَأَيْتُ شَيْئًا أَحْسَنَ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، كَأَنَّ الشَّمْسَ بَجْرِي فِي وَجْهِهِ، وَلَا رَأَيْتُ أَحَدًا أَسْرَعَ فِي مَشِيَّتِهِ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، كَأَنَّمَا الْأَرْضُ تُطَوَّى لَهُ، إِنَّا لَنَجْهَدُ أَنْفُسَنَا، وَإِنَّهُ لَعَيْزٌ مُكْتَرِبٌ.

123 – *Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Мен Расулulloҳ соллаллоху алайхи ва салламдан чиройлироқ бирон нарсани кўрмаганман. Гўё қуёш у зот юзларида юрарди. Мен Расулulloҳ соллаллоху алайхи ва салламдан тез юрадиган одамни кўрмаганман. Худди ер у зот томон ўралиб келаётгандек бўларди. Биз (у зот билан баравар юриш учун) ўзимизни қийнардик. У зот эса бепарво (қадам ташлар) эдилар<sup>260</sup>”.*

**Шарҳ.** Абу Хурайра розияллоху анху “Расулulloҳ соллаллоху алайхи ва салламдан чиройлироқ бирон (кишини эмас,) нарсани кўрмаганман”, дейиш билан инсон, ой, қуёш ва шу каби гўзал нарсаларнинг ҳеч бири ҳуснда Пайғамбаримиз алайҳиссаломга тенг кела олмаслигини таъкидламоқда.

Набий соллаллоху алайхи ва саллам юзлари шу қадар мунавварлигидан унда қуёш порлаб тургандек туюларди. У зотнинг муборак чеҳраларидан нур ёғиларди. Юз гўзаллиги қолган аъзолар гўзаллигига ишора қилади.

Расулulloҳ соллаллоху алайхи ва саллам – худди оёқлари остидаги ер у зот томон ўралиб келаётгандек – бир оз илдамлаб, паҳлавон қадам ташлаб юрардилар. Саҳобалар Пайғамбаримиз алайҳиссалом билан бирга юришса, у зотдан қолиб кетмаслик учун анча куч сарфлашарди, лекин Расули акрам одатий юрар, бепарво қадам ташлардилар. Яъни, саҳобалар юришига бепарво эдилар ёки салобат билан, қийналмасдан юрардилар. У зотнинг одатий юришлари шундай эди. Демак, Муҳаммад соллаллоху алайхи ва саллам таналари жуда бақувват бўлган. Зеро, бундай юриш инсондан кўп қувват талаб этади.

۱۲۴ – حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ وَعَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ أَبِي لَيْسَةَ، عَنْ أَبِي يُوسُفَ، عَنْ عُمَرَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ مَوْلَى عُفْرَةَ قَالَ: أَخْبَرَنِي إِبْرَاهِيمُ بْنُ مُحَمَّدٍ مِنْ وَدِّدِ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ قَالَ: كَانَ عَلِيٌّ إِذَا وَصَفَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: كَانَ إِذَا مَشَى تَقَلَّعَ كَأَنَّمَا يَنْحَطُّ مِنْ صَبَبٍ.

124 – *Али ибн Абу Толиб розияллоху анху фарзандларидан бўлган Иброҳим ибн Муҳаммаддан ривоят қилинади: “Али қачон Набий соллаллоху алайхи ва салламни васф қилса, “У зот юрганда гўё баландликдан тушиб келаётгандек шахдам қадам ташлардилар”, деб айтарди<sup>261</sup>”.*

**Шарҳ.** Яъни, оёқларини ердан оҳиста эмас, зарб билан узиб олар, шахдам қадам ташлар эдилар. Юришлари дангаса, ҳафсаласиз одамлар юришига ўхшамасди. Қадам босишлари таналари қувватига мос эди. Шунингдек, катта-катта қадам ташлардилар. Зеро, майда қадам босиш, оҳиста юриш аёлларга хос сифатдир.

۱۲۵ – حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ وَكَيْعٍ، حَدَّثَنَا أَبِي، عَنِ الْمَسْعُودِيِّ، عَنْ عُثْمَانَ بْنِ مُسْلِمٍ بْنِ هُرْمَزٍ، عَنْ نَافِعِ بْنِ جُبَيْرِ بْنِ مُطْعِمٍ، عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا مَشَى تَكَفَّفًا تَكَفُّوًا كَأَنَّمَا يَنْحَطُّ مِنْ صَبَبٍ.

125 – *Али ибн Абу Толиб розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоху алайхи ва саллам юрганда худди баландликдан тушиб келаётгандек олдинга мойил бўлардилар<sup>262</sup>”.*

<sup>260</sup> 123 – санади ҳасан. Ибн Лаҳийъа заиф ровий, бироқ мутобаат қилинганида мақбулдир. Унга Амр ибн Ҳорис мутобаат қилган.

Бу ҳадисни Термизий “Сунан”да (3648), Аҳмад “Муснад”да (2/350), Ибн Хиббон “Саҳиҳ”да (6309), Ибн Саъд “Табакот”да (1/379), Ибн Адий “Комил”да (3/1013) ривоят қилган.

<sup>261</sup> 124 – санади заиф. Чунки, Умар ибн Абдуллоҳ заиф ровий. Шунингдек, санад узилиб қолган: Иброҳим ибн Муҳаммад Али розияллоху анхудан ҳадис эшитмаган.

7-ҳадис таҳрижига қаранг.

<sup>262</sup> 125 – санади заиф. Чунки, Суфён ибн Вакийъ ва Усмон ибн Муслим заифдир.

5-, 6-ҳадис таҳрижига қаранг.



**Шарҳ.** Одам тепаликдан пастга тушса, олдинга сал ташлаб юради. Расули акрам алайҳиссалом текис жойда ана шундай викор билан юрардилар.

## **20-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ БОШЛАРИГА БИР ПАРЧА МАТО ҚҶЙИБ ЮРИШЛАРИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТ**

(Унда 1 та ҳадис бор: 126)

**Шарҳ.** Одам бошига ёғ ва шу каби нарсалар суртганидан кейин салла ёки дўппи ёғ бўлиб кетишидан сақлаш учун бошга бир парча мато қўйиб олади. Шунингдек, бу билан бошни иссиқ ёки совуқдан ҳимоялаш ҳам ирода қилинади. Бу бобда шу ҳақидаги бир дона ривоят келтирилган. У соч тараш бобида ҳам келтирилганди. Имом Термизий бу ҳадисни икки ўринда келтиришни лозим топган экан.

۱۲۶ – حَدَّثَنَا يُوسُفُ بْنُ عِيسَى، حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ، حَدَّثَنَا الرَّبِيعُ بْنُ صَبِيحٍ، عَنْ يَزِيدَ بْنِ أَبَانَ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُكْتَبُ الْقِنَاعَ، كَأَنَّ ثَوْبَهُ ثَوْبُ زَيَّاتٍ.

126 – Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўпинча (муборак бошларига бир парча) латга қўйиб олардилар. Ҳатто ўша латга ёғчининг кийимига ўхшаб қоларди<sup>263</sup>”.

**Шарҳ.** “Ёғчи”дан мурод ёғ сотувчи ёки ёғ ишлаб чиқарувчи кишидир.

Ёғчининг кийимида ёғдан қолган оч жигарранг доғлар бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўллаган матода ҳам худди шундай излар бўлган экан. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳга кўра, бу ҳадисда ғаробат (ғалатилик) ва накорат (номаълумлик, ноаниқлик) мавжуд. Бироқ, заифлигини тўғрилайдиган шавоҳиди (гувоҳлари) ҳам бор<sup>264</sup>.

Имом Бухорий “Саҳиҳ”да Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилишича, улар туш пайти бошланаётган бир маҳалда (куёш роса киздирган вақтда) Абу Бакрнинг уйида ўтиришган эди. Шунда бир киши Абу Бакрга: “Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдилар. Бошларини ўраб олибдилар”, деди<sup>265</sup>.

Ибн Қаййим “Зодул маод”да ёзишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам туш пайтида салқинланиш учун шундай қилганлар. У зот буни зарурат юзасидан қилганлар, бошга мато қўйиб олиш одатлари йўқ эди<sup>266</sup>.

## **21-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ ЎТИРИШЛАРИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР**

(Унда 3 та ҳадис бор: 127-129)

**Шарҳ.** Бу бобда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўтиришлари ҳолати билан боғлиқ ривоятлар келтирилган.

<sup>263</sup> 126 – санади заиф. Чунки Рабийъ ибн Сабих ва Язид ибн Абон Рақоший заиф ровий.

<sup>33</sup> ҳадис таҳрижига қаранг.

<sup>264</sup> Манба: Божурий. Ал-Мавоҳиб. – Б.236.

<sup>265</sup> Қаранг: Бухорий. Саҳиҳ. – Ж.7. – Б.145. – Ҳ.5807.

<sup>266</sup> 1/137.

۱۲۷ – حَدَّثَنَا عَبْدُ بَنُ مُحَمَّدٍ، حَدَّثَنَا عَمَّانُ بْنُ مُسْلِمٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ حَسَّانَ، عَنْ جَدَّتَيْهِ، عَنْ قَيْلَةَ بِنْتِ مَخْرَمَةَ: أَنَّهَا رَأَتْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْمَسْجِدِ، وَهُوَ قَاعِدٌ الْقُرْفُصَاءَ، قَالَتْ: فَلَمَّا رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمُتَخَشَّعَ فِي الْجُلُوسَةِ أُزْعِدْتُ مِنَ الْفَرْقِ.

127 – Қайла бинти Махрама розияллоху анҳодан ривоят қилинишича, у Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламни масжидда кўрган экан. Ўшанда у зот орқаларини ерга кўйиб, сонларини қоринларига тираб, оёқларини қўллари билан қучоқлаган ҳолда ўтирган эдилар. Қайла айтади: “Мен Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам ўта хокисорлик билан ўтирганларини кўриб, кўркувдан титраб кетдим<sup>267</sup>”.

**Шарҳ.** Қайла бинти Махрама розияллоху анҳо Пайғамбаримиз алайҳиссаломни масжидда кўрганида у зот ноодатий ҳолатда эдилар: орқаларини ерга кўйиб, сонларини қоринларига тираб, қўллари билан оёқларини маҳкам қучоқлаган ҳолда (Яна бир гуруҳ аҳли илмларга кўра, тиззаларини ерга қилиб, худди ташаххудда ўтирган кишидек, қоринларини сонларига тақаб, икки қўллари қўлтиқларига қилиб) ўтиргандилар. Устига-устак кўркув аломати кўриниб турганди. Қайла бу ҳолатдан кўркиб кетиб, баданини титроқ босди. Чунки бирон қор-хол юз бердимикан, деб ўйлаганди.

۱۲۸ – حَدَّثَنَا سَعِيدُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْمَخْزُومِيُّ وَعَبْدُ وَاحِدٍ قَالُوا: حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنِ الزُّهْرِيِّ، عَنْ عَبَادِ بْنِ تَمِيمٍ، عَنْ عَمِّهِ: أَنَّهُ رَأَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُسْتَلْقِيًا فِي الْمَسْجِدِ وَاضِعًا إِحْدَى رِجْلَيْهِ عَلَى الْأُخْرَى.

128 – Аббод ибн Тамим амакисидан ривоят қилишича, у Набий соллаллоху алайҳи ва саллам масжидда орқаларини ерга кўйиб, бир оёқларини иккинчиси устига чиқариб ўтирганларини кўрган экан<sup>268</sup>.

**Шарҳ.** Аббод ибн Тамимнинг амакиси буюк саҳоба Абдуллох ибн Зайд ибн Осим розияллоху анҳудир. У Ақаба, Бадр ва бошқа воқеаларда Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам билан бирга ҳозир бўлган. Абдуллох ибн Зайдга тушида азон кўрсатилган. У Мусайламатул қаззобни ўлдиришда қатнашган.

Абдуллох ибн Зайд розияллоху анҳу Пайғамбаримиз алайҳиссалом масжидда оёқларини узатиб, бирини иккинчиси устига чиқарган ҳолда чалқанча<sup>269</sup> ётганларини кўрган. Бундай ҳолат доим ҳам бўлавермайди. Қачон зарурат туғилса, одам чарчаганида ҳордиқ чиқариш учун мана шу ҳолатда ётиши мумкин. Одатда, бу иш жамоат жойларида қилинмайди. Агар масжидда ёлғиз ўзи бўлса ёки кам сонли яқин кишилари орасида бўлса, шу тахлит ётиши мумкин.

۱۲۹ – حَدَّثَنَا سَلْمَةُ بْنُ شَيْبٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ إِبْرَاهِيمَ الْمَدَنِيُّ، حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مُحَمَّدٍ الْأَنْصَارِيُّ، عَنْ زَيْدِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي سَعِيدٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا جَلَسَ فِي الْمَسْجِدِ احْتَبَى بِيَدَيْهِ.

129 – Абу Саид Худрий розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоху алайҳи ва саллам масжидда ўтирсалар, орқаларини ерга кўйиб, тиззаларини қоринларига тақаб, икки қўллари билан оёқларини қучоқлардилар<sup>270</sup>”.

<sup>267</sup> 127 – санади заиф. Сабаби Абдуллох ибн Ҳассоннинг икки бувиси: Дуҳайба ва Улайбанинг ҳоли мажхул.

66-ҳадис санади ва таҳрижига қаранг.

<sup>268</sup> 128 – санади саҳих. Бу ердаги Суфён – Суфён ибн Уяйна, Зухрий – Муҳаммад ибн Муслим ибн Шихоб. Аббод ибн Тамим ишончли ровий. Унинг амакиси Абдуллох ибн Зайд ибн Осим розияллоху анҳу машҳур саҳобадир.

Бу ҳадисни Бухорий (6287) ва Муслим (2100) “Саҳихайн”да, Абу Довуд (4866), Термизий (2765), Насоий (2/50) ва Доримий (2659) “Сунан”да ривоят қилган.

<sup>269</sup> Чалқанча(сига) ётиш – орқани ерга бериб, чўзилиб, осмонга қараб ётиш.

<sup>270</sup> 129 – санади жуда заиф. Абдуллох ибн Иброҳим Маданий матрук. Ибн Ҳиббон унинг ҳадис тўқиш айби борлигини айтган. Исҳоқ ибн Муҳаммад Ансорий мажхул. Рубайх ибн Абдурахмон мутобаатда мақбулдир, лекин унга мутобаат қилинмаган. Қаранг: “Тухфатул ашроф” (4120).

**Шарҳ.** Бундай ўтириш араб тилида “ихтибо” дейилади. У аъробийлар ўтириши саналади. Қадимдан “Ихтибо араблар деворидир”, деган гап бор<sup>271</sup>. У танага роҳат беради, киши чарчоғини чиқаради. Шу тахлит ўтирган одам бирон нарсага суянмасдан дам олиши мумкин.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидда қандай ўтирганлари ҳақида бундан бошқа ривоятлар ҳам бор. Жумладан, Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдодни ўқиб бўлсалар, куёш яхшилаб (очиқ-ойдин ёки тўлиқ) кўтарилгунча ўз жойларида оёқни чалиштириб/чордана куриб ўтирардилар<sup>272</sup>”.

## 22-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ СУЯНГАН НАРСАЛАР ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 5 та ҳадис бор: 130-134)

**Шарҳ.** Бу бобда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам суяниб ўтирган ёстик, болиш кабилар ҳақидаги ривоятлар нақл қилинган.

۱۳۰ – حَدَّثَنَا عَبَّاسُ بْنُ مُحَمَّدٍ الدُّورِيُّ، حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مَنْصُورٍ، عَنِ إِسْرَائِيلَ، عَنِ سِمَاكِ بْنِ حَرْبٍ، عَنِ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ قَالَ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُتَّكِمًا عَلَى وَسَادَةٍ عَلَى يَسَارِهِ.

130 – Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чап ёнлари билан ёстикка суяниб ўтирганларини кўрганман<sup>273</sup>”.

**Шарҳ.** Яъни, ўтирганда ёстикни чап томонларига қўйиб олиб, унга суянганлар. Ўнг тараф билан ҳам суяниш мумкин. Бундай қилиш танага ором беради, кишидаги чарчокни кетказди.

۱۳۱ – حَدَّثَنَا حُمَيْدُ بْنُ مَسْعَدَةَ، حَدَّثَنَا بَشْرُ بْنُ الْمُفَضَّلِ، حَدَّثَنَا الْجَرِيرِيُّ، عَنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي بَكْرَةَ، عَنِ أَبِيهِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَلَا أُحَدِّثُكُمْ بِأَكْبَرِ الْكَبَائِرِ؟ قَالُوا: بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ. قَالَ: الْإِشْرَاكُ بِاللَّهِ، وَعُقُوقُ الْوَالِدَيْنِ. قَالَ: وَجَلَسَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَكَانَ مُتَّكِمًا قَالَ: وَشَهَادَةُ الزُّورِ أَوْ قَوْلُ الزُّورِ قَالَ: فَمَا زَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُهَا، حَتَّى قُلْنَا: لَيْتَهُ سَكَتَ.

131 – Абу Бакра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Гуноҳларнинг энг каттасини сизларга айтайми?” дедилар. Одамлар: “Ҳа (айтинг), эй Расулulloҳ”, дейишди. Шунда у зот: “Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш...” дедилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёнбошлаган ҳолда эдилар. Ўтириб олдилар. Кейин: “Ёлғон гувоҳлик бериш” ёки “ёлғон сўзлаш” (ҳам энг катта гуноҳдир)”, дедилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу гапни қайта-қайта айтаверганларидан: “Кошкиди у зот тўхтасалар”, деб қолдик<sup>274</sup>”.

**Шарҳ.** Тингловчига таъсир қилишдаги набавий услубни қаранг! Гап бошлашдан олдин “Гуноҳларнинг каттасини сизларга айтайми?” деб саҳобаларга хитоб қияптилар. Бу саволдан кейин Аллоҳга, охират кунига имони бор ҳар бир инсонда “Энг катта гуноҳ нима экан?” деган савол туғилиши табиий. Бу билан айтиладиган гапга кизиқиши ортади, бутун эътибор сўзловчига қаратилади. Масала ўта

<sup>271</sup> Яъни, суяниш учун девор ўрнига ўтади. Чунки, саҳроларда девор бўлмайти (Манба: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуния. – Б.239.).

<sup>272</sup> Қаранг: Абу Довуд. Суан. – Ж.4. – Б.263. – Ҳ.4850. Ҳадис санади ҳасан.

<sup>273</sup> 130 – санади ҳасан.

Бу ҳадисни Абу Довуд (4143) ва Термизий (2770) “Суан”да, Аҳмад “Муснад”да (5/102), Ибн Ҳиббон “Саҳих”да (589), Табароний “Кабир”да (1919) ривоят қилган.

<sup>274</sup> 131 – саҳих ҳадис.

Бу ҳадисни Бухорий (2654) ва Муслим (87) “Саҳихайн”да, Термизий “Суан”да (1901), Аҳмад “Муснад”да (5/36), Таҳовий “Шарҳу мушкилил осор”да (892), Бағавий “Шарҳус сунна”да (43) ривоят қилган.

долзарблигидан Пайғамбаримиз алайҳиссалом одамларни ўзларига жалб қилиш мақсадида шундай услубни қўллаганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёлғон сўзлаш, ёлғон гувоҳлик беришнинг нақадар оғир гуноҳлигини билдириш учун ёнбошлаб ўтирган ҳолларидан қадларини тик қилиб, масалани баён қилдилар. Айтганда ҳам бир-икки марта эмас, қайта-қайта такрорладилар. “Огоҳ бўлинглар, ёлғон гапириш, ёлғон гувоҳлик бериш энг катта гуноҳдир”, деб таъкидладилар. Саҳобалар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳар бир сўзларига ташна бўлишган, оғизларидан бир гап чиқиши билан ёдлаб олишган, яна сўзласалар деб илҳақ бўлиб туришган. Лекин бу сафар ундай бўлмади. Улар: “Қанийди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўзлашдан тўхтасалар”, деб қолишди. Бунда у зотга нисбатан меҳр-шафқат туйғуси бор эди.

Демак, ҳар бир мўмин банда яхшилик нималигини билиши, унга амал қилиш лозим. Шунингдек, гуноҳ-маъсиятлар ҳақида илм ҳосил қилиб, улардан йироқ юриши талаб этилади. Илми йўқ одам яхшилик нималигини, солиҳ амалларни қандай қилишни, гуноҳлардан қандай тийилишни, қайси ишлардан четланиш кераклигини билмайди. Шунинг учун ҳар бир бандага энг зарур шаръий илмларни ўрганиш фарздир.

Савол: Бу ерда Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлишдан кўра ёлғончиликка урғу берилиши сабаби нима?

Жавоб: Мусулмон одам, одатда, ширкдан йироқ юради. Ота-она кўнглини қаттиқ ранжитиш, уларга оқ бўлиш ҳам нисбатан кам кузатилади, бироқ ёлғончилик, ёлғон гувоҳлик бериш иллоти жуда кенг тарқалган. Ёлғонга олиб борувчи, ундовчи омиллар ҳам кўп. Шунинг учун ёлғоннинг оқибати ёмонлиги алоҳида таъкидланган.

Аллоҳга ширк келтиришдан сўнг ота-онага оқ бўлиш тилга олиниши ота-она ҳақи ўта улуғлигини, ота-онани ранжитиш, кўнгилларини оғритиш, қаттиқ хафа қилиш ширкдан кейинги энг катта гуноҳлигини билдиради.

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёнбошлаган ҳолда эдилар. Ўтириб олдилар”.**

Набий алайҳиссалом бир нарсага суяниб ўтириб, Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш оғир гуноҳлигини айтдилар. Кейин қадларини ростлаб, ўтириб олдилар ва ёлғон сўзлаш, ёлғон гувоҳлик бериш улкан гуноҳлардан эканини қайта-қайта таъкидлайвердилар. Бундан икки хил хулоса чиқади:

1. Ёлғончилик гуноҳи жуда катта, унинг жамиятга етказадиган зарари ниҳоятда кўп. Зеро, ёлғончилик, алдов, сохтакорлик, кўзбўямачилик сабаб ишлар орқага кетади, ривожланиш тўхтади, ҳақ-ҳуқуқлар топталади, хиёнат авж олади, атрофга фиску фасод тарқалади.

2. Шаръий масалаларни бирон нарсага суянган ҳолда баён қилиш мумкин.

۱۳۲ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ، حَدَّثَنَا شَرِيكٌ، عَنْ عَلِيِّ بْنِ الْأَقْمَرِ، عَنْ أَبِي جُحَيْفَةَ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى

اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَمَا أَنَا فَلَا أَكُلُ مُتَكَيِّئًا.

132 – *Абу Жухайфа розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Менга келсак, мен суянган ҳолда (таом) емайман”<sup>275</sup>.*

**Шарҳ.** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бирон нарсага суяниб таом емаганлари сабаби шундаки, одам ёстиққами, бошқа нарсагами суяниб, бемалол ўтириб олиб овқатланса, тўйганини билмайди. Натижада эҳтиёждан ортиқ таом еб юборади. Қолаверса, овқат маҳал суяниб ўтириш мутакаббирларга хос иллатдир.

Ёнбошлаб олиб таом ейиш соғлиққа зарар. Чунки бу таом ошқозонга осон ўтишига тўсқинлик қилади. Ёнбошлаганда ошқозон сиқилиб қолади. Агар тик ўтирилса, таом ошқозонга тушиши, ҳазм бўлиши енгиллашади.

Умуман олганда, ўтириб овқатланиш афзал. Зарурат юзасидан туриб овқатланишнинг ҳечқиси йўқ. Таом вақтида чордана қуриб олиш макруҳ эмас. Суннатга мувофиқ, овқатланаётган одам ўнг оёғини

<sup>275</sup> 132 – санади ҳасан, матни саҳиҳ.

Бу ҳадисни Бухорий “Саҳиҳ”да (5398), Абу Довуд (3769), Термизий (1830), Ибн Можа (3262) ва Доримий (2077) “Сунан”да ривоят қилган.

тикка қилиб, ўнг сонини қорнига тақайди, чап оёғи устига ўтиради. Овқатланаётганда бундай ўтириш фойдалидир. Чунки, тана аъзолари бу пайтда ўзининг табиий ҳолатида бўлади.

۱۳۳ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنْ عَلِيِّ بْنِ الْأَقْمَرِ قَالَ: سَمِعْتُ أَبَا جُحَيْفَةَ يَقُولُ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَا آكُلُ مُتَّكِنًا.

133 – *Абу Жухайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мен суянган ҳолда (овқат) емайман”, деганлар*<sup>276</sup>.

**Шарҳ.** Бу ҳадис ровийси ва мазмуни аввалгиси билан бир хил. Фақат матнда, санаддаги қолган ровийларда бир оз фарқ бор. Яъни:

Аввалги (132-) ҳадис санади: Имом Термизий – Қутайба ибн Саид – Шарик – Али ибн Ақмар – Абу Жухайфа розияллоҳу анҳу – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

Бу (133-) ҳадис санади: Имом Термизий – Муҳаммад ибн Башшор – Абдурахмон ибн Маҳдий – Суфён Саврий – Али ибн Ақмар – Абу Жухайфа розияллоҳу анҳу – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

Ўрни келганида ҳадис илми билан боғлиқ айрим маълумотларни мухтарам ўқувчиларимизга имкон қадар енгилроқ услубда тақдим этамиз. Зеро, буни билиб қўйиш фойдадан холи эмас.

۱۳۴ – حَدَّثَنَا يُوسُفُ بْنُ عِيسَى، حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ، حَدَّثَنَا إِسْرَائِيلُ، عَنْ سِمَاكِ بْنِ حَرْبٍ، عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ قَالَ: رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُتَّكِنًا عَلَى وَسَادَةٍ.

قَالَ أَبُو عِيسَى: لَمْ يَذْكُرْ وَكَيْعٌ "عَلَى يَسَارِهِ". وَهَكَذَا رَوَى غَيْرٌ وَاحِدٍ عَنِ إِسْرَائِيلَ نَحْوَ رِوَايَةِ وَكَيْعٍ، وَلَا نَعْلَمُ أَحَدًا رَوَى فِيهِ "عَلَى يَسَارِهِ" إِلَّا مَا رَوَاهُ إِسْحَاقُ بْنُ مَنْصُورٍ عَنِ إِسْرَائِيلَ.

134 – *Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёстиққа суяниб ўтирганларини кўрганман*<sup>277</sup>”.

**Абу Исо айтади:** “Вакиъ (ўз ривоятида) “чап ёнлари билан” (деган бирикма)ни зикр қилмаган. Шунингдек, Вакиъникига яқин ривоятни Исроилдан бир қанча кишилар ривоят қилишган. Унда “чап ёнлари билан” (деган қўшимчани) ривоят қилган бирон кишини билмаймиз. Магар Исҳоқ ибн Мансур<sup>278</sup> Исроилдан қилган ривояти бундан мустасно<sup>279</sup>”.

**Шарҳ.** Бу ҳадис боб аввалида келтирилганди. Фақат бу ерда “чап ёнлари билан” деган қўшимча йўқ. Демак, Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан бу ҳақида икки хил йўл орқали, турли матн билан иккита ривоят нақл қилинган.

## 23-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ СУЯНИШЛАРИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 2 та ҳадис бор: 135-136)

**Шарҳ.** Бундан олдинги бобда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёстиқ, болиш каби суяниб ўтирган нарсалар ҳақидаги ҳадисларни ўргандик. Бу бобда эса Пайғамбаримиз алайҳиссалом вафотларидан олдин, беморлик вақтларида мадад бўлиши учун айрим саҳобаларга суянганлари тўғрисида икки ҳадис келтирилади.

<sup>276</sup> 133 – санади саҳих. Аввалги ҳадис таҳрижига қаранг.

<sup>277</sup> 134 – санади ҳасан. 130-ҳадис таҳрижига қаранг.

<sup>278</sup> Лекин, “чап ёнлар билан” деган қўшимчада Исҳоқ ибн Мансурга мутобаат қилинган. Қаранг: Доримий. Суан. – Ж.1. – Б.553. – Ҳ.2498.; Аҳмад. Муснад. – Ж.34. – Б.399. – Ҳ.20803.

<sup>279</sup> Қўшимча маълумот учун 130-ҳадис санадига қаранг.

۱۳۵ – حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، حَدَّثَنَا عَمْرُو بْنُ عَاصِمٍ، حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ سَلَمَةَ، عَنْ مُحَمَّدٍ، عَنْ أَنَسٍ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ شَاكِيًّا، فَخَرَجَ يَتَوَكَّأُ عَلَى أُسَامَةَ بْنِ زَيْدٍ، وَعَلَيْهِ ثَوْبٌ قِطْرِيٌّ قَدْ تَوَشَّحَ بِهِ، فَصَلَّى بِهِمْ.

135 – Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоху алайхи ва саллам бетоб эдилар. Шунинг учун Усома ибн Зайдга суянган холда чиқдилар. Эгниларида қитрий либос бор эди. Уни тавашшуҳ қилиб олгандилар. У зот (саҳобалар) билан намоз ўқидилар<sup>280</sup>.

**Шарҳ.** Қитрий либос – йўл-йўл чизиклари, белгилари бор яманий чопон. У пахтадан қилинади.

Тавашшуҳ – либосни елкадан ошириб кийиш: уни ўнг қўл остидан ўтказиб, чап елкага ташлаб олиш.

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам касалликлари учун тутинган ўғиллари Зайд ибн Ҳориса розияллоху анхунинг фарзанди Усома ибн Зайд розияллоху анхуга суяниб хужраи саодатдан масжидга чиқдилар. Яманий чопонни елкаларига ташлаб олгандилар. Ўша ҳолатда қавмга имом бўлиб, улар билан намоз ўқидилар.

۱۳۶ – حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُبَارَكِ، حَدَّثَنَا عَطَاءُ بْنُ مُسْلِمٍ الْحَقْفَاءُ الْحَلَبِيُّ، حَدَّثَنَا جَعْفَرُ بْنُ بُرْقَانَ، عَنْ عَطَاءِ بْنِ أَبِي رَبَاحٍ، عَنِ الْفَضْلِ بْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: دَخَلْتُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي مَرَضِهِ الَّذِي تُؤَيِّ فِيهِ، وَعَلَى رَأْسِهِ عِصَابَةٌ صَفْرَاءُ، فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ، فَقَالَ: يَا فَضْلُ، قُلْتُ: لَبَّيْكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: أَشَدُّ بِهَذِهِ الْعِصَابَةِ رَأْسِي، قَالَ: فَفَعَلْتُ، ثُمَّ قَعَدَ، فَوَضَعَ كَفَّهُ عَلَى مَنْكِبِي، ثُمَّ قَامَ فَدَخَلَ فِي الْمَسْجِدِ. وَفِي الْحَدِيثِ قِصَّةٌ.

136 – Фазл ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Вафот этишларидан олдин касал бўлганларида Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам ҳузурларига кирдим. Бошларида сариқ мато бор экан. Мен у зотга салом бердим. Шунда: “Эй Фазл!” деб чақирдилар. Мен: “Лаббай, эй Расулуллох!” дедим. У зот: “Бу матони бошимга боғла”, деб буюрдилар. Мен (айтилган ишни) қилдим. Кейин у зот ўтирдилар. Кафтларини елкамга қўйдилар. Сўнг туриб, масжидга кирдилар”. Бу ҳадис борасида (узун) қисса бор<sup>281</sup>.

**Шарҳ.** Фазл ибн Аббос розияллоху анху машҳур саҳоба, Набий соллаллоху алайхи ва саллам амакилари Аббос ибн Абдулмутталиб розияллоху анхунинг энг катта ўғлидир.

Фазл ибн Аббос розияллоху анху Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам ҳузурларига вафот этишларидан аввал касал бўлиб қолганларида кирган экан. Ўшанда у зот бошларига сариқ мато ўраб олгандилар. Фазл кириб, Пайғамбаримиз алайҳиссаломга салом берди. У зот алик олдилар. Кейин: “Эй Фазл!” деб чақирдилар. Фазл у зотга ижобат қилди. “(Оғриқ камайиши учун) мана бу мато билан бошимни боғлаб қўй”, дедилар. Фазл у зотнинг муборак бошларини боғлаб қўйди. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам ётгандилар. Кейин қадларини кўтариб, ўтирдилар. Турмоқчи бўлиб, қўлларини Фазлнинг елкасига қўйдилар. Ўрниларидан туриб, масжидга кирдилар. Бу ҳақида узун қисса бор. Унда айтилишича, Набий соллаллоху алайхи ва саллам минбарга кўтарилиб, одамларни чақиришни буюрганлар. Кейин Аллохга ҳамду сано айтганлар, мусулмонлар ўз ҳуқуқларини у зотдан талаб қилишларини сўраганлар. Бу ҳақидаги ривоятни мавриди келса ўрганамиз, иншааллох.

## 24-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ (ТАОМ) ЕЙИШЛАРИ СИФАТИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 6 та ҳадис бор: 137-142)

<sup>280</sup> 135 – санади саҳих.

Қўшимча маълумот учун 59-ҳадис таҳрижига қаранг.

<sup>281</sup> 136 – санади заиф. Чунки, Ато ибн Муслим Хаффоф заифдир. Шунингдек, санад узилиб қолган: Ато ибн Абу Рабоҳ раҳматуллоҳи алайх Фазл ибн Аббос розияллоху анхудан ҳадис эшитмаган. Қаранг: “Тухфатул ашроф” (11058).

**Шарҳ.** Бу бобда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам таомни қандай еганлари, овқатланаётганда қандай ўтирганлари билан боғлиқ ривоятлар жамланган.

۱۳۷ – *أَبَانَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنْ سَعْدِ بْنِ إِبْرَاهِيمَ، عَنْ ابْنِ لِكْعَبِ بْنِ مَالِكٍ، عَنْ أَبِيهِ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَلْعَقُ أَصَابِعَهُ ثَلَاثًا.*  
*قَالَ أَبُو عِيسَى: وَرَوَى غَيْرُ مُحَمَّدِ بْنِ بَشَّارٍ هَذَا الْحَدِيثَ قَالَ: يَلْعَقُ أَصَابِعَهُ الثَّلَاثَ.*

137 – *Каъб ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам бармоқларини уч марта ялардилар*<sup>282</sup>.

**Абу Исо** айтади: “Бу ҳадисни Мухаммад ибн Башшордан бошқаси ҳам ривоят қилган. У: “Учта бармоқларини ялардилар”, деган.

**Шарҳ.** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таом еб бўлгач, учта бармоқларини ялашлари ҳақидаги ривоятлар собит, бармоқларини уч марта ялаганлари ҳақидагиси эса шоздир. Яъни, саҳиҳ ҳадисларга зид саналади.

Бу ҳадис орқали Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таом ейишлари билан боғлиқ икки одобни билиб оламиз:

1. У зот таомни учта бармоқлари билан еганлар. Бу ерда ўша уч бармоқ қайсиллиги айтилмаган, лекин бошқа ривоятларга кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссалом егулик тановул қилишда бош, кўрсаткич ва ўрта бармоқни ишлатганлар.

Айрим шорихлар (ҳадис шархловчилар) айтишича, йирикрок (яхлит, бирлашган) нарсаларни ейишда учта бармоқ ишлатилади. Агар таом майда қисмлардан иборат ёки суюқ бўлса, тўрт ёки беш бармоқни ишлатса, ҳечқиси йўқ.

2. Овқатни тугал еб бўлгач, сочиққа артишдан олдин бармоқлар яланади. Бу иш овқатланиш ўртасида қилинмайди. Акс ҳолда атрофдаги кишиларга азият етиши, масалан, уларнинг иштаҳаси бўғилиши, таомни охиригача еб бўлмасдан тановулни тўхтатишга мажбур бўлиши мумкин.

Савол: Таом егандан кейин қўлни ялаш ҳикмати нимада?

Жавоб: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу билан таом баракасини топиш илинжида бўлганлар. Зеро, Анас ибн Молик розияллоху анхудан қилинган ривоятда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам овқат еб бўлсалар, учта бармоқларини ялардилар. У зот: “Сизлардан бирон (киши) лукмаси тушса, азият етказадиган нарсаларни ундан кетказиб, есин. Уни шайтонга қолдирмасин”, деганлар. У зот лаганни ялаб қўйишга буюра туриб: “Зеро, сизлар барака таомингизнинг қайси (бўлаги)да эканини билмайсиз”, деганлар<sup>283</sup>. Яъни, таомнинг баракаси қўлга теккан ёки лаган тагида қолган ёғда ё бўлмаса, овқат қолдиғида бўлиши мумкин. Таом баракасидан бенасиб қолмаслик учун аввал қўл, кейин лаган, коса, ликопчалар нон ва шунга ўхшаш нарсалар билан яхшилаб артиб, тозаланади. Шундай қилинса, идиш-товоқ ювадиганларга ҳам осон бўлади, исрофдан сақланилади.

Савол: Ҳадисда айтилган таомнинг баракаси нима?

Жавоб: Баданни озиқлантириш, овқатдаги зарарли нарсалардан саломатлик, ейилган таом ибодатга қувват бўлиши.

۱۳۸ – *حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ عَلِيٍّ الْحَلَّالُ، حَدَّثَنَا عَقَّانُ، حَدَّثَنَا حَمَّادُ بْنُ سَلَمَةَ، عَنْ ثَابِتٍ، عَنْ أَنَسٍ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أَكَلَ طَعَامًا، لَعِقَ أَصَابِعَهُ الثَّلَاثَ.*

<sup>282</sup> 137 – санади саҳиҳ. Лекин матни (жумладан, “уч марта” деган лафзи) шоз (саҳиҳ ҳадисга зид). Зеро, мусанниф ишора қилганидек, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам (таомдан сўнг) учта бармоқларини ялардилар.

Бу ҳадисни Муслим “Саҳиҳ”да (2032), Абу Довуд “Сунан”да (3848), Аҳмад “Муснад”да (3/454), Табароний “Кабир”да (18/182) ривоят қилган.

<sup>283</sup> Қаранг: Муслим. Саҳиҳ (2034).

138 – Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **“Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам таом есалар, учта бармоқларини ялардилар<sup>284</sup>”**.

**Шарҳ.** Бу ҳадис юқоридаги ҳадис билан бир хил маънони англатади.

۱۳۹ – حَدَّثَنَا الْحُسَيْنُ بْنُ عَلِيٍّ بْنِ يَزِيدَ الصَّدَائِقِيُّ الْبَغْدَادِيُّ، حَدَّثَنَا يَعْقُوبُ بْنُ إِسْحَاقَ – يَعْنِي الْحَضْرَمِيَّ – حَدَّثَنَا شُعْبَةُ، عَنْ سُفْيَانَ الثَّوْرِيِّ، عَنْ عَلِيِّ بْنِ الْأَقْمَرِ، عَنْ أَبِي جُحَيْفَةَ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَمَا أَنَا فَلَا أَكُلُ مَتَكِّفًا.

139 – Абу Жухайфа розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Менга келсак, мен суянган ҳолда (таом) емайман<sup>285</sup>”**.

**Шарҳ.** Овқатланиш вақтида бирон нарсага суяниш қандай бўлиши ҳақида турли қавллар айтилган. Жумладан:

1. Бу таомланаётганда – қайси ҳолатда бўлса ҳам – ўрнига яхшилаб жойлашиб ўтириб олишдир. Ким шундай қилса, меъеридан кўп овқат ейди, унда таомга ўчлик пайдо бўлади. Шунинг учун Иброҳим Наҳайй раҳматуллоҳи алайҳ: “Улар қоринлари катта бўлиб кетишидан қўрқиб бирон нарсага суянган ҳолда овқатланишни ёмон кўришарди”, деган<sup>286</sup>.

2. Айтилишича, суяниш инсон бир тарафига суяниб олган кўйи овқатланишидир.

3. Яна бир қавлга кўра, бу чап қўлни ерга қўйиб, унга суянган ҳолда ўнг қўл билан таом ейишдир.

Ибн Қаййим “Зодул маод”да ёзишича, буларнинг барчаси мазмун, яъни, қораланган<sup>287</sup>.

۱۴۰ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنْ عَلِيِّ بْنِ الْأَقْمَرِ نَحْوَهُ.

140 – Бизга Муҳаммад ибн Башиор ҳадис айтди, бизга Абдураҳмон ибн Маҳдий ҳадис айтди, бизга Суфён Али ибн Ақмардан шунга яқин (маънода) ҳадис айтди<sup>288</sup>.

**Шарҳ.** Демак, унинг маъноси аввалги ҳадисниқига яқин, лекин лафзи бошқача.

۱۴۱ – حَدَّثَنَا هَارُونُ بْنُ إِسْحَاقَ الْهَمْدَانِيُّ، حَدَّثَنَا عَبْدُهُ بْنُ سُلَيْمَانَ، عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ، عَنْ ابْنِ لِكَعْبِ بْنِ مَالِكٍ، عَنْ أَبِيهِ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْكُلُ بِأَصَابِعِهِ الثَّلَاثِ وَيَلْعَقُهُنَّ.

141 – Каъб ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таомни учта бармоқлари билан ердилар, уларни ялардилар<sup>289</sup>”**.

**Шарҳ.** Юқорида айтилганидек, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам овқатни учта бармоқлари билан ердилар. Таомланиб бўлгач, ўша учта: бош, кўрсаткич ва ўрта бармоқларини ялардилар.

۱۴۲ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا الْفَضْلُ بْنُ دُكَيْنٍ، حَدَّثَنَا مُصْعَبُ بْنُ سُلَيْمٍ قَالَ: سَمِعْتُ أَنَسَ بْنَ مَالِكٍ يَقُولُ: أُتِيَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِتَمْرٍ، فَرَأَيْتُهُ يَأْكُلُ، وَهُوَ مُفْعٍ مِنَ الْجُوعِ.

<sup>284</sup> 138 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Муслим “Саҳиҳ”да (2034), Абу Довуд (2845), Термизий (1803) ва Доримий (2034) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (3/177) ривоят қилган.

<sup>285</sup> 139 – санади ҳасан.

Кўшимча маълумот учун 132-, 133-ҳадис таҳрижига қаранг.

<sup>286</sup> Қаранг: Ибн Абу Шайба. Мусаннаф (8/126).

<sup>287</sup> Қаранг: Ибн Қаййим. Зодул маод (1/148).

<sup>288</sup> 140 – санади саҳиҳ. Бундан аввалги ҳадисга қаранг.

<sup>289</sup> 141 – санади саҳиҳ. 137-ҳадис таҳрижига қаранг.



142 – Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига хурмо келтирилди. Шунда мен у зот очликдан орқага суянган ҳолда (хурмо) еяётганларини кўрдим<sup>290</sup>”.

**Шарҳ.** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга хурмо ҳадя қилинди. У зот аввал муҳтожларга бир саватдан хурмо улашдилар. Кейин ўзлари едилар. Қоринлари очлигидан ҳолсизланиб қолгандилар. Шунинг учун орқаларини ерга қўйиб, болдирларини тикка қилиб ёки оёқларини узатиб хурмо едилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саййидул мурсалин бўлсалар ҳам мана шундай машаққатларни бошдан ўтказганлар, таомланиш борасида жуда содда ҳаёт кечирганлар. Вақти келса, очликдан силлалари қуриб қолган. Шундай бўлса-да, Аллоҳ берган ҳар бир неъматга шукр қилганлар, зинҳор қаноатсизлик қилмаганлар. У зотга беадад салават ва саломларимиз бўлсин!

## 25-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ НОНЛАРИ СИФАТИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 8 та ҳадис бор: 143-150)

**Шарҳ.** Бу бобда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам қандай нон еганлари, у зотнинг зуҳдлари, қаноатлари ҳақидаги ривоятлар келтирилган.

۱۴۳ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى وَ مُحَمَّدٌ بْنُ بَشَّارٍ قَالَا: حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ، حَدَّثَنَا شُعْبَةُ، عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ قَالَ: سَمِعْتُ عَبْدَ الرَّحْمَنِ بْنَ يَزِيدَ، يُحَدِّثُ عَنِ الْأَسْوَدِ بْنِ يَزِيدَ، عَنْ عَائِشَةَ أَنَّهَا قَالَتْ: مَا شَبِعَ آلَ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ خُبْزِ الشَّعِيرِ يَوْمَئِذٍ مُتَتَابِعِينَ، حَتَّى فُيْضَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.

143 – Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам оилалари (қорни) у зот вафот этгунларига қадар арпа (унидан қилинган) нонга икки кун кетма-кет тўймаган<sup>291</sup>”.

**Шарҳ.** Оиша розияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жуфти ҳалоллари, мўминлар онасидирлар. У муҳтарама аёл бир неча йил Пайғамбаримиз алайҳиссалом билан яшаганлар, у зот қандай ҳаёт кечирганларини, нима еб, нима ичганларини яхши билардилар. Оиша онамиз хабар беришларича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам аҳллари у зот дунёдан ўтгунларига қадар икки кун кетма-кет арпа унидан ёпилган нонга тўйишмаган. Арпа нон бир кун бўлса, бир кун бўлмасди. Бундан икки хил хулоса чиқади:

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жуда оз таом еганлар. Шунга қарамай, Аллоҳ берганига шукр қилганлар.

2. Дунё Аллоҳ наздида паст даражададир. Зеро, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бандалар ичида Аллоҳ учун энг сеvimли, энг афзалдирлар. Шундай бўлса-да, қоринлари оч ҳолда тунни ўтказар, вақти келса, ейишга ҳеч вақо топа олмасдилар. Агар дунё Аллоҳ наздида зиғирча қийматга эга бўлганида унинг энг чиройлисини, яхшисини – дабдабали, шоҳона ҳаётни, энг олди таомлар, лазиз ичимликлар, кўркем либосларни саййидул мурсалин бўлмиш зотга бекаму кўст ато этарди.

۱۴۴ – حَدَّثَنَا عَبَّاسُ بْنُ مُحَمَّدٍ الدُّورِيُّ، حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي بُكَيْرٍ، حَدَّثَنَا حَرِيْزُ بْنُ عُثْمَانَ، عَنْ سُلَيْمِ بْنِ عَامِرٍ قَالَ: سَمِعْتُ أَبَا أَمَامَةَ الْبَاهِلِيِّ يَقُولُ: مَا كَانَ يَفْضُلُ عَنْ أَهْلِ بَيْتِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خُبْزُ الشَّعِيرِ.

144 – Абу Умома Боҳилий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хонадонларидан арпа нон ортиб қолмасди<sup>292</sup>”.

<sup>290</sup> 142 – санади ҳасан.

Бу ҳадисни Муслим “Саҳиҳ”да (2044), Доримий “Сунан”да (2068), Аҳмад “Муснад”да (3/180) ривоят қилган.

<sup>291</sup> 143 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Термизий (2357) ва Ибн Можа (3346) “Сунан”да ривоят қилган.

<sup>292</sup> 144 – санади саҳиҳ.

**Шарҳ.** Арпа нони аҳли байт эҳтиёжларига яраша ёки ундан камроқ эди. Шунинг учун дастурхонга қўйилган нон ҳеч кимдан ортиб қолмаган. Оиша розияллоҳу анҳодан қилинган ривоятда айтилишича, Пайғамбаримиз алайҳиссалом дастурхонларидан нон ушоғи йиғиштириб олинмасди. Ҳозирги ҳолат билан қиёсласак, моддий ва маънавий соҳада асри саодат билан замонамиз фарқи ёққол кўзга ташланади.

۱۴۵ – حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مُعَاوِيَةَ الْجُمَحِيُّ، حَدَّثَنَا ثَابِتُ بْنُ يَزِيدَ، عَنْ هِلَالِ بْنِ خَبَّابٍ، عَنْ عِكْرِمَةَ، عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَبِيتُ اللَّيَالِي الْمُتَتَابِعَةَ طَائِيًا هُوَ وَأَهْلُهُ، لَا يَجِدُونَ عَشَاءً، وَكَانَ أَكْثَرُ خُبْزِهِمْ خُبْزَ الشَّعِيرِ.

145 – *Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам ўзлари ва аҳллари пайдар-пай бир неча тун оч ҳолда бўлишар, кечки овқатга (ейиш учун ҳеч нарса) топа олишмасди. Уларнинг кўп (ейдиган) нонлари арпа нон эди<sup>293</sup>”.*

**Шарҳ.** Демак, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам ўзлари ва оила аъзолари қоринлари тўйиб овқатланишмас, егулик йўқлигидан тунни оч ҳолда ўтказишар эди. Ўша вақтларда нонлар асосан арпа унидан ёпиларди.

Бу ҳолатни ҳамма саҳобалар ҳам билмаган бўлса керак. Асосан ўзларига яқин инсонлар хабардор бўлган, назаримизда. Чунки саҳобалар ичида бой-бадавлат кишилар бор эди. Улар севикли Пайғамбарлари тунни оч ҳолда ўтказишларига йўл қўйишмасди. Бундан чиқди, Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўз ҳолларидан шикоят қилмаганлар, муҳтожликларини бировдан яширганлар, сабр-қаноат билан ҳаёт кечирганлар.

۱۴۶ – حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، أَنبَأَنَا عُبَيْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الْمَجِيدِ الْحَنْفِيُّ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّحْمَنِ، وَهُوَ ابْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ دِينَارٍ، حَدَّثَنَا أَبُو حَازِمٍ، عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ: أَنَّهُ قِيلَ لَهُ: أَكَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ النَّعْيِي؟ – يَعْنِي: الْحَوَارَى – فَقَالَ سَهْلٌ: مَا رَأَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ النَّعْيِي حَتَّى لَقِيَ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ، فَقِيلَ لَهُ: هَلْ كَانَتْ لَكُمْ مَنَاحِلٌ عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ؟ قَالَ: مَا كَانَتْ لَنَا مَنَاحِلٌ، قِيلَ: كَيْفَ كُنْتُمْ تَصْنَعُونَ بِالشَّعِيرِ؟ قَالَ: كُنَّا نَنْفُخُهُ، فَيَطِيرُ مِنْهُ مَا طَارَ، ثُمَّ نَعَجِنُهُ.

146 – *Абу Ҳозимдан ривоят қилинишича, Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан: “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам оқ ундан қилинган нон еганмилар?” деб сўралди. Шунда Саҳл: “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ азза ва жаллага рўбарў бўлгонларигача оқ нонни кўрмаганлар”, деб жавоб берди. Унга: “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам даврларида сизларда элаклар бўлармиди?” дейилди. У: “Бизда элаклар бўлмасди”, деди. “Унда арпани қандай (ун) қилардинглар?” дейилди. Саҳл: “Уни пуфлардик. Шунда учгани учиб кетарди. Кейин ундан хамир қорардик”, деди<sup>294</sup>”.*

**Шарҳ.** Набий соллalloҳу алайҳи ва саллам олий сифатли ундан қилинган юмшоқ нон ейишлари у ёқда турсин, ундай нонни ҳатто кўрмаганлар.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом даврларида донни тозалаш учун элак ишлатилмасди. Балки арпани бир идишга солиб, елпиб, устидан пуфлашарди. Шунда арпа ичидаги кипиқ ва кепаклар учиб кетарди,

Бу ҳадисни Термизий “Сунан”да (2359), Аҳмад “Муснад”да (5/260) ривоят қилган.

<sup>293</sup> 145 – санади саҳих.

Бу ҳадисни мусанниф “Жоме”да (2360), Ибн Можа “Сунан”да (3347), Аҳмад “Муснад”да (1/255), Табароний “Кабир”да (11900), Ибн Саъд “Табақот”да (1/400) ривоят қилган.

<sup>294</sup> 146 – санади саҳих.

Бу ҳадисни Бухорий “Саҳих”да (5413), Термизий (2364) ва Ибн Можа (3335) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (5/332), Ибн Ҳиббон “Саҳих”да (6347, 6360) ривоят қилган.

қолгани қоларди. Кейин сув солиб, хамир қориларди. Ҳаёт тарзи ана шундай содда, турли қулайликлардан, ўз навбатида, дабдабаю асъасалардан холи эди.

۱۴۷ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا مُعَاذُ بْنُ هِشَامٍ، أَخْبَرَنِي أَبِي، عَنْ يُونُسَ، عَنْ قَتَادَةَ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: مَا أَكَلَ نَبِيُّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى خِوَانٍ، وَلَا فِي سَكْرَةٍ، وَلَا خُبْزٍ لَهُ مَرْقَقٌ. قَالَ: فَقُلْتُ لِقَتَادَةَ: فَعَلَى مَا كَانُوا يَأْكُلُونَ؟ قَالَ: عَلَى هَذِهِ السُّفْرِ. قَالَ مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ: يُونُسُ هَذَا الَّذِي رَوَى عَنْ قَتَادَةَ، هُوَ يُونُسُ الْإِسْكَافُ.

147 – Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Аллоҳнинг Пайғамбари соллаллоху алайҳи ва саллам хонтахта устида овқатланмаганлар, ликопча ишлатмаганлар. У зот учун юмшоқ нон ёпилмаган”.

(Ҳадис ровийси) Юнус айтади: “Мен Қатодадан: “Улар ниманинг устида овқатланишарди?” деб сўрадим. У: “Мана шу дастурхонлар устида”, деб жавоб берди<sup>295</sup>.

Муҳаммад ибн Башшор айтади: “Қатодадан бу ҳадисни ривоят қилган Юнус: Юнус Искофдир”.

**Шарҳ.** Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам ёғоч ва шу каби нарсалардан ясалган хонтахтада ўтирмаганлар, балки у пайтда ерга жой солинарди. У зот нонхуруш солиш учун ликопча ёки кичик товоққа ўхшаш идишлар ишлатмаганлар. Саййидул мурсалин учун оқ ундан юмшоқ нонлар ҳам ёпилмаган.

Ўша замондаги дастурхонлар, одатда, бир бўлак теридан қилинарди, ерга ёзиларди. Кейин устига таом ва идишлар қўйиларди. Овқат қўлда ейиларди. Демак, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам бу борада ҳам ўрта йўлни танлаганлар: ҳеч нарса солмай, куруқ ерда ҳам ўтирмаганлар, хонтахта устида ҳам овқатланамаганлар, балки ерга дастурхон ёзиб ўтирганлар. Мана шу тавозеъ аломатидир.

Аслида таомни хонтахтада ёки стол-стулда ўтириб ейиш ҳаром эмас, мубоҳ. Бироқ, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам камтарлик юзасидан ерга дастурхон ёздирардилар.

۱۴۸ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا عَبَّادُ بْنُ عَبَّادٍ الْمُهَلَّبِيُّ، عَنْ جُبَّالِدٍ، عَنِ الشَّعْبِيِّ، عَنْ مَسْرُوقٍ قَالَ: دَخَلْتُ عَلَى عَائِشَةَ، فَدَعَتْ لِي بِطَعَامٍ، وَقَالَتْ: مَا أَشْبَعُ مِنْ طَعَامٍ فَأَشَاءُ أَنْ أَبْكِي إِلَّا بَكَيْتُ. قَالَ: قُلْتُ: لِمَ؟ قَالَتْ: أَدُّكُرُ الْحَالَ الَّتِي فَارَقَ عَلَيْهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الدُّنْيَا، وَاللَّهُ مَا شَبِعَ مِنْ خُبْزٍ وَلَحْمٍ مَرَّتَيْنِ فِي يَوْمٍ.

148 – Масруқдан ривоят қилинади: “Мен Оишанинг олдига кирдим. Шунда у мен учун таом олиб келишларини буюрди. Кейин: “Мен таом еб, тўйсам, йиғлагим келса, йиғлайман”, деди. Мен: “Нима учун?” деб сўрадим. У: “Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам дунёни тарк этганларидаги ҳолатни эслайман. Аллоҳга қасамки, у зот бир кунда икки маҳал нон билан гўштга тўймаганлар”, деб жавоб берди<sup>296</sup>”.

**Шарҳ.** Масруқ ибн Аждаъ ибн Молик Абу Оиша Ҳамдоний Куфий раҳматуллоҳи алайҳ катта тобеинлардан. Улуғ саҳобалардан Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Ибн Масъуд, Муғира ибн Шўъба, Оиша розияллоху анҳумларни кўрган. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам тириклик вақтларида мусулмон бўлган, лекин Куфадалиги сабаб у зотни кўришга мушарраф бўлмаган.

“Масруқ” исми “ўғриланган” деган маънони билдиради. Айтилишича, ёшлигида Ибн Аждаъни ўғрилаб кетишган. Кейин аҳли уни топган. Шундан кейин “Масруқ” деб чакирилган.

<sup>295</sup> 147 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Бухорий “Саҳиҳ”да (5386, 5415), Термизий (1788) ва Ибн Можа (3292) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (3/130), Ибн Адий “Комил”да (3/1233) ривоят қилган.

<sup>296</sup> 148 – санади заиф. Чунки, Мужолид ибн Саид заиф ровий.

Бу ҳадисни Термизий “Сунан”да (2356), Абу Яъло “Муснад”да (4538) ривоят қилган. Қаранг: “Тухфатул ашроф” (17627); “Ал-Муснадул жомеъ” (17328).

Масрук раҳматуллоҳи алайҳ бир куни Оиша розияллоҳу анҳо олдида кирганида уммул мўминин хизматкорларига таом олиб келишни айтган. Кейин: “Мен таом еб, тўйсам, йиғлагим келса, йиғлайман”, деган. Яъни, Набий алайҳиссалом дунёдан ўтиб кетганларидан кейин таом еб, тўйса, Расулуллоҳ билан яшаган даврда таомга қоринлари тўймаганини эслаб, кўзига ёш оларди. Зеро, Ҳабибимиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кунда икки маҳал нон билан гўштга тўйган эмаслар. Шу ҳолатда фоний дунёни тарк этганлар.

Бундан чиқди, қорин тўйиб овқатланиш, тўкчилик, фаровонлик улкан неъмат эмас экан. Акс ҳолда оламлар Парвардигорининг энг маҳбуб бандаси бундай нарсалардан бебахра қолмасдилар.

۱۴۹ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ، حَدَّثَنَا شُعْبَةُ، عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ قَالَ: سَمِعْتُ عَبْدَ الرَّحْمَنِ بْنَ يَزِيدَ يُحَدِّثُ عَنِ الْأَسْوَدِ بْنِ يَزِيدَ، عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ: مَا شَبِعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ خُبْزِ الشَّعِيرِ يُؤْمِنُ مُتَّابِعِينَ حَتَّى قُبِضَ.

149 – Оиша розияллоҳу анҳо ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этгунларигача икки кун кетма-кет арпа нонга тўймаганлар<sup>297</sup>”.

**Шарҳ.** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қоринлари икки кун кетма-кет арпа нонга тўймаганми, демак, ундан яхшироқ таомга ҳам тўймаган.

۱۵۰ — حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، أَنبَأَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَمْرٍو أَبُو مَعْمَرٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْوَارِثِ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ أَبِي عُرْوَةَ، عَنْ فَتَادَةَ، عَنْ أَنَسٍ قَالَ: مَا أَكَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى حِوَانٍ، وَلَا أَكَلَ خُبْزًا مُرَقَّمًا حَتَّى مَاتَ.

150 – Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хонтахта устида (таом) емаганлар. Вафотларига қадар юмшоқ нон емаганлар<sup>298</sup>”.

**Шарҳ.** Бу Набий алайҳиссалом дунёнинг ўткинчи неъматларидан кўра охиратнинг адабий роҳат-фароғатини устун билганларига ишорадир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкин, юқоридагига ўхшаш ҳадислар камбағаллик фазилатига далолат қилмайди, балки сабрга, қаноатга, дунё лаззатларига ружуь қўймасликка чақиради.

## 26-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ НОНХУРУШЛАРИ СИФАТИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 34 та ҳадис бор: 151-184)

**Шарҳ.** Нонхуруш – нонга қўшиб ейиладиган нарсалар. Бу бобда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тановул қилган турли таомлар, гўштлар, мева-сабзавотлар, зираворлар ҳақида баён қилинади.

۱۵۱ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ سَهْلٍ بْنُ عَسْكَرٍ وَعَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ قَالَا: حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ حَسَّانَ، حَدَّثَنَا سُلَيْمَانُ بْنُ بِلَالٍ، عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَائِشَةَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: نِعْمَ الْإِدَامُ الْخَلُّ. قَالَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ فِي حَدِيثِهِ: نِعْمَ الْأُدْمُ أَوْ الْإِدَامُ الْخَلُّ.

151 – Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сирка нақадар яхши нонхуруш”, деганлар<sup>299</sup>.

<sup>297</sup> 149 – санади саҳих.

Бу ҳадисни Бухорий (5416, 6454) ва Муслим (2970) “Саҳихайн”да, Термизий (2357) ва Ибн Можа (3344) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (6/42) ривоят қилган.

<sup>298</sup> 150 – санади саҳих.

Бу ҳадисни Бухорий “Саҳих”да (6450), Термизий (2363) ва Ибн Можа (3293) “Сунан”да, Бағавий “Шарҳус сунна”да (2844), Ибн Адий “Комил”да (3/1233) ривоят қилган.

**Шарҳ.** Сирка нимадан олинишига қараб турлича бўлади. Нонхурушлар ичида сиркадан ҳам афзаллари бор. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадисни ўша вақтда мавжуд нарсга эътиборидан айтганлар.

Юқоридаги ҳадис айтилишига мана бу воқеа сабаб бўлган. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Бир куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўлимдан тутиб, уйларига олиб кирдилар. Кейин бир бўлак нон олиб чиқиб, “Бирон нонхуруш борми?” деб сўрадилар. (Оила аъзолари): “Йўқ, фақат озроқ сирка бор”, дейишди. Шунда у зот: “Албатта, сирка энг яхши нонхурушдир”, дедилар”. Жобир айтади: “Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан (бу гапни) эшитганимдан бери сиркани яхши кўраман”. Талҳа шундай деган: “Мен Жобирдан (бу ҳадисни) эшитганимдан бери сиркани яхши кўраман<sup>300</sup>”.

Демак, 151-ҳадис “Сирка энг афзал нонхуруш. Ундан яхшиси йўқ” деган маънони билдирмайди. Балки бу ҳадис ўша вақтда мавжуд нарсани ҳисобга олиб айтилган. Аниқроғи, сиркадан бўлак нонхуруш йўқлигини айтган хонадон аъзолари кўнглини ранжитмаслик, уларни хурсанд қилиш учун “Сирка энг яхши нонхурушдир”, дейилган. Агар сўралган вақтда гўшт, асал ёки сут бўлганида ўша нарсалар мақталишга сиркадан кўра муносиброқ бўларди<sup>301</sup>.

۱۵۲ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا أَبُو الْأَحْوَصِ، عَنْ سِمَاكِ بْنِ حَرْبٍ قَالَ: سَمِعْتُ التَّعْمَانَ بْنَ بَشِيرٍ يَقُولُ: أَلَسْتُمْ فِي طَعَامٍ وَشَرَابٍ مَا شِئْتُمْ؟ لَقَدْ رَأَيْتُ نَبِيَّكُمْ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَمَا يَجِدُ مِنَ الدَّقْلِ مَا يَمْلَأُ بَطْنَهُ.

152 – Симок ибн Ҳарбдан ривоят қилинишича, у Нўъмон ибн Башир розияллоҳу анҳу шундай деганини эшитган экан: “Сизлар ўзларингиз истаган таом ва ичимлик ичида эмасмисиз? Шубҳасиз, мен Пайгамбарингиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни (шундай ҳолатда) кўрганман, қоринларини тўлдириш учун сифатсиз хурмо ҳам топа олмасдилар<sup>302</sup>”.

**Шарҳ.** Нўъмон ибн Башир розияллоҳу анҳу саҳоба ва тобеинларга: “Кўнгиллариингиз тусаган турфа овқатларни еб, анвойи ичимликлар ичмаяпсизми? Бу неъматлар сизларга насиб қилди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай кунларни бошларидан ўтказганлар, ҳатто қорин тўйғазишга энг сифатсиз, қуруқ хурмо ҳам топа олмасдилар”, деб Аллоҳнинг неъматини эслатган, уларни шукрга, неъматларни қадрлашга, айни вақтда таомни камроқ ейишга чақирган.

۱۵۳ – حَدَّثَنَا عَبْدُهُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ الْخُرَاعِيُّ، حَدَّثَنَا مُعَاوِيَةُ بْنُ هِشَامٍ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنْ مُحَارِبِ بْنِ دِثَارٍ، عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: نِعْمَ الْإِدَامُ الْخَلُّ.

153 – Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Энг яхши нонхуруш сиркадир<sup>303</sup>”.

**Шарҳ.** Мазкур ҳадис шарҳи билан юқорида танишдик. Бу жуда машҳур ҳадис. Ҳатто мутавотир даражасига етай деб қолган<sup>304</sup>.

<sup>299</sup> 151 – санади саҳих.

Бу ҳадисни Муслим “Саҳих”да (2051), Термизий (1840) ва Ибн Можа (3316) “Сунан”да, Хатиб Бағдодий “Тарихи бағдод”да (10/30) ривоят қилган.

<sup>300</sup> Қаранг: Муслим. Саҳих. – Ж.3. – Б.1622. – Ҳ.2052.

<sup>301</sup> Қаранг: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуния. – Б.262.

<sup>302</sup> 152 – санади ҳасан.

Бу ҳадисни Муслим “Саҳих”да (2977), Термизий “Сунан”да (2372), Аҳмад “Муснад”да (4/268), Ибн Ҳиббон “Саҳих”да (6340), Ибн Абу Шайба “Мусаннаф”да (13/224), Ҳаннод ибн Сарий “Зухд”да (727) ривоят қилган.

<sup>303</sup> 153 – санади саҳих.

Бу ҳадисни Абу Довуд (3820), Термизий (1839) ва Ибн Можа (3317) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (3/371), Ибн Абу Шайба “Мусаннаф”да (8/337) ривоят қилган.

<sup>304</sup> Манба: Божурий. Ал-Мавоҳиб. – Б.264.

١٥٤ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ، حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنْ أَيُّوبَ، عَنْ أَبِي قِلَابَةَ، عَنْ زُهْدِمِ الْجَزْمِيِّ قَالَ: كُنَّا عِنْدَ أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ، فَأُتِيَ بِلَحْمٍ دَجَاجٍ فَتَنَحَّى رَجُلٌ مِنَ الْقَوْمِ فَقَالَ: مَا لَكَ؟ فَقَالَ: إِنِّي رَأَيْتُهَا تَأْكُلُ شَيْئًا، فَحَلَفْتُ أَنْ لَا أَكُلَهَا، قَالَ: ادْنُ، فَإِنِّي رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْكُلُ لَحْمَ الدَّجَاجِ.

154 – Заҳдам Жармийдан ривоят қилинади: “Биз Абу Мусо Ашъарий олдида эдик. (Хузурига) жўжа гўшти олиб келинди. Шунда қавмдан бир киши ўзини четга олди. Шунда Абу Мусо: “Сенга нима бўлди?” деб сўради. У: “(Жўжа) бир нарсалар еяётганини кўрганман. Шунинг учун уни емасликка қасам ичганман”, деди. Шунда Абу Мусо: “Яқинроқ кел. Зеро, мен Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам жўжа гўшти еяётганларини кўрганман”, деди<sup>305</sup>”.

**Шарҳ.** Бир гуруҳ мусулмонлар Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анху олдида ўтиришганди. Уларга товуқ гўшти солинган таом тортилди. Шунда бир киши ўрнидан туриб, четроқ кетди. Абу Мусо бунинг сабабини билиш учун: “Сенга нима бўлди?” деб сўради. У: “Жўжа бир нималар еб юрганини кўргандим. Шунинг учун унинг гўштини емасликка қасам ичганман”, деб жавоб берди. Буни эшитган Абу Мусо: “Бери кел. Гўшгдан ол. Зеро, мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам жўжа гўшти еганларини кўрганман”, деди. Яъни, агар ҳаром бўлганида у зот емасдилар.

Ҳалиги киши меҳмонлар иштаҳасини бўғмаслик, кўнгилларини беҳузур қилмаслик учун жўжа айнан нималар еб юрганини айтмади, балки “бир нималар” дейиш билан чекланди. Шунинг учун бирон нарсани ейишни истамаган одам кўнгли тортмаётганини айтиб қўйса, етарли. Таомни айблаши, қандай камчиликлари борлигини санаши шарт эмас. Акс ҳолда ёнидагилар иштаҳаси бўғилади.

Демак, саҳобалар Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам еган нарсаларни ейишни хуш кўришган. Шуни ҳам айтиб ўтиш керак: жўжа гўшти ҳалол. Пайғамбаримиз алайҳиссалом еган нарсаларни хоҳламаслик маъкул эмас. Зеро, у зот энг покиза, ҳалол нарсалардан истеъмол қилганлар. Ҳаромдан энг кўп тийилувчи, Аллоҳ қайтарган нарсалардан энг кўп такво қилувчи зот эдилар.

Бироқ, жўжа нопок нарсаларни еб юрган бўлса, унинг гўштига таъсир қилади. Нажосат ейдиган, гўнг титадиган жониворлар “жаллола”, дейилади.

Ибн Умар розияллоҳу анхудан ривоят қилинишича, Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам жаллола гўшти ва сутини истеъмол қилишдан қайтарганлар<sup>306</sup>.

Бунда у мол, от, туя, қўй каби ҳайвонлар ёки жўжа, ўрдак, бедана каби парранда бўлишининг фарқи йўқ. Агар товуқ ёки жўжалар нопок нарсаларни еб юрган бўлса, уч кун нажосатдан холи жойда сақланиб, фақат покиза егулик билан боқилади. Гўшти уч кун ичида покланганидан кейин шариатга мувофиқ сўйиб, еса бўлади.

١٥٥ – حَدَّثَنَا الْفَضْلُ بْنُ سَهْلٍ الْأَعْرَجِيُّ، حَدَّثَنَا إِبْرَاهِيمُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ مَهْدِيٍّ، عَنْ إِبْرَاهِيمَ بْنِ عُمَرَ بْنِ سَفِينَةَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ قَالَ: أَكَلْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَحْمَ حُبَارَى.

155 – Иброҳим ибн Умар ибн Сафина отасидан, отаси бобосидан ривоят қилади: “Мен Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан тувдоғ гўшти еганман<sup>307</sup>”.

**Шарҳ.** “Тувдоғ” тувалоқ ёки тўхтатувалоқ ҳам дейилади. У турна туркумига кирувчи катта қанотли, кулранг, бўйни ва тумшуғи узун, тез учадиган қушдир. Тувдоғ панжали (тирнокли) қушлар сирасига кирмайди. Аслида тувдоғ гўштини ейиш мубоҳ. Чунки, шариатда унинг ҳаромлигига далолат қилувчи бирон кўрсатма келмаган.

<sup>305</sup> 154 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни мусанниф “Жомеъ”да (1827) худди шу санад билан ривоят қилган, лекин матнини мухтасар келтирган.

<sup>306</sup> Қаранг: Абу Довуд. Сунаан. – Ж.3. – Б.351. – Ҳ.3785.; Термизий. Сунаан. – Ж.3. – Б.334. – Ҳ.1824.; Ҳоким. Мустадрок. – Ж.2. – Б.40. – Ҳ.2248. Ҳадис санади саҳиҳ лиғайрих.

<sup>307</sup> 155 – санади заиф. Чунки, Иброҳим ибн Умар ибн Сафина заиф. Қолаверса, Умар ибн Сафинанинг холи мажҳул.

Бу ҳадисни Абу Довуд (3797) ва Термизий (1828) “Сунаан”да, Уқайлий “Зуафо”да (3/168), Ибн Адий “Комил”да (2/497) ривоят қилган.

۱۵۶ – حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ، عَنْ أَيُّوبَ، عَنِ الْقَاسِمِ التَّمِيمِيِّ، عَنْ زُهْدَمِ الْجَزْمِيِّ قَالَ: كُنَّا عِنْدَ أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ، قَالَ: فَقَدَّمْ طَعَامَهُ وَقَدَّمْ فِي طَعَامِهِ لَحْمَ دَجَاجٍ، وَفِي الْقَوْمِ رَجُلٌ مِنْ بَنِي تَيْمِ اللَّهِ أَحْمَرٌ، كَأَنَّهُ مَوْلَى، قَالَ: فَلَمْ يَدُنْ، فَقَالَ لَهُ أَبُو مُوسَى: ادْنُ، فَإِنِّي قَدْ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَكَلَ مِنْهُ، فَقَالَ: إِنِّي رَأَيْتُهُ يَأْكُلُ شَيْئًا فَقَدَرْتُهُ فَحَلَفْتُ أَنْ لَا أَطْعَمَهُ أَبَدًا.

156 – Заҳдам Жармийдан ривоят қилинади: “Биз Абу Мусо Ашъарийникида эдик. Шунда унинг таоми келтирилди. Таоми орасида жўжа гўшти тортилди. Қавм ичида Бани Таймуллоҳдан (келган) қизил рангли, худди қулга ўхшаган бир киши ҳам бор эди. У (таомга) яқинлашмади. Шунда Абу Мусо унга: “Яқинроқ кел. Албатта, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан еганларини кўрганман”, деди. Ҳалиги киши: “Мен унинг бир нималар еб юрганини кўриб, жирканганман. Шунинг учун зинҳор (жўжа гўшти) емасликка қасам ичганман”, деди<sup>308</sup>”.

**Шарҳ.** Мазкур ривоятни юқорида кўриб ўтдик. Бу ерда айрим фарқлар бор. Жумладан, бу ҳадис бошқа йўл билан нақл қилинган. Яъни, санаддаги ровийлар аввалгисидан фарқ қилади. Қолаверса, жўжа гўшти олиб келинганида ўрнидан туриб кетган киши Бани Таймуллоҳ қабиласига мансуб, қизғиш рангли, қулга ўхшаш киши экани қўшимча қилинган.

۱۵۷ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَيْنَانَ، حَدَّثَنَا أَبُو أَحْمَدَ الزُّبَيْرِيُّ وَأَبُو نُعَيْمٍ قَالَا: حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَيْسَى، عَنْ رَجُلٍ مِنْ أَهْلِ الشَّامِ يُقَالُ: لَهُ عَطَاءٌ، عَنْ أَبِي أُسَيْدٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: كُلُوا الزَّيْتِ وَادَّهِنُوا بِهِ، فَإِنَّهُ مِنْ شَجَرَةٍ مُبَارَكَةٍ.

157 – Абу Асиддан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Зайтун (мевасидан, ёғидан) истеъмол қилинганлар, уни (баданларингизга) суртинганлар. Чунки, у муборак дарахтдандир”, деб марҳамат қилганлар<sup>309</sup>.

**Шарҳ.** Яъни, зайтунни нон билан енглар, ёғини вақти-вақти билан сочингизга, танангизга суртинганлар. Чунки, у муборак дарахтдан чиқади.

Зайтун ҳақиқатан муборак дарахтдир. Унинг фойдалари бисёр. Зайтун фазилати нақадар кўплигини Қуръони каримда зикр қилингани ҳам тасдиқлайди. Аллоҳ таоло: “**Анжирга қасам, зайтунга қасам**”, деган (“Тин” сураси, 1-оят). Яна бошқа ўринда: “**У (чироқ) на шарқий, на ғарбий бўлмаган** (балки, заминнинг қоқ марказидаги) **муборак зайтун дарахти** (мойидан) **ёқилади**”, дейилган (“Нур” сураси, 35-оят).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам зайтун ёғини макташлари уни яхши кўрганларини, ўзлари кўп истеъмол қилиб, таналарига суртганларини билдиради.

Зайтун ёғини кўп эмас, аҳён-аҳёнда суртиб турилса, кифоя қилади. Ибн Қаййимга кўра, зайтун ёғи Ҳижоз каби иссиқ ўлкалар аҳолиси саломатлигини сақлашда қўл келади. Аммо совуқ ўлкадагилар учун зарарлидир. Бундай жойларда яшайдиган одамлар зайтун ёғини бошларига меъеридан кўп суртишса, кўзларига зиён етиши мумкин.

۱۵۸ – حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُوسَى، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، أَنبَأَنَا مَعْمَرٌ، عَنْ زَيْدِ بْنِ أَسْلَمَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: كُلُوا الزَّيْتِ وَادَّهِنُوا بِهِ، فَإِنَّهُ مِنْ شَجَرَةٍ مُبَارَكَةٍ.

<sup>308</sup> 156 – санади ҳасан. У саҳиҳ ҳадисдир.

Бу ҳадисни Бухорий (5517) ва Муслим (1649) “Саҳиҳайн”да, Насоий (7/9) ва Доримий (2061) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (4/394) ривоят қилган.

<sup>309</sup> 157 – санади заиф, балки ҳасан лиғайрихдир.

Бу ҳадисни Термизий (1852) ва Доримий (2058) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (3/497), Бухорий “Тарих”да (9/6), Ҳоким “Мустадрок”да (2/397) ривоят қилган.

قَالَ أَبُو عِيسَى: وَعَبْدُ الرَّزَّاقِ كَانَ يَضْطَرُّ فِي هَذَا الْحَدِيثِ، فَرَمَّا أَسْنَدَهُ، وَرَمَّا أَرْسَلَهُ.

158 – Умар ибн Хаттоб розияллоху анху Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Зайтун енглар, уни (танангизга) суртинглар. Зеро, у муборак дарахтдандир<sup>310</sup>”.

Абу Исо айтади: “Абдураззоқ бу ҳадисда музтариб<sup>311</sup> бўлган. Эҳтимол (Умар ибн Хаттоб розияллоху анхуни зикр қилиш билан) муснад қилган, балки (уни тушириб қолдириш билан) мурсал қилган”.

**Шарҳ.** Қуйида зайтун ёғининг шифобахш хусусиятларини санаб ўтамоғимиз:

– Зайтун ёғи таркибида тўйинмаган ёғ кислоталари – олеин кислотаси бор. У инсон организмидаги холестеринни парчалайди, қон томирлари деворини мустаҳкамлайди;

– кишининг умумий соғлиғини тиклайди, турли касалликларга шифо бўлади.

– зайтундаги линол кислотаси танадаги жароҳатлар тез битишига, кўз равшанлигига ёрдам беради;

– юрак касалликлари (фалаж, хуруж) олдини олади, уларни самарали даволайди;

– юракнинг ёш сақланишига сабаб бўлади, кексалар юрак фаолиятини яхшилайди;

– артерия қон томирларини эгиловчан (эластик) қилади;

– систолик, диастолик қон босимини пасайтиради;

– қондаги холестерин миқдорини камайтиради, уни меъёрида ушлаб туради;

– овқат ҳазм қилиш аъзоларига ижобий таъсир кўрсатади;

– ошқозон, ичаклар, ошқозон ости бези, жигар фаолиятини яхшилайди;

– ошқозон, ўн икки бармоқли ичакдаги яраларни тuzатади;

– организм ёшаришига ёрдам беради;

– зайтун ёғини ҳар куни истеъмол қилиш юрак-томир тизимидаги стенокардия, инфаркт, саратон, хусусан аёллардаги кўкрак саратони, қандли диабет, семириш касалликлари хавфини камайтиради;

– зайтун ёғи инсоннинг ёш, навқирон кўринишига сабаб бўлади;

– зайтун ёғи таркибидаги моддалар қондаги захарли холестерин, триглицерид миқдори ошиб кетишига йўл қўймайди;

– суякни мустаҳкамлайди;

– юқори артериал қон босимини меъёрлаштиради;

– бавосир (геморрой) касаллигини даволайди;

– руҳий касалликлар олдини олади. Жумладан, тушқунликни бартараф этади. Чунки зайтун ёғи инсонни руҳан кучли, бақувват қилади;

– мия фаолиятини ривожлантиради, хотирани кучайтиради. Шунингдек, зайтун ёғи мия фаолияти билан боғлиқ муаммоларни бартараф этади;

– қариликни секинлаштиради, Яратганнинг изни билан кишига узок умр бағишлайди;

– зайтун ёғи терига суртилса, уни чиройли қилади;

– зайтун ёғи лабга, қовоқларга суркаб турилса, лабни чиройли қилади, кўзни қувватлантиради;

– соч, тирноқ ўсишига ижобий таъсир кўрсатади;

– сочларни мустаҳкам, эгиловчан қилади (Бунинг учун зайтун ёғини истеъмол қилиш билан бирга сочларга суртиш керак);

– терини тозалайди, унинг чиройини очади;

– ўта қуруқ терини мулойим қилади;

– зайтун ёғи овозни майин қилади;

– тиш ва милкни мустаҳкамлайди<sup>312</sup>.

<sup>310</sup> 158 – санади заиф (ҳасан, деганлар ҳам бор). Чунки, Абдураззоқ унда музтариб бўлган. У мазкур ҳадисни мавсул ва мурсал тарзда ривоят қилган.

Бу ҳадисни Термизий (1851) ва Ибн Можа (3319) “Сунан”да, Ҳоким “Мустадрок”да (4/122), Таҳовий “Шарҳу мушкилил осор”да (4450), Ибн Абу Ҳотим “Илал”да (1520) ривоят қилган.

<sup>311</sup> Музтариб бўлиш – ҳаяжонланиш; иккиланиш; чигал/ноаниқ бўлиш. Ҳадис илмида “изтироб” деб икки ёки ундан ортиқ ривоятнинг санад ва матн жиҳатидан бир-бирига хилоф келишига айтилади. Ҳолат шу даражага етадики, уларнинг орасини жамлаш имкони бўлмайди. Мусанниф – имом Термизий раҳматуллоҳи алайҳ бу ўринда Абдураззоқнинг изтироби деганда унинг ривоятни бир ўринда муснад, бошқа ўринда мурсал тарзда нақл қилганини назарда тутган. Валлоҳу аълам.

<sup>312</sup> Манба: Зиёвуддин Раҳим. Бахтли ҳаёт сари. –Тошкент.:Шарқ, 2016. – Б.254-255.



١٥٩ — حَدَّثَنَا السَّنَجِيُّ، وَهُوَ أَبُو دَاوُدَ سُلَيْمَانُ بْنُ مَعْبُدِ الْمَرْوَزِيُّ السَّنَجِيُّ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الرَّزَّاقِ، عَنْ مَعْمَرٍ، عَنْ زَيْدِ بْنِ أَسْلَمَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَحْوَهُ، وَلَمْ يَذْكُرْ فِيهِ: عَنْ عُمَرَ.

159 – Бизга Синжий (у Абу Довуд Сулаймон ибн Маъбад Марвазий Синжийдир) ҳадис айтди, бизга Абдураззоқ Маъмардан, у Зайд ибн Асламдан, у отасидан, отаси эса Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шунга яқин (лафз ва маънодаги ҳадис) ривоят қилган, унда “Умардан” деган лафзни зикр қилмаган<sup>313</sup>.

**Шарҳ.** Аввалги ҳадис санадида имом Термизийдан то Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламгача қайси ровийлар борлиги ўрганилса, бу ерда нима дейилмоқчилиги ойдинлашади.

١٦٠ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ وَعَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ مَهْدِيٍّ قَالَا: حَدَّثَنَا شُعْبَةُ، عَنْ قَتَادَةَ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُعْجِبُهُ الدُّبَاءُ، فَأُتِيَ بِطَعَامٍ أَوْ دُعِي لَهُ، فَجَعَلْتُ أَتَبَعُهُ فَأَضَعُهُ بَيْنَ يَدَيْهِ، لِمَا أَعْلَمُ أَنَّهُ يُحِبُّهُ.

160 – Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қовоқни хуш кўрардилар. (Бир куни) у зот ҳузурларига таом келтирилди ёки унга таклиф этилдилар. Шунда мен (лаганнинг турли жойларидан қовоқ) териб, уларни Расулulloҳ олдиларига қўя бошлади. Чунки у зот қовоқни яхши кўришларини билардим<sup>314</sup>”.

**Шарҳ.** Қовоқ нон билан ейилгани учун мазкур ривоят бу ерда келтирилмоқда. Унда айтилишича, Пайғамбаримиз алайҳиссалом қовоқни яхши кўрардилар. Шунинг учун ҳам Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу лагандаги қовоқларни териб-териб, Расулulloҳ олдиларига қўйган. Бу ишда у зотга нисбатан чексиз ҳурмат, муҳаббат ҳиси сезилиб турибди.

Шу ерда: “Лагандаги ўзи ёқтирган нарсаларни териб олиб ейиш тўғрими? Бу иш бошқаларнинг ғашига тегмайдами?” деган савол туғилиши табиий. Бунга қуйироқда жавоб берилади.

١٦١ — حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ، حَدَّثَنَا حَفْصُ بْنُ غِيَاثٍ، عَنْ إِسْمَاعِيلَ بْنِ أَبِي خَالِدٍ، عَنْ حَكِيمِ بْنِ جَابِرٍ، عَنْ أَبِيهِ قَالَ: دَخَلْتُ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَرَأَيْتُ عِنْدَهُ دُبَاءً يُقَطَّعُ، فَقُلْتُ: مَا هَذَا؟ قَالَ: نُكْتَرُ بِهِ طَعَامَنَا. قَالَ أَبُو عَيْسَى: وَجَابِرٌ هَذَا: هُوَ جَابِرُ بْنُ طَارِقٍ، وَيُقَالُ: ابْنُ أَبِي طَارِقٍ، وَهُوَ رَجُلٌ مِنْ أَصْحَابِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَلَا نَعْرِفُ لَهُ إِلَّا هَذَا الْحَدِيثَ الْوَاحِدَ، وَأَبُو خَالِدٍ اسْمُهُ سَعْدٌ.

161 – Ҳаким ибн Жобир отасидан ривоят қилади: “(Бир сафар) Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига кириб, бўлакланаётган қовоқни кўрдим. Шунда: “Бу нима?” деб сўрадим. У зот: “Бу билан таомимизни кўпайтирамиз”, деб жавоб бердилар<sup>315</sup>”.

Абу Исо айтади: “Бу (ҳадисни ривоят қилган) Жобир: Жобир ибн Торикдир. Айтилишича, Ибн Абу Торик. У Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларидандир. Биз унинг мана шундан бошқа ҳадис ривоят қилганини билмаймиз. Абу Холиднинг Исми: Саъд”.

**Шарҳ.** Демак, ўша вақтда таомни кўпайтириш, кўпчиликка етказиш учун қовоқ ва шу каби нарсалар овқатга солинган. Шароит шуни тақозо қилган.

<sup>313</sup> 159 – унинг таҳрижи ҳақида бундан аввал тўхталиб ўтилганди.

<sup>314</sup> 160 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Доримий “Сунан”да (2057), Аҳмад “Муснад”да (3/177), Насоий “Ас-Сунанул кубро”да (6664) ривоят қилган.

<sup>315</sup> 161 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Ибн Можа “Сунан”да (3304), Аҳмад “Муснад”да (4/352), Миззий “Таҳзибул камол”да (7/164) ривоят қилган.

۱۶۲ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ، عَنْ مَالِكِ بْنِ أَنَسٍ، عَنْ إِسْحَاقَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي طَلْحَةَ: أَنَّهُ سَمِعَ أَنَسَ بْنَ مَالِكٍ يَقُولُ: إِنَّ خَيَّاطًا دَعَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَطَعَامٍ صَنَعَهُ، قَالَ أَنَسٌ: فَذَهَبْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى ذَلِكَ الطَّعَامِ، فَقَرَّبَ إِلَيَّ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خُبْزًا مِنْ شَعِيرٍ، وَمَرَقًا فِيهِ دُبَّاءٌ وَقَدِيدٌ. قَالَ أَنَسٌ: فَرَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَّبَعُ الدُّبَّاءَ حَوَالِي الْقَصْعَةِ، فَلَمْ أَزَلْ أُحِبُّ الدُّبَّاءَ مِنْ يَوْمِئِذٍ.

162 – Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Бир тикувчи Расулulloх соллаллоху алайхи ва салламни ўзи тайёрлаган таомга чақирди. Мен ҳам Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам билан ўша таом(дан ейиш)га бордим. Ҳалиги киши Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам олдиларига арпа нон, қовоқ ва сур гўшт<sup>316</sup> солинган шўрва қўйди. Шунда мен Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам лаган атрофидаги қовоқларни териб еяётганларини кўрдим. Ўша кундан бери қовоқни яхши кўраман<sup>317</sup>”.

**Шарҳ.** Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам тикувчи чақирғига ижобат этишлари у зот нақадар камсуқум инсон бўлганларини кўрсатади.

Савол: Ривоятда лаган атрофидаги қовоқларни териб ейилгани айтилмоқда. Буни қандай тушуниш керак? Зеро, ўзгалар олдидаги гўшт ва шунга ўхшаш нарсаларни териб ейиш номаъқул иш эмасми?

Жавоб: Бу саволга икки хил жавоб берилган:

1. Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам лаганнинг ҳар тарафидаги эмас, ўз олдиларидаги қовоқларни териб еганлар. У зот Умар ибн Абу Салама розияллоху анхуга таом ейишдан олдин “Бисмиллаҳ” дейишни, ўз олдидан олиб ейишни тайинлаганлар<sup>318</sup>. Ўзлари айтган гапга ўзлари зид иш қилишлари мумкин эмас.

2. Ўша таомни Набий соллаллоху алайхи ва саллам ходимлари Анас ибн Молик розияллоху анху билан бирга еганлар. Таом фақат икковлари учун қўйилганди. Шу сабаб лаган атрофидаги қовоқларни териб еганлар.

Масаланинг эътиборга молик жиҳати шундаки, мухлис банда ўз нафсини бошқара олади. Анас ибн Молик розияллоху анху мисолида кўрадиган бўлсак, у киши Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам яхши кўрганлари учун қовоқни яхши кўрган экан. Бирон инсон қовоқни хуш кўрмаслиги мумкин. Аммо, Пайғамбаримиз алайҳиссаломга муҳаббатли ҳар бир банда у зот нимани яхши кўрган бўлсалар, ўшани яхши кўради. Гарчи нафси уни ёқтирмаса ҳам, ўзини шунга кўниктиради. Шунингдек, Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам нимани ёмон кўрган бўлсалар, уям ўша нарсани ёмон кўради. Гарчи нафси Расулulloх ёмон кўрган нарсани истаса ҳам, ўзини шунга секин-аста ўргатади. Бу банда имони кучли ёки заифлигига боғлиқ. Қалбдаги имон бақувват, Расулulloхга муҳаббат кучли бўлса, нафсни яхшиликларга кўниктириш, ёмонликлардан тийиш осонроқ кечади.

۱۶۳ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ الدَّوْرَقِيُّ وَسَلَمَةُ بْنُ شَيْبٍ وَمَحْمُودُ بْنُ غِيْلَانَ، قَالُوا: حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ، عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُحِبُّ الحُلْوَاءَ وَالْعَسَلَ.

163 – Оиша розияллоху анходан ривоят қилинади: “Набий соллаллоху алайхи ва саллам ширинлик билан асални яхши кўрардилар<sup>319</sup>”.

<sup>316</sup> Дудлаб ёки осиб қўйиб қуритилган гўшт “сур гўшт” дейилади. Арабларда узоқроқ туриши учун гўштни узун-узун кесиб, тузлаб, қуёшда қуритиш одати бўлган. Ривоятда “қадид” деганда ана шундай гўшт назарда тутилган.

<sup>317</sup> 162 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Бухорий (2092, 5379, 5433, 5439) ва Муслим (2041) “Саҳихайн”да, Абу Довуд (3782), Термизий (1850) ва Доримий (2056) “Сунан”да ривоят қилган.

<sup>318</sup> Қаранг: Бухорий. Саҳиҳ. – Ж.7. – Б.68. – Ҳ.5376.; Муслим. Саҳиҳ. – Ж.3. – Б.1599. – Ҳ.2022.

<sup>319</sup> 163 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Бухорий (5431) ва Муслим (1473) “Саҳихайн”да, Абу Довуд (3715), Термизий (1831), Ибн Можа (3323) ва Доримий (2081) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (6/59) ривоят қилган.

**Шарҳ.** Бизда “ҳолва” деганда ширинлик турларидан бири тушунилади. Араблар “ҳолва” деганда ҳамма ширинлик турларини, жумладан, қанд-курс, қандолатчилик маҳсулотлари ва ҳоказоларни назарда тутишади. Лазиз таомлар ҳам ширинлик сирасига киради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ана шундай нарсаларни, жумладан, асални яхши кўрардилар. Асал ҳам нон билан ейилади. Шунинг учун мазкур ривоят бу бобда келтирилган.

۱۶۴ – حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ مُحَمَّدٍ الرَّعْفَرِيُّ، حَدَّثَنَا حَجَّاجُ بْنُ مُحَمَّدٍ قَالَ: قَالَ ابْنُ جُرَيْجٍ: أَخْبَرَنِي مُحَمَّدُ بْنُ يُوسُفَ: أَنَّ عَطَاءَ بْنَ يَسَارٍ أَخْبَرَهُ: أَنَّ أُمَّ سَلَمَةَ أَخْبَرَتْهُ: أَنَّهَا قَرَّتْ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَبًّا مَشْوِيًّا، فَأَكَلَ مِنْهُ، ثُمَّ قَامَ إِلَى الصَّلَاةِ، وَمَا تَوَضَّأَ.

164 – Умму Салама розияллоҳу анҳо хабар қилишича, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига қовурилган биқин қўйган. У зот (ўша таомдан) еганлар. Кейин намозга турганлар, таҳоратни янгиламаганлар<sup>320</sup>.

**Шарҳ.** Ривоятда айтилишича, Умму Салама онамиз Пайғамбаримиз алайҳиссаломга қўйнинг ён томонини олиб келганлар. У зот ўша гўшдан еганлар. Сўнг намозга турганлар, бироқ таҳоратни янгиламаганлар. Бундай дейилишига сабаб шуки, қовурилган гўшт (хусусан, туя гўшти) егандан кейин таҳорат кетадими-йўқми, деган масала бор. Бу ҳақида кўп ривоятлар келган.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ривоят қилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир қўйнинг қўлини едилар. Кейин (ўрниларидан) туриб намоз ўқидилар, лекин (қайта) таҳорат олмадилар (Бухорий, Муслим, Абу Довуд ривояти).

Бу ривоят оловда пишган овқат егандан кейин таҳорат олиш лозимлиги ҳақида келган ривоятларни насх қилади. Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оловда пишган таом еб, кейин таҳорат олмасдан намоз ўқиганларини кўрдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин Абу Бакр оловда пишган таом еб, таҳорат олмасдан намоз ўқиганини кўрдим. Абу Бакрдан кейин Умар оловда пишган таом еб, таҳорат олмасдан намоз ўқиганини кўрдим” (Ибн Ҳиббон ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Яна Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу ривоят қилади: “Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга нон билан гўшт тайёрладим. У зот таом еб бўлгандан кейин таҳорат суви олиб келишимни буюрдилар. Таҳорат олиб, пешин намозини ўқидилар. Шундан сўнг ортиб қолган таомни сўраб, ундан едилар. Кейин яна намозга турдилар, аммо таҳорат қилмадилар” (Абу Довуд, Аҳмад, Ибн Ҳиббон ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўйнинг қўлини еб, кейин мазмаза қилганлар, икки кафтларини ювиб намоз ўқиганлар (Ибн Можа ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Жобир розияллоҳу анҳу ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қилган икки ишдан охиргиси олов ўзгартирган нарсдан таҳорат олишни тарқ қилиш эди” (Абу Довуд, Насоий, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон, Табароний ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Ушбу ривоятлардан маълум бўлади, оловда пишган таом, хусусан гўшт ейиш билан таҳорат синмайди. Аммо гўшт еган одам намоз ўқишдан олдин икки кафти билан оғзини чайиши афзал<sup>321</sup>.

۱۶۵ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا ابْنُ هَيْعَةَ، عَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ زِيَادٍ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْحَارِثِ قَالَ: أَكَلْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شِوَاءً فِي الْمَسْجِدِ.

<sup>320</sup> 164 – санади саҳиҳ.

Бу хадисни мусанниф “Жомеъ”да (1829), Аҳмад “Муснад”да (6/307), Насоий “Ас-Сунанул кубро”да (4690), Табароний “Кабир”да (23/626), Абдураззоқ “Мусаннаф”да (638) ривоят қилган.

<sup>321</sup> Қаранг: Зиёвуддин Раҳим, Одилхон қори Юнусхон ўғли. Таҳорат китоби. –Тошкент.:Мовароуннаҳр, 2014. – Б.240-242.

165 – Абдуллоҳ ибн Ҳорис розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан масжидда қовурилган гўшт еганмиз<sup>322</sup>”.

**Шарҳ.** Бундан чиқди, масжидда овқатланса бўлади. Фақат битта шарт бор: масжиддагиларга халакит бермаслик, таом ва нон ушоқларини тўкиб, у ерни тартибсиз ҳолатга келтирмаслик лозим. Бу ҳадисни шарҳлаб, “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалар билан эътикофда ўтирган пайтда овқатланган бўлишлари мумкин”, деганлар ҳам бор.

۱۶۶ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ، حَدَّثَنَا مِسْعَرٌ، عَنْ أَبِي صَخْرَةَ جَامِعِ بْنِ شَدَّادٍ، عَنِ الْمُغِيرَةِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ، عَنِ الْمُغِيرَةِ بْنِ شُعْبَةَ قَالَ: ضِئْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَاتَ لَيْلَةٍ فَأُتِيَ بِجَنْبٍ مَشْوِيٍّ، ثُمَّ أَخَذَ الشَّفْرَةَ، فَجَعَلَ يَحْزُرُ، فَحَزَرَ لِي بِهَا مِنْهُ. قَالَ: فَجَاءَ بِلَالٌ يُؤَذِّنُهُ بِالصَّلَاةِ، فَأَلْفَى الشَّفْرَةَ، فَقَالَ: مَا لَهُ؟ تَرَبَّتْ يَدَاهُ! قَالَ: وَكَانَ شَارِبُهُ قَدْ وَفَى، فَقَالَ لَهُ: أَقْصُهُ لَكَ عَلَى سِوَاكِ أَوْ قُصَّهُ عَلَى سِوَاكِ.

166 – Муғийра ибн Шўъба розияллоҳу анҳу ривоят қилади: “Бир кеча Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан меҳмон бўлдим. Қовурилган биқин олиб келинди. Кейин у зот катта пичоқ олиб, кеса бошладилар. Менга ҳам гўштдан кесиб бердилар. Шунда намозга азон айтиш учун Билол келиб қолди. У зот пичоқни ташлаб, “Унга нима бўлди? Қўли тупроққа белансин!” дедилар. (Муғийранинг) мўйлаби ўсиб кетганди. (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга: “Мисвок қўйиб, (мўйлабингни) қисқартириб қўяман” ёки “Мисвок қўйиб, (мўйлабингни) қисқартириб ол”, дедилар<sup>323</sup>”.

**Шарҳ.** Тунларнинг бирида Муғийра ибн Шўъба розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан меҳмондорчиликда эди<sup>324</sup>. Шунда оловда пиширилган биқин гўшти олиб келинди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом катта пичоқни қўлларига олиб, ҳалиги гўштни кеса бошладилар. Лутф-карам кўрсатиб Муғийрага ҳам гўштдан кесиб бердилар. Улар овқатланиб ўтиришганида Билол розияллоҳу анҳу намоз вақти кирганини эълон қилиш учун келиб қолди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларидаги пичоқни ташлаб, “Унга нима бўлди? Қўли тупроққа белансин!” дедилар. Араблар бу ибора билан икки хил маънони кўзда тутишади:

1. Яхшилик кўрмасин, камбағаллашсин.

2. Барака топсин, бой бўлсин.

“(Аёлнинг) диндорини танла. Қўлинг қурисин” ҳадиси “Диндор аёлни ўзингга жуфт қилиб танла. Барака топкур!” деган маънони англатади.

Юқоридаги ривоятдаги “Қўли қурисин” ибораси маломат, койиш маъносидадир.

Савол: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Билол розияллоҳу анҳу азон айтганида нега “Унга нима бўлди?” деб сўраганлар?

Жавоб: Чунки, Билол шошилгани, таом еб бўлишларини кутмагани учун қилган ишидан ажабланганлар. Зеро, Пайғамбаримиз алайҳиссалом таом ҳозир бўлганида, нафс овқат ейишга ошиқиб турганида намоз ўқишни хушламасдилар.

Муғийра ибн Шўъба “мўйлаби ўсиб кетганди” деб ўзи ҳақида учинчи шахсда хабар бермоқда. Имом Аҳмад “Муснад”да келтирган ривоятда унинг тилидан: “Мўйлабим ўсиб кетганди” дейилган.

Мўйлабга мисвок қўйиб қисқартириш мўйлаб тагига мисвок қўйиб, мисвокдан ташқарига чиққанини қайчи билан кесишдир. Бу ҳадисда мўйлабга эътиборли бўлиш, уни парваришлаш фитратга хос суннат эканига урғу берилмоқда. Зеро, мусулмон кишининг ташқи кўриниши чиройли, одамлар гашига тегмайдиган бўлиши керак.

<sup>322</sup> 165 – санади заиф. Чунки Ибн Лаҳийъа тафарруда (ёлғиз ўзи бўлганида) заифдир.

Бу ҳадисни Ибн Можа “Сунан”да (3311), Аҳмад “Муснад”да (4/190), Миззий “Таҳзибул камол”да (11/429) ривоят қилган.

<sup>323</sup> 166 – санади ҳасан.

Бу ҳадисни Абу Довуд “Сунан”да (188), Аҳмад “Муснад”да (4/252, 255) ривоят қилган.

<sup>324</sup> Қози Исмоилга кўра, бу зиёфат Зубоат бинти Зубайр розияллоҳу анҳо уйида бўлган (Манба: Божурий. Ал-Мавоҳиб. – Б.277.).

١٦٧ – حَدَّثَنَا وَاصِلُ بْنُ عَبْدِ الْأَعْلَى، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْفَضِيلِ، عَنْ أَبِي حَيَّانَ التَّمِيمِيِّ، عَنْ أَبِي زُرْعَةَ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: أُنِّي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِلَحْمٍ، فَرَفَعَ إِلَيْهِ الذَّرَاعُ وَكَانَتْ تُعْجِبُهُ فَهَسَ مِنْهَا.

167 – *Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилади: “Набий соллаллоху алайҳи ва салламга (қўй) гўшти келтирилиб, қўли у зотга узатилди. – (Чунки, Расулуллохга) ўша жойи ёқарди – . Шунда у зот гўштан тишлаб едилар<sup>325</sup>”.*

**Шарҳ.** Бир куни Набий соллаллоху алайҳи ва саллам учун қўй гўшти келтирилиб, қўли у зотга узатилди. Сабаби у зот қўл гўштини хуш кўрардилар. Қўй қўли узатилганида Пайғамбаримиз алайҳиссалом уни олд тишлари билан тишлаб еганлар. Айтилишича, гўштни шу тарзда ейиш тишлар соғлом ва бақувват бўлиши учун муҳим экан.

“Гўштан тишлаб едилар” деган гапдан у зот гўштининг ҳаммасини эмас, бир қисмини еганлари англашилади.

Савол: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам нега айнан қўйнинг қўлини яхши кўрганлар?

Жавоб: Чунки, у қўйнинг олд қисмида жойлашган, таъми ширин, юмшоқ пишади, фойдаси кўпроқ бўлади.

١٦٨ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ، عَنْ زُهَيْرٍ – يَعْنِي: ابْنَ مُحَمَّدٍ –، عَنْ أَبِي إِسْحَاقَ، عَنْ سَعْدِ بْنِ عِيَاضٍ، عَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُعْجِبُهُ الذَّرَاعُ. قَالَ: وَسُمِّيَ فِي الذَّرَاعِ، وَكَانَ يُرَى أَنَّ الْيَهُودَ سُمُّوهُ.

168 – *Ибн Масъуд розияллоху анхундан ривоят қилинади: “Набий соллаллоху алайҳи ва салламга қўл гўшти ёқарди. Қўл гўшти орқали заҳарланганлар. У зотни яҳудийлар заҳарлаган, деб ҳисобланарди<sup>326</sup>”.*

**Шарҳ.** Юқорида айтилганидек, Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам қўйнинг қўлини яхши кўрардилар. У зот айнан қўл гўшти орқали заҳарланганлар. Бу Хайбарда юз берган. Пайғамбаримиз алайҳиссалом қўл гўштини хуш кўришлари душманларга ҳам маълум эди.

Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анху Расулуллох соллаллоху алайҳи ва салламни яҳудийлар заҳарлаган, деб ўйларди. Маълумотларга кўра, яҳудийлар “Зайнаб бинти Ҳорис” исмли аёлни Расулуллох учун таом тайёрлаб, унга заҳар қўшишга кўндиришган. Ўша аёл у зот нимани яхши кўришларини сўраган. Қўл гўштини хуш кўришлари айтилган. Зайнаб бинти Ҳорис бутун қўйни пишириб, ҳамма жойини заҳарлаб, қўл қисмига кўпроқ заҳар қўшган. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам ҳалиги аёл келтирган қўлни еяётганларида Аллохнинг қудрати билан қўл гўшти ўзининг заҳарлагани ҳақида хабар берган<sup>327</sup>. Шунда Пайғамбаримиз алайҳиссалом оғизларидаги нарсани туфлаб ташлаганлар. Кейин Зайнаб бинти Ҳорис Набий соллаллоху алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб, мусулмон бўлган. Ундан бу иши ҳақида сўралганида: “Агар подшоҳ бўлсанг, сендан қутулардик. Агар пайғамбар бўлсанг, Аллох сени Ўзи сақларди”, деб жавоб берган.

Зайнаб келтирган гўштан Бишр ибн Баро ибн Маърур Ансорий розияллоху анху ҳам еган. Натижада ҳалок бўлган. Унинг валийлари Бишрнинг хунини талаб қилишган. Шунинг учун Зайнаб бинти Ҳорисдан қасос олинган<sup>328</sup>.

<sup>325</sup> 167 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Бухорий (3340) ва Муслим (194) “Саҳиҳайн”да, Термизий (1837) ва Ибн Можа (3307) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (2/331) ривоят қилган.

<sup>326</sup> 168 – санади заиф. Саҳиҳ лиғайрих, деганлар ҳам бор.

Бу ҳадисни Абу Довуд “Сунан”да (3780), Аҳмад “Муснад”да (1/394), Байхакий “Шуабул имон”да (5897) ривоят қилган.

<sup>327</sup> Аввалига қўл гўшти, кейин Жаброил алайҳиссалом уни тасдиқлаб, гўшт заҳарлангани хабарини берган (Манба: Божурий. Ал-Мавоҳиб. – Б.281.).

<sup>328</sup> Қаранг: Абу Довуд. Сунан. – Ж.4. – Б.174. – Ҳ.4511. Ривоят санади саҳиҳ лиғайрих.

Оиша розияллоху анҳо онамиздан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам вафот этишларидан олдинги бетобликларидан: “Эй Оиша, Хайбарда еганим таом оғриғини ҳалиям сезяпман. Ўша заҳар сабабли катта (аорта) томирим узилиш вақти келганини ҳис қилияпман”, деб айтганлар<sup>329</sup>.

Катта-шоҳ томири юракка уланган асосий томирдир. Агар узилса, инсон вафот этади. Аллоҳ таоло Хайбар жангида Ўз Расулини заҳарланиб вафот этишдан ҳимоя қилган, бироқ ўша бир лукма тишлаганлари – гарчи туфлаб ташлаган бўлсалар ҳам – дунёни тарк этгунларигача у зотга таъсир кўрсатиб келган.

١٦٩ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا مُسْلِمُ بْنُ إِبرَاهِيمَ، حَدَّثَنَا أَبَانُ بْنُ يَزِيدَ، عَنِ قَتَادَةَ، عَنْ شَهْرِ بْنِ حَوْشَبٍ، عَنْ أَبِي عُبَيْدَةَ قَالَ: طَبَّحْتُ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَدْرًا، وَقَدْ كَانَ يُعْجِبُهُ الذَّرَاعُ، فَنَآوَلْتُهُ الذَّرَاعَ، ثُمَّ قَالَ: نَآوَلْنِي الذَّرَاعَ، فَنَآوَلْتُهُ ثُمَّ قَالَ: نَآوَلْنِي الذَّرَاعَ، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللهِ، وَكَمْ لِلشَّاةِ مِنْ ذِرَاعٍ؟! فَقَالَ: وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَوْ سَكَتَ، لَنَآوَلْتَنِي الذَّرَاعَ مَا دَعَوْتُ.

169 – *Абу Убайдадан ривоят қилинади:* “Набий соллаллоху алайҳи ва саллам учун қозонда (таом) пиширдим. – У зотга қўл гўшти ёқарди – . Шунинг учун қўлни узатдим. Кейин у зот: “Менга қўлни узат!” дедилар. Мен (қўйнинг иккинчи) қўлини ҳам узатдим. Сўнг у зот: “Менга қўлни узат!” дедилар. Шунда мен: “Эй Расулуллоҳ, битта қўйда нечта қўл бўлади?!” деб сўрадим. У зот: “Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, агар жим турганинда ҳар сафар сўраганимда менга қўлни узатаверардинг”, дедилар<sup>330</sup>.”

**Шарҳ.** Абу Убайда розияллоху анҳу идишдаги иккита қўлни узатганидан кейин Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам яна: “Қўлни узат”, дейишларидан хайрон бўлди. Чунки, қўйда иккита қўл бўлади. Шунинг учун: “Қўйнинг нечта қўли бўлади?” деб ажабланиб сўради. Шунда унга: “Агар савол бермасдан, индамай қозонга қўл узатганимда қанча сўрасам, шунча қўл олиб бераверардинг”, деб айтилди. Яъни, битта қўй пиширилган бўлса ҳам Аллоҳнинг қудрати билан учта, тўртта, балки ундан ҳам кўп қўл чиқиб келаверарди. Бу ҳам набавий мўъжизалардандир.

١٧٠ – حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ مُحَمَّدٍ الرَّعْفَرِيُّ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ عَبَّادٍ، عَنْ فُلَيْحِ بْنِ سُلَيْمَانَ قَالَ: حَدَّثَنِي رَجُلٌ مِنْ بَنِي عَبَّادٍ يُقَالُ لَهُ: عَبْدُ الْوَهَّابِ بْنُ يَحْيَى بْنُ عَبَّادٍ، عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ الزُّبَيْرِ، عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ: مَا كَانَتْ الذَّرَاعُ أَحَبَّ اللَّحْمِ إِلَى رَسُولِ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَلَكِنَّهُ كَانَ لَا يَجِدُ اللَّحْمَ إِلَّا غَبِيًّا، وَكَانَ يَعْجَلُ إِلَيْهَا لِأَنَّهَا أَعْجَلُهَا نُضْجًا.

170 – *Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:* “Қўл гўшти Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам учун энг сеvimли гўшт эмасди. Лекин у зот гоҳ-гоҳида гўшт топардилар. (Расулуллоҳ) қўл гўштига шошилардилар. Чунки у (қўйнинг бошқа аъзоларидан) тезроқ пишади<sup>331</sup>”.

**Шарҳ.** Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам гўштни муттасил эмас, онда-сонда ердилар. Чунки гўшт доим ҳам топилавермасди. Тезроқ пишгани, ширинлиги, қолаверса, узоқ муддат емаганлари боис Расулуллоҳ қўл гўштига шошилардилар.

Оиша розияллоху анҳо Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам лаззатли нарсаларга қўнғил қўймаганларини ифодалаш учун “Қўл гўшти Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам учун энг сеvimли гўшт эмасди”, деган. Аслида у зот қўйнинг қўлини яхши кўрардилар. Буни қандай тушуниш керак?

<sup>329</sup> Қаранг: Бухорий. Саҳиҳ. – Ж.6. – Б.9. – Ҳ.4428.

<sup>330</sup> 169 – санади заиф. Чунки, Шаҳр ибн Ҳавшаб тафаррудда заифдир.

Бу ҳадисни Доримий “Сунан”да (45), Аҳмад “Муснад”да (3/484) ривоят қилган. Яна қаранг: “Тухфатул ашроф” (12069), “Ал-Муснадул жомаъ” (12489).

<sup>331</sup> 170 – санади заиф. Фулайх ибн Сулаймон мутобаатда эътиборли саналади, бироқ унга мутобаат қилинмаган.

Бу ҳадисни мусанниф – имом Термизий “Сунан”да (1838) худди шу матн ва санад билан ривоят қилган, санадини ҳасан, деган. Қаранг: “Тухфатул ашроф” (16194), “Ал-Муснадул жомаъ” (16822).

Бу ердаги яхши кўриш ҳирс, очкўзлик маъносида эмас, балки табиий истакка кўра яхши кўришдир. Масалан, одам табиатан хушбўйликларни, салқин-сўлим жойларни, чиройли рангларни, чўзал манзараларни яхши кўради. Худди шунга ўхшаб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўйнинг кўлини хуш кўрганлар. Яъни, табиатлари шуни ёқтирган, бироқ таомни меъёрида истеъмол қилганлар, зинҳор чегарадан чиқмаганлар. Бор бўлса, шукр қилиб еганлар. Йўқ бўлса, сабр қилганлар. Қўл гўшти топилмай қолса, изтироб чекмаганлар.

۱۷۱ — حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا أَبُو أَحْمَدَ، حَدَّثَنَا مِسْعَرٌ قَالَ: سَمِعْتُ شَيْخًا مِنْ فَهْمٍ قَالَ: سَمِعْتُ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ جَعْفَرٍ يَقُولُ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: إِنَّ أَطْيَبَ اللَّحْمِ لَحْمُ الظَّهْرِ.

171 – Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Гўштлар ичида энг тотлиси орқа-бел гўштидир”, деб айтганларини эшитганман<sup>332</sup>”.

**Шарҳ.** Аҳамият берсангиз, кабоб ҳам кўпроқ кўйнинг бел ёки биқинидан қилинади. Зеро, бел гўшти энг ширин, покиза саналади. Демак, кўйнинг кўли ва бели бошқа жойларидан кўра лазизроқ, тозароқ экан.

۱۷۲ — حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ وَكَيْعٍ، حَدَّثَنَا زَيْدُ بْنُ الْحُبَابِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْمُؤَمَّلِ، عَنْ ابْنِ أَبِي مُلَيْكَةَ، عَنْ عَائِشَةَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: نِعَمَ الإِدَامُ الخُلُّ.

172 – Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Энг яхши нонхуруш сиркадир”, деганлар<sup>333</sup>.”

**Шарҳ.** Бу ҳадис шарҳини юқорида кўриб ўтган эдик.

۱۷۳ — حَدَّثَنَا أَبُو كُرَيْبٍ، حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ عَيَّاشٍ، عَنْ ثَابِتِ أَبِي حَمزَةَ الثُّمَالِيِّ، عَنِ الشَّعْبِيِّ، عَنْ أُمِّ هَانِيَةَ قَالَتْ: دَخَلَ عَلَيَّ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: أَعِنْدَكَ شَيْءٌ؟ فَقُلْتُ: لَا، إِلَّا خُبْزٌ يَابِسٌ وَخُلٌّ، فَقَالَ: هَاتِي، مَا أَفْقَرَ بَيْتٍ مِنْ أَدَمٍ فِيهِ خُلٌّ.

173 – Умму Ҳоней бинти Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам (Макка фатҳ қилинган куни) менинг олдимга кириб, “Бирон нарсанг борми?” деб сўрадилар. Мен: “Йўқ. Фақат қотган нон билан сирка бор”, дедим. Шунда у зот: “(Уларни) келтир. Сирка бор уй нонхурушдан холи эмас”, дедилар<sup>334</sup>”.

**Шарҳ.** Шунга ўхшаш ривоят Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан нақл қилинган: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка фатҳ этилган куни Умму Ҳонейнинг уйига кирдилар. Қоринлари оч эди. Шунинг учун: “Ейишга бирон нарсанг борми?” деб сўрадилар. Умму Ҳоней: “Менда қотган нон бўлаклари бор, бироқ уларни олдингизга қўйишга уяламан”, деди. Шунда Набий алайҳиссалом: “Олиб келавер”, дедилар. У зот ҳалиги нон бўлақларини сувга солдилар. Умму Ҳоней туз олиб келди. Расулуллоҳ: “Нонхуруш борми?” деб сўрадилар. Умму Ҳоней: “Менда озроқ сиркадан бўлак нарса йўқ эди”, деди. “Уни келтир”, дедилар. Умму Ҳоней сиркани олиб келгач, Расулуллоҳ уни нонга қўшиб

<sup>332</sup> 171 – санади заиф. Чунки, Мисъарнинг шайхи холи мажҳул.

Бу ҳадисни Ибн Можа “Сунан”да (3308), Аҳмад “Муснад”да (1/203), Ҳоким “Мустадрок”да (4/111), Байҳакий “Шуабул имон”да (5891) ривоят қилган.

<sup>333</sup> 172 – санади заиф. Чунки, Абдуллоҳ ибн Муаммал заифдир. Лекин, ҳадис матни саҳих. 151-, 153-ҳадисга қаранг.

<sup>334</sup> 173 – санади заиф. Чунки: 1. Собит Абу Ҳамза Сумолий заиф ровий. 2. Санад узилиб қолган. Зеро, Шаъбий Умму Ҳонейдан ҳадис эшитмаган.

Бу ҳадисни мусанниф “Жомеъ”да (1841) худди шу матн ва санад билан ривоят қилган, санадини ҳасан-ғариб, деган. Қаранг: “Тухфатул ашроф” (18002), “Ал-Муснадул жомеъ” (17377).

едилар. Кейин Аллоҳга ҳамду сано айтиб, “Эй Умму Хоней, сирка нақадар яхши нонхуруш! Сирка бор уй (нонхурушдан) холи эмас”, деб марҳамат қилдилар<sup>335</sup>”.

Демак, бирон уйда сирка бўлса, у ерда нонхуруш йўқ, деб бўлмайди. Қолаверса, қаттиқ нон билан сирка ҳам инсонга озуқа бўлади.

Бу ривоят “Сирка энг яхши нонхурушдир” деган ҳадис ҳолатга қараб айтилганини тасдиқлайди.

۱۷۴ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ الْمُثَنَّى، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ جَعْفَرٍ، حَدَّثَنَا شُعْبَةُ، عَنْ عَمْرِو بْنِ مُرَّةٍ، عَنْ مُرَّةَ الْهَمْدَانِيِّ، عَنْ

أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: فَضْلُ عَائِشَةَ عَلَى النَّسَاءِ كَفَضْلِ الثَّرِيدِ عَلَى سَائِرِ الطَّعَامِ.

174 – *Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анху Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади:*

“**Оишанинг (бошқа) аёллардан афзаллиги сариднинг қолган таомлардан афзаллигига ўхшайди**<sup>336</sup>”.

**Шарҳ.** Сарид – сувига нон тўғралиб, устига гўшти тахлаб сузиладиган шўрва. Саридда баъзан гўшт бўлмаслиги ҳам мумкин. Фойдаси кўплиги, енгил тановул қилиниши, мазали экани учун сарид араблар наздида бошқа таомлардан афзалдир. Худди шунга ўхшаб мўминлар онаси, буюк саҳобия, олима, фақиҳа аёл – Оиша розияллоҳу анҳо ўз замонидаги бошқа аёллардан афзалдирлар.

۱۷۵ – حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ جَعْفَرٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ مَعْمَرٍ الْأَنْصَارِيُّ أَبُو

طُؤَالَةَ: أَنَّهُ سَمِعَ أَنَسَ بْنَ مَالِكٍ يَقُولُ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: فَضْلُ عَائِشَةَ عَلَى النَّسَاءِ كَفَضْلِ الثَّرِيدِ عَلَى

سَائِرِ الطَّعَامِ.

175 – *Анас ибн Молик розияллоҳу анху Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади:*

“**Оишанинг (бошқа) аёллардан афзаллиги сариднинг қолган таомлардан афзаллиги кабидир**<sup>337</sup>”.

**Шарҳ.** Бу ҳадис шарҳини юқорида кўрдик. Фақат ровийда фарқ бор.

۱۷۶ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ بْنُ مُحَمَّدٍ، عَنْ سُهَيْلِ بْنِ أَبِي صَالِحٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ:

أَنَّهُ رَأَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ مِنْ أَكْلِ ثَوْرٍ أَقِطٍ، ثُمَّ رَأَهُ أَكَلَ مِنْ كَتِفِ شَاةٍ، ثُمَّ صَلَّى، وَلَمْ يَتَوَضَّأَ.

176 – *Абу Хурайра розияллоҳу анхундан ривоят қилинишича, у Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пишлоқ (ёки сузма/курт) егандан кейин вузуъ қилганларини кўрган экан. Кейин қўй кифтини еб, намоз ўқиганларини кўрган, лекин вузуъ қилмаганлар<sup>338</sup>.*

**Шарҳ.** “Вузуъ” сўзининг луғавий маъноси “баъзи аъзоларини ювиш”дир. Шаръий маъноси эса “ибодат қилиш учун маълум аъзоларни яхшилаб ювиш, бошга масҳ тортиш”дир.

Ривоятда айтилган биринчи вузуъ луғавий вузуъ, яъни, икки кафтни ювиш. Иккинчи вузуъ эса шаръий вузуъ, яъни, таҳоратдир. Битта ривоятда “вузуъ” сўзининг икки хил маъноси келган<sup>339</sup>.

Демак, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир бўлак пишлоқ егандан кейин икки кафтларини ювганлар. Қўй гўшти егандан сўнг эса таҳоратни янгиламасдан намоз ўқиганлар. Зеро, оловда пишган гўшт ейиш билан таҳорат бузилмайди.

<sup>335</sup> Қаранг: Ҳоким. Мустадрок. – Ж.4. – Б.59. – Ҳ.6875.; Табароний. Сағир. – Ж.2. – Б.158. – Ҳ.951.

<sup>336</sup> 174 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Бухорий (3411) ва Муслим (2431) “Саҳиҳайн”да, Термизий (1834) ва Ибн Можа (3282) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (4/394) ривоят қилган.

<sup>337</sup> 175 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Бухорий (3770) ва Муслим (2446) “Саҳиҳайн”да, Термизий (3887) ва Доримий (2075) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (3/156), Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да (7113), Бағавий “Шарҳус сунна”да (3963) ривоят қилган.

<sup>338</sup> 176 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Аҳмад “Муснад”да (2/389), Ибн Хузайма “Саҳиҳ”да (42) ривоят қилган.

<sup>339</sup> Қаранг: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладуния. – Б.288.



۱۷۷ – حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنْ وَائِلِ بْنِ دَاوُدَ، عَنْ ابْنِهِ – وَهُوَ بَكْرُ بْنُ وَائِلٍ – عَنِ الرَّهْرِيِّ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: أَوْمَرْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى صَفِيَّةَ بَتَمْرٍ وَسَوِيقٍ.

177 – Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам Сафия (онамизга уйланганларида) хурмо ва савиқ билан валима қилиб берганлар<sup>340</sup>”.

**Шарҳ.** Савиқ – буғдой ва арпа унидан тайёрланадиган атала.

Набий соллаллоху алайхи ва саллам уммул мўминин Сафия бинти Хуяй ибн Ахтаб розияллоху анҳога уйланганларида хурмо ва савиқ таоми билан зиёфат берганлар.

Сафия розияллоху анҳо Хайбар асирларидан эдилар. Пайғамбаримиз алайхиссалом уни озод қилиб, уйланганлар. Озод қилишлари Сафия онамиз махрлари бўлган.

۱۷۸ – حَدَّثَنَا الْحُسَيْنُ بْنُ مُحَمَّدٍ الْبَصْرِيُّ، حَدَّثَنَا الْفَضِيلُ بْنُ سُلَيْمَانَ، حَدَّثَنَا فَايِدُ مَوْلَى عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَلِيٍّ بْنِ أَبِي رَافِعٍ مَوْلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: حَدَّثَنِي عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَلِيٍّ، عَنْ جَدَّتِهِ سَلَمَى: أَنَّ الْحَسَنَ بْنَ عَلِيٍّ، وَابْنَ عَبَّاسٍ، وَابْنَ جَعْفَرٍ أَتَوْهَا فَقَالُوا لَهَا: اصْنَعِي لَنَا طَعَامًا مِمَّا كَانَ يُعْجِبُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَيُحْسِنُ أَكْلَهُ، فَقَالَتْ: يَا بُنَيَّ، لَا تَشْتَهِيهِ الْيَوْمَ قَالَ: بَلَى، اصْنَعِيهِ لَنَا. قَالَ: فَقَامَتْ، فَأَخَذَتْ شَيْئًا مِنْ شَعِيرٍ، فَطَحَنَتْهُ، ثُمَّ جَعَلَتْهُ فِي قَدْرِ، وَصَبَّتْ عَلَيْهِ شَيْئًا مِنْ زَيْتٍ، وَدَقَّتِ الْفُلْفُلَ وَالتَّوَابِلَ، فَفَرَّتَهُ إِلَيْهِمْ، فَقَالَتْ: هَذَا مِمَّا كَانَ يُعْجِبُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَيُحْسِنُ أَكْلَهُ.

178 – Салмо розияллоху анҳудан ривоят қилинишича, Ҳасан ибн Али, Ибн Аббос ва Ибн Жаъфар унинг олдига келиб, “Бизга Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам ёқтирган, ейишни яхши кўрган (таом)дан пишириб беринг”, дейишди. Шунда у: “Эй ўғлим, бугун (тўқчилик сабаб) уни (ейишни) хохламайсан” деди. (Ҳасан): “Майли. Пишириб бераверинг”, деди. Шунда (Салмо) туриб, озроқ арпа олиб, енчди. Кейин қозонга солди. Устидан озроқ ёғ қуйди, қалампир ва зираворлар туйиб солди. Кейин таомни уларнинг олдига қўйиб, “Бу Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам ёқтирган, севиб истеъмол қилган (таом)дандир”, деди<sup>341</sup>.

**Шарҳ.** Уч киши келиб, Набий соллаллоху алайхи ва саллам хизматкорлари, ошпазлари Салмо розияллоху анҳудан Расулulloх яхши кўрган таомни пишириб беришни сўрашди. Шунда Салмо Ҳасан розияллоху анҳуга қараб: “Эй ўғлим, у таомни бугун ея олмайсан” (Яъни, турфа таомлар кўплигидан уни ейишни истамайсан), деди<sup>342</sup>. Улар қўймай талаб қилишганидан кейин Салмо туриб арпа олиб, енчди. Кейин қозонга солди. Устидан озроқ ёғ қуйди. Сўнг овқатга маза кириши, хушбўй бўлиши учун қалампир ва зираворларни майдалаб солди. Таом тайёр бўлганидан кейин меҳмонлар олдига қўйиб, “Мана шу таомни Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам хуш кўриб истеъмол қилардилар”, деди.

۱۷۹ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غِيْلَانَ، حَدَّثَنَا أَبُو أَحْمَدَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، عَنْ الْأَسْوَدِ بْنِ قَيْسٍ، عَنْ نُبَيْحِ الْعَنْزِيِّ، عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ: أَتَانَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي مَنْزِلِنَا، فَدَبَّحْنَا لَهُ شَاةً، فَقَالَ: كَأَنَّهُمْ عَلِمُوا أَنَا نُحِبُّ اللَّحْمَ. وَفِي الْحَدِيثِ قِصَّةٌ.

<sup>340</sup> 177 – санади ҳасан.

Бу ҳадисни Абу Довуд (3744), Термизий (1095) ва Ибн Можа (1909) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (3/110), Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да (4061) ривоят қилган.

<sup>341</sup> 178 – санади заиф. Чунки, Фузайл ибн Сулаймон заиф ровий.

Қаранг: “Тухфатул ашроф” (15894), “Ал-Муснадул жомеъ” (15958).

<sup>342</sup> Салмо розияллоху анҳо пиширган таомни турли-туман овқатлар кўплигида, тўқчилик пайтида одам егиси келмасди.

179 – Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоху алайхи ва саллам уйимизга келдилар. Биз у зот учун битта қўй сўйдик. Шунда: “Гўё улар гўштни яхши кўришимизни биладигандеклар”, деб айтдилар”. Бу ҳадис борасида қисса бор<sup>343</sup>.

**Шарҳ.** Бу ҳадисдан Расулуллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам саҳобаларига нақадар илтифотли, хушмуомала бўлганларини билиб оламиз. Қолаверса, меҳмонга борган одам – мезбонни машаққатга қўймаслик шарт билан – нимани яхши кўришини айтиши жоизлиги маълум бўлади.

Гўштни яхши кўришларини айтишлари унга майллари кучли экани учун эмас, балки мезбонлар қалбига қувонч бағишлаш ниятида эди.

Имом Термизий бу воқеани мухтасар келтирган. Бошқа муҳаддислар китобида қўшимча маълумотлар бор. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Мен отам зиммасидаги қарз(ни тўлаш)да ёрдам сўраб Набий соллаллоху алайхи ва саллам ҳузурларига бордим. У зот: “Сизларникига бораман”, дедилар. Шунда мен (уйга) қайтиб, аёлимга: “Расулуллоҳ соллаллоху алайхи ва салламга гапирма, у зотдан (ҳеч нарса) сўрама”, дедим. У зот бизникига келдилар. Жанобга атаб уй ҳайвонимизни сўйдик. Шунда у зот: “Эй Жобир, гўё гўштни яхши кўришимизни биладигандексизлар”, дедилар. (Набий соллаллоху алайхи ва саллам ташқарига) чиққанларида аёлим у зотга: “Мен билан эрим ҳақиқа (ёки ҳақимизга) дуо қилинг”, деди. Шунда у зот: “Эй Аллоҳ, уларнинг устига раҳматингни, мағфиратингни ёғдир!” деб дуо қилдилар. Мен аёлимга: “Сени (бу ишдан) қайтармаганмидим?” дедим. У: “Расулуллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам бизнинг уйга кирадилар-у, ҳақимизга дуо қилмай кетадиларми?!” деди<sup>344</sup>”.

۱۸۰ – حَدَّثَنَا ابْنُ أَبِي عُمَرَ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مُحَمَّدٍ بْنِ عَقِيلٍ: أَنَّهُ سَمِعَ جَابِرًا – قَالَ سُفْيَانُ: وَحَدَّثَنَا ابْنُ الْمُنْكَدِرِ، عَنْ جَابِرٍ – قَالَ: خَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَنَا مَعَهُ، فَدَخَلَ عَلَى امْرَأَةٍ مِنَ الْأَنْصَارِ، فَذَبَحَتْ لَهُ شَاةً، فَأَكَلَ مِنْهَا، وَأَتَتْهُ بِقِنَاعٍ مِنْ رُطْبٍ، فَأَكَلَ مِنْهُ، ثُمَّ تَوَضَّأَ لِلظُّهْرِ، وَصَلَّى، ثُمَّ انْصَرَفَ، فَأَتَتْهُ بِعُلَّالَةٍ مِنْ عُلَّالَةِ الشَّاةِ، فَأَكَلَ، ثُمَّ صَلَّى الْعَصْرَ، وَمَ يَتَوَضَّأُ.

180 – Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам (уйларидан) чиқиб, – мен ҳам у зот билан бирга эдим – бир ансория аёлникига кирдилар. Ҳалиги аёл у зот учун бир қўй сўйди. Расулуллоҳ ундан едилар. Ансория аёл хурмо толасидан тўқилган товоқда янги хурмо келтирди. У зот ундан едилар. Кейин пешинга таҳорат қилиб, намоз ўқидилар. Кейин (ўша хотиннинг уйига) қайтиб бордилар. Аёл қўй гўшtidан қолганини у зот олдиларига келтирди. Расулуллоҳ ундан едилар. Кейин асрни ўқидилар, бироқ таҳоратни янгиламадилар<sup>345</sup>”.

**Шарҳ.** Саҳоба Жобир розияллоху анху: “Мен ҳам у зот билан бирга эдим” дейиш билан ўзининг юксак одобини намойиш этмоқда. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам ҳар тарафдан раҳнамо, у киши ва бошқа саҳобалар эргашувчи эдилар.

Набий соллаллоху алайхи ва саллам пешинга таҳорат олганлари қўй гўшти еганлари учун эмас, балки таҳоратсиз бўлганлари ёки таҳоратни янгилаш ниятида эди. Аср намозини ўқиш учун таҳоратни янгиламаганлари сўзимиз исботидир.

Савол: Ривоятда Набий соллаллоху алайхи ва саллам бир кунда икки марта гўшт еганлари айтилмоқда. Ваҳоланки, Оиша розияллоху анхудан қилинган ривоятда у зот бир кунда икки маҳал гўштга тўймаганлари айтилганди. Буни қандай тушунамиз?

Жавоб: Расулуллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам ансория аёлникида меҳмон бўлганларида пешиндан олдин озроқ гўшт еб, кейин намозга турган, намоз ўқиб бўлганларидан кейин гўштнинг қолган

<sup>343</sup> 179 – санади саҳих.

Бу ҳадисни Доримий “Сунан”да (46), Аҳмад “Муснад”да (3/397) ривоят қилган.

<sup>344</sup> Қаранг: Аҳмад. Муснад. – Ж.22. – Б.148. – Ҳ.14245.; Ибн Ҳиббон. Саҳих. – Ж.3. – Б.264. – Ҳ.984. Ривоят санади саҳих.

<sup>345</sup> 180 – санади саҳих.

Бу ҳадисни Термизий “Сунан”да (80), Ибн Ҳиббон “Саҳих”да (1130), Абу Яъло “Муснад”да (2160), Абдураззок “Мусаннаф”да (639) ривоят қилган.

қисми олиб келинган бўлиши мумкин. У зот битта таомни иккига бўлиб еганлар. Икки марта қоринлари тўйгунича овқатланмаганлар. Яна Аллоҳ билгувчи.

۱۸۱ – حَدَّثَنَا الْعَبَّاسُ بْنُ مُحَمَّدٍ الدُّورِيُّ، حَدَّثَنَا يُونُسُ بْنُ مُحَمَّدٍ، حَدَّثَنَا فُلَيْحُ بْنُ سُلَيْمَانَ، عَنْ عَثْمَانَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، عَنْ يَعْقُوبَ بْنِ أَبِي يَعْقُوبَ، عَنْ أُمِّ الْمُنْذِرِ قَالَتْ: دَخَلَ عَلَيَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَمَعَهُ عَلِيٌّ، وَلَنَا دَوَالِي مُعَلَّقَةٌ، قَالَتْ: فَجَعَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْكُلُ وَعَلِيٌّ مَعَهُ يَأْكُلُ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِعَلِيِّ: يَا عَلِيُّ، فَإِنَّكَ نَافَةٌ. قَالَتْ: فَجَلَسَ عَلِيٌّ وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْكُلُ. قَالَتْ: فَجَعَلْتُ لَهُمْ سِلْقًا وَشَعِيرًا، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِعَلِيِّ: مِنْ هَذَا فَأَصِيبُ فَإِنَّ هَذَا أَوْفُقُ لَكَ.

181 – Уммул Мунзир розияллоху анҳодан ривоят қилинади: “(Бир куни) Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам менинг уйимга кирдилар. У зот билан Али ҳам бирга эди. Бизникида шохлари билан узиб, осиб қўйилган хурмо бор эди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ундан ея бошладилар. Али ҳам у зотга қўшилиб (халиги хурмолардан) еди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Алига қараб: “Сен (ейишни) тўхтат, эй Али! Чунки яқиндагина тузалгансан”, дедилар. Али ўтирди. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам бўлсалар ейишда давом этдилар. Мен улар учун баргли ошқўк ва арпа(дан иборат таом) қилиб бердим. Шунда Набий соллаллоху алайҳи ва саллам Алига: “Бундан еявер. Чунки, бу сенга мувофикрокдир”, дедилар<sup>346</sup>.”

**Шарҳ.** Уммул Мунзир бинти Қайс Ансория розияллоху анҳо ота тарафдан Набий соллаллоху алайҳи ва саллам холаларидан биридир<sup>347</sup>. Айтилишича, исми “Салмо” бўлган.

Ривоятга кўра, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Али розияллоху анҳу билан Уммул Мунзир розияллоху анҳонинг уйига бориб, навдаси билан узиб, илиб қўйилган хурмо ичидан пишганларини териб еганлар. Али ибн Абу Толиб ҳам хурмодан еган. Лекин Пайғамбаримиз алайҳиссалом касалликдан энди соғайгани, ҳали қувватга кирмагани сабаб кўп хурмо емасликни тайинлаганлар. Шунда Али бас қилган. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам ейишда давом этганлар. Кейин Уммул Мунзир розияллоху анҳо ошқўк ва арпадан иборат таом тайёрлаб берган. Овқат пишгач, меҳмонларга тортилган. Шунда Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: “Эй Али, бу овқатдан еявер. Чунки у сенга муносиб таомдир”, деганлар.

Табиблар айтишича, арпа ошқўк (силқ) билан бирга пиширилса, касалликдан янги соғайганлар учун жуда фойдали таом бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Али розияллоху анҳуга айтган гаплари у зот умматнинг дунё ва охирати: жисми, руҳи, барча ҳолатлари учун ўта зарур кўрсатмалар берганларини билдиради.

۱۸۲ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا بِشْرُ بْنُ السَّرِيِّ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنْ طَلْحَةَ بْنِ يَحْيَى، عَنْ عَائِشَةَ بِنْتِ طَلْحَةَ، عَنْ عَائِشَةَ أُمِّ الْمُؤْمِنِينَ قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْتِينِي فَيَقُولُ: أَعِنْدَكَ عَدَاءٌ؟ فَأَقُولُ: لَا، فَيَقُولُ: إِنِّي صَائِمٌ. قَالَتْ: فَأَتَانِي يَوْمًا، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّهُ أَهْدَيْتَ لَنَا هَدِيَّةً، قَالَ: وَمَا هِيَ؟ قُلْتُ: حَيْسٌ، قَالَ: أَمَا إِنِّي أَصْبَحْتُ صَائِمًا. قَالَتْ: ثُمَّ أَكَلُ.

182 – Уммул мўминин Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: “Набий соллаллоху алайҳи ва саллам олдимга келиб, “(Ейишга) бирон нарсанг борми?” деб сўрардилар. Мен: “Йўқ”, дердим. У зот: “У ҳолда мен рўзадорман”, деб айтардилар. Бир куни олдимга келдилар. Шунда мен: “Эй

<sup>346</sup> 181 – санади заиф. Чунки, Фулайх ибн Сулаймон тафарруда заифдир.

Бу ҳадисни Абу Довуд (3856), Термизий (2037) ва Ибн Можа (3442) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (6/363), Ҳоким “Мустадрок”да (4/407) ривоят қилган.

<sup>347</sup> Одатда, киши отасининг холасини ҳам хола, деб чақиради.

Расулulloх, бизга ҳадя берилди”, дедим. “У нима экан?” деб сўрадилар. “Ҳайс” деб жавоб бердим. У зот: “Мен рўзадор ҳолда тонг оттиргандим”, дедилар. Кейин (ҳалиги таомдан) едилар<sup>348</sup>”.

**Шарҳ.** Ҳайс – курт, ёғ, хурмо аралаштириб пишириладиган таом. Курт ўрнига ун солиниши ҳам мумкин.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Оиша розияллоҳу анҳо олдиларига келиб, “Нонуштага бирон нарса борми?” деб сўрадилар. Агар Оиша онамиз: “Йўқ”, десалар, “Унда мен рўзадорман”, деб нафл рўзага ният қилардилар. Агар киши тонг отганидан кейин бирон нарса еб-ичмаган бўлса, сўнг рўза тутишни истаса, нафл рўзани ният қилса бўлади. Зеро, нафл рўзанинг ниятини кечаси қилиш шарт эмас. Жумҳур уламоларга кўра, фарз рўза тутиш учун тунда ният қилиб олинади.

Ҳафса розияллоҳу анҳодан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ким рўзага кечаси (тонг отмасидан олдин ният) қилмаса, унинг учун рўза йўқ”, деганлар<sup>349</sup>.

Бир сафар Пайғамбаримиз алайҳиссалом Оиша онамиздан нонушта сўраганларида: “Бизга ҳадя берилди”, деб курт, ёғ, хурмо солиб пиширилган ҳайс таоми юборилганини айтганлар. Шунда Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам рўзани ният қилганларини айтиб, ўша таомдан еганлар. Бундан чиқди, нафл рўза тутган одамнинг ихтиёри ўзида. Қачон истаса, ўша маҳал рўзасини очиши мумкин, бироқ ўрнига бир кун қазо рўза тутиб беради.

۱۸۳ – حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، حَدَّثَنَا عُمَرُ بْنُ حَفْصِ بْنِ غِيَاثٍ، حَدَّثَنَا أَبِي، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ أَبِي يَحْيَى الْأَسْلَمِيِّ، عَنْ يَزِيدَ بْنِ أَبِي أُمَيَّةَ الْأَعْوَرِ، عَنْ يُوسُفَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ سَلَامٍ قَالَ: رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَخَذَ كِسْرَةً مِنْ خُبْزِ الشَّعِيرِ فَوَضَعَ عَلَيْهَا تَمْرَةً وَقَالَ: هَذِهِ إِدَامٌ هَذِهِ وَأَكَلْ.

183 – Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳу ривоят қилади: “Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам арпа нондан бир бўлагини олиб, устига бир дона хурмо қўйиб, “Бунинг нонхуриши (мана) будир”, дея (уни) еганларини кўрганман<sup>350</sup>”.

**Шарҳ.** Демак, арпа нонни хурмо билан еса ҳам бўлади. Иккови бир-бирига нонхуруш ўрнига ўтади.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам таомларни тадбир қилиб еганлар. Зеро, арпа мизожи совуқ-куруқ. Хурмоники эса иссиқ-хўл. У зот мизожи иссиқ ёки совуқ бўлган икки нарсани кўшиб емасдилар. Бунга риюя қилиш киши саломатлиги учун ўта муҳим.

۱۸۴ – حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، أَنْبَأَنَا سَعِيدُ بْنُ سُلَيْمَانَ، عَنْ عَبَّادِ بْنِ الْعَوَّامِ، عَنْ حُمَيْدٍ، عَنْ أَنَسٍ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يُعْجِبُهُ الثُّغْلُ. قَالَ عَبْدُ اللَّهِ: يَعْني مَا بَقِيَ مِنَ الطَّعَامِ.

184 – Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам (қозон, лаган ёки коса) тагида қолган таомни хуш кўрардилар<sup>351</sup>”.

**Шарҳ.** Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам қозон ёки идиш тагида қолган таомни нима учун яхши кўрардилар? Чунки у яхшироқ пишади, мазали бўлади. Яхши пишган таомни иштаҳа билан ейилса, ҳазми ҳам енгил кечади.

<sup>348</sup> 182 – санади ҳасан.

Бу ҳадисни Муслим “Саҳиҳ”да (1154), Абу Довуд (2455), Термизий (734) ва Насойий (4/194) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (6/49) ривоят қилган.

<sup>349</sup> Қаранг: Насойий. Сунан. – Ж.4. – Б.197. – Ҳ.2334.; Доримий. Сунан. – Ж.2. – Б.1057. – Ҳ.1740.; Доракутний. Сунан. – Ж.3. – Б.128. – Ҳ.2213. Ҳадис санади саҳиҳ.

<sup>350</sup> 183 – санади заиф. Чунки Язид ибн Абу Умайянинг ҳоли мажҳул.

Бу ҳадисни Абу Довуд “Сунан”да (3260, 3830) ривоят қилган. Қаранг: “Тухфатул ашроф” (11854), “Ал-Муснадул жомаъ” (12171).

<sup>351</sup> 184 – санади заиф, бироқ, Шуайб Арнаут имом Аҳмад “Муснад”да келтирган ривоят санади ҳасанлигини айтган (Қаранг: 13300-ҳадис).

Бу ҳадисни Аҳмад “Муснад”да (3/220), Ҳоким “Мустадрок”да (4/115-116), Байҳақий “Шуабул имон”да (5924), Абу Шайх “Ахлоқун набий”да (119) ривоят қилган.

Қозон, лаган, коса тагида қолган таомларни хуш кўришлари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам камтарликларига ҳам далолат қилади. Зотан, мутақаббирлар бундай таомни ейишни ўзига эп кўрмайди. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳар бир сўзлари, хатти-ҳаракатлари, ҳолатлари биз учун намунадир.

## 27-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМНИНГ ТАОМДАН ОЛДИНГИ ВУЗУЪЛАРИ СИФАТИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 3 та ҳадис бор: 185-187)

**Шарҳ.** Юқорида айтиб ўтилганидек, “вузуъ” сўзининг икки хил маъноси бор: 1. Икки кафтни ювиш. 2. Таҳорат қилиш. Бу бобда “вузуъ”нинг иккала маъноси борлиги учун мазкур сўзни аслида қандай бўлса, шундайлигича ифодаладик. Чунки, тилимизда “вузуъ” калимасининг ҳам луғавий, ҳам шаръий маъносини очиб берадиган сўз топилмади. Айрим ҳолларда таржимада сўзларни аслидек келтириш зарурати туғилади. Кейин унинг маъноси изоҳланади. Бу – бир тарафдан – тилнинг бойишига хизмат қилади.

۱۸۵ – حَدَّثَنَا أَحْمَدُ بْنُ مَنِيعٍ، حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ إِبرَاهِيمَ، عَنْ أَيُّوبَ، عَنْ ابْنِ أَبِي مُلَيْكَةَ، عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ مِنَ الْخَلَاءِ، فَقُرَّبَ إِلَيْهِ الطَّعَامُ، فَقَالُوا: أَلَا نَأْتِيكَ بِوَضُوءٍ؟ قَالَ: إِنَّمَا أُمِرْتُ بِالْوَضُوءِ إِذَا قُمْتُ إِلَى الصَّلَاةِ.

185 – Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳожатхонадан чиққанларидан кейин у зотга таом келтирилиб, “Сизга таҳорат суви олиб келайликми?” дейишди. Шунда у зот: “Мен қачон намозга турсам, ўшанда таҳорат қилишга буюрилганман”, дедилар<sup>352</sup>.

**Шарҳ.** Бу ривоятга кўра, ҳожатхонадан чиққанда ёки овқат ейишдан олдин таҳорат қилиш вожиб эмас. Намоз ўқишдан олдин таҳорат олинади. Чунки Аллоҳ таоло намоз ўқимокчи бўлган одамга таҳорат қилишни буюрган. Қуръони каримда айтилади: “Эй имон келтирганлар, қачон намозга турсангиз юзларингизни, кўлларингизни тирсақларигача ювинг, бошларингизга масҳ тортинг, оёқларингизни ҳам тўпиқларигача (ювинг)!..” (“Моида” сураси, 6-оят).

Таҳоратда қайси аъзоларни ювиш лозимлиги мана шу оятдан олинган. Жумладан, ҳанафий мазҳаби уламолари мазкур оятдан келиб чиқиб, таҳоратда тўртта фарз борлигини айтишган. Улар:

1. Юзни ювиш;
2. Қўлни тирсақлари билан қўшиб ювиш;
3. Бошнинг тўртдан бирига масҳ тортиш;
4. Оёқларни тўпиқлари билан қўшиб ювиш.

Хоҳ фарз, хоҳ нафл бўлсин, намоз ўқиш, тиловат саждаси қилиш, Қуръони каримни қўлга олиш учун таҳоратли бўлиш лозим. Агар бу амаллар таҳоратсиз амалга оширилса, банда гуноҳкор бўлади. Таҳоратсиз ўқилган намоз мақбул эмас.

۱۸۶ – حَدَّثَنَا سَعِيدُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْمَخْرُومِيُّ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ بْنُ عُيَيْنَةَ، عَنْ عَمْرِو بْنِ دِينَارٍ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْحُوَيْرِثِ، عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: خَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنَ الْعَائِطِ، فَأُتِيَ بِطَعَامٍ، فَتَقِيلَ لَهُ: أَلَا تَوَضَّأُ؟ فَقَالَ: أَأَصَلِّي فَأَتَوَضَّأُ؟!

<sup>352</sup> 185 – санади саҳих.

Бу ҳадисни Абу Довуд (3760), Термизий (1847) ва Насоий (1/85) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (1/282), Ибн Хузайма “Саҳих”да (35) ривоят қилган.

186 – Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳоҷатхонадан чиққанларидан кейин таом келтирилди ва: “Таҳорат қиласизми?” дейилди. Шунда у зот: “Намоз ўқирмидим, таҳорат қиламан?!” дедилар<sup>353</sup>”.

**Шарҳ.** Демак, овқатланишдан олдин шаръий вузуъ, яъни, таҳорат шарт эмас. Банда қачон намоз ўқимоқчи бўлса, шундагина таҳорат олиш вожибдир.

۱۸۷ – حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُوسَى، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ نُمَيْرٍ، حَدَّثَنَا قَيْسُ بْنُ الرَّبِيعِ.

(ح) وَحَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْكَرِيمِ الْجُرَجَانِيُّ، عَنْ قَيْسِ بْنِ الرَّبِيعِ، عَنْ أَبِي هَاشِمٍ، عَنْ زَادَانَ، عَنْ سَلْمَانَ قَالَ: قَرَأْتُ فِي التَّوْرَةِ: أَنَّ بَرَكَةَ الطَّعَامِ الْوُضُوءُ بَعْدَهُ، فَذَكَرْتُ ذَلِكَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَأَخْبَرْتُهُ بِمَا قَرَأْتُ فِي التَّوْرَةِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: بَرَكَةُ الطَّعَامِ الْوُضُوءُ قَبْلَهُ وَالْوُضُوءُ بَعْدَهُ.

187 – Салмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Мен Тавротда таомнинг баракаси ундан кейин қўл ювишда, деб ўқигандим. Буни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтиб, Тавротда ўқиганим хабарини берганимда, у зот: “Таомнинг баракаси ундан олдин ва кейин қўл ювишдадир”, дедилар<sup>354</sup>”.

**Шарҳ.** Салмон Форисий розияллоҳу анҳу Таврот китобида таомнинг баракаси овқат еб бўлгандан кейин қўлларни ювишдадир, деб ўқиган экан. Вақти келиб, буни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтганида у зот бу одат шариатимизда мавжудлигини, нафақат таомдан кейин, балки таомдан олдин ҳам қўл ювиш барака эканини тушунтирганлар. Демак, таом ейишдан олдин ҳам, кейин ҳам икки қўлни яхшилаб ювиш соғлиқни сақлашга, хайр-баракага сабаб бўлади.

## 28-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ ТАОМДАН ОЛДИНГИ ВА КЕЙИНГИ ҚАВЛЛАРИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 7 та ҳадис бор: 188-194)

**Шарҳ.** Бу бобда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам таом ейишдан олдин “Бисмиллаах” деганлари, овқатланиб бўлгач ўқиган дуолари ҳақидаги ривоятлар жамланган.

۱۸۸ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ، حَدَّثَنَا ابْنُ لَهْيَعَةَ، عَنْ يَزِيدَ بْنِ أَبِي حَبِيبٍ، عَنْ رَاشِدِ الْيَافِعِيِّ، عَنْ حَبِيبِ بْنِ أَوْسٍ، عَنْ أَبِي أَيُّوبَ الْأَنْصَارِيِّ قَالَ: كُنَّا عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمًا، فَقُرِّبَ طَعَامٌ، فَلَمْ أَرِ طَعَامًا كَانَ أَعْظَمَ بَرَكَةً مِنْهُ أَوْلَ مَا أَكَلْنَا، وَلَا أَقَلَّ بَرَكَةً فِي آخِرِهِ، فَقُلْنَا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، كَيْفَ هَذَا؟ قَالَ: إِنَّا ذَكَرْنَا اسْمَ اللَّهِ حِينَ أَكَلْنَا، ثُمَّ قَعَدَ مَنْ أَكَلَ وَمَنْ يُسَمِّ اللَّهُ تَعَالَى، فَأَكَلَ مَعَهُ الشَّيْطَانُ.

188 – Абу Айюб Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Биз Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хузурларида эдик. Шунда таом кўйилди. Ейишни бошлаганимизда жуда баракали бўлган, охирида баракаси камайган таомни ҳеч кўрмагандим. Биз: “Эй Расулulloҳ, бу қандай (бўлди)?” деб сўрадик. У зот: “(Овқат) ейишни бошлаганимизда Аллоҳ исмини зикр қилдик. Кейин

<sup>353</sup> 186 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Муслим “Саҳиҳ”да (374), Доримий “Сунан”да (773), Аҳмад “Муснад”да (1/221), Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да (5208), Ибн Абу Шайба “Мусаннаф”да (8/298) ривоят қилган.

<sup>354</sup> 187 – санади заиф. Чунки Қайс ибн Рабийъ заиф ровий.

Бу ҳадисни Абу Довуд (3761) ва Термизий (1846) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (5/441), Ҳоким “Мустадрок”да (4/106), Бағавий “Шарҳус сунна”да (2833) ривоят қилган.

(бир киши келиб, овқат) ейишга ўтирди. Бироқ “Бисмиллаах”, демади. (Шунинг учун) шайтон унга қўшилиб (таом) еди”, дедилар<sup>355</sup>”.

**Шарҳ.** Саҳобалар Набий соллаллоху алайҳи ва саллам билан бир жойда меҳмондорчиликда ўтиришганди. Улар орасида Абу Айюб Ансорий розияллоху анху ҳам бор эди. Меҳмонларга таом тортилди. Шунда Абу Айюб бир нарсага эътибор берди: ейишаётган таомлари бошида ниҳоятда баракали эди. Охирида овқатдан барака кетган. Бунинг сабабини Расулуллох алайҳиссаломдан сўрашди. Шунда Пайғамбаримиз: “Таом ейишни бошлаганимизда “бисмиллаах”, дедик. Шайтон қўшилиб ейишга ҳеч қандай йўл топа олмади. Зеро, Аллох номи зикр қилинган жойда шайтонга насиба йўқ. Кейин бир киши келиб, таомга қўл узатди, бироқ “Бисмиллаах”, демади. Шунинг учун шайтон у билан бирга еди. Таом охирида барака учиши сабаби шунда”, деган маънода жавоб қайтардилар.

Бундан чиқди, таом еяётганда “Бисмиллаах” дейилмаса, шайтон бандага қўшилиб овқат ейди. Унга улуш қолдирмаслик, овқатдан баракани учирмаслик учун Аллох исмини тилга олиш лозим.

Бу маънодаги бошқа ҳадислар ҳам бор. Жумладан, Жобир ибн Абдуллох розияллоху анху Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Агар киши уйига кираётганида ва таом(ланаётган)ида Аллохни зикр қилса, шайтон: “Сизларга (бу ерда) ётоқ ҳам, кечки овқат ҳам йўқ!” дейди. Агар (уйига) кирса-ю, Аллохни зикр қилмаса, шайтон: “Ётоққа эришдингиз!” дейди. Агар таом(ланаётган чоғ)ида ҳам Аллохни зикр қилмаса, у (шайтон): “Сизлар ётоққа ҳам, таомга ҳам эга бўлдингиз!” дейди” (Муслим, Абу Довуд, Насоий ривояти).

Бу ҳадис турганда, юрганда, ётганда, таомдан олдин ва бошқа ҳолатларда “бисмиллох” калимасини айтиш нақадар фазилатли эканидан дарак беради.

Фарзандларимизга шу нарсаларни тушунтириб, уларни исломий одоб-ахлоқ руҳида тарбияласак, мақсадга мувофиқ бўлади.

۱۸۹ – حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ مُوسَى، حَدَّثَنَا أَبُو دَاوُدَ، حَدَّثَنَا هِشَامُ الدَّسْتَوَائِيُّ، عَنْ بُدَيْلِ الْعُقَيْلِيِّ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُبَيْدِ بْنِ عُمَيْرٍ، عَنْ أُمِّ كَلْبُومَ، عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا أَكَلْ أَحَدُكُمْ فَنَسِيَ أَنْ يَذْكُرَ اللَّهَ تَعَالَى عَلَى طَعَامِهِ، فَلْيُقِلْ: بِسْمِ اللَّهِ أَوَّلُهُ وَآخِرُهُ.

189 – *Оиша розияллоху анҳо Расулуллох соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Агар биронгангиз (таом) еганда Аллох таоло исмини зикр қилишни унутса, “Бисмиллаахи аввалаҳув ва аахирах”, деб айтсин<sup>356</sup>”.*

**Шарҳ.** Мусулмон инсон таом ейишдан олдин “Бисмиллаах”, дейди. Агар айтиш ёдидан кўтарилса, эслаган заҳоти: “Бисмиллаахи аввалаҳув ва аахирах”, яъни, “Таомнинг бошида ҳам, охирида ҳам бисмиллох”, деб айтади. Шунда Аллохнинг изни билан таом баракаси ҳосил бўлади. Буям Аллохнинг фазли, марҳаматидандир.

۱۹۰ – حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ الصَّبَّاحِ الهَاشِمِيُّ البَصْرِيُّ، حَدَّثَنَا عَبْدُ الْأَعْلَى، عَنْ مَعْمَرٍ، عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عُمَرَ بْنِ أَبِي سَلَمَةَ: أَنَّهُ دَخَلَ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَعِنْدَهُ طَعَامٌ فَقَالَ: اذْنُ يَا بُنَيَّ، فَسَمَّ اللَّهُ تَعَالَى، وَكُنْ بِيَمِينِكَ، وَكُنْ مِمَّا يَلِيكَ.

190 – *Умар ибн Абу Салама розияллоху анхудан ривоят қилинишича, у Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам олдиларига кирганида ҳузурларида таом бор эди. Шунда у зот: “Эй ўғлим, бери кел, (таомдан ол)! “Бисмиллаах”, дегин, ўнг қўлинг билан егин, олдиндан (олиб) егин”, деганлар<sup>357</sup>.*

<sup>355</sup> 188 – санади заиф. Чунки: 1. Ибн Лаҳийъа тафарруда заиф. 2. Рошид ибн Жандал ва Ҳабиб ибн Авсинг ҳоли мажхул.

Бу ҳадисни Аҳмад “Муснад”да (5/415) ривоят қилган. Қаранг: Ҳайсамий. Мажмауз завоид (5/23).

<sup>356</sup> 189 – санади саҳих.

Бу ҳадисни Абу Довуд (3767), Термизий (1858) ва Доримий (2027) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (6/207-208), Ҳоким “Мустандрок”да (4/108) ривоят қилган.

**Шарҳ.** Бу ҳадисда таомланишнинг учта одоби келтирилмоқда. Улар:

1. Овқат ейишдан олдин “Бисмиллаах”, дейиш.
2. Таомни ўнг қўл билан ейиш.
3. Ўз олдидан олиб ейиш.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй ўғлим, бери кел!” дейишлари у зотнинг марҳаматлари, лутф-карамлари, хушмуомалалари белгисидир. Зеро, киши ўзга инсон фарзандига: “Эй ўғлим!” деса, уни ўзига яқин олган бўлади.

Киши таомга илк бор қўл узатаётганида бир марта “Бисмиллаах”, деса, кифоя қилади. Ҳар лукма олаётганида айтса, янада яхши.

Салама ибн Акваъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида чап қўли билан таом еди. Шунда у зот: “Ўнг қўлинг билан е!” дедилар. У: “Бунга қодир эмасман”, деди. Расулуллоҳ: “Қодир бўлмай қол!” дедилар. Уни фақат кибр тўсиб турганди. Шундай сўнг ўша киши ўнг қўлини оғзига олиб боролмай қолди (Муслим, Доримий, Аҳмад ривояти).

Бу ривоятда айтилишича, бир одам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдларида овқатланаётганди. Ислому одобига кўра, овқатни ўнг қўлда ейилади. Бироқ ҳалиги киши чап қўлида еяётганди. Буни кўрган Расулуллоҳ:

- Овқатни ўнг қўлингда е! – деб буюрдилар.
- Ўнг қўлимда ея олмайман! – деди ҳалиги киши.

Йўқ, у ўнг қўлида овқат ейишга қодир эди. Қўли ҳаракатланарди. Аммо бундан ожизлик эмас, кибр тўсиб турганди. Унинг ҳеч қандай узри йўқ эди. Пайғамбар алайҳиссалом айтган ишни қилишга шунчаки бўйни ёр бермади, ёлғон гапирди, ҳақни қабул қилишдан бош тортди. Шунинг учун Расулуллоҳ алайҳиссалом унинг зарарига дуо қилдилар:

- Унда ростдан ҳам ўнг қўлинг билан ея олмай қол! – дедилар.

Аллоҳнинг махбуб Пайғамбари қилган дуо сўзсиз қабул бўлади. Айтишларича, ўнг қўлида таом ейишга кибр қилган ўша одам дуои баддан кейин ўнг қўлини оғзига олиб боролмай (яъни, шол бўлиб) қолган экан.

۱۹۱ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ غَيْلَانَ، حَدَّثَنَا أَبُو أَحْمَدَ الزُّبَيْرِيُّ، حَدَّثَنَا سُفْيَانُ الثَّوْرِيُّ، عَنْ أَبِي هَاشِمٍ، عَنْ إِسْمَاعِيلِ بْنِ رِيَّاحٍ، عَنْ أَبِيهِ رِيَّاحِ بْنِ عَبِيدَةَ، عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا فَرَغَ مِنْ طَعَامِهِ قَالَ: الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَطْعَمَنَا وَسَقَانَا وَجَعَلَنَا مُسْلِمِينَ.

191 – *Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таом еб бўлсалар: “Алҳамдулиллааҳиллазий атъаманаа ва сақонаа ва жаъаланаа минал муслимийн”, деб дуо қилардилар<sup>358</sup>”.*

**Шарҳ.** Ҳадисда келган дуо маъноси: “Бизни таомлантирган, (турфа ичимликлар) ичирган, мусулмонлардан қилган Аллоҳ ҳамдга энг муносиб Зотдир”.

Яъни, бизга мана шу таомни, ичимликни етказган, бизни Ўзигагина бўйсунадиган мусулмон бандаларидан қилган Аллоҳ мақтовга энг лойиқ Зотдир. Инсон Аллоҳ наздидаги энг ҳақ динга мансуб бўлиши, имон ва ислом билан шарафланиши, ейишга етарли таоми, ичишга ичимлиги борлиги улуғ неъматлардандир. Шунинг учун овқат еб, ичимлик ичиб, қорин қўйганидан кейин бу неъматларни берган Аллоҳ таолога ҳамду санолар айтилади. Парвардигор неъматини эътироф этиш, Унга мақтов айтиш ҳам мўмин банди учун шараф.

<sup>357</sup> 190 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Термизий (1857) ва Ибн Можа (3265) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (4/26), Табароний “Кабир”да (8302), Таҳовий “Шарҳу мушкилил осор”да (153) ривоят қилган.

<sup>358</sup> 191 – санади заиф. Чунки Исмоил ибн Риёхнинг ҳоли мажҳул.

Бу ҳадисни Абу Довуд “Сунан”да (3850), Аҳмад “Муснад”да (3/32), Бағавий “Шарҳус сунна”да (2829) ривоят қилган.



۱۹۲ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ بَشَّارٍ، حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ سَعِيدٍ، حَدَّثَنَا ثَوْرُ بْنُ يَزِيدَ، عَنْ خَالِدِ بْنِ مَعْدَانَ، عَنْ أَبِي أُمَامَةَ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا رُفِعَتِ الْمَائِدَةُ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِ يَقُولُ: الْحَمْدُ لِلَّهِ حَمْدًا كَثِيرًا طَيِّبًا مُبَارَكًا فِيهِ، غَيْرَ مُؤَدَّعٍ وَلَا مُسْتَعْنَى عَنْهُ رَبُّنَا.

192 – *Абу Умома розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам олдиларидан дастурхон йиғиштириб олинса, “Алхамдулиллаахи ҳамдан касийрон тоййибан мубаарокан фийх, ғойро муваддаъ ва лаа мустағнаа ғанху роббунаа”, деб дуо қилардилар<sup>359</sup>”.*

**Шарҳ.** Ҳадисда келган дуо маъноси: “Кўп, покиза, муборак ҳамдлар Аллоҳгагина хосдир. У Зотни тарк этиб бўлмайди, Ундан беҳожат ҳам бўлинмайди. (Эй Аллоҳ, Сен) Раббимизсан!”

Яъни, Аллоҳ таоло кўп, ниҳояси йўқ, риё ва сумъадан холи, баракали ҳамду саного муносибдир. У Зотдан ҳожатлар раво этилиши сўралади, Ундан юз ўгирилмайди, балки Аллоҳга доим муҳтож бўлинади.

“Дастурхон йиғиштириб олинса...” деганда “Дастурхон йиғиштириб олинмоқчи бўлса ёки йиғиштириб олиншидан аввал” деган маъно кўзда тутилади. Бундан чикди, таом еб бўлгач, дуо қилинади. Кейин дастурхон йиғиштирилади. Биздаги урф-одат ҳам шундай.

Таом егандан сўнг ўқиладиган дуоларнинг турфа шакллари бор. Бир сафар унисини, бошқа сафар бунисини ўқиса ҳам бўлади. Аслида “Алхамдулиллаах”, деб кўйса, кифоя қилади. Бироқ суннатда келган дуолар ўқилгани афзал.

۱۹۳ – حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ مُحَمَّدُ بْنُ أَبَانَ، حَدَّثَنَا وَكَيْعٌ، عَنْ هِشَامِ الدَّسْتَوَائِيِّ، عَنْ بُدَيْلِ بْنِ مَيْسَرَةَ الْعُقَيْلِيِّ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُبَيْدِ بْنِ عُمَيْرٍ، عَنْ أُمِّ كَلْثُومٍ، عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْكُلُ الطَّعَامَ فِي سِتَّةٍ مِنْ أَصْحَابِهِ، فَجَاءَ أَعْرَابِيٌّ، فَأَكَلَهُ بِلُفْمَتَيْنِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَوْ سَمَى لَكَفَاكُم.

193 – *Оиша розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоху алайҳи ва саллам олти нафар саҳобалари билан овқат тановул қилаётгандилар. Кутилмаганда бир аъробий келиб, таомни икки лукмада еб қўйди. Шунда Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: “Агар у “Бисмиллаах”, деганида сизларга етарди”, дедилар<sup>360</sup>”.*

**Шарҳ.** Бир куни Пайғамбаримиз алайҳиссалом олти нафар саҳоба билан таомланаётгандилар. Шунда бир аъробий (сахролик, кўчманчи араб) келиб, улар еб турган таомни “Бисмиллоҳ” айтмасдан икки лукмада еб қўя қолди. Халқ тили билан айтганда икки ямлаб, бир ютди. Аллоҳни зикр ҳам қилмади, таомни апил-тапил еб қўйди. Шунинг учун овқатдан барака кетди. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: “Агар бу киши овқатга қўл узатишидан олдин “Бисмиллоҳ”, деганида таом ҳаммангизга етарди, Аллоҳ унга барака берарди”, дедилар. “Бисмиллоҳ” айтилмагани учун таомнинг баракаси учди. Демак, таом миқдори кам бўлса ҳам, Аллоҳ номи билан унга барака киради. Кўп таомни “Бисмиллоҳ” сиз ейилса, баракаси бўлмайди. Чунки Аллоҳ зикр этилмаган жойда шайтон ҳозир бўлади. Шайтон орага кирса, барака кўтарилади.

<sup>359</sup> 192 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Бухорий “Саҳиҳ”да (5458), Абу Довуд (3849), Термизий (3456), Ибн Можа (3284) ва Доримий (2029) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (5/252), Ҳоким “Мустадрок”да (4/136) ривоят қилган.

<sup>360</sup> 193 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Абу Довуд (3767), Термизий (1858) ва Доримий (2027) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (6/207), Ҳоким “Мустадрок”да (4/108), Таҳовий “Шарҳул мушқил”да (1084) ривоят қилган.

١٩٤ – حَدَّثَنَا هَنَّادٌ وَمَحْمُودُ بْنُ عَيْلَانَ، قَالَ: حَدَّثَنَا أَبُو أُسَامَةَ، عَنْ زَكَرِيَّا بْنِ أَبِي زَائِدَةَ، عَنْ سَعِيدِ بْنِ أَبِي بُرْدَةَ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ اللَّهَ لَيَرْضَى عَنِ الْعَبْدِ أَنْ يَأْكُلَ الْأَكْلَةَ، فَيَحْمَدُهَا عَلَيْهَا أَوْ يَشْرَبَ الشُّرْبَةَ، فَيَحْمَدُهَا عَلَيْهَا.

194 – Анас ибн Молик розияллоху анху Расулulloх соллаллоху алайхи ва салламдан ривоят қилади: “Албатта, Аллох (мўмин) банда бир (лукма) таом еб, ҳамд айтишидан ёки бир (култум) сув ичиб, ҳамд айтишидан рози бўлади<sup>361</sup>”.

**Шарҳ.** Бир лукма таом, бир ютум сув ҳам неъмат. Уларни истеъмол қилганда ҳамд айтилса, Аллох бундан рози бўлади. Демак, таомдан аввал “Бисмиллох” дейилса, таом еб бўлгач, Аллохга ҳамду сано айтилса, таҳсинга сазовор иш бўлади. Ким шундай қилса, таомига барака киради, Аллох ундан рози бўлади.

Юқорида келтирилган зикрлар овоз чиқариб айтилса, билмайдиганларга илм, унутганларга эслатма бўлади.

## 29-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ СУВ ИЧАДИГАН ИДИШЛАРИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР

(Унда 2 та ҳадис бор: 195-196)

**Шарҳ.** Бу бобда Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам сув, набиз, асал, сут ичган идишлари ҳақидаги икки ривоят келтирилган.

١٩٥ – حَدَّثَنَا الْحُسَيْنُ بْنُ الْأَسْوَدِ الْبَغْدَادِيُّ، حَدَّثَنَا عَمْرُو بْنُ مُحَمَّدٍ، حَدَّثَنَا عَيْسَى بْنُ طَهْمَانَ، عَنْ ثَابِتٍ قَالَ: أَخْرَجَ إِلَيْنَا أَنَسُ بْنُ مَالِكٍ قَدَحَ خَشَبٍ غَلِيظًا مُضَبَّبًا بِحَدِيدٍ فَقَالَ: يَا ثَابِتُ، هَذَا قَدَحُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.

195 – Собит Буноний раҳматуллоҳи алайҳдан ривоят қилинади: “Анас ибн Молик бизга бир қалин, темир қопланган ёғоч идиш олиб чиқиб, “Эй Собит, бу Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам (ичимлик ичган) идишларидир”, деди<sup>362</sup>”.

**Шарҳ.** Демак, Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам ичимлик ичадиган идишлари ёғочдан қалин қилиб ясалган. Маҳкам ушлаб туриши учун унга темир қоплама қилинган.

١٩٦ – حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، أَنْبَأَنَا عَمْرُو بْنُ عَاصِمٍ، أَنْبَأَنَا حَمَّادُ بْنُ سَلَمَةَ، أَنْبَأَنَا حُمَيْدٌ وَثَابِتٌ، عَنْ أَنَسٍ قَالَ: لَقَدْ سَقَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِهَذَا الْقَدَحِ الشَّرَابَ كُلَّهُ: الْمَاءَ وَالنَّبِيذَ وَالْعَسَلَ وَاللَبَنَ.

196 – Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Мен Расулulloх соллаллоху алайхи ва салламга мана бу идишда барча ичимликлар: сув, набиз, асал ва сут ичирганман<sup>363</sup>”.

**Шарҳ.** Сув, асал, сут нималиги маълум. Набиз – хурмо ёки майизни сувда ивитиб тайёрладиган ичимлик. Одатда, кечаси сувга солиб қўйилса, тонггача тайёр бўлади. Бизнинг шароитда кўпроқ туршакдан шундай ичимлик, яъни, ўрик шарбати тайёрланади. Қувватни оширишда мазкур ичимликлар ўрни катта.

<sup>361</sup> 194 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Муслим “Саҳиҳ”да (2734), Термизий “Сунан”да (1816), Аҳмад “Муснад”да (3/100), Ибн Абу Шайба “Мусаннаф”да (8/207), Бағавий “Шарҳус сунна”да (2831) ривоят қилган.

<sup>362</sup> 195 – санади заиф. Чунки, Хусайн ибн Асвад заиф ровий.

Қаранг: “Тухфатул ашроф” (1125), “Ал-Муснадул жомеъ” (892).

<sup>363</sup> 196 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Ҳоким “Мустадрок”да (4/105), Абу Нуайм “Ҳилятул авлиё”да (6/261), Бағавий “Шарҳус сунна”да (3020), Абд ибн Хумайд “Муснад”да (1307), Абу Яъло “Мўъжам”да (3513) ривоят қилган.

Анас ибн Молик розияллоху анху юқорида айтилган – ёғочдан ишланган, темир қопланган идишда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга турли ичимликлар, жумладан, сув, набиз, асал, сут ичирган экан.

### 30-БОБ. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ (ИСТЕЪМОЛ ҚИЛГАН) МЕВАЛАРИ ҲАҚИДА КЕЛГАН РИВОЯТЛАР (Унда 7 та ҳадис бор: 197-203)

**Шарҳ.** Бу бобда Набий соллаллоху алайҳи ва саллам қандай мевалар еганлари ҳақидаги ривоятлар келтирилган. У зот анжир, қовун, тарвуз, хурмо, анор ва ҳоказо мевалар еганлар. Айримларини ҳўл ҳолида, айримларини курук (яъни, қоқи) ҳолида истеъмол қилганлар.

۱۹۷ – حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ بْنُ مُوسَى الْفَرَارِيُّ، حَدَّثَنَا إِبْرَاهِيمُ بْنُ سَعْدٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ جَعْفَرٍ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْكُلُ الْقِثَاءَ بِالرُّطْبِ.

197 – Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоху анхундан ривоят қилинади: “Набий соллаллоху алайҳи ва саллам тарракни ҳўл хурмо билан истеъмол қилардилар<sup>364</sup>”.

**Шарҳ.** Таррак – палак отиб ўсадиган, бодринга ўхшаш полиз экини. Ҳосили бодрингдан йирикрок бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам тарракни, яна тарвуз-қовунни хурмо билан қўшиб ердилар. Бунинг ҳикмати нимада? Хурмода иссиқлик бор. Уни таррак, тарвуз ёки қовун совуқлиги билан кесилади. Шунда мўътадиллик юзага келади.

۱۹۸ – حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ الْخُزَاعِيُّ الْبَصْرِيُّ، حَدَّثَنَا مُعَاوِيَةُ بْنُ هِشَامٍ، عَنْ سُفْيَانَ، عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ عَائِشَةَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَأْكُلُ الْبَطِيخَ بِالرُّطْبِ.

198 – Оиша розияллоху анхундан ривоят қилинишича, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам тарвузни ҳўл хурмо билан ердилар<sup>365</sup>.

**Шарҳ.** Хурмо меваси мизожи иссиқ. Тарвузники совуқ. Иккиси жамланса, мўътадил ҳолат таъминланади. Бундан чиқди, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам овқатланишда таомлар сифатига, хусусиятига эътибор берганлар, тиб қонунларига риоя этганлар. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозим: Пайғамбаримиз алайҳиссалом икки иссиқ ёки икки совуқ мизожли нарсаларни қўшиб истеъмол қилмаганлар. Иссиққа совуқни ёки совуққа иссиқни қўшиб, мўътадиллаштириб еганлар. У зот сут билан балиқни, сут билан тухумни, сут билан гўшти қўшиб емаганлар, таом устига ичимлик ичмаганлар. Чунки бу соғлиқ учун зарардир<sup>366</sup>.

۱۹۹ – حَدَّثَنَا إِبْرَاهِيمُ بْنُ يَعْقُوبَ، حَدَّثَنَا وَهْبُ بْنُ جَرِيرٍ، أَخْبَرَنَا أَبِي قَالَ: سَمِعْتُ مُحَمَّدًا – أَوْ قَالَ: حَدَّثَنِي مُحَمَّدٌ – قَالَ وَهْبٌ: وَكَانَ صَدِيقًا لَهُ، عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَجْمَعُ بَيْنَ الْحَرِيرِ وَالرُّطْبِ.

<sup>364</sup> 197 – санади саҳих.

Бу ҳадисни Бухорий (5440) ва Муслим (2043) “Саҳихайн”да, Абу Довуд (3835), Термизий (1844), Ибн Можа (3325) ва Доримий (2064) “Сунан”да, Аҳмад “Муснад”да (1/203) ривоят қилган.

<sup>365</sup> 198 – санади саҳих.

Бу ҳадисни Абу Довуд (3836) ва Термизий (1843) “Сунан”да, Ибн Ҳиббон “Саҳих”да (5247), Абу Нуайм “Ҳилятул авлие”да (7/367), Бағавий “Шарҳус сунна”да (2894) ривоят қилган.

<sup>366</sup> Қаранг: Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий. Ал-Мавоҳибул ладунья. – Б.315.

199 – Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам қовун билан ҳўл хурмони қўшиб еганларини кўрганман<sup>367</sup>”.

**Шарҳ.** Бунинг сабаби юқорида айтиб ўтилди.

۲۰۰ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ يَحْيَى، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ الْعَزِيزِ الرَّمْلِيُّ، حَدَّثَنَا عَبْدُ اللَّهِ بْنُ يَزِيدَ بْنِ الصَّلْتِ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْحَاقَ، عَنْ يَزِيدَ بْنِ رُوْمَانَ، عَنْ عُرْوَةَ، عَنْ عَائِشَةَ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَكَلَ الْبَطِيخَ بِالرُّطْبِ.

200 – Оиша розияллоху анҳудан ривоят қилинишича, **Набий соллаллоху алайҳи ва саллам тарвузни ҳўл хурмо билан ердилар<sup>368</sup>.**

**Шарҳ.** Бу ҳадис шарҳини юқорида кўриб чиқдик.

۲۰۱ – حَدَّثَنَا قُتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ، عَنْ مَالِكِ بْنِ أَنَسٍ.

(ح) وَحَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ مُوسَى، حَدَّثَنَا مَعْنٌ، حَدَّثَنَا مَالِكٌ، عَنْ سُهَيْلِ بْنِ أَبِي صَالِحٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ: كَانَ النَّاسُ إِذَا رَأَوْا أَوَّلَ الثَّمَرِ جَاءُوا بِهِ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَإِذَا أَخَذَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: اللَّهُمَّ بَارِكْ لَنَا فِي ثَمَارِنَا، وَبَارِكْ لَنَا فِي صَاعِنَا، وَفِي مَدِينَتِنَا، وَبَارِكْ لَنَا فِي صَاعِنَا، وَفِي مَدِينَتِنَا، اللَّهُمَّ إِنَّ إِبْرَاهِيمَ عَبْدَكَ وَخَلِيلَكَ وَنَبِيَّكَ، وَإِيَّ عَبْدَكَ وَنَبِيَّكَ، وَإِنَّهُ دَعَاكَ لِمَكَّةَ، وَإِيَّ أَدْعُوكَ لِلْمَدِينَةِ بِمِثْلِ مَا دَعَاكَ بِهِ لِمَكَّةَ، وَمِثْلِهِ مَعَهُ. قَالَ: ثُمَّ يَدْعُو أَصْغَرَ وَلِيدٍ يَرَاهُ فَيُعْطِيهِ ذَلِكَ الثَّمَرَ.

201 – Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Одамлар ҳосил нишонасини кўришса, уни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам хузурларига олиб келишарди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам уни олиб, “Эй Аллоҳ, бизнинг меваларимизга барака бер, шаҳримизга барака бер, соимизга, муддимизга (яъни, тош-тарозимизга) барака бер. Эй Аллоҳ, албатта, Иброҳим Сенинг банданг, халилинг, пайғамбарингдир. Мен ҳам Сенинг бандангман, пайғамбарингман. (Иброҳим) Макка учун дуо қилган. Мен эса у Макка учун сўраганининг мислича, унинг икки бараварича Мадина ҳақиға дуо қиламан”, дердилар. Кейин ўзлари кўрган энг кичик болани чақириб, ҳалиги мевани унга берардилар<sup>369</sup>”.

**Шарҳ.** Саодат асрида одамлар меванинг илк ҳосилини кўришса, хурсанд бўлиб, уни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам олдиларига олиб келишарди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳосилни кўлларига олиб, “Эй Аллоҳ, бизнинг меваларимизга барака бер (уларни кўпайтир, бало-офатлардан сақла), шаҳримизга барака бер (ризқини мўл-кўл қил, унда Ислому шариатини қоим қил), соимизга, муддимизга (яъни, тош-тарозимизга) барака бер. Эй Аллоҳ, албатта, Иброҳим Сенинг банданг, халилинг, пайғамбарингдир. Мен ҳам Сенинг бандангман, пайғамбарингман. (Иброҳим) Макка учун дуо қилган. Мен эса у Макка учун сўраганининг мислича, унинг икки бараварича Мадина ҳақиға дуо қиламан”, деб Аллоҳга илтижо этардилар. Макка ва Мадина шаҳарлари шарафи, файзи, баракаси ҳам шундан бўлса, ажаб эмас. Зеро, мазкур икки шаҳар ҳақиға Иброҳим Халилуллоҳ, Муҳаммад Ҳабибуллоҳ алайҳимуссалом дуо қилишган. Аллоҳ таоло уларнинг дуоларини ижобат этган. Натижада Макка ва Мадина шаҳарлари энг тинч, энг баракали, қалблар талпинадиган муборак маконга айланган.

Набий соллаллоху алайҳи ва саллам мева нишонасини олиб, дуо қилганларидан кейин уни ёши энг кичик болага берардилар. Бу ҳам у зотнинг лутф-карамлари кенглигини, болаларни нақадар яхши

<sup>367</sup> 199 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Аҳмад “Муснад”да (3/142), Ҳоким “Мустадрок”да (4/120), Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да (5248), Абу Яъло “Мўъжам”да (3867), Абу Шайх “Ахлоқун набий”да (217-бет) ривоят қилган.

<sup>368</sup> 200 – санади заиф. Чунки Муҳаммад ибн Абдулазиз ва Абдуллоҳ ибн Язид ибн Салт заифдир. Мазкур ҳадис санади заиф бўлса ҳам, матни саҳиҳ.

<sup>369</sup> 201 – санади саҳиҳ.

Бу ҳадисни Муслим “Саҳиҳ”да (2038), Термизий (3454), Ибн Можа (3329) ва Доримий (2078) “Сунан”да, Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да (362) ривоят қилган.

кўришларини билдиради. Зеро, болалар мева-чевани, ширинликни яхши кўришади. Ҳосил нишонасини биринчи болаларга берилса, хурсанд бўлишади.

۲۰۲ – حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ حُمَيْدٍ الرَّازِيُّ، أَنبَأَنَا إِبرَاهِيمُ بْنُ الْمُخْتَارِ، عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ إِسْحَاقَ، عَنْ أَبِي عُبَيْدَةَ بْنِ مُحَمَّدِ بْنِ عَمَّارِ بْنِ يَاسِرٍ، عَنِ الرَّبِيعِ بِنْتِ مُعَوِّذِ بْنِ عَفْرَاءَ قَالَتْ: بَعَثَنِي مُعَاذُ بَقِنَاعٍ مِنْ رُطْبٍ، وَعَلَيْهِ أَجْرٌ مِنْ قِثَاءٍ زُعْبٍ، وَكَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُحِبُّ الْقِثَاءَ، فَأَتَيْتُهُ بِهِ، وَعِنْدَهُ حَلِيَّةٌ قَدْ قَدِمَتْ عَلَيْهِ مِنَ الْبَحْرَيْنِ، فَمَلَأَ يَدَهُ مِنْهَا فَأَعْطَانِيهِ.

202 – Рубайийи бинти Муаввиз ибн Афроъ розияллоху анҳодан ривоят қилинади: “(Бир куни амаким) **Муоз бир товоққа янги хурмо солиб, мени (Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам уйларига) юборди. Унинг устида майин тукли таррак бор эди. Набий соллalloху алайҳи ва саллам тарракни яхши кўрардилар. Мен у зот ҳузурларига келдим. Олдиларида Баҳрайдан келтирилган тақинчоқлар бор экан. Ундан қўлларига сиққанча олиб, менга бердилар**<sup>370</sup>”.

**Шарҳ.** Бир куни Муоз ибн Афроъ Ансорий розияллоху анху бир товоққа хурмо, устига майин туклари бор кичик таррак солиб, жияни Рубайийи бинти Муаввиз розияллоху анҳо орқали Расулulloх соллalloху алайҳи ва салламга бериб юборди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом тарракни<sup>371</sup> хуш кўрардилар. Рубайийи у зот манзилларига етиб келиб, олдиларида Баҳрайдан хирож сифатида келтирилган тақинчоқларни кўрди. Шунда Расулulloх бир ҳовуч тақинчоқ олиб, Рубайийиёга бердилар. Аслида таррак билан тақинчоқни бир-бирига қиёслаб бўлмайди. Лекин, Пайғамбаримиз алайҳиссалом қарамлари кенглигидан шундай қилганлар.

۲۰۳ – حَدَّثَنَا عَلِيُّ بْنُ حُجْرٍ، أَنبَأَنَا شَرِيكٌ، عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ مُحَمَّدِ بْنِ عَقِيلٍ، عَنِ الرَّبِيعِ بِنْتِ مُعَوِّذِ قَالَتْ: أَتَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِقِنَاعٍ مِنْ رُطْبٍ وَأَجْرٍ زُعْبٍ، فَأَعْطَانِي مِلءَ كَفِّهِ حُلِيًّا، أَوْ قَالَتْ: ذَهَبًا.

203 – Рубайийи бинти Муаввиз розияллоху анҳодан ривоят қилинади: “**Мен Набий соллalloху алайҳи ва саллам олдиларига бир товоқда янги узилган хурмо билан тукли таррак олиб бордим. Шунда у зот қўлларини тўлдириб, менга тақинчоқ (ёки бир ҳовуч тилло) бердилар**<sup>372</sup>”.

**Шарҳ.** Бу ҳадис шарҳини юқорида ўқидик. Аввалгисидан иккита фарқ бор: (1.) Ҳадис ровийлари ва (2.) лафзи бошқача.

Аллох таолонинг ёрдами билан “Шамоиلى муҳаммадия” китоби шарҳининг 1-жузи ниҳоясига етди. Иккинчи жуз “Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам ичимликлари сифати ҳақида келган ривоятлар” бобидан бошланади.

Тошкент, 2019

## Фойдаланилган манбалар рўйхати

1. Қуръони карим.
2. Шайх Абдулазиз Мансур. “Қуръони карим маъноларининг таржимаси”. – Тошкент.:Тошкент ислом университети нашриёти, 2009. -6176.
3. Шайх Алоуддин Мансур. “Қуръони карим”. /Ўзбекча изоҳли таржима. – Бишкек.: Эркин-Тоо, 2001. –7676.
4. Муҳаммад ибн Исмоил Абу Абдуллох Бухорий. “Саҳихул бухорий”, 6 жуз. – Байрут.:Дору ибни касир – Ямома, 1987.

<sup>370</sup> 202 – санади заиф. Чунки Муҳаммад ибн Ҳумайд Розий заифдир.

Қаранг: “Тухфатул ашроф” (15848), “Ал-Муснадул жомеъ” (15910).

<sup>371</sup> Таррак – бодрингга ўхшаш сабзавот. Ҳосили бодрингникдан каттароқ бўлади.

<sup>372</sup> 203 – санади заиф. Чунки Шарик ибн Абдуллох Нахайи ва Абдуллох ибн Муҳаммад ибн Ақил заифдир.

Бу ҳадисни Аҳмад “Муснад”да (6/359) ривоят қилган. Яна қаранг: “Тухфатул ашроф” (15842), “Ал-Муснадул жомеъ” (15909).

5. Муслим ибн Ҳажжож Абулхусайн Кушайрий Найсобурий. “Саҳиху муслим”, 5 жуз. – Байрут.:Дору ихёит турос.
6. Сулаймон ибн Ашғас Абу Довуд Сижистоний Яздий. “Сунану аби довуд”, 4 жуз. – Байрут.:Дорул фикр.
7. Муҳаммад ибн Исо Абу Исо Термизий. “Сунанут термизий”, 5 жуз. – Байрут.:Дору ихёит турос.
8. Аҳмад ибн Шуайб Абу Абдурахмон Насоий. “Сунанун насоий”, 8 жуз. – Ҳалаб.:Мактабул матбуот, 1986.
9. Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Абу Муҳаммад Доримий. “Сунануд доримий”, 2 жуз. – Байрут.Дорул куттоб ал-арабий, 1407 х.й.
10. Муҳаммад ибн Язид Абу Абдуллоҳ Қазвиний. “Сунану ибни можа”, 2 жуз. – Байрут.:Дорул фикр.
11. Молик ибн Анас ибн Молик ибн Омир Асбахий Маданий. “Ал-муваттоъ”, 8 жуз. – Муассасату зояд ибн султон оли наҳён, 1425 х.й.
12. Аҳмад ибн Ҳанбал Абу Абдуллоҳ Шайбоний. “Муснадул имом аҳмад ибни ханбал”, 6 жуз. – Миср.:Муассасату қуртуба.
13. Муҳаммад ибн Идрис Абу Абдуллоҳ Шофеий. “Муснадуш шофеий”. – Байрут.:Дорул кутубил илмия.
14. Муҳаммад ибн Жарир ибн Язид ибн Касир ибн Голиб Абу Жаъфар Табарий. “Таҳзибул осор”, 2 жуз. – Қоҳира.
15. Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Хузайма Суламий Найсобурий. “Саҳиху ибни хузайма”, 4 жуз. – Байрут.:Ал-мактабул исломий, 1970.
16. Муҳаммад ибн Ҳиббон ибн Аҳмад Абу Ҳотим Тамимий Бастий. “Саҳиху ибни ҳиббон”, 18 жуз. – Байрут.:Муассасатур рисола, 1993.
17. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Абу Абдуллоҳ Ҳоким Найсобурий. “Ал-мустадрак ала саҳихайн”, 4 жуз. – Байрут.:Дорул кутубил илмия, 1990.
18. Али ибн Умар Абулхасан Дорақутний Бағдодий. “Сунану дорақутний”, 4 жуз. – Байрут.:Дорул маърифат, 1966.
19. Абулқосим Сулаймон ибн Аҳмад Табароний. “Ал-муъжамул кабир”, 25 жуз. – Ал-Мавсил.:Мактабул улуми вал ҳикам, 1983.
20. Абулқосим Сулаймон ибн Аҳмад Табароний. “Ал-муъжамул авсат”, 10 жуз. – Қоҳира.: Дорул ҳарамайн, 1415 х.й.
21. Абулқосим Сулаймон ибн Аҳмад Табароний. “Ал-муъжамус сағир”, 2 жуз. – Байрут-Уммон.:Ал-мактабул исломий, 1985.
22. Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Али ибн Мусо Абу Бакр Байҳақий. “Сунанул байҳақий ал-кубро”, 10 жуз. – Маккатул мукаррама.:Мактабу дорил боз, 1994.
23. Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Али ибн Мусо Абу Бакр Байҳақий. “Шуабул имон”, 7 жуз. – Байрут.:Дорул кутубил илмия, 1410 х.
24. Абу Абдурахмон Аҳмад ибн Шуайб Насоий. “Китобус сунанил кубро”. – Байрут.:Дорул кутубил илмия, 1411 х.
25. Абу Бакр Аҳмад ибн Амр ибн Абдулҳолиқ Баззор. “Ал-бахруз заххор муснадул баззор”. – Байрут-Мадина.:Муассасату улумил куръон, 1409 х.
26. Аҳмад ибн Али ибн Мусанна Абу Яъло Мавсилиий Тамимий. “Муснаду аби яъло”, 13 жуз. – Дамашк.: Дорул маъмун лит турос, 1984.
27. Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абу Шайба Куфий. “Мусаннафу ибни аби шайба”, 8 жуз. – Риёз.: Мактабатур рушд, 1409 х.
28. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Салома ибн Жаъфар Қузойй. “Муснадуш шихоб”, 2 жуз. – Байрут.:Муассасатур рисола, 1407 х.
29. Абу Авона Яъқуб ибн Исҳоқ Асфароиний. “Ал-мустахраж”, 5 жуз. – Байрут.:Дорул маърифат.
30. Аҳмад ибн Абдуллоҳ Абу Нуайм Исфаҳоний. “Ҳилятул авлиё ва табакотул асфиё”, 10 жуз. – Байрут.:Дору китобил арабий, 1405 х.
31. Сулаймон ибн Довуд Абу Довуд Форисий Басрий Таёлисий. “Муснаду аби довуд таёлисий”. – Байрут.:Дорул маърифат.

32. Абд ибн Ҳумайд ибн Наср Абу Муҳаммад Кеший. “Муснаду абд ибни ҳумайд”. – Қоҳира.: Мактабатус сунна, 1408 х.
33. Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар Абулфазл Асқалоний Шофейй. “Фатхул борий”, 14 жуз. – Байрут.: Дорул маърифат.
34. Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Мусо ибн Аҳмад ибн Ҳусайн Абу Муҳаммад Бадриддин Айний Ҳанафий. “Умдатул қорий”, 25 жуз. – Байрут.: Дору ихёит турос.
35. Абу Закариё Яҳё ибн Шараф Нававий. “Шархун нававий ала саҳиҳи муслим”, 18 жуз. – Байрут.: Дору ихёит турос, 1392 х.
36. Муҳаммад Шамсулҳаққил Азим Ободий. “Авнул маъбуд”, 4 жуз. – Байрут.: Дорул кутубил илмия, 1995.
37. Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Мусо ибн Аҳмад ибн Ҳусайн Абу Муҳаммад Бадриддин Айний Ҳанафий. “Шарху сунани аби довуд”, 6 жуз. – Риёз.: Мактабатур рушд, 1420 х.
38. Муҳаммад Абдурахмон ибн Абдурахим Абулғало Муборакфурий. “Тухфатул аҳвазий”, 10 жуз. – Байрут.: Дорул кутубил илмия.
39. Абдурахмон ибн Абу Бакр Абулфазл Суютий. “Шархус суютий лисунанин насой”, 8 жуз. – Ҳалаб.: Мактабул матбуот. 1986.
40. Нуруддин ибн Абдулҳодий Абулҳасан Синдий. “Ҳошиятус синдий ала ибни можа”, 8 жуз. – Ҳалаб.: Мактабул матбуот, 1986.
41. Абдурауф Муновий. “Файзул қодир”, 6 жуз. – Миср.: Ал-Мактабатут тижория, 1356 х.
42. Шайх Валиюддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Хатиб Табризий. “Мишкотул масобих”. – Байрут.: Ал-мактабул исломий, 1399 х.
43. Мулло Али Қори. “Мирқотул мафотиҳ шарху мишкотил масобих”, 9 жуз.
44. Абдулғазим ибн Абдулкавий Абу Муҳаммад Мунзирий. “Ат-тарғиб ват-тарҳиб”, 4 жуз. – Байрут.: Дорул кутубил илмия, 1417 х.
45. Али ибн Ҳусомиддин Муттақий Ҳиндий. “Канзул уммол фи сунанил ақволи вал афъол”. – Байрут.: Муассасатур рисолат, 1989.
46. Имом Абу Жаъфар Таҳовий /Шуайб Арнаут таҳқиқи остида/. “Шарху мушкилил осор”, 15 жуз.
47. Зайниддин Абдурауф Муновий. “Ат-тайсир бишарҳил жомийъис сағир”. – Риёз.: Мактабатул имом шофейй, 1408 х., 2 жуз.
48. Мулла Али Қори. “Жамъул васоил фи шарҳиш шамоил” /Муҳаммад ибн Риёз Аҳмад таҳқиқи остида. – Байрут.: Дорул кутубил илмия, 2017.
49. Иброҳим ибн Муҳаммад Божурий Шофейй. “Ал-Мавоҳибул ладуня алаш шамоилил муҳаммадия”. – Мадина.: Дорул юср, 2015.
50. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Қосим Жассус. “Ал-Фавоидул жалия ал-баҳия шархуш шамоилил муҳаммадия”. – Уммон.: Дорул нурил мубин, 2019.
51. Абдураззоқ Абдулмуҳсин. “Шарху шамоилин набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам”. – Риёз, 1435 х.
52. Имом Термизий. “Шамоили муҳаммадийя” /Саййид Маҳмуд Тарозийнинг туркий таржималарини асли арабча қўлёзмаларга таққослаган ҳолда ҳозирги ёзувимизга ўгирувчи Масъудали Ҳакимжонов. – Тошкент.: Меҳнат, 1991. –110б.
53. Абу Исо Термизий. “Аш-Шамоил ан-набавийя” /Таржима ва кириш сўз муаллифи: Убайдулла Уватов. – Тошкент.: Чўлпон, 1993. –112б.
54. Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий. “Шамоили муҳаммадийя” /Ҳазрати Шайх Саййид Маҳмуд Тарозий Олтинхон тўра таржимаси асосида ҳозирги ўзбек тилига мувофиқлаштириб нашрга тайёрловчи Мирзо Кенжабек. – Тошкент.: Шарқ, 2015. –320б.
55. Зиёвуддин Раҳим. “Қуръон – қалблар шифоси”. – Тошкент.: Шарқ, 2016. –432б.
56. Зиёвуддин Раҳим, Одилхон қори Юнусхон ўғли. “Таҳорат китоби”. – Тошкент.: Мовароуннаҳр, 2014. –376б.
57. Зиёвуддин Раҳим. “Бахтли ҳаёт сари”. – Тошкент.: Шарқ, 2016. –348б.